





TAMADDUN SILSILASI

ILMIY JURNALI

*ilmiy, ilmiy-metodik,
ko'p tarmoqli
ilmiy maqolalar
to'plami*



**No 1-SON
OKTYABR**

2020

NAMANGAN 2020

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIYAT VAZIRLIGI**

**NAMANGAN VILOYAT TARIXI VA MADANIYATI
DAVLAT MUZEYI**

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI

TARIX KAFEDRASI

TAMADDUN SILSILASI

(Maqolalar to‘plami)

DAVRIY TO‘PLAM

№ 1

«Iste‘dod ziyo press» nashriyoti
Namangan
2020

UO`K: 821-512-133-9

KBK: 84(Ў36)7

M-01

Tamaddun silsilasi. *(Maqolalar to`plami)/* «Iste`dod ziyo press» nashriyoti . – Namangan, 2020. 288 bet.

To`plam materiallaridan ilmiy jamoatchilik, oliy va o`rta maxsus o`quv yurtlari professor-o`qituvchilari, talaba, magistr va ilmiy tadqiqotchilar foydalanishi mumkin.

Mas`ul muharrir: I.Y. Yusupov, t.f.d., prof.

Taqrizchilar: A. A. Erqo`ziyev, t.f.n., dots.
N. B. Dexkanov, t.f.n., dots.

Taxrir hay`ati: G.Tajiboyev, PhD.
X. Najmiddinova, p.f.n., dots.
G`. Doliyev, k.f.n., dots.
O. Ismanova, PhD.
A. Azizov, s.f.n.
U. Mansurov, PhD.
B. Abdullayev, t.f.n., dots.
Z. Madrahimov, t.f.n., dots.

Maqolalarni nashrga tayyorlovchilar: **I. I. Karimov va D. Z. Olimjonov** -
Namangan davlat universiteti
magistrantlari

Ushbu to`plamdagi maqolalar xolisona yoritilganligi, keltirilgan dalillar va ilmiy muomalaga kiritilgan manbalar asosli ekanligi bo`yicha mas`uliyat mualliflar zimmasidadir.

ISBN 978-9943-6673-4-1

© «Iste`dod ziyo press» nashriyoti, 2020.

Ushbu to‘plam Namangan viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyining 100 yilligiga bag‘ishlanadi.

SO‘Z BOSHI

Tarixga bo‘lgan e‘tibor, ayniqsa, yurtimiz tarixini yoritishga xolisona yondashuv bugungi kunning eng dolzab masalalaridan biri bo‘lib kelmoqda. Bu yana shunisi bilan muhimki, endilikda nafaqat yoshlar, balki katta avlod ham tarixni har qanday mafkuraviy tazyiqlardan xoli tarzda o‘rganishi, erishilgan muvaffaqiyatlar qatori yo‘l qo‘yilgan kamchiliklar va xatolardan saboq chiqarishi uchun ham muhim ahamiyatga ega. Zero, tarixni chuqur o‘rganishda tarixchi-tadqiqotchilarni ilmiy izlanishlari: tezis-maqoladan tortib, monografiyagacha, katta-kichik darajadagi dissertatsiyalar himoyasigacha katta ahamiyat kasb etadi. Bu borada nashr etilishi boshlangan yangi “Tamaddun silsilasi” davriy to‘plamini ham o‘z o‘rni bo‘lishiga ishonamiz.

Tarix va madaniyat insonning insoniylik mohiyatini belgilab beruvchi, uning jamiyatdagi o‘rni, mavqei, rutbasi, salohiyati va saviyasini ko‘rsatuvchi muhim omillar sanaladi. Madaniyat ming yillar davomida shakllangan, insoniyat aqli, zakosidan yaralgan go‘zal moddiy va nomoddiy boyliklarni, xalqning e‘tiqodi, fe‘l-atvori, hulqi, irodasini o‘zida mujassam etsa, tarix esa o‘tmish ko‘zgusi vazifasini bajaradi.

“Tamaddun silsilasi” davriy to‘plamining mazkur sonidagi maqolalar ham, tarixning ochilmagan sahifalarini to‘ldirishga, u yoki bu bahsli masalalarga o‘z munosabatini bildirishga, o‘ylashga, mushohada qilishga xizmat qiladi. Albatta, chop etilgan maqola va tezislarda ilgari surilgan g‘oya hamda takliflarning hammasiga ham qo‘shilmaslik, bahs-munozarali masalalarda munosabatlar qarama-qarshiligi vujudga kelishi mumkin. Bunday holatga to‘g‘ri baho berish: ilmda bahs-munozaralar, oxir oqibatda haqiqatni yuzaga olib chiqadi, deb qarash kerak.

Mazkur to‘plamning yana bir ahamiyatli tomoni shuki, davriy to‘plamda o‘z maqolalari bilan, nafaqat, professor-o‘qituvchilar, balki katta-kichik bosqichda o‘qiyotgan magistrilar va talabalar, madaniyat muassasalari xodimlari ham qatnashadi. Bunday harakat tarixiy tadqiqotlardagi dastlabkisi bo‘lib, keyinchalik umr davomida tarix “noni” ni yeyishga, ilmiy tadqiqotlar olib borishga bog‘lab qo‘yar... Talabalarni ilmiy tadqiqotga jalb qilishda bu muhim ahamiyat kasb etadi.

“Tamaddun silsilasi” davriy to‘plamining mazkur soni Namangan viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyining 100 yilligiga bag‘ishlanadi.

Muzey – bu madaniy-tarixiy, tabiiy-ilmiy qadriyatlarni aniqlash, muzey predmetlari vositasida axborotni to‘plash va tarqatish uchun mo‘ljallangan tarixiy belgilangan, ko‘p qirrali ijtimoiy axborot muassasasidir.

Har bir davlat taraqqiyot sari odimlar ekan, doimo tarixga nazar tashlab, mavjud urf-odatlar, an’analar hamda qadimiy yodgorliklarni o‘rganishga va saqlashga intilishi tabiiy hol. Bu borada esa muzeylarning o‘rni beqiyos. Chunki ular o‘tmishdan kelgan madaniyat, ma’rifat, tabiat yodgorliklarining yaxlit tizimga solingan yig‘indisi bo‘lib, amaldagi tartiblarga muvofiq saqlanadi va namoyish qilinadi.

I. Y. Yusupov,
tarix fanlari doktori, professor

I BO‘LIM. TARIX VA ARXEOLOGIYA

ТАРИХИЙ АТАМАЛАР ТАРИХИГА ОИД...

*Абдулла РАСУЛОВ,
Наманган давлат университети,
тарих фанлари доктори, профессор*

Тарихда номланиш, атамалар ўз тарихига эга. Ҳар бир кишининг исми ҳам ўз тарихига эга бўлади: мазмун-моҳиятли, кимгадир ҳавас қилиб, давр руҳиятидан, эътиқод туфайли, тарихий шахсларни эътирофи сифатида в.б. Ҳатто исмлар қўйишда у ёки бу яшаш жойининг, минтақанинг ҳам роли катта. Масалан, Орзукул, Эгамкул каби исмлар Фарғона водийсида учрамайди. Бу Зарафшон воҳасида учрайди. Чунки Самарқанд, Бухоро, Каттакўрғон, Хивада кул бозори бўлган ҳолда, Фарғона водийсида кул бозори бўлмаган. Исм қўйишдаги анъаналар давом этган.... Замира, Дамира, Элмира, Гулмира каби исмлар, Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945) дан кейинги йилларда **тинчилиққа интилиш** билан боғлиқ. Тарихий давр, шахслар номи ҳам “ерда қолмасин” шаклида кимларгадир Инқилоб, Октябрь, Эрнест, Спартак, Индира каби исмлар ҳам қўйилган. Айни пайтда географик атамалар – номланишлар ҳам ўз тарихига эга ҳисобланади. Аммо кўп ҳолларда бу тарихий атамаларга шунчаки қараб, уни тарихига эътибор берилмайди. Юртимиздаги ҳар бир маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят ва, ҳатто, юртимиз номланиши ўз тарихига эга. Юртимизни номланиш тарихини биламизми? Ўйлаймизки, бу тўғрида ҳамма ҳам яхши тасаввурга эга эмас.

Тарих бошқа фанларга нисбатан ўз синов тажрибасига эга бўлмаган, фақат бир марта, унда ҳам фақат **оққа** ёзиладиган фан ҳисобланади. Савол туғилади? Бу тарихдаги ўзгаришлар, қайта-қайта ўзгартиришлар қаердан? Бу ўзгаришларга сабаб, ўз пайтида ўша **“оққа ёзилган”** тарихга... **“қора чапангани”** дейиш мумкин. Яна қайд этиш мумкин: тарих бир марта, у ҳам бўлса **оққа ёзилади...** аммо унинг талқини... унга муносабат, йиллар ва даврлар давомида ўзгариб туради. Лекин уни ёзишда адолатли ёндашув, холисона талқин ва муносабат бўлиши муқаррар. Аммо ана шу ҳақиқий тарихни юзага келишида фан фидойиларидан тарихий жараёнларни, воқеа-ҳодисаларни, тарихий шахслар фаолиятини, қўйинг-чи, бор тарихни борича, холисона ёритиш талаб қилинади. Албатта, юқорида

қайд этилган “тарихга талаб” да ... тарихчиларнинг тутган ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Кўхна тарих силсиласида туркий халқлар, хусусан, Туркистон ўзининг мураккаб, зиддиятли, мағлубият ва шону шавкатли тарихига эга. Туркистон ўзининг географик жойлашувига кўра, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-сотик, иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга молик минтақа бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун бўлса керак, минтақа доимо дунёнинг етакчи давлатлари эътиборида бўлиб, уларнинг қизиқишига ва керак бўлса манфаатлари йўлида ғанимлар томонидан босиб олиниши билан қурбон бўлиб келган. Босқинчилар минтақани босиб олишда ўз тиллари, миллий анъаналари ва тарихий-географик атамалари нуқтаи-назаридан ёндашиб, мазкур минтақани ўзлари танлаган ном билан атаганлар. Улар томонидан берилган номлар, ўзининг келиб чиқиши ва тутган ўрнига кўра, оғзаки қўлланиши ва ёзма манбаларда акс этган бўлса-да, узоқ вақт давомида, бир вақтнинг ўзида, унғача бўлган атама ҳам қайд этилаверган... Таъкидлаш жоизки, энг қадимги минтақа номи бўлиб **“Туркистон”** қайд этилади. Бунга асос бўлиб **тур** этноними хизмат қилиб, бу Ўрта Осиёдаги кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг умумий номи ҳисобланади. Сосонийлар шоҳи Шопур I (242-272 йй.) – ҳукмронлик даврида, форслар ўртасида **Туристон** номи амалиётда қўлланилиб, бу **Турон** атамаси билан биргаликда қўлланилган ва **“Турлар мамлакати”** маъносини билдирган. Бу мамлакат ҳукмдори **“Саклар шоҳи”** деб юритилган. Сосонийларнинг III-IV асрларга оид ёзма манбаларида **Турон** ва **Туристон** номлари қатори **Тургистон** ҳам деб юритилган. Бир мунча вақт ўтгандан кейин, хусусан, эфталитлар (V аср) ва турклар (VI-VIII асрлар) давридан бу ном **Туркистон**, яъни **“Турклар яшайдиган мамлакат”** деб юритила бошланган. **Турон** топоними Хоразм тангаларида – илк Кушон ва илк ўрта асрлар вақтида қайд этилган. Қайд этиш лозимки, қадимги эронийлар **турлар** деб, энг аввало ўрта осийлик туркларга, шунингдек, туркийзабон сак ва хунларга нисбатан ишлатган. Турон географияси VI-VII асрлардан бошлаб Турк ҳоконлиги чегараларига тўғри келиб, Амударёнинг жанубларини ҳам ўз ичига олган эди [1].

Қадимги турклар, яъни аждодларимиз тўғрисида кўпгина маълумотлар Хитой манбаларида ҳам мавжуд. Бу манбаларда мил. ав. II – I минг йилликлар орасида ҳукмронлик қилган илк турклар тўғрисида маълумотлар бор. Аммо шуниси борки, у замонларда боболаримизга нисбатан **“турк”** атамаси қўлланилмаган. **“Турк”** сўзи ҳозир бу бир миллатнинг номини англатса-да, у пайтда бир миллатга нисбатан

қўлланмаган. Улар қавм ва уруғ ҳолида яшар ҳамда ҳар бир уруғнинг айрим номи бор эди. Шу қавмлардан бирининг номи “**турк**” бўлиб, бу “**қувватли**” деган маънони англатган. Милодий VI асрдан она тили туркий бўлган қавмларнинг ҳар бири алоҳида ўз номига эга бўлса-да, уларнинг ҳаммасини умумлаштириб, **турк** деб атала бошланди. Таъкидлаш жоизки, туркий тил уларнинг бирлашувида ҳал қилувчи роль ўйнаган [2].

Юнон-македон босқинчилари (мил.ав. IV аср) Ўрта Осиё минтақасини Аҳамонийлар империяси таркибидаги ҳудуднинг бир қисми деб қараган бўлсалар, қадимги хитойликлар (I ва II асрлар) “Ғарб ўлкаси”нинг давоми деб, амалда Шарқий Туркистонни назарда тутганлар.

Мазкур ҳудудга берилган атамалар ўша босқинчилар томонидан ва географик ҳудуддан келиб чиқиб номлангани эътиборга лойиқ ҳисобланади. Хусусан, бу атама – номлар ўша босқинчилар тили ва яна уларга нисбатан географик жиҳатдан қайси томонда жойлашганига боғлиқ бўлган. Тарихий атамаларда **тил, давр, географик ҳудуд, иқлим ва муносабат** муҳим аҳамият касб этган. Юқоридаги таъкидлардан тил ва давр тушунарлироқ бўлган ҳолда, **географик атама** таг-замирида ўша босқинчиларга нисбатан мазкур ҳудудни жойлашуви назарда тутилган бўлса, **иқлим** ҳам ўша эгалланаётган ҳудуддаги ўзига хос хусусиятига қаратилган бўлади. Баъзан атама ўрнида маълум бир ибораларни қўллаш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, ўз пайтида, руслар учун Хива жуда иссиқ деб қайд этилиб, унга нисбатан “Ўрта Осиё Жазоири” дейилган... **Муносабат**га келганда ҳам, яна ўша босқинчиларни мазкур ҳудудга, халқига, табиатига нисбатан қўлланадиган атама ҳисобланади. Араблар томонидан босиб олган ҳудудларига нисбатан ёндашув ҳам бундан истисно эмас.

Хусусан, юқорида қайд этилганидек, юнон-македонлар томонидан Аҳамонийлар империяси таркибига кирувчи бир ҳудуд деб, хитойликлар эса “Ғарб ўлкаси”нинг давоми деб ҳисобланган минтақага араб босқинчилари (VII-VIII асрлар) томонидан “**Мовароуннаҳр**” номи-атамаси қўлланди. “**Мовароуннаҳр**” атамаси мазмун моҳиятига кўра географик атама бўлиб, араб тилидан “**Дарёнинг нариги томони**” маъносини билдиради.

Мазкур географик атама ўрта асрларда кенг тарқалган. Атама, яъни “**Мовароуннаҳр**” пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) ҳақидаги ҳадисларда ҳам тилга олинган. Таъкидланишига кўра, бу атама араблар орасида исломгача бўлган даврларда ҳам маълум бўлиб, у вақтда, яъни VI асрда Сосонийлар давлатидан шимолий шарқда,

Жайхун – Амударёнинг орқасида жойлашган Турк ҳоконлигига қарашли ерларни англатган. Араб географ олими Ёқут Ҳамавий томонидан, қадимги форс манбаларига таяниб, **“Мовароуннаҳр”** атамасини **Турон** мамлакатининг номи деб билган. Маълумотларга кўра, араблар Шарққа қилган илк юришларида (VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрнинг бошлари) икки хил тушунча: **“ма дуна – н – наҳр”** яъни **“дарёнинг пастки томони”** ва **“ма варо ан-наҳр”** – дарёнинг нарғи томони”га эга бўлганлар. Бу атамаларнинг биринчисида Хуросондан шарқда, Амударёдан жанубда Ҳиндикуш тоғларигача бўлган Тохаристон ерларини назарда тутилган бўлса, иккинчисида Амударёдан шимолда жойлашган Шимолий Тохаристон ва Суғд ерларини ўз ичига олган деб ҳисобланган. **Мовароуннаҳр** атамасини IX – X асрларда яшаган араб географларидан фақат ал – Истаҳрий ва Ибн Ҳавқалгина махсус муомалага киритганлар. Бошқа араб географлари эса **Мовароуннаҳр** атамасини тор маънода ишлатиб, уни Хуросоннинг давоми ва ёки ал-Машрик (Шарқ)нинг бир қисми сифатида тасвирланганлар. Улар Ал-Машрик деганда Хуросон ва Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Хитой ва, ҳаттоки, Ҳинд ва Тинч океанларидаги Япониягача бўлган оролларни ҳам киритганлар[3].

Кейинчалик форслар томонидан **“Мовароуннаҳр”** атамаси таржима қилиниб, бу худудга нисбатан, **“Вароруд”** ва **“Варожайхун”** атамаларини қўллаганлар. Бу ҳам шу маънода, яъни худудий жиҳатдан: IX асрдан Тоҳирийлар ҳукмронлигида Хуросонни давоми тарзда, IX – X асрлар Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Хуросонни ўз ичига олган алоҳида маъмурий бирлик сифатида, XI – XII асрлар – Қорахонийлар даврида – Араб халифалиги таркибидаги Туркистоннинг бир қисми сифатида деб қаралган. Тарихий- географик худуд сифатида номланишига муносабат асрлар давомида шундай ўзгаришлар асосида давом этди. XIX асрга келиб европаликлар илмий – тарихий аънаналари асосида **“Трансоксания”** ёки **“Тансоксиана”** номли янги атамани муомалага киритилиб, бу арабча **“Моварауннаҳр”** атамасига турдош эди. Умумлаштириб қайд этиш лозимки, Ўрта Осиё минтақаси асрлар давомида бир неча маротаба у ёки бу босқинчилар томонидан босиб олиниб, охир-оқибатда улар томонидан турли тарзда номлаб келинган. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихий-географик аънаналардан келиб чиқиб, маҳаллий аҳоли томонидан энг кўп қўллаб келингани **“Туркистон”** ва **“Мовароуннаҳр”** ҳисобланади. Энди **“Туркистон”** топонимига келганда, бу дастлабки **“Турон”** ва **“Туркистон”** атамаларининг анча охириги турдош қўлланиши ҳисобланади. Аслида VI – VII асрларга оид арман

манбаларида **Туркастон** мамлакати деб қайд этилган. Ўрта Осиёнинг минтақаси сифатида, яъни **“Туркистон”** деб, 639 йилги сўғд хужжатларида қайд этилади. Яна **“Туркистон”** номи бактрия ёзувларидан бирида, Тохаристондан келиб чиққан деб қайд этилади. Шунингдек, **“Туркистон”** номи VI – VII асрларга оид сосонийлар ёзувларида ҳам бир неча марта қайд этилади. **Тургистон** деб, ўртафорс ёдгорлик ёзувида эса **“Бундахшин”** тариқасида қайд этилади ва бу VII асрга таалуқли – Эрондан олиб чиқилган паҳлавий матни асосида Ҳиндистонда тузилган. **Турон** ва **Туркистон** топонимлари грузинларнинг ўрта асрга оид манбаларида ҳам тез-тез учрайди. Албатта, номлари юқорида келтирилган барча **“Туркистон”** номларига оид маълумотлар келтирилганда, VI – VII асрларда кенг ҳудудни, хусусан, Ўрта Осиёни ҳам ўз ичига олган, жанубда Бактрия ва Тохаристон ҳамда Ҳиндистонни бир қисмини ўз ичига олган **Турк хоқонлигини** назарда тутилган **“Туркистон”** номи, яъни **“Турклар мамлакати”** номи илк бор Сосонийлар ҳукмронлиги даврида муомалага киритилган. Сосонийларга кўра, **Туркистон** деганда Амударё ортида туркларга қарашли ерларнинг барчаси ҳисобланган. Қайд этиш лозимки, **“Турон”** ёки **“Туркистон”** номи, **“Мовароуннахр”** номидан фарқли ўларок, ўзининг асосига кўра географик эмас, балки этнографик ва, ҳаттоки сиёсий-ҳуқуқий тушунчага эга. Мавжуд тарихий адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки, **“Турон”** атамаси илк бор ахамонийларга қадар қадимги форслар томонидан аниқ мавжуд давлатга нисбатан қўлланган бўлса, бу Сосонийлар даврида **“Туристон”**, турклар давридан эса **“Туркистон”** деб номланган [4].

Таъкидлаш жоизки, араблар томонидан **“Мовароуннахр”** атамаси муомалага киритилган бўлса-да, **“Туркистон”** атамаси муомаладан чиқарилмай, бу сиёсий-ҳуқуқий аҳамият касб этаверган. Фақат эндиликда, географик ҳолати анчагина шимол ва шарққа, Араб халифалигидан ташқарига кенгайган эди. **“Туркистон”** атамасида араблар нафақат туркийзабон халқларни, балки мўғуллар, тунгуслар, тибетликлар ва хитойларни ҳам тушунганлар. Агар **“Турон”** ва **“Туркистон”** атамалари орқали мавжуд сиёсий-давлат бирлиги тушунилса, **“Мовароуннахр”** атамаси фақат географик ҳудудга нисбатан қўлланган. **“Мовароуннахр”** аниқ белгиланган чегараларга эга бўлмай, турли вақт ва даврларда маъмурий бирлик сифатида Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқалар таркибида бўлган **“Турон”** ва **“Туркистон”** атамалари Марказий Осиёнинг Араб халифалигидан ташқаридаги ерларга: **Тургаш,**

Қарлук, Уйғур хонликларига нисбатан ишлатилган. Ҳокимият Қорахонийлар қўлига ўтгандан кейин яна **“Туркистон”** деб атала бошланган. Хусусан, Маҳмуд Ғазнавий томонидан ўзига қарашли “Хуросон”, Амударё орқасидаги ерларни, яъни қорахонийларга тегишли ҳудудларни **“Туркистон”** деб атаган. Мўғуллар истилоси даврида **“Чигатой улуси”** деб юритилган бўлса, темурийлар даврида яна **“Туркистон”** деб атала бошланган. Маҳмуд Валининг ёзишича, ***“Туркистон – бу кенг ва кўнгилли юртдир... бу юртнинг узунлиги Сайхун дарёсининг қирғоғидан Қорамурун дарёси қирғоғигача бўлиб, бу ерни Мўғилистон номи билан атаганлар. Унинг аҳолиси турклар... Шу даврдаги Мўғилистон Шарқий Туркистон, Еттисув ва Олтойни қамраб олган”***[5].

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, атамалар ичида, тарихий-маданий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан **“Турон”** ёки **“Туркистон”** деб аталиши тўғри ҳисобланган. Тарихий-географик нуқтаи-назардан XVI-XVIII асрлар оралиғида Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари мавжуд бўлган. 1865 йил 12 февралда Россия империяси Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида **Туркистон вилояти** тузиш тўғрисида қарор қабул қилган. Ҳали Тошкент генерал М.Г. Черняев томонидан забт этилмаган бир пайтда, Туркистон шаҳри янги вилоятнинг маркази деб ҳисобланиб, **“Ўрта Осиё”** номидан воз кечилди. **Ўрта Осиё** атамасини қўлламасликдан мақсад: Шарқда мавжуд Қўқон, Бухоро, Хива хонликларини, ғарбда Буюк Британияни хавфсирашига йўл қўймаслик эди. Ҳатто 1865 йил 6 августда **“Туркистон вилоятини Муваққат бошқарув Низоми”** бўйича, Тошкент забт этилган бўлса-да, расман ҳали Россия тасарруфига киритилмаган эди. Чунки босиб олинганига атиги бир ярим ой бўлган бўлиб, Петербург ҳали буни расман ўз субъекти деб қайд этишга улгурмаганди[6].

1867 йили 11 июлда дастлаб иккита: Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан, кейинчалик Самарқанд, Фарғона, Каспийорти вилоятларини ўз ичига олган **Туркистон генерал-губернаторлиги** ташкил топди. 1886 йилдан Туркистонга нисбатан яна **ўлка** деб ҳам қўшиб қайд этиладиган бўлди. Аммо кейинги йилларда нафақат Ўзбекистон, балки хорижий илмий, ижтимоий-сиёсий адабиётларда географик **“Туркистон”** ва **“Ўрта Осиё”**, **“Марказий Осиё”** тушунчаларини бир-бирига синоним тарзда келтириш ҳоллари учрайди. Аслида тарихий-географик нуқтаи-назаридан бундай ёндашув хато ҳисобланади. **Туркистон** атамаси, Қўқон хонлиги тугатилиб, генерал-губернаторлик таркибида Фарғона вилояти ташкил топган ва, ҳатто, Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги ҳудудларининг бир қисми қўшилганда

хам географик жиҳатдан анчагина кичик ҳисобланади. Чунки Кичик ва Ўрта жуз ҳамда Чўл генерал-губернаторлиги **Туркистон генерал-губернаторлиги** таркибига киритилмаган эди. Россия мустамлакачилиги даврида матбуот ва адабиётларда “**Ўрта Осиё**” тушунчаси ҳам қўлланган бўлса-да, бу ерда бошқа ҳудудларни ҳам назарда тутилган [7].

Туркистон атамасидаги генерал-губернаторлик 1867-1917 йиллари мавжуд бўлди. 1917 йил феврал инқилоби ва Октябрь давлат тўнтариши ушбу тарихий-географик атамага ўзгартириш киритмади. 1917 йил ноябрдан февралгача бўлган, 72 кун мавжуд бўлган ҳукумат тарихга “**Туркистон** (Қўқон деб ҳам юритилади – Р.А.) **Мухторияти** бўлиб кирди. 1918 йил 30 апрель – 1924 йил 27 октябрь оралиғида **Туркистон Автоном Совет Социалистик** республикаси мавжуд бўлди. 1920 йил июнь ойида В.И.Ленин “Туркистоннинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлинган картасини (этнографик ва ҳоказо картасини) тузиб чиқиш”ни мутасадди шахсларга топширган эди[8].

Бундан кўриниб турибдики, 1920 йилдаёқ, **Туркистонни** парчалаш, миллий республикаларга бўлиб юбориш режаси тузилган. Ва бу кўрсатма қоғозда қолмай, аста-секин **Туркистон АССР, Бухоро ССР, Хоразм ССР**ни бирлаштириб, янгидан миллий давлатчилик тузиш ғоясини қизгин муҳокама қилина бошланди. Охир-оқибат 1924 йил 27 октябрда СССР таркибида: **Ўзбекистон ССР** (таркибида **Тожикистон АССР – 1924 – 1929 йй.**), **Туркманистон ССР**, РСФСР таркибида: **Қозоғистон (Қирғизистон) АССР** ва унинг таркибида **Қирғизистон (Қорақирғиз) автоном вилояти, Қорақалпоғистон автоном вилояти** ташкил топди [9].

Ўзи “**Ўзбекистон**” атамаси Шайбонийлар хукмронлиги давридан мавжуд. Ўзбекистон атамаси XIV – XV асрларда ҳам мавжуд бўлиб, аслида бу даврда Ўзбекистон деганда Олтин Ўрда давлати назарда тутилган. Шунингдек, **Турон, Туркистон** атамалари ҳам муомалада қолиб, **Ўзбекистон** атамасининг синоними сифатида, даврий нуқтаи-назардан қолди. Ўрта Осиё республикалари, хусусан **Ўзбекистон** атамасидаги **стон** – бу эроний тилга тақалиб, “**мамлакат**” деган маънони билдиради [10].

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишни ўтказиб, 1924 йилдан миллий республикаларни тузилиши, амалда империя манфаатларига хизмат қилди. Бу асрлар давомида тили, дини, урф-одатлари, анъаналари, ишлаб чиқариш, маданияти бир-бирига муштарак халқларни ўз илдизидан ажратиш эди. Тарих тақозоси билан боғлиқ,

“узокни мўлжаллаб амалга оширилган парчалаш”, халқларни “янги оила”ларга ажратиб қўйди... Бу амалда...: **“Бўлиб ташла... хукмронлик қил!”** деган иборанинг амалдаги ифодаси бўлди. Аммо тарих ўтмишни ёритса-да, келажакка сабоқ беради... Эндиликда **Марказий Осиё** республикалари: **Ўзбекистон Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон** ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ривожланиши учун тўла асос бор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Камолiddин Ш.С. *Древнетюркская топонимия Средней Азии*. Т.: “Шарк”, 2006. – С. 9-10
2. Гунгўр Эрол. *Тарихда туркий давлатлар* Т.: “Янги аср авлоди”. 2003. Б.3
3. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси*. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 6-жилд. 2003. – Б.35-36.
4. Камолiddин Ш.С. *Древнетюркская топонимия Средней Азии*. Т.: “Шарк”, 2006. – С. 11-13, 21
5. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси*. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 8-жилд. 2004. – Б.647; Қаранг: Kamoliddin Sh. S. *Markaziy Osiyo tarixi tarixshunosligining dolzarb muammolari*. Toshkent, 2017. – В.70.
6. Васильев Д.В. *Бремя империи. Административная политика России в Центральной Азии. Вторая половина XIX в.* Москва: РОСПЭН, 2018. – С. 31-34
7. Исхаков Ф. *Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.)* Т.: “ART FLEX”, 2009. – С.49-50; *Центральная Азия “Россия в XVIII – нач. XX вв.* Т.: “OzDAYMATBUOTLITI”, 2009. – С.17
8. Ленин В. И. *Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида*. Т.: “Ўзбекистон”, 1984. – Б.400
9. *Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар*. Т.: O‘ZBEKISTON”, 2019. – Б. 288. – 312.
10. Агаева Р.А. *Страны и народы: происхождение названий*. Москва: «НАУКА», 1990. – С.162; Kamoliddin Sh. S. *Markaziy Osiyo tarixi ...* – В.70.

ROSSIYA IMPERIYASI HARBIY BOSQINIGA QADAR BO‘LGAN DAVRDA TURKISTONDA HUNARMANDCHILIK

*Donoxon SHAYXITDINOVA,
Namangan viloyat tarixi va
madaniyati davlat muzeyi bo‘lim mudiri*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada Turkistonni podshoh Rossiyasi bosib olgunga qadar bo‘lgan davrda xalq milliy hunarmandchilik ahvoli izohlangan. Har bir hunarmandchilik sohasi alohida tavsiflangan. Bunda xalq hunarmandchiligi rivojlangan sohalardagi yutuq va kamchiliklar manbalar asosida yoritilgan.

Annotation:

This article explains the state of national crafts until Turkestan invaded Russia. Each craft sector is described separately. At the same time, the achievements and shortcomings in the handicraft industry are highlighted on the basis of sources.

O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligini qo‘lga kiritganidan so‘ng mamlakatimizda keng tus olgan iqtisodiy islohotlarning eng muhim yo‘nalishlaridan biri xususiy mulkchilik va tadbirkorlikni rivojlantirishga qaratilgan. Bugungi kunda o‘tmishda bu borada katta tajribaga ega bo‘lgan ajdodlarimizning bu boradagi faoliyatlari qiziqish uyg‘otishi tabiiy. Zero, mamlakatimiz hududidagi shaharlar juda qadimdan savdo va hunarmandchilik markazlari sifatida nafaqat ichki ehtiyojlar, balki qo‘shni mamlakatlar bilan o‘zaro iqtisodiy aloqalarda ham muhim rol o‘ynagan. Ayniqsa, Turkiston shaharlari Buyuk ipak yo‘lida Sharq va G‘arb o‘rtasidagi aloqalarda muhim o‘rin tutgan. XV asrga kelib Buyuk ipak yo‘li G‘arb va Sharq o‘rtasidagi savdo munosabatlarida vositachilik rolini yo‘qotsa-da, Turkiston shaharlari mintaqa miqyosida hamda qo‘shni mamlakatlar bilan iqtisodiy munosabatlarda o‘z ahamiyatini saqlab qoldi. Xususan, XIX asr 2-yarmi va XX asr boshlarida yurtimiz hududida sodir bo‘lgan keskin siyosiy o‘zgarishlar iqtisodga salbiy ta‘sir qilsa-da, shaharlar o‘z iqtisodiy mavqeini yo‘qotmadi, aksincha, chuqur tarixiy ildizga ega bo‘lgan boy tajriba tufayli mahalliy aholining ichki ehtiyojlarini ta‘minlash bilan birga qo‘shni mamlakatlar bilan ham savdo munosabatlarini, imkon qadar, davom etdi. Shu davrda Turkiston shaharlarida hunarmandchilik sanoati o‘z davriga yarasha ancha taraqqiy etgan edi. Metall eritish, turli metall asbob va buyumlar yasash hunarmandchilik sanoatining yetakchi tarmoqlaridan hisoblangan. Turkistonga temir bilan cho‘yan xom ashyo sifatida Rossiyadan sotib olib kelinardi. Cho‘yan

eritadigan tarmoqlar, asosan, shahar chekkasidagi qishloqlar atrofida barpo etilardi. Masalan, Buxorodagi cho‘yan eritish korxonalari shahardan 10 chaqirim^{*} uzoqdagi Atkuchi qishlog‘ida, bir qismi esa G‘alaosiy qishlog‘ida joylashgan edi. Umuman olganda, 1841-1843 yillarda Buxoro atrofida 6 ta cho‘yan eritish ustaxonasi bo‘lgan. [1.74] Katta ustaxonada 16 kishi, kichkina ustaxonalarda, asosan, 2-3 kishi ishlab, ular ham, asosan, ustaning oila a‘zolaridan iborat bo‘lardi. Yana shogirdlar ham mavjud bo‘lib, ular cho‘yan quyish ishini dam bosishdan o‘rgana boshlar edilar. Agar cho‘yan eritadigan qozon 2-3 ta bo‘lsa, usta ishchi ham yollardi. Yollangan kishiga uch so‘m oylik to‘lanardi. Bunday ustaxonalar ibtidoiy hunarmandchilik asosida qurilgan bo‘lib, og‘ir mehnatni talab qilardi. Hamma narsa qo‘l kuchi bilan bajarilganligi sababli ish sur‘ati juda sust bo‘lardi. Masalan, 12 pud^{*} cho‘yanni turli asboblardan qolipiga solish uchun 14 kun, 12 pud cho‘yandan 4 ta qozon yasashga 14 kun ketar edi. Cho‘yan eritadigan ustaxonalar yilda 8 oy ishlardi, qolgan vaqtda usta oila a‘zolari bilan birga o‘z tomorqasidagi dehqonchilik ishi bilan band bo‘lar edi. Ustaxonadagi 8 oylik ish davrida 200 pudgacha cho‘yan eritilib, bunga 270 pud ko‘mir yoqilar edi.[1.75] Cho‘yan eritish korxonalari, asosan omoch tishlari, qozon, qora chiroq, oftoba (obdasta), choy idish va shu kabilarni ishlab chiqarar edi. O‘lkada temirchilik hunari avloddan-avlodga o‘tib kelardi. Har bir temirchi usta ishlab chiqaradigan mahsulotlarga qarab temirchilikni uch guruhga bo‘lish mumkin: birinchi guruhga-eshik zanjiri va xalqalari, ot va eshak taqalari, kavush va etik nag‘allari, har xil mixlar, arava g‘ildiragi uchun temir xalqalar, otlar uchun yo‘g‘on uzangi, duradgorlar uchun temir randalar va shunga o‘xshash buyumlar tayyorlovchi korxonalar kirar edi. Ikkinchi guruh temirchilar-toshtarosh ustalar, dehqonlar va binokorlar uchun turli asboblardan, jumladan, ketmon, o‘roq, bolta, tesha va boshqa narsalar yasashar edi. Temirchilarning uchinchi guruhi, asosan, po‘latdan turli pichoqlar, qaychi, ustara, qilich, xanjar kabi asboblardan yasovchi ustalardan tashkil topgan. Po‘lat pichoq, xanjar va qilichlarga har xil qimmatli suyaklardan, ayniqsa tuyaning oyoq suyagidan, fil suyagi va turli shohlardan, xususan, kiyik shoxlaridan chiroyli dastalar qilingan. Bu dastalar xilma-xil o‘yma gullar bilan bezatilar edi. O‘zbek po‘lat pichoqlari uzoq asrlar davomida butun Sharq va G‘arbga tanilib kelgan. Bu pichoqlar Chust, O‘ratepa, Shahrixon va Xisorda yasalib, zamonimizgacha saqlanib kelmoqda. Samarqand va boshqa shaharlarda yasalgan qilichlar Ispaniyaning Toledo shahrida ishlab chiqilgan qilichlarga ko‘p jihatdan o‘xshar edi. Birgina Samarqand shahrining o‘zida harbiy qurollar, qilich tig‘lari ishlab chiqaradigan 15 dan

* 1 chaqirim – 1,09 km.ga teng uzunlik o‘lchov birligi.

* 1 pud – 16,38 kg.ga teng og‘irlik o‘lchov birligi.

ortiq ustaxonalar bo'lgan. Hisor, Farg'ona, Xiva va boshqa joylarda ham shunday korxonalar bor edi. Temirchilar miltiq va to'plar ham yasaganlar.

Katta shaharlarda alohida misgarlik rastalari bo'lardi. Buxoro, Qarshi, Shahrisabz, Samarqand, Jizzax, Toshkent, Xo'jand, Qo'qon, Marg'ilon, Andijon, Namangan, Chust va boshqa shaharlar, ayniqsa misgarlik va turli idishlarga gul kesish san'ati tufayli, shuhrat qozongan hunarmandlar bilan faxrlanar edi. Misgarlar o'rtasida ham mehnat taqsimoti bor edi. Har bir usta ma'lum idishnigina yasardi. Masalan, bitta usta chilimni qalaylasa va qumg'on yasasa, boshqa usta qozon va lagan yasardi.

Turkistondagi hunarlar orasida eng qadimiylaridan biri – zargarlikdir. Zargarlar, asosan, oltin, kumush va qimmatbaho rangli toshlardan, xilmaxil shishalardan turli buyumlar tayyorlashardi. Masalan, xotin-qizlar uchun tumor, tillaqosh va bargaklar yasashardi. Yana ko'krakka taqish uchun tumor savat, zebigule, qo'ltiq tumor, bilaguzuk, xalqa, isirg'a singari qimmatbaho buyumlar yasalar edi. Zargarlik Turkistonning deyarli barcha shaharlarida taraqqiy etgan edi. Turkistonda kulolchilik ham keng yoyilgan hunarlardan biri edi. Bu sohada tovoq, piyola, chinni, ko'za va boshqa idishlar ko'proq ishlab chiqilardi. Ko'k, sariq, qizil, qora, zangori, oq va boshqa ranglarga o'rik elimi, un, qum, temir kukinini aralashtirib, idishlar rang-barang qilib bo'yalar edi. Qarshi, Samarqand, Toshkent, Xo'jand, Rishton va boshqa joylarda kulolchilik ancha taraqqiy etgan edi. Masalan, Rishtonda idishlarga gul solish san'ati, ayniqsa rivojlangan edi. Bu yerda kulollar juda ko'p bo'lganligi sababli ular o'rtasida idishlarning xillari aniq bo'lingan. Har bir usta faqat muayyan buyumni yasardi.

Juvazkashlik ham o'lkadagi hunarlar orasida muhim o'rinni egallagan. Juvozlarda asosan zig'ir moy va kunjut yog'i chiqarilardi. Qovun va tarvuz urug'lari aralashmasidan yog' olinardi. Yana ko'knor urug'idan, yong'oqdan yog' chiqarilardi. XIX asr o'rtalarida Toshkent shahrining o'zidagina 500 juvoz bor edi.[2.230] Butun Turkiston o'lkasida esa bir necha o'n ming juvozxona bo'lgan. Shuningdek, sovun va sham ishlab chiqarish keng rivojlangan edi.

Turkiston xalqlari hayotida to'quvchilik muhim ahamiyatga ega edi. Bu hunar egalari paxta, ipak va jundan turli narsalar to'qishgan. Birinchi navbatda ip yigirishdan avval paxtani chigitdan ajratish zarur bo'lar edi, bu ishni faqat xotin-qizlar chig'iriy bilan bajarar edilar. Ip charxda yigirilib, kalava qilinar edi. Shundan so'ng ipni to'kish do'konlariga tayyorlash pallasi boshlanib, ip bir qancha kishilar qo'lidan o'tar edi. To'quvchilik do'konlari, asosan, shahar mahallalarida va qishloqlarda bo'lardi. Shuningdek, ayrim ustalar o'z uylarida ishlar edilar. Chunonchi, bo'z to'qish keng avj olgan edi. Shahrisabzda to'qilgan bo'zlar alohida o'rinni ishg'ol qilardi. Buxoro bo'zlarining ko'proq qismi ko'kimtir bo'lib, asosan ko'chmanchi aholi o'rtasida sotilar edi. Bo'zdan tashqari, turli rangda

bo‘yalgan iplardan olacha va shunga o‘xshashlarni to‘qish ishlari Namangan va Andijon to‘qimachilari o‘rtasida kuchaya borgan, bu matolar turli bo‘yoqlari va yaxshi sifati bilan ajralib turar edi. Olacha, bo‘z, chit, doka kabilarning hammasi faqat charxlar bilan tayyorlangan iplardan to‘qilardi. 1841-1842-yillarda Buxoroga kelgan rus diplomatik missiyasining boshlig‘i kon injeneri-mayor K. Butenev bu yerda chit ishlab chiqarish muhim ahamiyatga ega bo‘lganligini ta’kidlab o‘tadi. Asosan, ikki xil, ya’ni “chiti sarigaz” va “chiti chatti” to‘qilgan. Bu xil chitlar avval oq surp kabi tayyorlanib, so‘ng unga har xil gul bosilgan. Buxoro chitlari qo‘shni mamlakatlarga, jumladan, Rossiyaga ham chiqarilar edi. Ayniqsa, Ural, Orenburg tomonlarga yuborilgan “chiti sarigaz” u joylarda “baxt” nomi bilan mashhur bo‘lgan. Hunarmandchilikda ipak mollar tayyorlashga ham katta e’tibor berilgan. Xo‘jand, Andijon, Namangan va boshqa joylarda ipak kiyimliklar to‘qish ishlari avj olgan. Bu sohada Marg‘ilon shahri shuhrat qozongan edi. Marg‘ilonda to‘qilgan turli shoyi kiyimliklar, xususan atlaslar Turkistondagina emas, butun Sharqqa ham tanilgan edi.

Qog‘oz ishlab chiqarish o‘lkadagi hunarlarning eng qadimgilaridan hisoblangan. XIX asrning birinchi yarmida Qo‘qon, Buxoro va Samarqandda ishlab chiqarilgan qog‘ozlar, ayniqsa ipakdan ishlangan qog‘oz butun Sharqqa nom chiqargan edi. 1863-yilda Turkistonning ko‘p shaharlarida bo‘lgan venger sharqshunosi A. Vamberi Samarqand va Buxoro qog‘ozlari o‘zining silliqliqi va sifati jihatidan chet mamlakatlarda shuhrat topganligini qayd etadi. Qo‘qon xonligiga qarashli Charq qishlog‘idagi qog‘oz ishxonasi, asosan suv kuchidan foydalanishga moslashtirilgan edi. Shuning uchun ham buni “Qog‘oz objuvozi” deb atashardi. Bu ishxonada asosan eski latta va paxtalar objuvoz orqali tozalanib, turli qog‘ozlar tayyorlanar edi. Bu haqda 1873-yilda Turkistonga tashrif buyurgan Rossiyadagi AQSh elchisi Yujen Skayler o‘z hukumatiga yuborgan ma’lumotlarida alohida to‘xtalib o‘tgan.[3.237]

Muqovasoqlik hunari ham uzoq tarixga ega. Samarqand, Buxoro, Urganch, Xiva, Andijon, Namangan, Toshkent, Xo‘jand kabi shaharlar muqovasoqlikning asosiy markazlari bo‘lgan. Muqova charm va qalin qog‘ozdan qilingan. Turkistonda bo‘yoq ranglari qadimgi zamonlardan bo‘yoq, asosan turli ma’dan va o‘simliklardan tayyorlanib, ularni aralashtirish yo‘li bilan hosil qilinardi. Masalan, Buxoroda bizgut[•] degan qora bo‘yoq va separak[•] yoki isparak degan to‘q sariq bo‘yoq ikki xil o‘simlik aralashmasidan tayyorlanardi. Turkiston yerlarida bo‘yoqli

[•] Bizgut – o‘simlik turi, undan mahalliy sharoitda qora rangli bo‘yoq olingan.

[•] Isparak – ayiqtovonlilar oilasiga mansub o‘simlik, uni yanchish va ishlov berish natijasida sariq rangli bo‘yoq olingan.

o‘simlik - ro‘yan, asosan, Farg‘ona vodiysida ko‘p bo‘lib, yovvoyi holda o‘sardi. Ip va ipaklar ro‘yan bo‘yoqlariga bo‘yalar edi.

Xullas, mahalliy va xorijiy manbalarning ko‘rsatishicha, XIX asrning 60-70-yillariga qadar Qo‘qon, Xiva va Buxoro xonliklarida ishlab chiqarishning juda ko‘p turlari keng rivojlangan bo‘lib. Mahsulotlar faqatgina ichki ehtiyojlarni qondiribgina qolmay, mahalliy tadbirkorlar sa‘y-harakati bilan qo‘shni mamlakatlarga, u xonlikdan bu xonlikka yetkazib berilgan. XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshida mamlakat hududida sodir bo‘lgan keskin siyosiy, ma‘muriy va iqtisodiy o‘zgarishlar, mustamlakachilik tuzumining o‘rnatilishi shaharlar hayotiga ziddiyatli ta‘sir ko‘rsatdi. Siyosiy, iqtisodiy va savdo mustaqilligining barham topishi qo‘shni mamlakatlar bilan aloqalarning jadal rivojlanishiga putur yetkazdi, o‘lkaga chetdan sanoat mahsulotlarining kirib kelishi mahalliy ishlab chiqarishning ayrim sohalarining sinishiga va tugashiga olib keldi. Ayni paytda o‘lkaga rus sarmoyadorlari, iqtisodiy munosabatlarning yangi shakllari kirib kela boshladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ziyoyev H. *O‘zbekiston mustamlaka va zulm iskanjasida (XIX asr ikkinchi yarmi –XX asr boshlari.)* T. Sharq, 2006.

2. *История Андижана в документах и материалах (1876-1917гг) Том второй. Составители: Шамсутдинов Р.Т., Хошимов С.А., Бозоров Қ. Ташкент, Sharq, 2012.*

3. *O‘zbekistonning Yangi tarixi. Birinchi kitob. Turkiston chor Rossiyasi mustamlakachiligi davrida* T. «Sharq» 2000.

ШИМОЛИЙ БАКТРИЯНИНГ СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ УРУҒ ЖАМОАЛАРИНИНГ ДАФН МАРОСИМЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

*Аброр УРАЛОВ,
ЎзРФА Миллий археология маркази
Кичик илмий ходим*

Аннотация:

Ушбу мақолада ўлкамиздаги ислом динидан олдин мавжуд бўлган оташпарастлик ва зардуштийлик динига эътиқод қилувчи аждодларимизнинг ўзига хос дафн маросимларида кузатилган ўзгаришлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар:

Бронза даври, Дафн маросими, Андранова маданияти, Шимолий Бактрия, Сополлитепа, Митра.

Annotation:

This article examines the changes observed in the special burial rites of our ancestors who profess the religion of fire worshipers and Zoroastrianism, which existed in our country before Islam.

Key words:

Bronze period, Funeral ceremony, Andronovo culture, Northern Bactria, Sapallitepa, Mithra

Бугунги кунда аждодларимизнинг кўмиш маросими билан боғлиқ одатлар катта илмий қизиқишларни уйғотмоқда. Дафн маросимлари мисолида ўша давр одамларининг умумий яшаш шароити, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва диний мафкураси қандай бўлганлигини кўриш мумкин. Қайсики жамиятдаги турли гуруҳларнинг қарашлари ва қайғу-аламлари уларнинг қабрларида намоён бўлган диний маросимлари орқали ифодаланади.

Сополли маданияти аҳолисининг дафн маросимлари ва диний эътиқоди маданиятнинг барча босқичларида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, эътибор билан бу маданиятнинг Сополли ва Жарқўтон босқичлари дафн маросимларини кузатар эканмиз, улар ўртасида маълум бир-бири билан узвий боғлиқ, шу билан бирга, уларни бир-биридан ажратиб турувчи ўзига хос элементлар ҳам кўзга ташланади. Сополлитепада олиб борилган қазилган ишлари натижасида 138 та қабр очиб ўрганилган[1.38]. Бу қабрларда турли ёшлардаги 158 та жасад кўмилган[2.10]. Қабрлар алоҳида қабристонда эмас, балки турар-жой доирасида, яшаш уйларининг поли, остонаси, девори остида, ошхона ўчоғи рўпарасидаги майдон поли остида жойлашган. Бу ҳолат, яъни марҳумнинг турар-жой масканлари доирасида дафн этилиши, ўша давр одамлари тасувурида оламдан ўтган яқин марҳум ва марҳумаларни оила, жамоа билан бирга бўлишликларини акс эттирган. Шу боис Сополли маданиятининг илк босқичларида қабристонлар турар-жой массивларидан узокроқ жойга олиб бориб кўмиш урф-одатлари бўлмаган.

Қабрларнинг тузилиши, асосан, айвонли лаҳат шаклида. Қабрлар айвони одатда тўғритўртбурчак шаклида қазилган ўра бўлган.

Дафн маросимида кўра, қабрга марҳумлар кўл-оёқлари букилган ҳолатда, эркаклар ўнг ёнбоши билан, аёллар чап ёнбоши билан кўйилган. Бундай кўмиш Сополли маданиятининг барча босқичлари учун характерлидир[3.6.10].

Марҳум жойлашиш ҳолатига кўра, худди она қорнида ётгандек, кўл-оёқлари букилган ҳолатда ён томони билан дафн этилган. Бундай дафн этиш усули Сополли маданиятининг кейинги босқичларида ва

қўшни ҳудуд маданиятлари Бишкент-Вахш маданиятлари ёдгорликларида ҳам асосий дафн этиш усули сифатида кузатилади.

Сополлитепада ўрганилган қабрларнинг 8 тасида марҳум хум ва кўзаларга солиб дафн этилганлик ҳолати учрайди. Бу қабрлар оташпараст руҳонийлар ва уларнинг фарзандларига тегишли[4.117] бўлиши мумкин. Бу қабрлар тупроқни муқаддаслигини тарғиб қилувчи дин вакиллари ва уларнинг фарзандларига тегишли бўлиб, ҳали остадонлар кашф этилмаган кезларда, оташпарастларнинг оила аъзолари хум ва кўзаларга солиб дафн этиш усули қўлланилган бўлиши мумкин. Бундай усулда дафн этиш зардуштийликнинг илк кўринишлари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Таникли авестошунос олима М.Бойснинг[5.57] таъкидлашича, танадан жон чиқиши билан уни ёвуз кучлар эгаллайди. Ёвуз кучлар эгаллаган жасадни эса, муқаддас ҳисобланган ерга – тупроққа қўйиш мумкин бўлмаган.

Сополлитепа аҳолисининг дафн маросимларида хум ёки кўзаларга солиб марҳумни дафн қилиш одати, ўша давр одатлари учун янгилик бўлган. Чунки неолит даври ёдгорликларида марҳумни хумларга солиб дафн этиш аввал учратилмаган. Бундай ҳолатлар бронза давридан бошланган бўлиб, уларнинг айрим намуналари Олтинтепа ва Даштлида ҳам учратилган[6.57].

Ўрганилган қабрлар таҳлили асосида шундай хулосага келиш мумкинки, сополлитепаликларнинг кўмиш маросимида хумларга ва кўзаларга солиб дафн қилиш одатининг мавжудлиги, зардуштийлик динининг илк босқичлари бошланаётганлигидан далолат беради. Дафн этишдаги хум ва кўзаларни оссуарийларнинг илк кўриниши дейилса ҳам ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Бу эса, зардуштийликнинг илк илдизлари Шимолий Бақтриянинг ажралмас қисми ҳисобланган Жанубий Ўзбекистонда, бронза даврида сополлитепаликларнинг дафн этиш одатлари орқали намоён бўлганлигини англатади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Сополли маданиятининг сўнгги босқичларига тегишли мазорларда зардуштийликнинг белгилари, аломатлари пайдо бўла бошлаган. Масалан, кенотаф қабрларда махсус митти остадонлар, марҳумнинг суякларини этидан тозалаб кўмиш, мурдани, дафн анжомларини қизил рангга бўяб қўйиш ёки мурда устига қизил ранг сепиш[7.54] каби урф одатлар пайдо бўлади. Бу маданиятда олов жамоанинг асосий эътиқод объекти – рамзи сифатида намоён бўлади. Қабрлардан қизил рангга бўялган остадон идишларининг чиқиши, зардуштийлик анъаналари асосида кўмиш маросимининг топилиши зардуштийликнинг аста-секин асосий дин сифатида шаклланиб бораётганлигидан гувоҳлик беради.

Марҳум “нариги дунёга” кузатилар экан, қариндошлари ва жамоадаги яқин кишилари томонидан махсус овқатлар тайёрланиб,

идишларга солиб, бирга кўмилган. Зеро, уларнинг эътиқодига кўра, булар марҳумни нариги дунёга етиб олгунча марҳумга зарур бўлади, деб тасаввур этганлар. Бундай тартибда дафн этиш ўша давр аҳолиси онггида вафот этган яқинларини ҳамиша ўзларининг ёнларида, уларга мадад бериб турибди, деган тушунча кучли бўлгандир.

Сополлитепа қабрларида 6 та ҳолатда қабрга ҳайвоннинг – кўйнинг кўмилганлик ҳолати учрайди. Дафн этиш маросимида нафақат Сополлитепа босқичида, балки Сополли маданиятининг кейинги босқичларида ва хронологик жиҳатдан уларга тенгдош Тожикистон ҳудуди Ёдгорликларида ҳам (Илк Тулхор, Тегузак, Кангурттут) ҳайвонларнинг, асосан, кўйнинг қурбонлик қилинганлик ҳолатлари учрайди.

Қолаверса, бу маданиятлардаги қабрларнинг ўрганилиши бизга бундан 3,5 – 4 минг йил аввал илк деҳқончилик билан шуғулланган аждодларимиз ҳақида, уларнинг урф одатлари, турмуш-тарзи ва дафн маросимлари ҳақида аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Сополли маданиятининг Мўлали ва Бўстон босқичи қабрларида бу даврда Ўрта Осиёга кириб келган чорвадор кўчманчи Андронова маданияти қабилаларининг дафн маросимлари элементлари кузатилади. Мўлали ва Бўстон босқичларида мурдани кремация қилинганлик ҳолатлари учрайди. Бу Шимолий Бақтрияга янги этник гуруҳларнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлиб, бу дафн маросимларида аксини топган. Шу ўринда савол туғилади. Андронова маданияти аҳолиси оловни муқаддас деб билганларми? Агар муқаддас деб билсалар, вафот этган инсоннинг жасади зардуштийликда олов яқинида турмаган, яъни оловдан ўттиз қадам узоқда сақланган[8.21]. Андронова қабилалари жонсиз танани поклаш учун оловда куйдирилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ҳали бу даврда зардуштийлик дини муқаммал тарзда шаклланмаган эди.

Одатда майитни ёқиш, куйдириш Хиндуийликда, яъни хиндуийликнинг муқаддас китоби Веда таълимотининг энг қадимги қисмини ташкил этувчи Ригведа, Яжурведа ва Самоведа таълимотига асос солиниши билан дафн маросимларига кириб келган одатдир. У “сати” яъни вафодор аёл тимсолида эрининг вафотидан сўнг аёл оловда ёкилиб, эри билан бирга дафн этилиши кузатилади. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, Авесто ва Ригведа ғоялари бир даврда, яъни мил.авв. 1500-1200 йиллардан шакллана бошлайди[9.8]. Айнан, бу маросимни бизнинг ҳудудларга кириб келиши, чорвадор андронова қабилаларининг миграцияси билан боғлиқ бўлиб, олов дафн маросимларида алоҳида ўринга эга бўлган.

Мўлали ва Бўстон босқичларида майитни куйдириш, митти остадонлар ва майитни этидан тозалаб кўмиш одатлари пайдо бўлиши ҳам деҳқон жамоалари учун янгилик ҳисобланади.

Аммо, бу ёдгорликларда зардуштийлик одатларига тамоман зид булган археологик манбалар ҳам борки, булар жумласига, майитни ерга қуйиш ва майит билан ашёлар қушиб қумиш анъанасидир. Ундан ташқари, Жаркутон, Бустон ёдгорликларида майитни ёқиш - крематорияларнинг мавжудлиги ҳам зардуштийлик анъанасига илдиз була олмайди.

Бизнинг тадқиқотларимиз шунини курсатмоқдаки, Урта Осиёнинг бронза даври аҳолиси асосан Митра культига итоат этган. Митра култи буйича майитни ерга қўйиш (қўмиш) мумкин булган. Негаки, Митра ҳақидаги хабарлардан унга итоат қилган халқлар майитларни ерга қўмганлиги ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин.

Бронза давридан эътиборан зардуштийлик дини чорвадорлар орасида илдиз отиб, (Митра) энг муқаддас, олий ибтидо сифатида кадрланган. Бу давр аҳолиси тоғ тепаларида, кўл бўйларида, қуёш яхши кўринадиган жойларда қуёшга сиғиниб, яйловга бой ерни сўрашган. Табиат унсурларига эътиқод қилиш деҳқонлар жамоасида тобора уйғунлашиб, аниқ тизимга кириб боради.

Аждодларимиз диний эътиқодлари ҳақида Хитой солномаларида ҳам маълумот учрайди. Уларга ёзилишича, аждодларимиз қуёшга топиниб, осмон руҳига қурбонлик келтиришган. Руҳнинг абадийлиги ва ўзга дунё мавжудлигига ишонишган. Қабиладошлари вафот этганда, марҳум билан бирга унинг турли нарсаларини ҳам дафн этишган[10.27].

Демак, илдизлари қадим деҳқончилик маданиятига бориб тақалувчи аждодларимизнинг бронза даврида янги шароитга ўтилиши, яъни жуфт оилаларнинг пайдо бўлиши, чорвачилик, деҳқончилик алоҳида тармоқларга ажралиши, уларнинг турмуш шароитларида, урф одатларида ҳам маълум анъаналарнинг мураккаблашиб боришига олиб келади. Буни ривожланиш деб ҳам тушинса бўлади. Уларнинг диний эътиқоди дафн маросимларида акс этиб, яъни дафн маросимларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ўрганилган қабрлардаги моддий маданият намуналари юзасида чиқарилган илмий хулосалар, айнан, зардуштийлик динининг оддий кўринишининг асоси бронза даври билан боғлиқлигини кўрсатади.

Бронза давридан эътиборан зардуштийлик дини чорвадорлар орасида илдиз отиб, (Митра) энг муқаддас, олий ибтидо сифатида кадрланган. Бу давр аҳолиси тоғ тепаларида, кўл бўйларида, қуёш яхши кўринадиган жойларда қуёшга сиғиниб, яйловга бой ерни сўрашган. Табиат унсурларига эътиқод қилиш деҳқонлар жамоасида тобора уйғунлашиб, аниқ тизимга кириб борган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977. – Б. 38.
2. Аскарлов А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме возникновения локальных очагов древневосточных цивилизаций) // Автореф. дис... д-ра. ист.наук. – Москва, 1976. – Б.10.
3. Абдуллаев Б. Культура древнеземледельческих племен эпохи поздней бронзы Северной Бактрии.// Автореф. дис...канд. ист. наук. – Новосибирск, 1980. – Б. 6; Алёкин В.А. Социальная структура и погребальный обряд древнеземледельческих обществ. – Ленинград, Наука. 1986. – Б. 29.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, Университет, 2007. – Б-117.
5. Бойс М. Зороастрийцы: верования и обычаи. –М., 1987. – Б. 57.
6. Сариниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., Наука, 1977. – Б. 57.
7. Асқаров А, Жўрақулов М. Энеолит а бронза даврида Ўрта Осиё. – Самарқанд, 1984. – Б. 54.
8. Авеста: “Видевдот” китоби. (М.Исҳоқов таржимаси) – Тошкент, 2007. – Б. 21.
9. Macdonell A.A. History of Sanskrit Literature. - London., 1907. – P.8.
10. Кароматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент, Жаҳон итқисодиёти ва дипломатия университети. 2008. – Б. 27.

ШАҲРИСАБЗ КУМУШ ДИРҲАМ ХАЗИНАСИ

**Санъат ХЎЖАМОВ,
ЎЗР ФА Миллий археология маркази
3-босқич таянч докторанти.**

Аннотация:

Сомонийлар давлати Ўрта Осиё танга-пул муомаласи тарихида алоҳида ўрин тутиб, давр сиёсий-иқтисодий ҳолатини кўрсатиб беради. Мовароуннаҳрда танга-пул муомаласи ва хусусиятларини баҳолашда манбашунослик базасини кенгайтириш муҳимлигига эътибор қаратади. Ўрта асрлар халқаро иқтисодиётида Марказий Осиёнинг роли ва ўрнини аниқлаш учун маҳаллий маълумотларни жалб қилиш истиқболларини таъкидлайди.

Калит сўзлар:

Мовароуннаҳр, танга, дирхам, кумуш, куфий, Аббосийлар, Абудовудийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Қашқадарё, Суғд, Хоразмшоҳ Африғийлар, Уммавийлар, Аббосийлар, Абудовудийлар, Сомонийлар, Дунётепа, Шахрисабз, Олтинтепа.

Annotation:

The Samanid state occupies a special place in the history of coinage in Central Asia and reflects the political and economic situation of the period. It emphasizes the importance of expanding the source base in assessing the circulation and characteristics of coins in Movarounnahr. It emphasizes the prospects for involving local data to determine the role and place of Central Asia in the medieval international economy.

Keywords:

Movarounnahr, coin, dirham, silver, Kufi, Abbasids, Abu Dawudis, Saffarids, Samanids. Kashkadarya, Sughd, Khorezmshah Africans, Umayyads, Abbasids, Abu Dawudis, Samanids, Dunyotepa, Shahrisabz, Oltintepa.

Мамалакатимизнинг қадимги тарихий маданиятини ўрганишда ҳукмдорлар томонидан зарб қилинган тангаларнинг ўрни ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, улар орқали қадимги тарих, сиёсий-иқтисодий, санъатшунослик, диний қарашлар, савдо ва ҳалқаро алоқаларнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни ечиш муҳим роль ўйнайди. Мазкур нумизматик манбалар орқали тарихий воқеалар санаси ва ҳукмдорларнинг номлари тўғрисида ҳам маълумотлар олиш мумкин [1, Б. 3]. Ўзбекистон ҳудудларидан топилган бир нечта куфий кумуш танга хазиналар тўплами тўғрисидаги маълумотлар ҳам шу соҳа мутахассислари томонидан ёриитилган [1, С. 26-28; 2, С. 13]. Хусусан, Қашқадарё вилоятидан (жойи ноаниқ) 45 дона [3, С. 37-38], Олтинтепадан 976 дона. Дунётепа 20 дона [4, С. 37-38].

Шахрисабз ҳудудидан (2001-2002 йиллар) кумуш танга хазинаси топилган бўлиб, умумий сони 6036 донадан иборат, Суғд, Сосонийлар, Хоразмшоҳ, Африғийлар, Саффорийлар, Уммавийлар, Аббосийлар, Абудаудийлар, Сомонийлар ва Византия (X аср) ҳукмдорлари томонидан Самарқанд, Шош, Андароба, Васит, Куфа, Зарандж шаҳарларида зарб қилинган. Улар қуйидагича:

1. Танга ёзувлари бутунлай сақланмаган (ўчиб кетган) бўлаклари 1993 дона.

2. Аниқланмаган тангалар (Неопределенные) бўлаклари сони 2598 дона.

3. Хоразм Африғийлар – 1 дона.

4. Византия – 1 дона.

5. Суғд IV-V асрга оид – 1 дона.

6. Аббосийлар тангалари – 499 дона.

7. Сомонийлар тангалари – 650 дона.

8. Абудаудийлар тангалари – 296 дона.

Хуллас, Шаҳрисабз ҳудудида қайд этилган тангалар хазинаси, асосан, синиқ (синдирилган, бўлакланган) тангалардан иборат бўлиб, танга тўпламлари сони жиддий равишда ўсиб бораётганини кўрамиз. Бу Мовароуннаҳр ички пул муомаласида кумуш дирхамнинг ролини баҳолаш имконини беради ва синиқ тангалар бозор иқтисодиётида пул муносабат тизимида фаол муомалада бўлганини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пидаев. Ш. *Тангалар - давр кўзгуси // Фан ҳақида суҳбат. Тошкент, 1984.*

2. Кочнев Б.Д., Атаходжаев А.Х. *Два клада куфических монет из Узбекистана / Нумизматика Центральной Азии. 1999. № IV.*

3. Атаходжаев А.Х. *Два клада куфических дирхемов из Узбекистана / всероссийская нумизматическая конференция. Вологда, 1993.*

4. Кочнев Б.Д., *Клад серебряных монет Хв. Из Узбекистана. Четвертая всероссийская нумизматическая конференция. Москва 1996.*

MULLA NIYOZ MUHAMMAD XO‘QANDIY VA UNING “IBRATUL XAVOQIN” (TARIXI SHOHRUXIY) ASARI HAQIDA

*Bahodir NABIYEV,
Namangan davlat universiteti
O‘zbekiston tarixi mutaxassisligi magistranti.*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada o‘lkamiz hududida mavjud bo‘lgan Qo‘qon xonligida yashab ijod qilgan tarixnavis Mulla Niyoz Muhammad Xo‘qandiyning hayotiga oid ma’lumotlar va uning “Ibratul xavoqin” (Tarixi Shohruxiy) asari haqida fikr yuritiladi.

Kalit soʻzlar:

Qoʻqon xonligi, Mulla Niyoz Muhammad Xoʻqandiy, “Ibratul xavoqin”, “Tarixi Shohruxiy”, T.K.Beysembiyev, Xudoyorxon.

Annotation:

This article is about the life of historian MullaNiyoziy Muhammad Khokandiy who lived and worked in KhokandKhanate in our country and his work called “IbratulXavoqin”(History of Shohrukhiy)

Keywords:

Kokand khanate, Mulla Niyaz Muhammad Khokandi, “Ibratul havoqin”, “History of Shohrukhiy”, T.K. Beysembiyev, Khudoyorkhan.

XVIII asr boshlaridan – XIX asr 70-yillarigacha Oʻrta Osiyoning yirik davlatlaridan biri boʻlgan Qoʻqon xonligi taraqqiy etib borgan sari, ilm-fan, madaniyat kabi sohalar ham rivojlanib bordi. Oʻz navbatida, tarixnavislik ham taraqqiy etib bu davrda koʻplab tarixchilar yashab, ijod qilishgan.

“Ibratul xavoqin” asarini muallif Mulla Niyoz Muhammad Xoʻqandiy (taxallusi Niyoziy va Ikromiy) mullo Ashur Muhammad oilasida barcha olimlarning taxminicha, 1804-1805 yili tugʻilgan. Niyoz Muhammad harbiy xizmatga oʻtishidan oldin Qoʻqondagi “Hammom” madrasasida taʼlim oladi. U domullo Orif Piskatiyning oʻgʻli Maxdumi Hammomning shogirdi boʻlgan. “Tarixi Shohruxiy” maʼlumotlariga qaraganda Niyoz Muhammad Naqshbandiya tariqatiga kirgan solih boʻlib, domullo Maxdumning muridlaridan boʻlgan. Domullo Maxdum esa domullo qozi Boboyi aʼlamning otasi boʻlgan. Domullo Maxdum oʻsha vaqtlarda Fargʻonaning eng mashhur murshid hazrati Sohizbodaning (vaf. 1869) muridlaridan boʻlgan.

Niyoz Muhammad Qoʻqon hukmdorlarining koʻp harbiy yurishlarida qatnashib, 1860-yillarning oʻrtalarida harbiy xizmatdan chetlashadi va attorlik bilan shugʻullanadi [1].

“Ibratul xavoqin” hijriy 1288-1307, milodiy 1871-72/1889-1890 yili tojik va oʻzbek tillarida Xudoyorxon farmoni yozilgani maʼlum boʻldi. N.N.Pantusovning taxminicha, Niyoz Muhammad oʻz asarini birinchi nusxasini Xudoyorxon buyrugʻi bilan qaytadan taxrir qilib, ikkinchi nusxasini ham tuzgan. N.N.Pantusov taʼbiricha, asarning birinchi nusxasi ancha obʼektiv yozilgan asar boʻlgan [2].

“Tarixi Shohruxiy” tadqiqotchisi T.K.Beysembiyev xulosasiga qaraganda, Niyoz Muhammad asarni xon ruhi va talabiga moslab yozishda

moddiy ragʻbatlantirishni ham kutgan boʻlishi mumkin. “Tarixi Shohruxiy” asari 1885-yilda N.Pantusov tomonidan chop ettirilgan.

“Tarixi Shohruxiy” yoki “Tarixi Shohruxiya” nomi bilan shuhrat topgan “Ibratul-xavoqin” asarining toshbosma nusxasidan tashqari 12 ta nusxasi mavjud. Ular Sankt-Peterburg, Qozon, Toshkent, Dushanbe, Parij kutubxonalarida hamda shaxsiy fondlarda saqlanadi [3].

“Ibratul-xavoqin” asari Qoʻqon xonligi tarixshunosligida koʻproq oʻrganilgan asar hisoblanadi. XX asr mobaynida Qoʻqon xonligi tarixini oʻrgangan tadqiqotchilar, koʻpinch ushbu asarning toshbosmasidan foydalanlar yoki uning maʼlumotlarini boshqa olimlar ishlaridan olganlar. T.K.Beysembiyev esa, oʻzining tadqiqotlarida mazkur asarga biroz ortiqcha baho bergan boʻlsa-da, uni tarjima qilmagan. Asarning umumiy mazmunini bayon qilish bilan cheklangan. Aytish lozimki, “Ibratul-xavoqin” asarining katta ahamiyati va yuqori mavqei oʻz vaqtida oʻz vaqtida V.V.Bartold, N.Mallitskiy, L.A.Zimin, E.Xurshut ham shubha ostiga olgan edilar. Tadqiqotlarning taxlili, asarning tarjimasi va uning maʼlumotlarining qiyosiy oʻrganilishi qisman bu shubhalar asosli ekanini koʻrsatdi.

Qoʻqon tarixnavislik maktabiga mansub boʻlgan bu asarning toshbosma nashri bois, u olimlar doirasida ancha keng tarqalishiga sabab boʻlgan [4].

“Ibratul xavoqin” asarida Qoʻqon xonligi tarixini tashkil topishidan boshlab XIX asrning 70-yillari boshlarigacha boʻlgan davri haqida maʼlumot beriladi. Xonlik tarixining asosiy davrlari baʼzan qisqa baʼzan esa mukammal yoritilgan. Asarning matni (XIX asrning 40-yillarigacha) va original (muallif davri) qismlarga (XIX asrning 40-70-yillarigacha) boʻlinadi.

Boshlanishidan keyin asarda Oltin beshik qissasi keltirilgan. Undan keyin esa Qoʻqon xonligining dastlabki hukmdorlarining davrlari Norboʻtaxongacha boʻlgan davr zikr etilgan. Undan keyingi boblar quyidagicha koʻrinish olgan. Olimxon davri, Olimxonning taxtga kelishi, Olimxonning istilochilik yurishlari, Olimxonga qilingan suiqasd, Olimxonning oʻlimi, Umarxon davri, Madalixon davri, Sheralixon hukmronligi, Xudoyorxonning birinchi hukmronlik davri, Mallaxon hokimiyati.

1862-1865-yillar voqealar bayonida muallif Xudoyorxonning qirgʻiz-qipchoq qabilalari bilan olib borgan urushlari, Buxoro amirining Fargʻona oʻlkasini egallashi, Alimquli amir lashkarning hukmronligi, Toshkentni ruslar tomonidan bosib olinishi va uni himoya qilinishi voqealari bayon etilgan. Ushbu bobda Xudoyorxonning 1865-yili uchinchi marotaba xonlik taxtiga koʻtarilishi keltirib oʻtilgan. Asarning oxirgi qismlari maddoxona

va maqto'v ko'rishda yozilgan, 1871-yilgacha bo'lgan ba'zi ijtimoiy-siyosiy voqealar ham kiritilgan.

“Ibratul-xavoqin” asari o‘zining katta hajmi, mazmunining hilma-xilligi, rasmiy ruh va ko‘p nusxada bo‘lishi bilan o‘rtacha va mayda boshqa ko‘p mayda asarlardan ustun bo‘lib, Qo‘qon xonligi tarixshunosligida chuqur iz qoldirdi, deb xulosa qiladi T.K.Beysembiyev. Shunga qaramasdan, ushbu asar hali to‘liq o‘zbek tilig tarjima qilinmagan va uning boy ma’lumoti ilmiy muomalaga kiritilmagan. Ushbu asar kabi hali to‘liq o‘rganilmagan yurtimiz tarixiga oid asarlarni o‘ganib, ularni ilmiy qadriyati yanada oshirilmog‘i kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *Avaz Muhammad Attor Xo‘qandiy. Tarixi jahonnomay, II jild //O‘z RFA ShI fondi . – №: 9455. 76 varaq.*
2. *Пантусов Н.Н. Теварихи-Шахрухие Туркестанские ведомости, 1876. – 30. – С.*
3. *Н.М.Хўқандий Ибратул хавоқин (Тарихи Шохруҳий)/ Тошкент, “Turon zamin ziyo”, 2014, - 5 – b.*
4. *Н.М.Хўқандий Ибратул хавоқин (Тарихи Шохруҳий)/ Тошкент, “Turon zamin ziyo”, 2014, - 9 – b.*

MUSTAQILLIK YILLARIDA XORAZM VOHASIDA AMALGA OSHIRILGAN ARXEOLGIK TADQIQOTLAR

(Mudofaa inshootlari misolida)

Xumora POZILOVA,
*O‘zRFA Milliy arxeologiya markazi
kichik ilmiy xodimi*

Annotatsiya:

Bu maqolada qariyb uch ming yillik yozma tarixga ega bo‘lgan Xorazmning o‘tmishi, tarixi, madaniyati, mudofaa inshootlari va bugungi kunda o‘rganilishi dolzarb bo‘lgan shaharsozlik madaniyati masalalariga alohida to‘xtalib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar:

Qadimgi Xorazm, mudofaa inshootlari, qadimgi va o‘rta asrlar, Xorazm arxeologik ekspeditsiyasi, Oqshaxonqal’a, O‘zbekiston arxeologiyasi.

Annotation:

This article focuses on the past, history, culture, defense structures and urban planning culture of Khorezm, which has a written history of almost three thousand years.

Keywords:

Ancient Khorezm, defense structures, ancient and medieval, Khorezm archeological expedition, Akshakhankala, Archeology of Uzbekistan.

Mustaqillik yillarida nihoyatda faollashgan tadqiqotlar ko‘lami va ularning ilmiy samarasi tufayli O‘zbekiston arxeologiyasi dunyo ilm-fani darajasiga ko‘tarildi. Bunday natija esa, o‘z navbatida, O‘zbekiston arxeologiyasi uchun dunyodagi yetakchi arxeologiya markazlari bilan ilmiy hamkorlik o‘rnatishga, teng huquqli asosda xalqaro shartnomalar tuzishga zamin yaratdi. Ayni paytda, O‘zbekiston hududida – Avstraliya, AQSH, Germaniya, Italiya, Polsha, Rossiya, Fransiya kabi davlatlarning arxeolog olimlari bilan hamkorlikda, xalqaro miqyosda, arxeologik tadqiqotlar olib borilmoqda. Istiqlol yillarida amalga oshirilgan arxeologik tadqiqotlar natijasida qadimgi davr Xorazm mudofaa tizimi, shahar qal‘alari, karvon saroylar, kanallar va hunarmandchilik ustaxonlarning shaharlar hududida joylashuvi tizimi kabi muhim muammolar tahlil qilindi va bir qator qal‘alari o‘rganildi. Bular qatoriga Xivadagi Tuproqqal‘a, Shovotdagi Tuproqqal‘a, Yangiariqdagi Tuproqqal‘a, Olmaotishkan, Xiva, Qoraqalpoqiston Respublikasidagi Katta Aybo‘yirqal‘alarni misol qilishimiz mumkin. Xivadagi mil. avv. V-IV asrlarga oid mudofaa inshootlari tizimiga kiruvchi Ichan qal‘a va Tuproqqal‘ada keng ko‘lamdagi arxeologik tadqiqotlar olib borildi.[1. 19-20.] Antik davrdagi Xorazm harbiy istehkomlari to‘g‘risidagi tasavvurlarni ancha boyitib, kengaytirgan yangi materiallar aniqlandi. Bu ishlarning natijasi alohida maqolalarda yoritildi va shaharlar arxitekturasiga yangiliklar kiritildi.

1999, 2004-2006-yillarda Oqshaxonqal‘aning B ob‘yektidagi qazish ishlari, asosan, inshootning ibodatxona deb belgilangan janubi-g‘arbiy qismida olib borildi. Tarhi kvadrat shaklda, o‘lchamlari 60x60 m ga yaqinni tashkil qilgan monumental inshootning har bir burchagida oval tarhli burjlar bo‘lgan. To‘rt devor o‘rtasida ham shunga o‘xshash burjlar bo‘lgani aniqlangan. Qo‘shdevor o‘rtasida butun binoning atrofidan o‘tgan eni 2 m ga yaqin yo‘lak bo‘lgan. Poydevori paxsa, yuqori qismi yirik qolipda quyilgan xom g‘isht bilan ko‘tarilgan. Ob‘yekt ichida ish olib borilgan paytda tosh poyustunlar topildi.

2003-yilda tashqi devorning Oqshaxonqal‘a shahristoni shimoli-g‘arbiy burchagining burjdan g‘arbdagi qismini tekshirish chog‘ida devorda shinaklar bo‘lganligi aniqlandi. 2004-yilda yana bir transheya ochildi. Bundan tashqari, 2004-yildagi dala mavsumiga, umuman, qadimgi Toshxirmon vohasi va Oqshaxonqal‘a tashqi devorini arxeologik o‘rganishni davom ettirish uchun sun‘iy yo‘ldoshdan suratga olish

priborlaridan foydalanib, kosmik suratga olish hamda distansion zondlash ma'lumotlari (DZM) materiallari jalb qilindi. Barxanlararo pastliklarda devorning tashqariga chiqish joyi SRZ yordamida qayd etildi. Muayyan geografik koordinatorlar ma'lumotlar bazasiga kiritildi hamda kosmosdan olingan suratga va kartografik materiallarga qo'yildi. Bu maqsadda E5R1 firmasining dasturiy ta'minotidan foydalanildi. Qadimgi inshootlarning makondagi holatini kartografiya qilish uchun geoinformatika metodlaridan foydalanib, tashqi devorning saqlanib qolgan qismi uzunligi, ayrim konstruktiv xususiyatlari va taxminiy vaqti aniqlandi.[2.73-74.]

2005-2006-yillarda olib borilgan tadqiqot natijalariga ko'ra, ko'cha bilan qal'aning g'arbiy devori orasida shartli ravishda "Yuz ustunli zal" deb nomlangan ob'yekt borligi aniqlandi. Muqaddas shaharning qal'a devoridan 18 m. masofada devor ko'tarilgan bo'lib, uning uzunligi 100 metr ga yaqin, deyish uchun asos bor. 100x18 m. o'lchamdagi ulkan xona ustida 3,1-3,6 m. oralig'ida o'rnatilgan ustunlarga tayangan yassi bostirma bo'lgan. Qal'a devorida saqlanib qolgan to'sinlar o'rniga qaraganda, ustunlarning balandligi 4 m. ga yaqin bo'lgan. Ustunlar qumtoshdan tayyorlangan kesik piramida shaklidagi poyustunlarda turgan. Bu esa Oqshaxon-qal'aning mustahkam qurilish ob'yekti bo'lganligidan dalolat beradi.

V.N.Yagodinning ilmiy ishlari keng qamrovli bo'lib, istiqloq yillarida olim qadimgi Xorazm shaharsozligi va ilk davlatchiligi tarixining qator jihatlariga bag'ishlangan ishlarini e'lon qildi.

Xiva shahrining 2500 yilligi yubileyi munosabati bilan mustaqillik yillarida voha hududida fundamental tadqiqot ishlari olib borildi. 2000-yil chop etilgan G'.Xodjaniyazovning "Qadimgi Xorazm mudofaa inshootlari" nomli monografiyasida esa Xorazm vohasining antik davrdan to milodiy XIII asr davrlari shahar mudofaa inshootlari va qal'alari to'g'risida fundamental tadqiqot natijalari bayon qilingan.

Mustaqillik yillarida chop etilgan S.B. Bolelovning asarida Xorazm vohasi va Orolbo'yi hududlaridagi qadimgi davr qal'alarining paydo bo'lishi va shakllanishi, qurilish arxitekturasi, mudofaa tizimlari haqida yangi fikrlarni olg'a suradi.

Yangi ilmiy ma'lumotlarning kengayib borishi, madaniyat tarixiga oid arxeologik manbalarning davrlashtirish va xronologiya muammosiga aniqliklar kiritilishi natijasida moddiy madaniyat tarixini o'rganishda tizimli yondashish muhim masalaga aylandi.

M.Mambetullayev, V.N.Yagodin, V.V. Luneva, O'. Abdullayevlarning maqolalari ham qadimgi va o'rta asrlar Xorazm shahar va qal'alariga bag'ishlanadi. Tarixiy rivoyatlar, urf-odatlar va marosimlarga oid masalalar S.X.Esberganova, H.Abdullayev, S.Ro'zimov, G.Eshchanova,

A.A.Ashirov, Sh. Kamoliddin va boshqa olimlar tomonidan ko'rib chiqildi.[3. 123-125.]

Shuningdek, qadimgi Xorazmning bir qator arxeologik ob'yektlari, jumladan, Qoratepa, Jampiqqal'a va boshqalarda ilmiy izlanishlar olib borildi. Zero, mamlakatimiz mustaqillikka erishganligi sharofati bilan bu borada chet ellik olimlar bilan birgalikda ishlash uchun keng yo'l ochildi. Xususan, O'zbekiston Fanlar Akademiyasining Qoraqalpog'iston bo'limi Tarix, arxeologiya va etnografiya instituti va Avstraliyaning Sidney universiteti olimlari hamkorlikda arxeologik tadqiqotlar olib borishmoqda.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, mustaqillik yillarida Xorazm vohasida amalga oshirilgan arxeologik tadqiqotlar shaharsozlik masalalari va mudofaa inshootlarining tuzilishi, qurilish texnologiyasi borasidagi yangi qarashlar bilan boyitildi. Chet el arxeolog olimlar bilan olib borilgan izlanish natijalari xorijiy nashrlarda ham o'z aksini topganligi, jahon ilmiy jamoatchiligi doirasida yuksak baholanib kelinayotganligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *Matrasulov Sh. Janubiy Xorazm o'rta asr shaharlarining moddiy madaniyati tarixi. (Xorazm viloyatidagi arxeologik yodgorliklar misolida). Ma'mun akademiyasi, 2009-2011. –B. 19-20*

2. *Xodjaniyozov G'. Qadimgi Xorazm mudofaa inshootlari. –T.: O'zbekiston, 2007. –B. 73-74*

3. *Abdrimov K. Qadimgi Xorazm ilmiy maktabining astroarxeologik mezonlari//IMKU. - Samarqand, 1999.Vsh. 30. –B. 123-125.*

ПАТРИАРХАЛЬНАЯ СЕМЬЯ УЗБЕКОВ ЮЖНОГО ХОРЕЗМА

*Сапарбай НАВРУЗОВ,
доцент,*

*Санобар МАТЧАНОВА,
Юлдуз ОЛИМОВА,
Зебо ЗАРИПБАЕВА,*

Магистранты, Ургенч государственный университет

Аннотация:

Эта статья предоставляет собой информацию о больших патриархальных семьях в Хорезмском оазисе, о проблемах их возникновения, о том, что они стали основной единицей домашнего хозяйства.

Annotation:

This article provides information about large patriarchal families in the Khorezm oasis, about the problems of their emergence, about the fact that they have become the main unit of the household.

С первых дней независимости республики Узбекистан приоритетом стало укрепление и защита семьи, здоровья матери и ребенка, воспитание здорового и гармонично развитого поколения, повышение благополучия семьи, усиление заботы о молодых семьях, как со стороны общества, так и со стороны государства.

Постановление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «Об утверждении концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан» от 27 июня 2018 года стало новым импульсом в стране, также как и Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах. В ней были четко прописаны дальнейшая поддержка, развитие и укрепление семьи, повышение ее роли в воспитании будущего поколения духовно зрелым и гармонично развитым.

Вопросы семейных и брачных отношений народов Центральной Азии являются одним из важных направлений науки этнографии.

Мы знаем многих этнографов, которые собирали научные данные по этнографии региона во второй половине XIX века и организовывали научные и полевые исследования. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция, организованная под руководством археолога и этнографа С.П. Толстова, имеет большое значение для всестороннего изучения народов Центральной Азии. Как известно, проблемы семьи и внутрисемейных отношений были актуальны всегда. Необходимость исторического опыта семейных отношений и семейного взаимодействия наиболее важен, так как он позволяет судить о том, какие существуют типологические и функциональные особенности семьи.

О том, насколько важна семья в жизни каждого человека, говорили еще древние мыслители. Древнегреческий философ Платон, например, считал, что каждый мужчина обязан жениться до 35 лет. Брак входил в общественные повинности граждан. Отказ от женитьбы, по Платону, преступление. Главным назначением семьи Платон считал рождение здоровых детей (граждан). Поэтому он приводил конкретные рекомендации относительно того, как обеспечить здоровое потомство.

В Хорезмском оазисе уже давно существуют большие патриархальные семьи среди оседлых узбеков по сравнению с другими регионами Центральной Азии. М. В. Сазонова, изучавшая большие патриархальные семьи в Хорезмском оазисе и отношения между ними, отмечает при изучении архивов хивинских ханов: в середине XIX века в Хивинском ханстве основной хозяйственной единицей была большая семья. Такие семьи сохранились до начала двадцатого века. Из исторических источников мы знаем, что их состав варьировался от 30 до 45, и что сыновья и дочери, иногда братья и сестры, которые были женаты, собрались вокруг главы семьи. Собраны общие сведения у узбеков Ханкинского района о нескольких таких больших семьях. Например, в состав семьи Ходжиляр (сел. Мадыр Ханкинского района), кроме главы её, 83-летнего Матъякуба-ходжи, входили в конце XIX-начале XX века: его сын, две дочери со своими семьями, четыре брата и сестра, тоже с семьями. Всего в семье было 45 человек. В семье его отца, по словам Матъякуба, было до 60 человек.

Интересный материал дало изучение больших семей Пустакляр и Максумляр. Семья Максумляр до раздела состояла из трёх братьев и сестры с их детьми – всего около 30 человек. Семья Пустакляр состояла из двух сыновей от первой жены Матчан-Бова (уже умершего) и трёх сыновей и дочерей от его второй жены с их детьми и из старшего брата Матчана – Сеид-нияза с двумя сыновьями, каждый из которых имел свою семью. Общее число членов этой семьи было около 45 человек. Интересно, что теперь, когда они уже разделились, в беседах старики называли всех своих родственников, около 70 человек, как бы перечисляя все ещё единую семью. Собранные материалы показывают, что большая семья дольше всего сохранялась у двух социальных групп населения: во-первых, и при этом чаще всего, в богатых байских семьях (Максумляр) и в семьях духовенства (ходжи и шейхи), представляя своеобразную форму эксплуатации сородичей со стороны главы семьи; во-вторых – в семьях, стоящих на грани разорения и превращения в безземельных Пустакляр*, когда совместное существование членов семьи было обусловлено материальной невозможностью раздела.

* Пустакляр – прозвище (лякаб), данное отцу Матчана и Сеид-нияза Клыч-бова за недостаточно хорошее поведение на одном из «тоев» - праздников. Кто-то из присутствовавших назвал его «пустак» - толстокожий. Так вся семья стала называться Пустакляр – толстокожие.

Из книги Сазонова ясно, что для обозначения большой семьи в Хорезме употреблялись термины «аиля», «кета аили» или «кабиля». Основным занятием таких больших семей было земледелие. Во главе семьи был не взрослый, а мужчина самого высокого ранга в семье. Все сельскохозяйственные работы выполнялись мужчинами, а женщины помогали только собирать урожай, а остальное время они занимались домашним хозяйством. Все имущество принадлежало членам семьи и не являлось личными деньгами, принадлежащими физическому лицу или собственности какого-либо резидента. Глава семьи распределял и контролировал всю работу; и его жена распределяла труд женщин. Существует строгий порядок в распределении труда. Каждый член семьи выполнял свою работу в определенном возрасте, в зависимости от твердости и легкости работы.

Патриархальность семейного взаимодействия была свойственна семьям, где основным кормильцем выступал муж (отец), который занимался хозяйством, охотой. Женщина же выступала в роли хранительницы домашнего очага и занималась убранством в доме, готовила пищу и воспитывала детей.

Патриархат — общество, в котором мужчины являются «доминантным элементом» в семейной, хозяйственной и общественной жизни. Патриархальная семейная община включала из 3–5 поколений ближайших родственников по отцовской линии, потомков одного предка, с женами мужчин данной группы. Она могла включать до 200–300 человек. Её жизнью руководит семейный совет. Повседневным трудом в ней распоряжается "старший", а женским хозяйством, в которое "старший" не имеет права вмешиваться, распоряжается "старшая". Их положение пожизненно. Имущество семейной общины неделимо и неотчуждаемо. Такая патриархальная семейная община постепенно перерождается в отцовскую большую семью с неограниченной властью отца.

Большие семьи состояли в основном из двух разных социальных групп населения: первая была среди самодостаточных семей и священнослужителей, а вторая - среди населения, находящегося на грани банкротства и бездомности. Тот факт, что члены семьи жили и работали вместе, не позволял им расставаться. В Хорезмском оазисе большие патриархальные семьи назывались «семья» или «большая семья».

В конце хотелось бы отметить, что исследование многовекового развития основ семейного права в Республике Узбекистан, позволяет нам глубже представить себе различия и тенденции в регулировании

семейно-брачных отношений в прошлой и современной жизни. Глава нашего государства Президент Шавкат Мирзиёев считает, самое главное в жизни каждого человека — это семья.

«Семья для меня священна. Священна тем, что где бы ты ни работал, кем бы ты ни был, если в семье не будет воспитания, среды, честности, отношений, никогда не будет результата. Поэтому я уделяю большое внимание воспитанию своих детей. У меня отдельная связь с каждым моим ребенком, внуком. Знаю характер каждого внука, их мечты, желания», — сказал он.

«Когда человек вправе говорить, что он счастлив? Только если ты счастлив с семьей. Я считаю себя счастливым когда счастлива не только моя семья, но и мой народ», — добавил Мирзиёев.

Таким образом, изучению семьи и семейных взаимоотношений посвящены многие труды психологов, социологов, философов, историков, которые на протяжении цивилизационного развития человечества пытались проследить развитие и становление семьи. По мнению историков, первоначально патриархальная семья была довольно многочисленной: она включала в себя родственников и потомков одного отца с их женами, детьми и родственниками.

ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ФОТОКОМПОЗИЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАСИ

*Жасур ЖУМАЕВ,
Камолитдин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
катта ўқитувчиси*

Аннотация:

Мазкур мақолада бадий фото композициясининг асосий тушунчалари, композициянинг умумий мақсадлари, ижодкор томонидан ушбу санъатнинг тасвирий ва ифодали воситалари, конструктив курилишининг ўзига хос усуллари ва техник воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши каби масалалар ёритиб ўтилган.

Аннотация:

This article discusses the basic concepts of artistic photographic composition, the general purpose of the composition, the use of the visual and expressive means of this art by the artist, the use of specific techniques and techniques of constructive construction.

“Композиция” атамаси лотин тилидан “композиция, компиляция, уланиш” деб таржима қилинган бўлиб, яъни бу ғайриоддий қурилиш, унинг қисмлари ва таркибий қисмларининг нисбатларини топиб, охир-оқибат бирма-бир тўлдирувчи ва чизиқли шаклда тўла бўлган деган маънони англатади. У фототасвирнинг ёруғлик ва тоналли тузилиши.

Таркиби чизишнинг бутун тизими, бадий шаклнинг равшанлиги ва ифода этилиши ва расмнинг мафкуравий ва тематик мазмунини очиш учун рассом томонидан яратилган тасвирнинг бутун график шакли сифатида тушунилиши керак. Бундай кенг маънода композиция – рамка-расмнинг алоҳида қисмларига семантик юқларни ҳисобга олган ҳолда, участканинг барча элементлари ва фотосуратдаги расм. Таркибий расм чизилган расмдаги расм ва объектларни жойлаштириш, рамкада ҳаракатнинг моҳияти ва йўналиши, асосий чизиқлар ва ёруғлик-тонали массаларнинг жойлашиши, ритмик такрорлашлар, истиқболли элементлар ва бошқаларни жойлаштириш билан белгиланади. Кадрнинг таркибий қисмидаги барча элементлар маълум бир гармоник тизимга келтирилади.

Тасвирнинг расмий қарори ғояси ўзининг мафкуравий ва тематик мазмуни билан белгиланади, рамканинг бадий шакли табиатига боғлиқ. Ва шунинг учун ёзувчи ҳар доим янги ва янги график вазибаларни, ҳар сафар бошқа композицион ва ёритувчи ечимларни топишга тўғри келади. Бу фотографик композицияларнинг хилма-хиллиги ва хослигини, фотосурат усталарининг ижодий қўл ёзуви индивидуслигини тушунтиради.

Фотографик тасвирлар мавзуси жуда ҳилма-хил, чунки материалга киритилган материал ва тортишишнинг ўзига хос шартлари фарқ қилади. Ушбу тортишиш, биринчи навбатда, инсоннинг ташқи қиёфаси ва ички ҳолатининг ягона ўзига хослиги билан инсон қиёфасини сақлаш ва тарқатишдан иборат. Расмий характерга асосан ёруғликка боғлиқ экан, портретли фотографик инсоннинг юзи ва характерининг энг яхши ифодасини энг яхши ёритувчи ёруғлик схемаси қурилишига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

Портрет суратга олишда асосий тасвир объекти ва фоннинг ёруғлик, тонал, ранг ва оптик чизилган нисбати катта рол ўйнайди. Биз кўпинча муаммонинг бундай ечимини топамиз: тасаввур қиладиган шахс аниқ ёруғлик ва сояда, оптик нақшнинг аниқ тасвирланган, фон ёруғлик ва соя моделида юмшоқ ва лойқа қилиб яратилган.

Аmmo бу усул доимо қўлланилмайди: портретда фон аниқ, батафсил ва тафсилотларга бой бўлиши мумкин. Бундай қарорлар одатда ишлаб чиқариш портрети деб аталади.

Агар шундай бўлса, унда қандай композицион масалалар, ёруғлик, тонал, расмнинг рангли қарорлари кўрсатилиши мумкин? Шубҳасиз, кескин тавсиялар, рецепт белгиларининг қаттиқ қоидалари бу ерда қабул қилинмайди. Мисол учун, ҳар қандай тортишиш турлари учун энг мос равишда ўзига хос марказлаштирилган узунликдаги объективни тавсия эта олмайсиз. Яқин масофадан туриб ўққа тутишни таъминлайдиган ва шунинг учун рамкага чизилган чизиқли йиғилишни келтириб чиқарадиган қисқа марказли линзалар ички интервалда тортишиш пайтида яхши натижалар беради. Узок марказли линзали портретли фотографик талабларига жавоб беради.

Шунинг учун композицияни кўриб чиқиш муаллифнинг муваффақиятини кафолатлайдиган доимий қоидалар рўйхатига қисқартирилмайди. Ушбу йўл муқаррар равишда муаммонинг тавсифига ва натижада стандартлаштирилган маҳсулотларнинг пайдо бўлишига, худди шундай суратларнинг оқимига, маркага олиб келар эди.

Фотосуратчилар учун фотосуратларни кўриб чиқиш, биринчи навбатда, фотосуратчининг амалий фаолияти учун зарур бўлган билимга эга бўлган умумий назарий асосларни ўрганиш билан бошланиши керак. Бу билим уста ижодкорлик ғояларини ифодалаш шаклини топишга ёрдам беради. Шу билан бирга, улар уста индивидуаллиги намоён бўлишига, асарнинг ўзига хослиги билан ажралиб турадилар.

Шу билан бирга, фотосуратлар жуда аниқ ва тасвирий техника ва суратга олишнинг техник воситалари билан боғлиқ, чунки уларнинг ёрдамида тасвирнинг таркиби қурилган. Бу ерда биз умумий қоидаларга чеклов қўёлмаймиз, лекин биринчи навбатда, улар фақат ижодкорлик учун етарли жой очадиган кўринади ва аниқроқ ва аниқ тавсиялар фотосуратчини ҳақиқат ҳиссиётида ўз ижодий тасаввурини боғлайдиган ҳақиқийликни йўқ қилади.

Сурат кичрайтириши асосларининг асосий тамойилларини билиш, муаллифнинг тасаввурини ёки расмнинг ёрқинлигини ўзгартира олмайди, чунки рамканинг композицион ечимининг тамойиллари ўз-ўзидан яхши расмни кафолатламайди. Ушбу маълумот нафақат муаллифлик ҳуқуқи нақлиятининг шаклланишига ва ифодасини топишга ёрдам беради, ижодкорликнинг дастлабки босқичларини енгиллаштирадиган ва ижодий амалиётда топилган ва ўрганган нарсаларни қидиришдан халос бўлишни осонлаштиради.

Фотографик палитранинг барча имкониятларини, рамка-расмини яратиш усулларини билиш, фотосуратчилар танловида эркиндир ва, албатта, бу алоҳида ҳолатда у учун зарур бўлган нарсалардан фойдаланади. Таркибий тузилмалар кенг миқёсда ўзгариши мумкин ва фақат ижодий амалиёт жараёнида кўрсатилади: ҳар бир янги мавзу, янги ҳикоялар ва материаллар ва, энг муҳими, фотосуратчининг ушбу материалга бўлган муносабати унга аниқ тортишиш нуқталарини, истиқболли ва истиқболли конструкцияларни олишни талаб қилади; энгил чизилган Шундай қилиб, композицион ишда фотографнинг шахсий амалий тажрибаси катта аҳамиятга эга.

Яратилган изланишлар жараёнида фоторассом, одатда, умумий классик қоидаларга истисно бўлиб қоладиган ечимни топади ва шу билан бирга, тасвирнинг мазмуни ажойиб куч билан тасвирланади, расм эса тутуди ва умуман тан олинади. Бу дегани, умумий тузилиш қоидаларини ўрганиш унинг мазмунини йўқотади дегани эмас. Бундай истиснолардан қатъи назар, композицион ижоднинг асосларини ўрганиш ва аниқ билимга муҳтожликни тасдиқлайди.

Юқоридагиларда шу маълум бўладики, замонавий бадиий фото композициянинг асосий тушунчаси тасвирнинг асосий жиҳатларини ўзида акс эттира оладиган фотография санъатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу соҳани ўрганиш ва ривожлантириш эса бугунги давр ижодкорлари олдига янгиликларга интилиш ва замон билан ҳамнафас равишда амалда қўллашдек вазифаларни юклайди.

XIX АСРДАГИ ЧЕТ ЭЛ САЙЁҲЛАРИ АСАРЛАРИДА БУХОРО ВОҲАСИ МАДАНИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

А.Т.ОЧИЛОВ,
Бухоро давлат университети
таянч докторанти

Аннотация:

XIX асрда Бухорога ташриф буюрган сайёҳлар томонидан берилган илмий маълумотлар воҳани илмий ўрганишга, археологик тадқиқотларнинг бошланишига ва Бухоро маданиятини чет эл жамоатчилигига кенг ёйишга хизмат қилган. Шунинг учун ҳам ушбу мақолада XIX асрда чет эллик сайёҳлар ва олимлар томонидан берилган, Бухоро воҳаси маданиятига доир маълумотлар илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:

Бухоро воҳаси, сайёҳлик, Г.К.Мейендорф, нумизматик маълумотлар, “Бухоро хонлиги тавсифи”, В.В.Бартольд.

Annotation:

The scientific information provided by tourists visiting Bukhara in the XIX century served for the scientific study of the oasis, the beginning of archeological research and the widespread dissemination of Bukhara culture to foreign audiences. Therefore, this article provides a scientific analysis of the data on the culture of the Bukhara oasis, provided by foreign tourists and scientists in the XIX century.

Keywords:

Bukhara oasis, tourism, G.K.Meyendorf, numismatic data, “Description of Bukhara khanate”, V.V.Bartold.

Ўрта Осиёнинг йирик деҳқончилик маконларидан бири Бухоро воҳаси ўз географик жойлашувига кўра қадимдан шарқ билан ғарб мамлакатларини боғловчи, савдо-иқтисодий ва маданий кўприк вазифасини бажариб келди. Шу сабабли, тарихий тараққиёт давомида воҳада ўзига хос ўринга эга бўлган юксак деҳқончилик маданияти, ривожланган хунармандчилик ва савдо-сотик тараққий этди. Бу жараён худудда диний ва дунёвий илмлар ривож топишига, Бухоро шаҳрини эса маърифат ва маданият марказига айланишига замин яратди. Бухоронинг донғи фақат илм-у маърифат, савдо-сотик соҳасидагина эмас, балки Туркистоннинг йирик маъмурий маркази сифатида ҳам таралиб келган. Шунинг учун ҳам Бухоро тарихига қизиқиш доимо кенг жамоатчилик нигоҳида бўлган.

Бухоро воҳасининг тарихи, моддий маданияти, археологик, этнологик ва картографик маълумотлари, асосан, XIX асрда чет элдан ташриф буюрган рус ва бошқа миллат вакиллари томонидан тўпланиб, илмий доирага маълум қилинган.

Бунинг яққол мисоли сифатида 1820-1821 йилларда А.Негри бошчилигида Россиядан Бухорога ташриф буюрган экспедиция аъзолари ёзиб қолдирган маълумотларини айтиб ўтишимиз мумкин. Бу экспедиция таркибида Г.К.Мейендорф, В.Д.Вольховский, А.К.Тимофеев, табиатшунос Х.Пандер ва сайёҳ Э.А.Эверсманн иштирок этган [1].

Г.К.Мейендорфнинг “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли китоби Бухоро хонлиги ва унга туташ худудларнинг географияси, аҳолиси, хўжалиги ва давлат бошқаруви ҳақида батафсил маълумот

бера олганлиги сабабли, тезда К.Хрем ва В.Шейдер тахрири асосида немис тилига таржима қилиниб, нашр этилди [2]. Асарнинг француз тилидаги наشري пайдо бўлиши биланок, унинг Бухоро хонлигига бағишланган “Статистический взгляд на Бухарию” [3] ва “Нравственное состояние Бухарии” [4] қисмлари рус тилига таржима қилинди.

“Оренбургдан Бухорога саёҳат” асари уч қисм ва иловадан иборат. Асарнинг биринчи қисмида Оренбургдан Бухорога борадиган йўл учга бўлинган ва савдо йўллари тасвирланган. Иккинчи қисмда муаллиф Марказий Осиёга умумий тавсиф бериб ўтади. Г.Мейендорф бу тавсифни оғзаки маълумотлар ва илмий асосга эга бўлмаган адабиётлардан олганлиги сабабли бу қисм унчалик ишончли эмас. Китобнинг учинчи қисмида Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузилиши баён қилинади [5]. Асарнинг илова қисмида 50 верстли масштабдаги харита келтириб ўтилган ва бунда Бухоро шаҳрининг координатлари ҳам белгиланган [6]. Харитада Зарафшон дарёсининг тўғри кўрсатилганлиги ва Бухоро-Оренбург, Бухоро-Орск савдо йўлларининг мукамал тасвирланганлиги диққатга сазовордир.

Г.К.Мейендорф Бухорода савдо-сотик тизимини яхши баҳолаб, XIX асрнинг 20-йилларида шаҳарда 14 та карвонсаройлар мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтади [7]. У Бухоронинг ислом оламида тутган ўрни ҳақида тўхталиб: “Ўзининг кўплаб мактаблари, олимлари ҳамда муқаддас қадамжолари сабабли мусулмонларнинг зиёратгоҳига айланган. Эҳтимол шунинг учун у “шариф” номига сазовор бўлгандир” [8], деб такидлайди.

“Оренбургдан Бухорога саёҳат” асари Бухоронинг тарихий маданий меросини, табиий географиясини, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, савдо-сотик муносабатларини ва элчилик алоқаларини (айниқса, Россия билан), ўша даврда мавжуд хунармандчилик соҳалари этнологияси ва этнографиясига доир бир қанча қимматли маълумотларни беради.

Бухоро тарихини ёритишда XIX асрда чет эллик олимлар томонидан берилган нумизматик маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, академик Келлер ишларида Бухоро тангалари таҳлилига доир кўплаб маълумотларни учратишимиз мумкин. Келлернинг 1822 йилда “Сибирский вестник” тўпламида “Бухородан келтирилган қадимги медаллар” номли мақоласини эълон қилинади [9]. Мақолада, асосан, Бухоро бозорларидан олинган Юнон-Бақтрия

подшоларининг тасвири туширилган тангалар медаллар деб шарҳлаб ўтилади. Катта эҳтимол билан бу тангалар ўша даврда Бухородаги коллекционерлар томонидан йиғилган ва сотувга чиқарилган.

Бухоро тангалари араб афсоналари ва ривоятлари билан кўшиб тасвирланганлигини кўплаб рус ва чет эл олимлари ишларида кўришимиз мумкин. В.Тизенгаузеннинг “Шарқий халифалик тангалари” асарида, айнан, шундай маълумотлар учрайди[10]. У ўз асарини ёритишда Бухорхудотларнинг тангаларини араб халифалигининг тангалари деб шарҳлаб, хато қилади. Балки, у асарни ёзишда Эрмитаж музейи нумизматика бўлимида Френ томонидан гуруҳлаштирилган тангалар ҳақидаги маълумотлардан ҳам фойдаланган бўлиши мумкин. Чунки Френ тангаларни “Афросиёб уруғидан бўлган турк ҳоқонлари тангалари” деб гуруҳлаштиради. Турк ҳоқонларининг ҳеч қачон Афросиёб уруғидан эмаслиги уларга маълум бўлмаган[11]. Шу билан бирга П.И.Лерхнинг нумизматика соҳасидаги ишлари Бухоро тангалари ҳақидаги илмий маълумот ва таҳлиллари илмий мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб турди[12].

XIX асрнинг 40-йилларига келиб Ўрта Осиё ҳудудларини ўрганиш анча фаоллашди ва Бухоро ҳудуди ҳақидаги илмий маълумотлар кенг оммага берилди бошланди. Бунинг ёрқин далили – 1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг таркибидаги Н.Ханиковнинг “Бухоро хонлиги тавсифи” номли асари эди. Бу асар Бухоро ҳақида XIX асрдага таалуқли қимматбаҳо, илмий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни беради. Асар 1843 йилда Петербургда нашр этилиб, асосан, ўзининг Бухорода олиб борган шахсий кузатишлари натижасида вужудга келган маълумотлари, Бухорода бўлган бошқа саёхатчиларнинг Бухоро тўғрисида ёзиб қолдирган хотираномалари асосида ёзилган. Асар 8 бобдан иборат бўлиб, унинг охирида Бухоро хонлигининг харитаси, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг плани берилган. Адабиётларда кўрсатилишига қараганда, бу харита ва планлар 1841 йилда рус дипломатик миссиясининг составида қатнашган топограф Яковлев томонидан тўпланган материаллар асосида тузилган[13].

Н.Хаников ўз асарида XIX асрнинг 30-40 йилларида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтади[14]. Н.Хаников савдо соҳасида муҳим аҳамият касб этадиган Бухоро карвонсаройларининг фаолиятини юқори баҳолаб, ўз асарида XIX асрнинг 40-йилларида Бухорода 24 та “тош” ва 14 та “ёғоч” карвонсаройларнинг номларини аниқ-равшан келтиради[15]. У Бухорони йирик илм-фан ва маърифат, диний билимлар маркази

сифатида таърифлаб: “Бухоро илм тарқатувчи марказ ҳисобланган ва ҳисобланади”[16], деб айтиб ўтади.

Н.Ханиковнинг асари асосан Бухоро хонлигининг тарихини ўрганишда биринчи даражали манба бўлиб, унда мамлакатнинг ҳудуди ва чегаралари, география ва гидрографияси, тоғлари, дарёлари, иқлими, аҳолиси ва уларнинг машғулоти, топографияси, савдо алоқалари, қишлоқ хўжалиги, давлат бошқарув шакли, маъмурий бўлиниши ва маърифати тизимли равишда жуда муфассал қилиб тасвирланган.

И.Мушкетов Н.Ханиковнинг асарига юқори баҳо бериб: “Н.Хаников жуда ҳам муфассал ва ҳозирги вақтгача ҳурматга сазовор бўлган “Бухоро хонлиги тавсифи” китобини ёзиб, унда Бухоро ва унинг топографияси, табиий бойликлари, иқлими, шулар билан бирга, ер қимирлашлари, унинг аҳолиси ҳам уларнинг машғулоти ва бошқалар тўғрисида ўша вақтлардаги барча энг янги маълумотларни тасвирлаб беради”[17], - деб таъкидлайди. И.Мушкетовнинг ушбу таърифидан ҳам билишимиз мумкинки, Ханиковнинг “Бухоро хонлиги тавсифи” асари Бухоро тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг ўрталари инглизларга Ўрта Осиёнинг сиёсий аҳволи, географик мавқеи, аҳолиси, армияси ҳақида аниқ маълумотлар ҳаво ва сувдек зарур эди. Улар бу мақсад йўлида Ўрта Осиёга бир нечта агент ва сайёҳлар юборган. Шулар орасида Александр Борнс ва Армин Вамберининг Ўрта Осиёга қилган экспедициялари инглизларга Бухоро ҳақида бир қанча қимматли маълумотларни бера олди.

А.Борнснинг “Ходжа Обон” ва атрофидан топилган тангалар таснифи Бухоро воҳаси тўғрисидаги дастлабки археологик маълумотлар ҳисобланса[18], А.Вамберининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” асари Бухоро тарихига доир ноёб илмий манба ҳисобланади. А.Вамберининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” асари 1864 йил Лондонда нашрдан чиқади. Асарда келтирилган асослар Россия учун ҳам муҳим аҳамият касб этгани сабабли, 1865 йили Санкт-Петербургда рус тилига таржима қилинади. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда А.Вамберининг Ўрта Осиёга қилган саёҳати хотиралари ўрин олган бўлса, асарнинг иккинчи қисмда Бухорога доир қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Вамберининг Бухоро тарихи учун илмий жиҳатдан катта аҳамиятга молик асарлари 1873 йили нашр этилган “Бухоро ёхуд Трансаксония тарихи” китобидир. Муаллиф Мовароуннаҳр (икки дарё оралиғи)ни Трансаксония атамаси билан беради. Бу

китобида Бухоронинг энг қадимги даврларидан то XIX аср иккинчи ярмигача бўлган тарихини Ўрта Осиёдан олиб кетган қўлёмалари асосида баён қилади. А.Вамберининг асарлари Бухоро тарихи, сиёсий аҳволи, географик ўрни, ўша даврдаги меъморчилик обидалари таҳлилига ва Бухоронинг ижтимоий-маданий ҳаётига доир қимматли маълумотларни беради. Бухоро тарихига доир муҳим ва қимматли маълумотларни буюк тарихчи, шарқшунос олим академик В.В.Бартольд (1869-1930) асарларидан ҳам олишимиз мумкин. В.В.Бартольд Ўрта Осиёга биринчи бор 1893 йил ташриф буюради. Унинг мақсади Туркистоннинг ўтмишдаги тарихини ёзма манбалар асосида текшириш, маълумотлар йиғиш, имкон қадар шаҳарлар, марказ, қалъаларнинг рўйхатини тузиш бўлган[19]. Бундан кўриниб турибдики, В.В.Бартольднинг ташрифи биринчи навбатда археологик хусусиятга эга бўлган. В.В.Бартольд Бухорога келганда уни шаҳар обидаларининг ғарибона аҳволи, шаҳар дарвозалари тарихий номларининг ўзгартирилганлиги жуда ачинтирди ва “Правда Востока” газетасида “Бухоро. Унинг ёдгорликлари ва уларнинг тақдири” номли ўз мақоласини эълон қилди. В.В.Бартольд томонидан ёзилган “Туркистон маданий ҳаёти тарихи” асарининг “Бухоро” боби Бухоро тарихига доир ноёб манба ҳисобланади[20]. В.В.Бартольд асарларида Бухоро ва унинг атрофидаги исломгача мавжуд бўлган будда, зардуштийлик ибодатхоналари, араблар истилоси даврида уларнинг масжидларга айлантирилиши, Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси ва топонимикаси, қадимги шаҳристон дарвозалари Бухоро шаҳрининг шаклланиш эволюцияси тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Хулоса ўрнида шуни такидлашимиз жоизки, XIX асрда чет эл вакиллари томонидан яратилган асарлар Бухоронинг жойлашган ўрни, аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, шаҳар ва воҳа тарихи, этнологиясига доир қимматли маълумотларни бера олди. Айнан, шу даврда чет элликлар томонидан яратилган асарлар орқали Бухоронинг донғи бутун дунёга тарала бошлади. XIX асрда воҳа тарихига доир берилган маълумотлар асрнинг охирига келиб ҳудудда археологик тадқиқотларнинг бошланишига туртки бўлди.

Адабиётлар рўйхати:

1. *Meyndorf G. K. Voyage d Orenburg a Bouhara fait en 1820. - Paris., 1826. P.508.; Мухаммаджонов А.Р., Нематов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатига доир баъзи манбалар. Тошкент.1957. –Б.18.*

2. *Meyndorf G. Relse von Orenburg nach Bouchara im Jahre 1820*[Baron G.de Meyendorff]. *Nach dem franz, original bearbeitet von. C.Herm, V.Schelder. Jena.1826.*
3. Мейендорф Г.К. Статистический взгляд на Бухарию. (Из книжки «Путешествие в Бухарию полковника барона Мейендорфа» С французского А. Каменский. «Северный архив», 1826, 23-қисм, 161-182-бетлар. Асарнинг 253-261 бетларидан таиқари еттинчи бобининг ҳаммаси таржима қилинган.
4. Мейендорф Г. Нравственное состояние Бухарии. Из книги «Путешествие в Бухарию», Перев. А. Каменский. «Северный архив», 1826, 24-қисм.72-85 бетлар. 25-қисм, 178-194-бетлар. Асарнинг бу боби тўла таржима қилинган.
5. Мухаммаджонов А.Р., Нематов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатига доир баъзи манбалар. Тошкент.1957. Б.19.
6. Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI-XIX асрлар). т.ф.н.дисс.Тошкент,2004. Б.106.
7. Мейендорф Г.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М. 1975. С.100.
8. Мейендорф Г.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.1975. С.93.
9. Келлер. О древней медали, вывезенной из Бухари. Сибирский вестник. Ч.1. СПб.1824. С.9-18.
10. Тизингаузен В. Монеты восточнаго халифата. СПб., 1873. Стр.372.
11. «*Novae symbolac ad rem numarium Muhammdanorum ex Muscis Pflugiana atque Mantufeliano Pctropoli nee non Necdlovtano Casani. Edidil Doct. C. M. Fraehn*», *Pctropoli et Halis Saxorum*, 1819, p. 45—46.; Шишкин В.А. Варахша. М.,1963. С.13.
12. Лерх П.И. Монеты Бухар-худатов. Санк-Петербург,1909.

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА “ДИАСПОРА” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

*Ёсин ОРТИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тарих институти ходими*

Аннотация:

Ушбу мақолада ижтимоий фанлар тизимида қўлланиладиган “диаспора” тушунчаси ва унинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. Шу билан бирга, диаспора тушунчасининг пайдо бўлиш тарихи, моҳиятини тушунтиришда тадқиқотларнинг уч гуруҳи тушунтириб ўтилган.

Annotation:

This article tries to explain the concept of "diaspora" used in the system of social sciences and its essence. At the same time, three groups of researchers were explained in explaining the history and essence of the emergence of the concept of diaspora.

Дунё аҳолиси турфа хил бўлиб, уларни таснифлашда турли қарашлар мавжуд. Уларнинг барчаси ўз ёндашуви асосида муаммони тадқиқ этади ва тушунтиради. Шундай таснифлаш доирасида “диаспора” тушунчаси ҳам бор бўлиб, унинг тадқиқ этилиши социолог, этнолог ва бошқа кўплаб ижтимоий соҳа вакилларининг тадқиқот объекти сифатида бирлашган нуқтага айланган.

Диаспоралар диаспора сифатида яшаб қолиши учун тўхтовсиз кураш олиб боришга мажбур. Диаспора ҳаёти мураккаб бўлиб, у бир томондан яшаб турган давлати шароитларига мослашади, иккинчи томондан муҳожирликдаги этник муҳитининг таъсирини бошдан кечиради, учинчи томондан, глобаллашув жараёнларининг таъсирига дуч келиб, улар билан курашишга мажбур бўлади. Бу курашнинг нечоғлик қийин эканлигини, бугунги кунда миллий давлатига эга бўлган миллатларнинг глобаллашув таъсирида курашиб, кам самарага эришаётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Бу таъсирларга қарши туриш учун, албатта, кам сонли миллатлар ўзаро диаспорага бирлашган ҳолатда ҳаёт кечиришлари лозим бўлади.

Диаспоралар кўплаб жамиятларнинг бир бўлаги эканлигини инобатга олиб, уни тадқиқ этиш айтиш шу жамиятларнинг тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиётини таъминловчи муҳим воситалардан бири дейиш мумкин.

Диаспора тушунчасининг моҳиятини очиб беришда авваламбор “диаспора” сўзига тўхталиб ўтиш лозим. “Диаспора” сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, “ёйилиш”, “тарқалиш” маъноларини англатади. Инглиз тили луғатида эса “diaspora” – одамларнинг тарихий ватанидан бошқа давлатларга тарқалиши дея таърифланса[1], бошқа изоҳли луғатларда “Милоддан аввалги VI асрда Бобил подшолиги вақтида Исроилдан ташқари ҳудудларда яшовчи яҳудийлар”, деб тушунтирилади. Бунинг сабаби, милоддан аввалги 586 йилда Бобил подшолиги томонидан Яҳудий подшолигининг босиб олиниб, унинг аҳолиси мажбурий тарзда бошқа ҳудудларга кўчирилади ва мазкур аҳоли жамоалари диаспоралар деб аталар эди.

Диаспора атамаси бугунги кунга келиб анчагина кенг доирада ва мазмунда ишлатиб келинмоқда. Буни мавзу доирасида олиб борилаётган илмий изланишлар ва бу борадаги баҳс-мунозаралардан ҳам кўриш мумкин.

Диаспорани феномен сифатида моҳиятини тушунтиришга интилган тадқиқотчиларни учта йўналишга ажратиш мумкин: ижтимоий, сиёсий ва этник.

“Ижтимоий” йўналиш тарафдорлари диаспора феноменини тушунтиришда асосий эътиборни уларда мавжуд бўлган ижтимоий институтлар деб ҳисоблайди. Ушбу йўналиш вакиллари Ж.Т. Тощенко ва Т.И. Чаптыкова шундай ёзади: “Диаспора – ўзининг тарихий ватанидан ташқарида, хорижий муҳитда яшайдиган, ушбу жамоанинг ривожланиши ва фаолият юритиши учун ижтимоий муассасаларга эга, этник келиб чиқиши бир бўлган кишилар жамоаси”[2].

“Сиёсий” ёндашув тарафдорлари диаспорани сиёсий ҳодиса деб ҳисоблайди. Улар асосий эътиборни диаспора ҳаётидаги “Ватан” ва “сиёсий чегаралар” тушунчаларига қаратади. Чунки, уларнинг тушунтиришича, фақатгина тарихий ватанидан ташқарида яшаётган этник жамоагина диаспора бўлади.

В.А. Тишковнинг фикрига кўра, диаспоранинг ўзига хос хусусияти “географик жойлашуви, тарихий ривоятлари, маданий ютуқлари ва маданий қаҳрамонлари бўлган “асосий Ватан” ҳақидаги жамоавий хотиралар, ғоялар ёки мифларнинг мавжудлиги ва уларни қўллаб-қувватлашидир”[3]. Бироқ, В.А. Тишковнинг диаспора феноменига берган таърифи “этник” ёндашув вакиллари томонидан қабул қилинмайди. С.А. Арутюнов фикрича, В.А. Тишков диаспора феноменини таърифлашда асосий эътиборни давлат ва сиёсий чегараларга қаратади[4].

В.А.Тишков концепциясининг энг фаол танқидчиларидан бири Ю.И.Семенов бўлиб, унинг фикрига кўра, В.А.Тишков “диаспора”-нинг моҳиятини тушунтиришда “Ватан” тушунчасига урғу беради. Бунга қарама-қарши равишда Ю.И.Семенов диаспорани сиёсий эмас балки, этник ҳодиса деб ҳисоблайди. У этнос ёки этник жамоани “умумий маданиятга эга бўлган, одатда, бир хил тилда сўзлашадиган, ўзини бошқа шундай жамоалардан фарқли деб билувчи инсонлар жамоаси”[5] деб тушунтиради.

“Этник” йўналиш тарафдорлари диаспорани нисбатан кенг ҳодиса деб тушунади ва унга барча этник гуруҳларни, ҳатто, тарихий ватанига эга бўлмаганларини ҳам киритади. Бунда мазкур диаспора вакиллари ўзаро тил, дин ва урф-одатлар орқали руҳий боғлиқ бўлишлари лозим. Диаспора аъзолари ўртасидаги умумий жиҳатлардаги боғлиқлик руҳининг йўқолиши ёки заифлашуви диаспоранинг ассимиляцияга учрашига олиб келади. Айни шу ўринда таниқли социолог Роберт Коэн диаспорани арқонга қиёслайди ва агар арқонни ташкил этувчи иплар ўзаро боғлиқ бўлмаса, у арқон эмас оддийгина ип бўлиб қолади[6] деб тушунтиради. Бу шуни англатадики, диаспора аъзоси диаспорага ўзини кўшиб, доимий ўзаро алоқада бўлмайдиган бўлса, оддий ип каби тезда ташқи таъсирлар асосида узилади. Ипнинг арқон таркибида бўлиши эса унинг умри бирмунча узоқроқ давом этишини таъминлайди. Буни Ўзбекистон дунганлари мисолида ҳам тушунтириш ва ишнинг моҳиятини очиб беришда фойдаланиш мумкин. Мисол учун, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Дунган маҳаллада яшаётган дунганлар арқоннинг асоси, Тошкент шаҳридагилар эса арқоннинг четидаги ташқи таъсирга учраган емирилган ва янада тезликда емирилатган қисми, Андижон дунганлари эса узилиб кетган, арқоннинг эски узилган иплари дейиш мумкин.

Ижтимоий йўналиш ҳақида эса, амалиёт шуни кўрсатдики, диаспора аниқ ижтимоий институтларсиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Буни диаспора вакилларининг тарқоқ ҳолда ҳам мавжудлиги, масалан, Фарғона водийси дунганларининг иноэтник жамоага тўлақонли мослашганлиги, бироқ айни пайтда ўзини дунган диаспорасининг вакили деб ҳисоблашлиги[7] ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга диаспоралар фаолият юритишининг айрим ташкилий шакллари ҳам мавжуд бўлиб, у оддий уюшмадан тортиб, жамоатчилик, миллий-маданий ва сиёсий ташкилотлар ва бирлашмалардан ҳам таркиб топган бўлиши мумкин.

Диаспоралар бу шунчаки бошқа халқ ичида яшаётган этноснинг бир қисми эмас, балки у шундай бир этник жамоа бўлиб, у ўзи мансуб

бўлган маданиятга (этносга) содиқ қолишга, этноснинг ўзига хослиги – тил, маданият, миллий ўзлигини сақлаб, ҳимоя қилиб, уни ривожлантиришга хизмат қилади[8]. Бундан ташқари, диаспора маълум вақтлардан кейин тили, этник маданияти, динини унутиши мумкин, лекин диаспора аъзоси ўзини этник жамоасининг аъзоси сифатида идентификацияси бор экан унинг диаспора сифатида ҳаёти давом этаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, унинг ҳаётида ўз маданияти элементлари кам бўлиши мумкин, лекин руҳий жиҳатдан диаспора билан боғлиқ бўлади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар бир этнос вакиллари ҳам бегона муҳитда диаспора сифатида яшаб кетавермайди. Диаспора сифатида яшаши учун биринчи навбатда ассимиляцияга чидамли бўлиши зарур. Диаспораларнинг яшаб қолиши ва ўз маданиятини ривожлантириши учун эса бевосита ижтимоий институтлар ва унинг таркибидаги ташкилотлар (ўз-ўзини бошқариш органлари, маданий, сиёсий ташкилотлар ва ассоциациялар), кейинги ўринда билвосита миллий ғоя, тарихий хотира ва диний кадрлар катта аҳамиятга эгадир. Шу каби омиллар диаспора вакиллари бирлаштиради, бошқа этник муҳитга нисбатан *этник иммунитет*ни ҳосил қилади. Мазкур *этник иммунитет* эса унинг яшаб қолиши учун замин яратади.

Диаспораларнинг этномаданий ўзлигини англашида диаспора вакиллари сони ҳам аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўп ёки камлиги ўзаро тўғри мутаносибдир. Мисол учун, дунганлар зич яшайдиган жамоадаги этномаданий ўзликни англаш, улар тарқоқ ҳолда яшайдиган жамоалардаги билан солиштирилганда фарқлар сезиларли даражада кўзга ташланади[9].

Мавжуд диаспоралар катталиги унинг мавжудлигининг асосий шартларидан бири ҳисобланади ва у демографик ўсишни ва этник маданиятнинг айрим намуналарини ўзидан кейинги авлодларга етказиши ҳам лозим. Акс ҳолда у муқаррар равишда ассимиляцияга тортилади.

Диаспораларнинг ҳалокатига реэмиграция, ассимиляция (табиий ёки мажбурий), жисмонан йўқотиш (геноцид) каби омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://dictionary.cambridge.org> (фойдаланилган сана: 02.03.2018)
2. Гоценко Ж.Т., Чаптыкова Т.И. Диаспора как объект социологического исследования // Социс. М., 1996. №12. – С. 37.

3. Тишков В.А. Исторический феномен диаспоры / Национальные диаспоры в России и за рубежом в XIX-XX вв. Москва: 2001. – С. 18.
4. Батафсил қаранг: Арутюнов С.А. Диаспора – это процесс // Этнографическое обозрение. – Москва 2000. – №2. – С. 74–78.
5. Арутюнов С.А. Диаспора – это процесс // Этнографическое обозрение. – Москва: 2000. – № 2. – С. 76.
6. Cohen R. *Global Diaspora an introduction*. Routledge, - London and New York. P. – 160(219). 1999.
7. Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Пахтабод тумани. 2019 йил.
8. Батафсил қаранг: Этносоциальные проблемы города. – Москва: Наука, 1986. 285 с.
9. Дала ёзувлари. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Бектемир тумани, Олмазор тумани, Андижон вилояти, Андижон шаҳри. 2018 – 2019 йиллар.

ABU BAKR KOSONIY – MASHHUR FIQHSHUNOS

*Nargiza ALIYEVA,
NamDU, Musiqa yo‘nalishi talabasi*

Mamlakatimizda xalqimizning ijtimoiy-iqtisodiy, tarixiy, madaniy va ilmiy hayotini chuqur o‘rganish va keng targ‘ib qilish uchun qulay shart-sharoitlar yaratilib berilmoqda. Avvallari o‘rganish imkoniyati bo‘lmagan, yozgan asarlari tadqiq etilmagan allomalar hayoti va ijodi o‘rganila boshlandi. Ana shunday o‘zidan qimmatli ilmiy meros qoldirgan, tarix zarqavaqlarida iz qoldirib ketgan o‘tmish allomalarimizdan biri – Abu Bakr ibn Mas‘ud al-Kosoniyydir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2018-yilning 2-3-may kunlari Namangan viloyatiga tashrifi chog‘ida ma‘naviy-ma‘rifiy islohotlarni yanada kengaytirish, ayniqsa, buyuk ajdodlarimizning ilmiy, adabiy merosini chuqur o‘rganish masalasiga alohida e‘tibor qaratdilar. Jumladan, Namangan zaminidan yetishib chiqqan, diniy va dunyoviy bilimlarda yuksak maqomga erishgan Alouddin Kosoniyni chuqur ehtirom bilan tilga oldilar.

Abu Bakr Kosoniy XIII asrda yashab ijod qilgan taniqli olim va shoir. Ma‘rifatparvar olimning to‘liq ismi Alouddin Abu Bakr ibn Mas‘ud ibn Ahmad Kosoniy. U fiqh ilmiga, tasavvufga oid asarlar yozgan, she‘riy ijod bilan shug‘ullangan. Alouddin Kosoniyning tavallud sanasi haqida

aniq ma'lumot yo'q. Uning vafoti 1191-yilga to'g'ri kelishi tadqiqotchi olimlar tomonidan aniqlangan [1].

Alouddin Abu Bakr ibn Mas'ud ibn Ahmad Kosoniy "Malik al-ulamo", "Sultonul ulamo" (Ulamolar sultoni), va "Alouddin" ("Dinni ulug'lovchi") kabi unvonlar bilan shuhrat topgan [2].

Allomaga Kosoniy deya nisbat berilishi Movarounnahrning Shosh viloyati orqasida, Sayxun (Sirdaryo)ning shimoliy qismida joylashgan shahar – Koson bilan bog'liqdir. Koson shahri – hozirgi kunda Namangan viloyatining shimoliy sharqida joylashgan bo'lib, Kosonsoy shahri deb nomlanadi.

Abu Bakr Kosoniy o'z yurtida ilmni va ulamolar majlislarini sevib ulg'aydi. Balog'at yoshiga yetgach Buxoro shahriga kelib, u yerda Alouddin Muhammad ibn Abi Ahmad Samarqandiyning (vaf. 1145-y.) qo'lida tahsil oldi. Ustozining buyuk asarlari "Tuxfatul Fuqaho", "Sharh Ta'vilot fi Tafsiril-Qur'onil-Azim" kabi asarlarini yod oldi, yana boshqa ko'plab usulga oid asarlarni ustozlaridan o'rgandi va sohaning yetuk olimlaridan biriga aylandi.

Abu Bakr Kosoniy ustozining "Tuxfatul-fuqaho" nomli asarini sharhlab, Xoji Xalifa aytganidek, buyuk asari "Badoi'u-s-sanoi` fi tartibish-sharoi`" ("Shariat qonunlarini tartiblashda go'zal san'atlar") asarini yozib, ustoziga taqdim qildi [3]. Kitobni ham uslub, ham mazmun jihatdan yuksak saviyada yozilganini ko'rib, Alouddin Samarqandiy benihoyat xursand bo'ldi va qizi Fotima Samarqandiyani unga nikohlab berdi va mahriga ushbu kitob qo'yildi.

Ikki ilmi tolibdan hosil bo'lgan oila timsolida o'ziga xos maktab vujudga keldi. Chunki, bu vaqtda Alouddin Kosoniy ham, uning fiqh, husnixat, hadis ilmida yetuk bo'lgan rafiqasi Fotima ham Alouddin Samarqandiy darajasida fatvo berish maqomiga yetgan edi. Ular ilm istab Turkiya va Shom mamlakatlarida bo'lishadi.

Abu Bakr Kosoniy dastlab Buxoroda, keyinchalik, Shom o'lkalarida zamonasining buyuk muhaddislaridan dars olgan, ulardan hadis eshitgan hamda Shom diyorlarida qirq yildan ziyod hadis ilmidan ta'lim bergani manbalarda aytib o'tilgan [4].

Abu Bakr Kosoniy Halabda yashagan davrda hokimiyat avvaliga Zangilar, keyinchalik, Ayyubiylar boshqaruvida bo'lgan. Halabda juda ham yaxshi kutib olingan Kosoniy qisqa muddat ichida katta shuhrat qozonib, faqihlarning taklifiga binoan mashhur "Halaviyya" madrasasiga Nuriddin Zangi tomonidan "Xo'ja Mudarrisi" etib ta'yinlanadi. Ushbu vazifa, odatda, mamlakatning eng katta ulamosiga topshirilardi.

Abu Bakr Kosoniy umrining oxirigacha, qirq yildan ziyod o`lka (hozirgi Suriya, Falastin, Iordaniya, Iroq hududlarini o`z ichiga olgan Zangiylar davlati)ning “Raisu-l-ulamo”si sifatida keng doirada faoliyat olib borgan, qo`l ostida son-sanoqsiz talabalar tahsil olib, oralaridan yetuk ulamolar yetishib chiqdi. Allomaning shogirdlari: Abu Bakr Kosoniy yirik Zangiylar mamlakatining “Raisu-l-ulamo”si va “Halaviyya” madrasasi “Xo`ja mudarris”i sifatida jo`shqin va keng doirada faoliyat olib bordi. Qo`l ostida Movrounnahr, Xuroson, Shom, Onado`li, Misr, Hijoz va boshqa musulmon o`lkalardan kelgan son-sanoqsiz talabalar tahsil olishdi. Shogirdlari orasidan “Halaviyya”, “Juodekiyya”, “Shibliyya” va boshqa madrasalarda “Xo`ja mudarris”lar, katta-katta qozilar, muftiylar yetishib chiqdi. Tarixchilar ushbu shogirdlarning tarjimai holini zikr qilganda “Imom Kosoniy qo`lida ta`lim olgan” deya alohida e`tirof etib, ularning ilmiy saviyalariga ishora qiladilar.

Alouddin Abu Bakr Kosoniy yuksak bilim, hikmat-zakovat va g`ayrat-shijoat bilan uzoq yillar Halabda olib borgan faoliyatlari natijasida o`lkadagi aqidaviy, fiqhiy ixtiloflarga barham berildi, mazhablar orasidagi bir-biriga bo`lgan birdamlik, hurmat oshdi, Hanafiylarning qaddi tiklandi va ilm-ma`rifat va barqarorlik ta`minlandi.

Abu Bakr Kosoniyning qoldirgan asarlari ko`p bo`lmasa-da, ilmiy saviyasini yuqori bo`lganini ko`rsatib bera oladi. Olimning bizgacha islom fiqhiga oid yagona asari “Badoi`u-s-sanoi` fi tartibi-sh-sharoi`” (“Shariat qonunlarini tartiblashda go`zal qonunlar”) yetib kelgan.

Abdulhay Laknaviy (vafoti 1304/1886-y.) esa Abu Bakr Kosoniyning bizgacha yetib kelmagan yana bir “Kitobu-l-Jalil” nomli asari haqida aytib o`tgan.

Olingan tarixiy ma`lumotlarga ko`ra, alloma Abu Bakr Kosoniy xotirasi, irodasi va qobiliyati kuchli inson bo`lgan chunki, ustozi Alouddin Samarqandiyning “Tuxfatul-fuqaho” nomli asarini yaxshi o`zlashtirgan, ustozi bilan birga amaliyotga tadbiiq etgan. Shuningdek, “Tuxfatul-fuqaho” asarini kuchli sharhlagan, o`ziga xos dunyo tarixida saqlangan va jamiyat uchun amalda bo`lgan “Badoi`u-s-sanoi` fi tartibi-sh-sharoi`” (Shariat qonunlarini tartiblashda go`zal qonunlar) asarini yozgan.

O`zbekiston musulmonlari idorasining fundamental kutubxonasida saqlanayotgan 7 juz`dan iborat (5 ta kitob hoida nashr etilgan) Abu Bakr Kosoniyning “Badoi`” asarida allomaning favqulodda iste`dod va mahorati mujassam bo`lgan. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari bu kitobga shunday ta`rif bergan edilar: “Bu – ulkan kitob. Undan hamma faqihlar foydalanib kelgan va bundan keyin ham foydalanadi, inshaalloh” [5].

Abu Bakr Kosoniyning islom fiqhiga oid “Badoe` us-sanoe` fiy tartib ash-sharoe`” (“Shariat qonunlarini tartiblashda go`zal san`atlar”) [6] asari qariyb o`n asrdan buyon musulmon mamlakatlarida nufuzli va mukammal huquqiy manba sifatida e`tirof etilib, hozirga qadar islom huquqi bo`yicha darslik sifatida o`qitiladi.

“Badoe` us-sanoe`” Abu Bakr Kosoniyning ustoz, Movarounnahr fiqh maktabining yirik vakili, O`rta Osiyoda hanafiylarning buyuk imomlaridan biri, aqida, tafsir, fiqh, kalom ilmi sohibi Alouddin Muhammad ibn Ahmad Samarqandiy (vaf. 1145-y.)ning *fiqhiy masalalar jamlangan* “Tuhfat ul-fuqaho” (Faqihlar uchun tuhfa) kitobiga yozgan sharhi bo`lib, unda ibodat va muomalot masalalari san`at darajasida tartib-intizom bilan ta`rif etilgan. “Badoe` us-sanoe`” hanafiya mazhabiga oid asarlar ichida eng mufassal, mukammal va boshqa mazhab egalari ham tan oladigan, dalil-hujjati mustahkam manbadir [7].

Asarning tarixiy xizmati shundaki, salkam ming yil muqaddam o`tgan hamyurtimiz Alouddin Kosoniyning o`z davridagi aqidaviy, fiqhiy ixtiloflarga barham berish, hanafiylarning mavqei tiklanib, ilm-ma`rifat va barqarorlikni ta`minlash, bid`atchi toifalarni yo`q qilish borasidagi sa`y-harakatlari natijasida mazhablar orasidagi birdamlik, hurmat-e`tibor oshishidadir.

Fiqh ilmi qomusi bo`lgan “Badoe` us-sanoe`” Shayx Alouddin Mansur tomonidan o`zbek tiliga o`girilib, 2018-yilda “Sharq” nashriyotida chop etildi.

“Badoi”ni tarjima qilgan Shayx Alouddin Mansur: “O`rganayotganimiz “Badoi` us-Sanoi” – boshqa fiqhiy kitoblardan farqli ravishda mukammal va mufassal asardir. Unda har bir masalaning dalili izchil tekshiriladi, ixtilofli masalalarning sabablari izlanib, ular to`la va atroflicha o`rganiladi”, – deb yozgan edi [8].

Abu Bakr Kosoniy 587-hijriy rajab oyining 10-kuni (1191-yil 3-avgust)da Halab shahrida vafot etganlar. Mashhur faqih shaharning tashqarisidagi Maqomi Ibrohim Halil degan joyga (turmush o`rtog`i Fotimaning yoniga) dafn qilindi. Bu zotning qabri ziyoratgoh holatiga keltirilgan va bu yerda qilingan duolar ijobat bo`lishiga odamlar astoydil ishonishadi.

O`z hayotini dinu diyonat pokligi, iymon-e`tiqod ustuvorligi, ilm va adolat ro`yobi yo`liga bag`ishlagan mo`tabar alloma, o`z davri afkor ommasi tomonidan “Malik ul-ulamo” degan yuksak e`tirofiga sazovor bo`lgan Abu Bakr Kosoniy nafaqat o`zbek xalqi, balki butun musulmon olamining faxr-iftixoridirki, buyuk vatandoshimiz dunyoga kelgan bu muborak zamindan yana Kosoniylar yetishib chiqajak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Ҳомиджон Ҳомидий., Аширов А., Умаралиев М. Косонсой тарихи.* – Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. – Б. 85.
2. http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=58565
3. *Ноёб фикҳий асар // Ҳидоят.* – 2011. – №. 12. – Б. 26.
4. http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=58565
5. <http://uza.uz/uz/society/alouddin-kosoniy-kim-bo-lgan-06-07-2018>
6. *Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур.* – Т.: Шарқ, 2018. – Б. 3.
7. *Шайх Алоуддин Мансур. Қомусий асар / Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур.* – Т.: Шарқ, 2018. – Б. 4.
8. *Алоуддин Мансур. Бадоеус саноеъ фи тартибиш шароеъ (Шариат қонунини тартиблашда гўзал санъатлар) // Ҳидоят.* – 2012. – №. 3. – Б. 19.

МАҲДУМИ АЪЗАМ – ТАСАВВУФ-ТАРИҚАТЛАРИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ

Ботиржон МАЛЛАБАЕВ,
НамДУ, Тарих кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

Аннотация:

Ушбу мақолада накшбандийлик тариқатининг йирик вакили Маҳдуми Аъзамнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ёритилган. Маҳдуми Аъзам накшбандиянинг Ўрта Осиё тармоғини йирик намояндаси эканлиги, тариқат таълимотидаги истеъдоди ва қобилияти туфайли ўз даврининг уламолари томонидан “Маҳдуми Аъзам” унвонига мушарраф бўлганлиги кўрсатиб берилган.

Аннотация:

В этой статье освещена жизнь и научная деятельность крупного представителя «накшбандия» Махдума Азама. Так как, Махдум Азам был крупнейшим представителем Среднеазиатского течения накшбандия, знаний и таланта в сфере обучения «тариқат» он был признан учёными своего времени «Махдуми Азам».

Annotation:

In this article it is described the life and scientific researches of Makhdumi A'zam who is a great representative of Nakshbandiya theory. It is shown how Makhdumi A'zam take the name "Makhdumi A'zam" from the scientists of his time due to the knowledge and ability in the Nakshbandiya theory and he was a great representative of the theory in the branch of Central Asia.

Фарғона водийси кўплаб буюк алломларнинг ватани ҳисобланади. Фарғона водийсидан етишиб чиққан Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғилоний, Абу Бакр Косоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюк алломлар яратган илмий мерос жаҳон илм-фани тараққиётига ҳам улкан хисса қўшган. Шунингдек, Фарғона водийси тасаввуф-тариқатларининг кўплаб йирик вакиллари ҳам етиштириб берган. Шундай алломалар бири Нақшбандия тариқатининг пирларидан, нақшбандия тариқати таълимотини бир тизимга солган, силсила ва амалиёти, шунингдек, тасаввуф таълимотининг назарий муаммолари бўйича асарлар яратган мутасаввиф, нақшбандийликнинг ижтимоий-сиёсий таъсирининг ортиши, кенгайиши ва тарқалишида фавқулдда саъй-ҳаракат ва қатъий иродалик кўрсатган улуғ зот, орифий илмлар соҳиби Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косонийдир.

Маълумотларга кўра, Саййид Аҳмад ҳижрий 866 йил, милодий 1461 йилда Фарғона водийсининг Косон шаҳрида Саййид Жалолиддин ибн Жамолиддин оиласида дунёга келади [1].

Улуғ зотнинг ота-оналари Муҳаммад алайҳиссалом авлодларидан бўлиб, бу тўғрида кўплаб тарихий манбалар, қабр тошлари ва тарихий обидаларнинг пештоқларида кошиний қилиб ёзилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, насабнома ва шажара масаласига тўхталадиган бўлинса, Ўрта Осиёда шажаралари энг кўп қайд этилган ва ёзилган табақа Саййид Аҳмад Косонийлар авлодидир. Жумладан, Мақсуд ибн Носириддин Бухорийнинг "Равоийхул кудс", Дўст Муҳаммад Фолизорнинг "Силсилат ус-сиддиқийн ва анис ул-ошиқийн", Абул Бақо ибн Баҳовуддиннинг "Жомеъ-ул-мақомот", Муҳаммад Солиҳ Қошғарийнинг "Тазкираи азизон" ва бошқа манбаларда мутасаввифнинг 22 пуштдан сўнг пайғамбаримизга авлод бўлиши зикр қилинади [2]:

1. Саййид Аҳмад Махдуми Аъзам ибн Саййид Жалолиддин Косоний; 2. Саййид Жалолиддин ибн Саййид Жамолиддин; 3. Саййид Бурхониддин; 4. Саййид Муҳаммад Ҳожи; 5. Саййид Мир Али Девона; 6. Саййид Бурхониддин Қилич; 7. Саййид Камолиддин; 8. Саййид Шоҳ Ҳасан; 9. Саййид Шоҳ Хусан; 10. Саййид Муҳаммад; 11. Саййид Аҳмад; 12. Саййид Абдуллоҳ; 13. Саййид Абдуллоҳи Афзал; 14. Саййид Убайдуллоҳи Аъраж;

15. Саййид Толиб; 16. Имом Али Мусой Ризо; 17. Имом Мусой Козим; 18. Имом Жаъфари Содик; 19. Имом Муҳаммад Боқир; 20. Имом Зайнул Обидин; 21. Имом Хусайн ибн Ҳазрат Али; 22. Биби Фотимаи Захро [3].

Маҳдуми Аъзамнинг шажараси Даҳбеддаги қабр тоши ва тарихий обиданинг пештоқиға қошиний қилиб ёзиб қўйилган.

Профессор Н. Веселовскийнинг “Дагбед” номли тадқиқотида ҳам Маҳдуми Аъзамнинг қабртошларидан кўчирилган тўлиқ шажараси келтирилган.

Саййид Аҳмад Косонийнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти яқин шогирдлари томонидан бир неча асарларда ёритилган. Улардан Муҳаммад Шаҳри Сафойи ал-Котибнинг “Анис ат-толибийн” (“Ҳақиқат изловчиларнинг яқин дўсти”), Дўст Муҳаммад Фолизкорнинг “Танбият уд-доллин вал-мудиллийн” (“Йўлдан адашган ва адаштирувчиларга танбеҳлар”), “Силсилат ус-сиддиқийн ва анис ул-ошиқийн” (“Сиддиқлар силсиласи ва ошиқлар суҳбатдоши”) каби асарларда энг тўлиқ ва ишончли маълумотларни учратиш мумкин. Шу манбалар асосида тузилган ул зотнинг сўнги таржимаи ҳоли Абул Бақо ибн Баҳовуддин томонидан тузилган “Жомеъ-ул-мақомот” (“Мақомотлар тўплами”) деб номланган асардир.

Машҳур тарихчи олим Абу Тоҳирхожа Самарқандий “Жомеъ-ул-мақомот” китобида Маҳдуми Аъзамга шундай баҳо берган: “Ҳазрат Маҳдуми Аъзам жанобларининг мақомот, ҳолат ва кароматлари шундайким, бу нодоннинг қалами уни таҳрир ва таҳлил қилишга ожизлик қилади. У кишининг мақомотлари ҳақида машҳур китоб бўлиб, унда ҳам у зотнинг ҳолатлари қисқа ёзилган” [4]. Абу Тоҳирхожа бу улуғ зотнинг кароматларини тавсифлашда ўзининг ожизлигини, ҳатто, “Жомеъ-ул-мақомот” каби машҳур асар ҳам Саййид Аҳмад Косонийнинг фазилатларини тўла ёритишда камлик қилганини таъкидлайди.

Саййид Аҳмад Косонийнинг отаси Мавлоно Жалолиддин ўз даврининг етук олимларидан бўлган. Ёш Саййид Аҳмад илм ўрганишга эрта киришади. Мадрасада таълим олиш билан биргаликда отасининг раъйига қараб деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Бу ҳақда теурий тарихчилардан бўлган Муҳаммад Доро Шукуҳнинг “Сафинат-ул-авлиё” (“Валийлар кема-си”) китобида мутасаввифнинг ўзи айтган қуйидаги сўзлари келтирилган: “Ёшлигимда падари бузрукворим мени деҳқончилик ишларига жалб қилар эдилар. Лекин, менда илм олишга иштиёқ устун эди ва Қуръони Каримни қироат ва тиловат қилишга мойиллик кучли эди. Бир куни тушимга бир киши менга Қуръонни тухфа қилди. Уйғониб ёнимда ўша Қуръон турганини кўрдим ва бу китоб Аллоҳнинг инояти билан менга етказилгани маълум бўлди. Сўнгра Қуръонни тиловату-қироат қилишга машғул бўлдим” [5].

Ёш Саййид Аҳмад Косоний дастлабки билимларини косонлик устози Мир Саййид Алидан олади. Сарф ва нахв (морфология ва синтаксис)

илмларини кунт билан ўрганганидан кейин ўзи мустақил равишда изланади.

Айрим манбаларга кўра, Саййид Аҳмад Косоний тўрт хотиндан ўн уч ўғил, икки қиз кўрганлар. Лекин, булардан фақат Муҳаммад Амин – Хожа Калоний Даҳбедий ва Хожа Исходи Валийлар насл қолдирган [6]. Шунини таъкидлаш жоизки, хожакалонийларга диний раҳбарлик, хожаисҳоқийларга дунёвий раҳбарлик (яъни, ҳокимиятни бошқариш) насиб этган.

Баъзи бир тадқиқотларда, Маҳдуми Аъзамнинг тўнғич ўғиллари Хожа Калонхўжа тасаввуфнинг нақшбандия силсиласи замирида “ишқия” (дасторлар) тариқатига бошчилик қилган дейилса, Хожа Исҳоқи Валий эса Абдулқодир Гилоний (Ғавсул Аъзам) тузган “қодирия” силсиласи таъсиридаги “исҳоқия” (маҳдумзодалар) тариқатига бошчилик қилган дейилган.

Кейинчалик, Саййид Аҳмад Косоний билимини ошириш учун устози Мир Саййид Алининг маслаҳати билан Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди Мавлоно Муҳаммад Қози ҳузурига бориб, ул зотга шогирд тушади. Шу тариқа Саййид Аҳмад Косонийнинг нақшбандия тариқатидаги фаолияти бошланади.

Саййид Аҳмад Косоний Муҳаммад Қози кўлида тарбия олиб, камолот чўққиларини забт этади ва нақшбандия тариқатининг “Шахбози баландпарвоз”, яъни баландпарвоз лочини бўлиб етишади. Тез орада Саййид Аҳмад Косонийнинг шухрати бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонга ёйилади. Кармана ва Миёнқол ҳокими бўлмиш Жонибек султоннинг таклифи билан Саййид Аҳмад Косоний Самарқандга кўчиб келади. Дастлаб Карманада яшайди, сўнгра Миёнқолнинг энг сўлим ва ҳосилдор ерларидан унга жой ажратиб берилади.

Манбаларга қараганда, Саййид Аҳмад Косоний бу жойни обод қилиб, дастлаб ўн туп тол ўтказган. Шу боис мазкур мавзе Даҳбед (Ўн тол) деган ном олган. Саййид Аҳмад Косоний бу ерда кейинчалик тасаввуф оламида донғи кетган Даҳбед мактабига асос солди [7].

Нақшбандия тариқати Баҳоуддин Нақшбанд (1318 – 1389 йй) томонидан асосланган, Хожа Аҳрор Валий туфайли жаҳонга ёйилган, ўз замонасидаги тўлиқ ва мукамал тизимли таълимотдир. Чунки бу таълимот шунчаки фикр ва қарашлар йиғиндиси бўлмасдан, балки, фалсафий тизим талабига жавоб берадиган, ўз замонасининг долзарб масалаларини ўртага ташлаган тариқатдир.

Маълумки, нақшбандия тариқати халқни тенгликка, бирликка, интизомга, диёнатга, илмга интилишга ва ҳаракатчан бўлишга, ислом динига бўлган эътиқодини кучайтиришга чақиради.

Дж. Трименгем “Суфийские ордена в исламе” (“Исломда суфийлик сулуклари”) китобида нақшбандиянинг Ўрта Осиё, Туркия ва Ҳиндистон тармоқларини айтиб ўтган. Нақшбандиянинг Ўрта Осиё тармоғи – хожагон-нақшбандия, Турк тармоғи нақшбандия-холидия, хинд тармоғи – нақшбандия-мужаддия номлари билан маълум бўлган. Маҳдуми Аъзам нақшбандиянинг Ўрта Осиё тармоғининг йирик намояндасидир. Шунинг учун уни кўп манбаларда хожагон-нақшбандия тариқатининг пири деб биладилар [8].

Саййид Аҳмад Косоний Туркистондаги нақшбандия тариқатининг етакчиларидан бири бўлган. Бу улуғ зот чуқур илм соҳиби ва тариқат таълимотидаги фавқулудда истеъдод ва қобилияти туфайли ўз даврининг уламолари томонидан “Маҳдуми Аъзам” унвонига мушарраф бўлган.

“Маҳдум” – хизмат қилувчи одам. Одатда, у пиру устозларга бериладиган тахаллус, чунки уларга ўз муридлари ва шогирдлари хизмат қилишади. Бу тахаллусни баъзи жойларда пиру устоз ва уламоларнинг ўғилларига нисбатан ҳам ишлатадилар.

Нақшбандия тариқатининг назариётчи пири муршиди Ҳазрати Маҳдуми Аъзами Даҳбедий ва ушбу тариқатнинг йирик намояндаси Маҳдуми Аъзам Ҳофиз ал-Басир, кубравия тариқатининг пиру муриди Ҳазрати Маҳдуми Хоразмийлар шундай муборак ва шарафли ном билан шарафланганлар.

“Аъзам”, яъни улуғ деган маънога эга. Тасаввуф ва фикҳшунослик илмлари бобида уч буюк зот “Аъзам” (Улуғ) унвонини олишган. Булар Имоми Аъзам*, Ғавсул Аъзам* ва Маҳдуми Аъзам.

Тасаввуф аҳли табақаларга бўлинганлар, улар қуйидагилар: Халифа, Шайх, Муршид, Накиб, Валий ва Қутбдир. Тасаввуфда энг олий табақа – Қутб бўлиб, Ғавсул Аъзам, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий ва Маҳдуми Аъзам кабилар ўз замонларида қутб ҳисобланганлар. Ҳеч бир камолотга етган мутасаввиф олим ўз пирининг изни ва рухсатисиз иршод бериш ҳуқуқига эга бўлмаган. Тасаввуф ҳақида машҳур китоблардан бири “Иршод ул-толибин”да ушбу маълумот келтирилган: “Ва яна Имом Ҳасан Басрийдан нақл келтирилибдурким, ҳеч ким пири комилнинг изнисиз (рухсатисиз) халқ иршодини қилса (яъни, халққа тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилса), – бу йўлдан адашганликнинг белгисидир” [9].

Қутбул актоб – камолотнинг энг юқори даражасига кўтарилган шайхларга берилган унвон. Хожа Муҳаммад Порсо бу ҳақда шундай дейди: “Қутб ҳар бир замонда мавжуд бўлиб, унинг қалби Муҳаммад

* 699 – 767 йиллада яшаган, “Ҳанафия” мазҳабининг асосчиси.

* 1079-1166 йилларда яшаган “Қодирия” тариқатининг асосчиси.

алайҳиссалом қалби билан алоқада бўлур. Аллоҳ таоло ер юзида икки кутб яратиб туради. Бири иршод кутби, иккинчиси абтоллар (қахрамонлар) кутби. Улар ҳамиша халқни тўғри йўлга бошқариб турадилар” [10].

Маҳдуми Аъзам Даҳбедда яшаган даврида фақат ўз тариқатидаги муридларини тарбиялаш ишлари ҳамда ҳукмдорларни адолатга чақириш масалалари каби ишлар билан чегараланиб қолмай, балки бошқа тариқат муридлари билан ҳам алоқани узмай, доимий мулоқотлар олиб борган.

Манбаларда Маҳдуми Аъзам ҳижрий 954 (миллодий 1544) йил вафот этган деб зикр қилинади, лекин аслида унинг вафоти ҳақидаги аниқ маълумот машхур “Самария”да берилган. “949 (миллодий 1542) йилда 21 муҳаррам ойи (1 май) душанба куни туш чоғида “Иржаи розиятан марзия” хитобини эшитиб, “Инналиллоҳи ва инна илайҳи рожиун” билан жавоб берди (яъни вафот этди) [11].

Буюк аллома илмий фаолияти билан бир қаторда Даҳбед қишлоғида 90 таноб (22,5 гектар) ерда катта боғ яратиб, дунёнинг турли гўшаларидан келтирилган ўсимликларни парваришлаб, янги мева навларини яратганлар. Ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг серҳаракатлари туфайли “Даҳбедий қовун” ва “Даҳбедий анжир” навлари юзага келди. Маҳдуми Аъзам ўсимликшунослик ва наботот илмига оид “Рисолаи биттихия” (“Қовун ҳақида рисола”) асарини ижод этадилар. Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбед қишлоғида вафот этган ва васиятларига биноан, ўзлари бунёд этган боғнинг ўртасидаги нок дарахти остига дафн этилган. Тарихий китобларда ул кишининг вафотлари абжад ҳисобида қуйидагича келтирилгандир: “Тариқатда орифу аср пешвоси эди, Ҳақиқат йўлидан юрган аҳлидиллар раҳнамоси эди; Муҳаррам ойининг йигирма биринчиси, шанба куни туш вақти, Бу ташвишли дунёдан унинг руҳ қуши парвоз қилди, Баским, унинг юзининг фироқидан шуни билиб олдим, Ва вафот тарихини топдим: Афсус, олам кутби кетди”.

Абжад йили ҳисобида ушбу мисралардаги “Қутби олам рафт, вой” сўзи тарих моддаси бўлиб, ҳижрий-қамарий 949 (миллодий 1542 йил)да, Ҳазрат Маҳдуми Аъзам вафот этган йилни билдиради [12].

Ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг набиралари Хожа Ҳошим Косонийга кўл бериб мурид бўлган Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодир Ҳазрат ва бул зоти бобаракот фарзандлари дафн этилган даҳма атрофини Нурота мармаридан девор олдирди ҳамда ана шу даҳманинг жанубий қисмида 1619 йилда ҳашаматли масжид ва 41 хужрали мадраса қурдиради. Ялангтўш Баҳодир вафотидан олдин жасадини Маҳдуми Аъзам қабрларининг оёқ томонига дафн этиш-

ларини васият қилган. Ҳозирги кунда Даҳбед қўрғонидаги Маҳдуми Аъзам Косоний қабрининг оёқ томонида Ялангтўш Баҳодир ва унинг ўғилларидан ташқари, Самарқанд ҳукмдори Шох Қосим ва Афғонистон шоҳлари Шох Ҳидоят ва Шох Саодатлар қабри ҳам жойлашган.

Мустақиллик йилларида Самарқанд вилояти ва Оқдарё тумани ҳокимиятларининг раҳбарликлари ҳамда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлари туфайли Ҳазрат Маҳдуми Аъзам даҳмалари ва ул зот номидаги муҳташам масжид қайта таъмирланиб, обод зиёратгоҳга айлантирилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жабборов Н. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий. – Т., 1993. – Б. 6.
2. Нуриддинов А. Маҳдуми Аъзам Косоний. – Т.: Фан, 2008. – Б. 5.
3. Зоиров Э. Маҳдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари: Фалсафа фан. номз... дисс.. – Тошкент: ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. – Б. 22.
4. Абу Тоҳирхожа. Самария. –Т.: Камалак, 1991. – Б. 56.
5. Зоиров Э. Маҳдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари.... – Б. 23.
6. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. – Б. 33.
7. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. – Б. 5.
8. Зоиров Э. Маҳдуми Аъзам. – Т.: Абу матбуот-консалт, 2011. – Б. 3–4.
9. Зоиров Э. Маҳдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари.... – Б. 26.
10. Жуманазаров А. Хилват аҳли. – Т., 2004. – Б. 45.
11. Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 58.
12. Нуриддинов А. Маҳдуми Аъзам Косоний. – Т.: Фан, 2008. – Б. 8-9.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН

Зоҳид МАДРАҲИМОВ,
НамДУ, Тарих кафедраси доценти, т.ф.н.

Аннотация:

XVIII аср бошларида ташкил топган Қўқон хонлигида аста-секин иқтисодий ҳаёт изга тушган. Ички ва ташқи савдо тараққий этиб, аҳолининг фаровонлиги ошган. Ўз навбатида хонлик ҳукмдор-

лари ҳам савдонинг ривожланишига ҳомийлик қилиб, бозорлар, карвонсаройлар, савдо расталари ва дўконлар барпо этдилар, бозорлардаги савдо-сотик жараёнини назорат остига олганлар. XVIII аср охирларида Қўқон хонлигининг ўз пулига эга бўлиши савдо муносабатларини ривожда муҳим омил вазифасини ўтаган.

Annotation:

In the the Hokand Khanate, which was formed in the early XVIII century in the Fergana region, economic life gradually took shape. Domestic and foreign trade has developed and the welfare of the population has increased. In turn, the rulers of the khanate also sponsored the development of trade, built markets, Inn on the caravan route, stalls and shops, and controlled the process of trade in the markets. At the end of the XVIII century, the lack of money of the the Khanate of Kokand became an important factor in the development of trade relations.

Бухоро хонлигидаги сиёсий бошбошдоқлик натижасида XVIII аср бошларида Фарғона водийсида мустақил Қўқон хонлиги ташкил топган. Қўқон хонлиги сиёсий тарихини (1709 – 1876) шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин: 1. Хонликнинг шаклланиш даври (1709 – XVIII аср 50-йиллари). Бу даврда Қўқон хонлиги асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб, хонлик ҳукмдорлари мамлакатни бирлаштириш, ички низоларга барҳам бериш, ташқи душманга қарши курашиш, мамлакат мавқеини мустаҳкамлаш билан машғул бўлган. 2. Тараққиёт даврининг бошланиши (XVIII асрнинг 60-йилларидан шу аср охиригача). Бу, асосан, Норбўтабий (1763 – 1798) ҳукмронлик қилган давр бўлиб, хонлик ҳудуди кенгайган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юксала бошлаган. Мамлакат Ўрта Осиёда ҳам ўз мавқеига эга бўлиб борган. 3. Тараққиёт даври (XIX асрнинг биринчи ярми). Олимхон (1798 – 1810), Умархон (1810 – 1822), Муҳаммадалихон (1822 – 1842) каби ҳукмдорлар даврида хонлик ҳудуди кенгайиб, шимолдан қозоқ чўллари ва у орқали Россия, ғарбдан Бухоро амирлиги, чўл зоналари орқали Хива хонлиги ҳудуди, шарқдан Қашқар ерлари билан чегарадош бўлиб, жанубий ҳудудлари Помир тоғларига туташиб кетган. Хонлик Ўрта Осиёда сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга, иқтисодий жиҳатдан ҳам анча юксалган. 4. Таназзул даври (XIX асрнинг 50 – 70-йиллари). Бу даврда ички низолар ва ташқи урушлар авжига чиққан. Мамлакат сиёсий ва иқтисодий таназзулга юз тутган. Тахт учун курашлар кучайиб, хонлик ҳукмдорлари тинимсиз алмашилиб турган. Ҳатто, Худоёрхоннинг ўзи

уч марта (1845 – 1858, 1862 – 1863, 1865 – 1875) тахтга келиб, ички низолар оқибатида уч маротаба ундан кетишга мажбур бўлган. Ташқи душмандан хонлик ўзини мудофаа қила олмаган. Натижада, дастлаб 1842 йил Бухоро амирлиги Қўқон хонлигини вақтинча босиб олган бўлса, 1876 йил Россия империяси унга барҳам берган.

Айнан, мана шундай сиёсий воқеликлар тизимида мамлакат иқтисодий ҳаёти ҳам ривожланиб борган. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сиёсий мавқеини тиклаб олган Қўқон хонлиги ўз пулига эга бўлди ва товар-пул муносабатлари назорат остига олинди. Савдо хонлик иқтисодининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мамлакат учун ҳам муҳим даромад манбаи бўлган. XIX асрнинг 70-йилларида хонликда бўлган рус дипломати ва этнографи А.П.Хорошхин Қўқон хонлиги аҳолисининг савдо-сотикқа бўлган муносабати ҳақида “...20 – 30 руб. пули бўлган сарт дарров тижорат ишларига киришади” [1], – деган эди.

Қўқон ҳукмдорлари Шохруҳбий (1709 – 1721), Абдурахимбий (1721 – 1734) ва Абдукаримбий (1734 – 1750)лар янги давлатнинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш, ички ва ташқи душманларини бартараф этиш билан машғул бўлганликлари боис, улар даврида хонликнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи унча яхши эмас эди. Бу даврда, анъанавий савдо муносабатлари амалга оширилган бўлса-да, тартибсиз ва деярли назоратсиз бўлган. Эрдонабий (1750 – 1752, 1753 – 1762) ҳукмронлик давридан бошлаб иқтисодий ҳаёт бир оз яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб борган. Тарихчи Маҳмуд Ҳаким Яйфоний (1850 – 1930)нинг ёзишича, Эрдонахон даврида ҳамма фаровон яшаган. Хоннинг хулқ атворидан халқ миннатдор бўлган [2].

Норбўтабий (1762 – 1798) тахтга ўтирганидан сўнг, хонликнинг нисбатан тараққиёт даври бошланган. Қўқон хонлиги ҳудудлари кенгайиб, Ўрта Осиёда мавқеи юксала борган. Ички ва ташқи савдо тараққий этган. Тарихчи Мулла Олим Маҳдум Ҳожи Қўқон хони Норбўтабий ҳукмронлигига қуйидагича таъриф берган: “Ул хоннинг замонида ҳеч бир тарафдан ташвиш, бетинчлик, қимматчилик ва қаҳатчилик бўлмабдур. Пулни ул хоннинг замонида жорий қилишибдур, ҳамма халқнинг омборхонасидаги ғаллани ҳеч ким пулга сотиб олмай, фуқароларга бахшиш қилмоқдин ўзга чора тополмабдурлар. Бул тариқа арзончилик ва кенгчилик атрофдаги вилоятларга эшитилиб, кўп халқнинг Хўқандга келишига сабаб бўлиб, Фарғонанинг обод бўлишига боис бўлибдур” [3]. Ушбу таърифни Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг асарида ҳам кўриш мумкин. Унда: “...ҳамма бадавлат ва тенг, ҳар уйда омбор тўла ғалла эди ва ғаллани бекор бермоқдан бўлак чора йўқ эрди. Бир тангага бир қўй берур эди

ва қаро пулни Норбўтахон чиқарди ва жорий қилди. Ҳар тарафдан мусофирлар келиб, бу жойга жам бўлиб қолар эди”, – деб қайд этилган [4]. Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандий эса, Норбўтабий ҳукмронлиги даврида ички ва ташқи вазиятнинг яхшиланганлиги савдонинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатганлигини таъкидлаган [5].

Олимхон (1798 – 1810), Умархон (1810 – 1822) ва Муҳаммадалихон (1822 – 1842) ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлиги тараққиёти янги босқичга кўтарилган. Хонлик Ўрта Осиёдаги энг йирик давлатлардан бирига айланган. Иқтисодиёт ҳам юксалиб, ички ва ташқи савдо тараққиёти аҳолининг фаровонлигида ўз аксини топди.

Хонликдаги тўкин-сочинлик ва арзончилик ҳақида тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилоний, “Қўқон хонлари вақтида Фарғона аҳли орасида пул оз ва нарх арзончилик эди. Ёз фаслида бир арава ҳандалак икки ярим тангадан 5 тангагача турган, бир арава қовун 3,5 тангагача сотилган, бир сават ўрик уч мири ва 1 танга, бир чакса (чакса – 1/3 пудга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. Бир пуд – 16,3 кг.га тенг.) гурунчининг баҳоси бир тангадан икки тангагача, бир чакса тоза ун бир тангадан зиёдроқ, тоза писта эллик пайса (пайса – бу ерда танганинг майда пули ўрнида келтирилган.)дан бир тангагача, тоза сариқ мағиз юз пайсагача, қандак ўрик, сабзи ва пиёзни бир пулдан олти пулгача харид қилиниб, зўрға кўтариб кетардингиз, бир тангага 40 чақа берур, бу чақани ҳамёнингизга солиб бозорга бориб то кечгача сарф қилишингиз мумкин ва ҳаммаси сарф бўлмасдан қайтиб ҳам келади” ва яна “...бозорларда нархлар арзонлиги учун фуқаролар подшолик ҳақларини ўз вақтида жамлаб беролмасдан кўп қийналардилар”, – деб ёзган эди [6].

Қўқон хонлигининг йирик шаҳарларида ҳафтасига икки-уч марта, кичикроқ шаҳар ва катта қишлоқларда, бир бирига яқин бўлган бир нечта кичик қишлоқлар туташган жойларда эса бир марта бозор бўлган. Хонликда Қўқон, Тошкент, Наманган, Андижон, Марғилон, Ўш, Хўжанд шаҳарлари ўзининг бозорлари билан ажралиб турган.

Қўқон хонлиги бозорларидаги дўконлар уч турга: ҳукмрон сулола вакиллари ва турли амалдорларга тегишли, хусусий ва вақф дўконларига бўлинган.

Қўқон хонлиги бозорларида энг йирик савдо очик бозор майдонларида амалга оширилган бўлса, карвонсаройларда нисбатан қиммат моллар, чет эл моллари ва улгуржи моллар савдоси амалга оширилган.

Хонликда шаклланган бозор инфратузилмасининг қисмларидан бири карвонсаройлар эди. Уларда турли ҳудудлардан келган савдо-

гарларнинг яшаши, юк ва уловларини сақлаши учун махсус қурилган иншоотлар эди. Карвонсаройларда савдогарларнинг яшашидан ташқари ундаги дўконларда савдо қилиш имконияти ҳам мавжуд бўлган. Шунингдек, йўл бўйида жойлашган шаҳар ва қишлоқлардаги карвонсаройларда сув захираси ҳам мавжуд бўлган. Хонликдаги карвонсаройлар савдо дўконлари каби ҳукмдорларга, хусусий шахсларга ва диний муассасаларга қарашли бўлган.

Савдогарлар карвонсаройларда яшашдан ташқари савдо қилиш имкониятига ҳам эга бўлганлар. Одатда, хонлик карвонсаройларнинг ҳар бирида 12 – 35 тагача дўкон мавжуд бўлган ва уларда асосан улгуржи савдо амалга оширилган. Савдогарлар карвонсарой дўконларини ижарага олганлар ва маълум миқдорда ижара ҳақи тўлаганлар. Хусусан, XIX асрга оид маълумотларга кўра, Қўқон ва Тошкент карвонсаройларида яратилган шароит ва карвонсаройнинг нуфузига қараб савдогарлар бошқарувчига дўкон ижараси учун йилига 3 – 5 тилло тўлаган.

Хонлик бозорларида аҳолининг ҳордиғи учун бир қатор имкониятлар мавжуд эди. Улар жумласига, чойхона, ҳаммом, сартарошхона ва бошқа жамоатчилик иншоотларини киритиш мумкин. Қўқон хонлиги бозорлари чойхоналари билан ҳам машҳур бўлган. Хонликнинг Қўқон, Тошкент, Наманган, Марғилон, Хўжанд ва бошқа йирик шаҳарларида ўнлаб чойхоналар фаолият юритган. Хусусан, Россия истилоси арафасида биргина Марғилон бозорида 35 та чойхона мавжуд бўлган.

Қўқон хонлиги бозорларида керакли шароитлар яратилган кўп-лаб ҳаммомлар ишлаб турган. Хонлик бозорларидаги ҳаммомлар озодалиги ва хизмат кўрсатиш сифати билан машҳур бўлган. Ҳаммомларда бир нечта кичик гумбазларда иссиқ ва совуқ сув, либосхона, дам олиш хонаси, қудуқ, меҳмонхона, ошхона ва ўртада ювиниш хонаси бўлган. XIX аср ўрталарида Қўқонда 6 та, Тошкентда 11 та ҳаммом бўлган [7] бўлса, Россия истилоси арафасида Марғилонда 7 та ҳаммом, 38 та сартарошхона ишлаб турган [8]. А.П.Хорошиннинг ёзишича, Тошкентдаги Чорсу бозорида 6 та – Муҳаммад Карим халифа, Нормуҳаммад қўшбеги, Дастурхончи, Муҳаммад Саидбой, Бўрихўжа, Юсуфбой ҳаммомлари мавжуд бўлган ва уларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида 200 та кишига хизмат кўрсатиши мумкин бўлган [9]. XIX аср 50-йилларида Хўжанд бозорида 2 та йирик ҳаммом бўлиб, улар орасида Шамсибой исмли савдогар томонидан қурдирилган “Ҳаммоми Шамсибой” номи билан аталувчи ҳаммом машҳур бўлган ва у Хўжанддаги энг катта ҳаммом ҳисобланган [10].

Қўқон хонлигидаги йирик бозорлар расталарга бўлинган бўлиб, ҳар бир растанинг ўз оқсоқоли бўлган. Оқсоқол ўз растасини ёрдамчиси билан биргаликда назорат қилган ва растадаги ҳар бир дўқондан 2 танга ва ундан кўпроқ ўз ҳисобига пул олган. Тунлари ҳам расталар хавфсизлиги учун оқсоқол жавобгар бўлган [11].

Қўқон хонлиги бозорларидаги олди-сотди жараёни бир маромда давом этиши ва тозалик, тартиб-интизомнинг жойида бўлишида давлат амалдори – раисларнинг ўрни катта бўлган. Раис хонлик шаҳарларида баъзан, қози раис деб ҳам аталган. Бу лавозимга хулқ-атвори яхши, шариат илмининг чуқур билимдони ҳамда аҳоли ўртасида катта ҳурматга эга бўлган кишилар тайинланган. Бу вазифага баъзан қозилар ҳам тайинланган бўлиб, шунинг учун ҳам қози раис деб аталган. Хонликнинг йирик шаҳарларида биттадан, кичик шаҳар ва қишлоқларнинг бир нечасида битта раис бўлган. Хусусан, Тошкент ва Қўқонда ҳам Россия истилосига қадар биттадан раис бўлган. Раис диний маросимларни назорат қилиш билан бирга, дўқон, савдо расталари ва бозорларда савдо-сотик жараёнини назорат қилган. У бозор кунлари ўзининг халфа деб аталадиган 10 дан ортиқ ёрдамчиси билан бозор айланган. Раис тартиббузарликни олдини олган, тарозиларни тўғри ишлаётганини ва, ҳатто, хунармандлар томонидан тайёрланган буюмлар сифатини ҳам текширган. Шунингдек, спиртли ичимликлар савдосига қарши курашган. Раис кўча, ариқ ва бозор майдонларининг тозалигига ҳам жавобгар бўлган. Бозордаги нарх-наводан, савдогарлардан ва тарозидан норози харидорлар арзларини эшитган ҳамда айбдорларни жазолаган. Жазо икки усулда амалга оширилган бўлиб, биринчисида, айбдорга 3 тадан 39 тагача камчи билан урилган бўлса, иккинчисида бозор ва шаҳар кўчаларида сазойи қилинган. Раиснинг ҳукми хонликдаги оддий фуқаролардан тартиб, амалдор ва хорижликлар учун ҳам қатъий эди [12].

Ўрта Осиё хонликларида хос равишда Қўқон хонлиги бозорларида ўғирлик ҳолатлари жуда кам рўй берган ва шундай ҳолат юз берса, жиддий жазо қўлланилган. Хусусан, 1814 йил хонликда бўлган Филипп Назаровнинг ёзишича, қўй ўғирлаган кишининг бармоқлари кесилган ва қайнаб турган челақка тиқилган ҳамда эшакка тескари ўтқазилиб, бозор айлантирилган. Тарозидан урган киши эса яланғоч ҳолда бозорда камчилаб юрилган [13]. Бу каби кескин чора-тадбирлар бозорларда харидор ва сотувчиларни эркин ҳаракат қилишларига имконият яратган.

Қўқон хонлари XVIII аср 70-йилларига қадар мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолиш ва ички урушларнинг олдини олиш билан машғул бўлган. Шу боис, ички савдо муносабатларидаги

олди-сотди жараёни қўшни хонликлар пуллари, асосан, Бухоро тангалари ва мол айирбошлаш орқали амалга оширилган. Норбўтабий Қўқон тахтига ўтирганидан сўнг пул ислоҳотини амалга оширди. Маълумотларга кўра, Норбўтабий мис (фулс) чақалар зарб эттирган ва бу мис чақалар халқ орасида “қора пул” деб аталган. Тарихчи Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий маълумотларига кўра, Норбўтабий қора фулс тангаларни жорий қилган ва битта шундай тангага қўй берган [14].

Норбўтабийдан сўнг хонлик тахтига чиққан ҳар бир хон ўз номидан янги пул зарб эттирган ва эскисини йиғиштириб олган. Қўқон хонлари кўпроқ чақа пул, баъзилари олтин танга зарб эттирган. Хусусан, Норбўтабий мис чақа, Олимхон мис чақа ва кумуш танга, Умархон дастлаб мис ва кумуш танга ҳамда ҳукмронлигининг сўнги йилларида яна пул ислоҳоти ўтказиб, илк бора хонлик тарихида олтин тангаларни муомалага киритган. Муҳаммадалихон ўз ҳукмронлиги давомида икки марта пул ислоҳоти ўтказиб, мис, кумуш ва олтин тангалар зарб эттирган. Шунингдек, Шералихон, Худоёрхон, Маллахонлар ҳам мис, кумуш ва олтин тангалар зарб эттирганлар. Ҳатто, бир неча ой ҳукмронлик қилган Шоҳмурод олтин ва кумуш, Саййид Султон олтин, кумуш ва мис, Пўлатхон ва Насриддинбек эса кумуш тангалар зарб эттирган.

Пойтахт Қўқонда хон Ўрдаси яқинида мамлакатдаги ягона зарбхона мавжуд бўлган. Бироқ, маълумотларга кўра, XIX аср бошларида Ўшда ҳам хонлик зарбхонаси мавжуд бўлган ва унда мис чақа тангалар зарб этилган [15]. Қўқон зарбхонаси бир кеча-кундузда 1000 танга зарб қилиш имкониятига эга бўлган [16].

Қўқон хонлигида қалбаки пуллар ишлаб чиқаришга қарши жиддий чоралар кўрилган. Архив маълумотларига кўра, хонлик фуқароси Ҳосилбек Холназаров қалбаки тангалар ишлаб чиқаргани аниқлангач, таъқиб остига олинган. У хонликдан қочишга муваффақ бўлган бўлса-да, уни қўлга олиш учун қўшни хонликларга хон номидан махсус мурожатномалар юборилган. Қўқон хонлигида танга-пулларни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш билан меҳтар шуғулланган [17]. Хонлик бозорларида мол айирбошлаш анъанаси ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шунингдек, Қўқон тангалари билан бир қаторда Ўрта Осиё бозорларида Бухоро, Хива, Россия, Қашқар пуллари муомалада бўлган. Бу эса ўз навбатида мамлакатда ўзига хос пул-товар тизими шаклланишига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хорошихин А. П. Сборник касающихся Туркестанскаго края. – СПб., 1876. – С. 103.
2. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. Қўқон шаҳар Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи. ҚП. 4101. 7 а-варақ.
3. Мирзо Олим Маҳдум Хожии. Тарихи Туркистон. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 56.
4. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. Қўқон шаҳар Ғ. Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи. ҚП. 4101. 8 б-варақ.
5. Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шохрухи. – Казань, 1885. – С. 40 – 45.
6. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 70 – 71.
7. Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Кокандского ханства для русских. ИРГО. – СПб., 1854. – С. 39.
8. От Маргилана до Ош // Туркестанские ведомости. 1882. – № 45.
9. Хорошихин А. П. Сборник касающихся Туркестанскаго края. – СПб., 1876. – С. 92.
10. Турсунов Н. О. Сложение и пути развития городского и сельского населения северного Таджикистана XIX – начала XX в.в. – Душанбе: Ирфон, 1976. – С. 66 – 67.
11. Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве / Собрание литературных трудов. Том II. – СПб., Тип. М. Стасюевича, 1898. – С. 521.
12. Гаффаров Абдул Сатторхон. Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // Туркестанские ведомости. 1892. – №26.
13. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – С. 60.
14. Бейсембиев Т. К. Как источник “Тарихи Шахрухи”. – Алма-Ата, 1985. – С. 67.
15. Тимковский Е. Ф. Путешествие в Китай через Монголию в 1820–1821 годах. Часть II.– СПб., 1824. – С. 91.
16. Хорошихин А. Заметки о Кокане // Туркестанский сборник. Том 23. 1870. – С. 187.
17. ЎзР МДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 144-ши, 5 – 5-варақнинг орқаси.

АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИДА МЕЪМОРЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

*Мансуржон МАХМУДОВ,
Наманган давлат университети ўқитувчиси*

Аннотация:

Ушбу мақолада XVII–XVIII асрларда Аштархонийлар даврида Бухоро хонлигида меъморчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар таҳлил қилинган. Мақолада асосий эътибор хонлик шаҳарларида қурилган мадраса ва масжидларнинг меъморий ечимига қаратилган.

Калит сўзлар:

Аштархонийлар, Бухоро хонлиги, меъморчилик, қурилиш, мадраса, масжид, ансамбль, обида, шаҳарлар, фасад.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик шарофати билан ўз тарихининг янги даврига қадам қўйди. Халқимиз ўзининг бой тарихий, маънавий ва маданий меросига эга бўлди. Ватанимизда қадим замонлардан бошлаб яратилиб келинаётган нодир меъморий обидаларни қайта тиклаш, уларнинг тарихи ва қурилиш услубларини мукаммал ўрганиш имконияти вужудга келди. Бир қатор тарихий шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланиб, улардаги меъморий обидалар қайта тикланди ёки таъмирланди. Шу жумладан, 1997 йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги (1995 йилдаги ЮНЕСКО қарори асосида) юртимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди.

“Бухоройи Шариф”, “Қуббатул ислом” каби шарафли номлар билан улуғланган Бухоро шаҳри ўзининг бир қатор тарихий-меъморий обидалари билан ҳам машҳур. Ушбу обидалар орасида Бухоро кўркига кўрк қўшиб турган Лабиҳовуз меъморий мажмуаси алоҳида ажралиб туради.

Лабиҳовуз яхлит меъморий комплекс бўлиб, унинг таркиби ҳовуз, Кўкалдош мадрасаси, Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоҳидан иборат. Дастлаб Кўкалдош мадрасаси (1568–1569) қурилган. Бухоро хони Абдуллахон II нинг вазири Қулбобо Кўкалдош ушбу мадрасани барпо эттираётганида унинг муддаоси бир бутун ансамбль барпо этиш эмас, балки Бухорода муаззам мадраса қуриш бўлган [1]. Кейинчалик, Имомқулихоннинг вазири Нодир Девонбеги ҳовуз, хонақоҳ ва мадраса барпо эттиради. Мажмуада Эрназар элчи мадрасаси ҳам мавжуд бўлган, лекин у бизгача сақланиб қолмаган [2]. Учта

йирик монументал иншоотни ҳовуз ажратиб туради ва ансамбль номи ҳам ушбу ҳовуздан олинган.

Кўкалдош мадрасаси давлат арбоби ва саркарда Қулбобо Кўкалдош томонидан барпо этилган бўлиб, у, тахминан, 1534–1598 йилларда яшаб ўтган. Отаси Бухоро хони Искандархон ва Абдуллахон II даврида бош садр лавозимида ишлаган. Қулбобо Абдуллахон II нинг кўкалдош (эмишган) иниси ва яқин кишиларидан бирига айланади. Отаси 1581 йилда вафот этгач, Қулбобо Кўкалдош садр лавозимини эгаллайди. Абдуллахон II даврида девони мушрифга раҳбарлик қилган ва хоннинг ҳарбий юришларида иштирок этган. Қулбобо Кўкалдош йирик саркарда сифатида Қундуз ва Бадахшондаги бошқа шаҳарларни эгаллашда жонбозлик кўрсатган. Лекин, Абдуллахон II нинг ўғли Абдулмўмин билан муносабатлари ёмонлашган. Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдуллонома” асарида уни “умдат улмулук” (“Подшолик таянчи”), “Низоми салтанат”, “Амир Низомиддин” каби номлар билан улуғлайди. Қулбобо Кўкалдош ўз даврининг саводхон кишиларидан ҳисобланиб, санъаткор, олим ва шоирларга ҳомийлик қилган. Ўзи ҳам “Муҳиббий” тахаллуси билан шеърлар ёзган. Балхда бой кутубхонаси ҳам бўлган. 1551–1575 йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Балхда мадрасалар барпо эттиради. Абдуллахон II вафот этгач, Абдулмўмин отасининг яқинлари қатори Қулбобони ҳам қатл эттиради [3].

Мажмуадаги қолган иншоотлар, шу жумладан, ҳовузнинг барпо этилиши ҳам Имомқулихоннинг вазири Нодир Девонбеги номи билан боғлиқ. Ҳовузнинг барпо этилиши билан боғлиқ баъзи ривоятлар бор. Бухоро хонининг вазири – девонбеги хонақоҳини қуриб битказганидан кейин унинг яқинида бир аёлга тегишли бўлган ерда йирик сув ҳовузи қурмоқчи бўлади, ундан жойни олишга розилик сўрайди. Аммо, вазир у аёлдан рад жавобини олади. Шундан сўнг вазир аёлнинг ҳовли остидан канал ўтказди. Сув уйнинг деворларини емира бошлайди. Бу ҳодисадан кейин аёл ҳовлисини вазирга беришга мажбур бўлади. Бу ернинг номи ана шу зўравонликдан келиб чиққан ва у ўз вақтида “Ҳавузи базўр” (“Зўравонлик ҳовузи”) деб аталган дейилади [4].

Ҳовузнинг ансамблни бирлаштирувчи элементи сифатида қурилиши Марказий Осиё меъморчилигининг ютуғидир. Ҳовуз деворлари синчлар билан мустаҳкамланиб, шағал ва тупроқ билан тўлдирилган. Ҳовуз атрофида харсанг тошлардан зинапоялар ишланган. Ушбу зинапоялар орқали ўрта асрларда мешкоблар ўз мешларини сувга тўлдирганлар ва аҳолига тарқатганлар [5].

Кўкалдош мадрасаси Лабиховуз ансамблидаги энг катта иморат ва Бухородаги энг катта мадраса ҳисобланади. Кўкалдош мадрасаси очик майдонда, тўғри тўртбурчак шаклида барпо этилган. Архитекторлар мадрасанинг узокдан кўзга ташланишини назарда тутиб, икки қават баландлигида қатор равоқлар қурдирганлар. Мадрасанинг бош фасади пештоқли бўлиб, у ансамбль майдонига қаратилган. Пештоқни безаб турган кошинлар бизгача сақланиб қолмаган. Мадраса пештоқидаги эшикка гириҳ ва ислимий нақшлар ишланган. Мих қоқмай, “тирноқ” қилиб маҳкамланган пилакчалардан ясалган эшик яхлит тахтадан тайёрлангандек кўринади.

Мадраса ҳовлисига бир неча хонадан ўтиб кирилади. Шу туфайли гумбазлар конструкцияси яққол ажралиб туради. Мадраса ҳовлиси узун. Ҳовли томондаги икки қаторли равоқлар қаторини юзма-юз қилиб солинган баланд айвонлар ажратиб туради. Ҳар бир равоқдан алоҳида хужрага кирилади. 2010 йилда М. Ваҳитов ва Ш. Мирзаев ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Меъморилик” дарслигининг биринчи қисмида мадрасадаги хужралар сони 162 тани ташкил этиши қайд этилган [6]. Лекин бошқа адабиётларда 160 та ёки 140 та хужра борлиги қайд этилган ҳолатларни ҳам кўриш мумкин.

Кўкалдош мадрасасидан шарқ томонда ансамблнинг яна бир иншооти – Нодир Девонбеги мадрасаси бунёд этилган (1622–1623). Ушбу бино дастлаб карвонсаройга мўлжаллаб қурилган эди. Шу сабабли тўппа-тўғри далондан ўтиб кирилади ва шуниси билан бошқа мадрасалардан фарқ қилади. Унда кўпчилик мадрасаларга хос бўлган айвонлар ҳам, масжид ва дарсхоналар ҳам йўқ. Бино иккита кўча орасига тушганлиги унинг тарҳи мунтазам трапеция шаклида чиқишига сабаб бўлган [7].

Нодир Девонбеги мадрасаси фасаднинг пропорцияси, безатилиши ва фантастик қуш тасвирининг туширилиши каби жиолар билан эътиборлидир. Фасадда, унинг бурчакларида вазмин кичик миноралар тикланган, ҳовлининг ичи анъанавий ечимда ишланган [8]. Нодир Девонбеги мадрасасининг порталидаги безакларнинг айримлари Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирларда ҳам учрайди.

Нодир Девонбеги мадрасаси ўтган асрда бир неча марта таъмирланган. Хусусан, ўтган аср ўрталарида ёдгорликни реставрация қилиш жараёнида равоқ устини ганч сувоғи қуёшга интилаётган афсонавий ҳумо қушларининг ва ўтлаб юрган буғунинг мозаик тасвирига дуч келадилар. Ушбу тасвир 1970 йилларда Самарқанд ва Бухоро усталарининг маҳорати туфайли қайта тикланди [9].

Нодир Девонбеги хонақоҳи шу номдаги мадраса рўпарасида 1620–1621 йилларда барпо этилган. Марказий биноси масжиднинг квадрат шаклидаги катта залидир. Зал деворларига тахмонлар қилинган. Бино бурчакларида дарвишлар учун ётоқхоналар ҳамда иккинчи қаватга ва томга олиб чиқадиган айланма зиналар мавжуд. 1914–1915 йилларда Бухоро амири Амир Олимхон даврида таъмирланиб, худди шу пайтда асл кўриниши ўзгарган. Кейинчалик олиб борилган реставрация ишлари натижасида хонақоҳ ҳозирги кўринишга келган [10].

Мустақиллик шарофати билан Бухородаги кўплаб меъморий обидалар қатори Лабиховуз ансамблидаги ёдгорликлар ҳам ободонлаштирилди ва бугунги кунда кўркем мажмуа кўринишига келган.

XVII асрда Самарқанд Регистони ансамблининг ҳозирги қиёфаси шакллантирилди. Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир 1619–1635 йилларда вайрона ҳолатга тушиб қолган Регистон майдонида Улуғбек мадрасаси қаршисида Шердор мадрасасини, унинг ёнида 1646–1659 йилларда Тиллакори мадраса-масжидини ўз маблағлари ҳисобидан бунёд эттирган. Самарқанд Регистон ансамбли ўзининг ранг-баранг кошинкор безаклари, нақшинкор пештоқлари, улкан гумбазлари билан Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб тарихий ёдгорлиги бўлиб, бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги, сайёҳлари эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Бухорода йирик меъморий мажмуа – Лабиховуз ансамбли бунёд этилди. Бухоронинг энг бадавлат кишиларидан бири бўлган Нодир-девонбеги 1620 йилда бозор майдони ўртасида бўйи 45 метр, эни 36 метр, чуқурлиги 5 метр бўлган катта ҳовуз қурдириб, атрофини шағал, мармар ва тошлар билан мустаҳкамлаттиради. Ҳовуз атрофида Нодир-девонбеги мадрасаси ва хонақоҳи, Кўкалдош мадрасаси, Эрназар элчи мадрасаси бунёд этилади.

1652 йилда Бухоро шаҳрида Абдулазизхон қурдирган қўш иморатли мадраса мустаҳкамлиги, нақшли кошинларга бойлиги билан ажралиб турадиган, ўз замонаси меъморчилигининг етук намунаси ҳисобланади. Имомқулихон Мадина шаҳрида Чорбоғ, Маккадаги Каъбага киравериш дарвозаларидан бири остонаси учун олтин ва кумуш тутқичли ёғоч зина қурдиради. XVII аср бошларида Қаршида Шермухаммадбий ва Хўжа Қурбонбий мадрасалари, савдо йўлларида хашаматли работлар барпо этилади [11].

Самарқанддаги меъморий ёдгорликлардан яна бири Тиллакори мадрасасидир. Регистон ансамблида Улуғбек даврида бунёд этилган Мирзойи карвонсаройи ўрнида Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий Баҳодир Мадраса ва жоме масжид қурдирган (1641–1646). Карвон-

сарой асоси устига мадраса (шимолий-шарқий қисми), хужралар ўрнида пештоқ гумбазли масжид (ғарби) жойлашган. Дастлаб “Яланг-тўшбий кичик мадрасаси” деб номланган. Кейинчалик масжид беагида бошқа бир обида қурилишига етадиган миқдорда олтин сарфлангани учун “Тиллакори (тилладан ишлов берилган)” деб юритила бошлаган.

Аштархонийлар давридаги яна бир йирик мадраса Шердор бўлиб, Самарқанддаги меъморий ёдгорлик ҳисобланади. **Мазкур 1619–1636 йилларда Мирзо Улуғбек хонақоҳи ўрнига Ялангтўш Баҳодир қурдирган. Регистон ансамбли таркибида.** Улуғбек мадрасасининг рўпарасида жойлашган. Мадраса тарҳи тўртбурчак, 2 қаватли. Бош тарзининг 2 қанотида қовурғали гумбаз ва миноралар жойлашган. Пештоқ равоғи ичкарасидаги кошинкори безак орасида қора заминли кошинга оқ ҳарфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган. Қаносларидаги қизғиш зарҳал тусли шер оқ оҳуни қувмоқда. Қуёш бодомқовоқ, қийиқ кўзли қилиб тасвирланиб, юзи зарҳал тусли ёғду билан ҳошияланган. Мадраса номи шу тасвирдан келиб чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, XVII–XVIII асрларнинг биринчи ярмида оғир сиёсий вазиятга қарамасдан, халқимиз ўзининг ижодкорлик, бунёдкорлик хислатларини намоён қила олди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Икромов Т. *Лабиховуз ансамбли.* – Тошкент, 1969. – Б. 3.
2. Yunusov M. *O‘zbekistonning arxitektura yodgorliklari tarixi.* – T.: Navro‘z, 2011. – B. 120.
3. *Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11 жилд.* – Тошкент: ЎзМЭ, 2005. – Б. 142.
4. Vahitov M., Mirzayev Sh. *Me‘morchilik. I qism.* – T., 2010. – B. 189.
5. Yunusov M. *O‘zbekistonning arxitektura yodgorliklari tarixi....* – B. 121.
6. Vahitov M., Mirzayev Sh. *Me‘morchilik....* – B. 190.
7. Икромов Т. *Лабиховуз ансамбли.....* – Б. 5.
8. Vahitov M., Mirzayev Sh. *Me‘morchilik. I qism.....* – B. 192.
9. Yunusov M. *O‘zbekistonning arxitektura yodgorliklari tarixi....* – B. 122.
10. *Юқоридаги асар... – B. 121.*
11. Икромов Т. *Лабиховуз ансамбли....* – Б. 32.

MUSTAMLAKACHILIK SHAROITIDA FARG‘ONA VILOYATIDA PAXTA YAKKAHOKIMLIGINING KUCHAYISHI

Asadullo XASANOV,
Namangan davlat universiteti,
O‘zbekiston tarixi magistratura mutaxassisligi talabasi

Annotatsiya:

Ushbu maqolada mustamlakachilik sharoitida Farg‘ona vodiysidagi paxtachilik rivojlanishi tahlil qilingan. Paxtachilik sohasidagi tadqiqotlar va tahlillar aniq raqamlar orqali ko‘rsatib o‘tilgan. Mustamlakachilik davrida paxtachilik sohasini rivojlantirish zaruriyatlari alohida ta‘kidlangan. Paxta sanoati rivojida vodiy hududlarining alohida xususiyatlari ochib berilgan.

Annotation:

The article analyzes the development of the cotton growing in the Ferghana region under colonial conditions. Attempts were made to present the results of research and analysis of cotton growing in accurate numbers. In General, the need to develop cotton production in the colonial period was emphasized. At the development of the cotton industry is aimed at revealing the features of the valley.

Rossiya imperiyasi uchun Turkistondagi agrar masala nafaqat iqtisodiy, balki siyosiy jihatdan ham muhim ahamiyat kasb etgan masalalaridan biri bo‘lgan. Chunki, qadimdan rivojlanib kelgan yer-suv munosabatlari aholining kundalik turmush tarzi bilan chambarchas bog‘langan edi. Ya’ni, XIX asr o‘rtalarida ham aholining asosiy daromad manbai yer bilan uzviy bog‘liq edi. Yer-suvga kim egalik qilsa, binobarin u dehqonni (xususan, mahalliy aholini) ham osonlik bilan o‘ziga itoat qildirgan. O‘lkani tekshirgan imperatorning maxfiy maslahatchisi F. Girs bu boradagi xulosalarini quyidagicha ifodalagan: “Turkistonning iqtisodiy holati va aholisining xo‘jaligi asosida yer yotadi. Aholining sug‘orish imkoniyatlariga to‘liq qaram bo‘lgan yerdan tashqari boshqa manbalari mavjud emas. Shu bois, yer masalasini to‘g‘ri shakllantirish va hal etish boshqa hududlardan ko‘ra Turkiston o‘lkasi va uning aholisi uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lgan ulkan masaladir” [1, C.25]. Rossiya hukmron doiralari buni juda yaxshi tushungan holda Turkistondagi yer-suv munosabatlari o‘zgartirishga kirishdi. Chorizm va uning ko‘rsatmalariga binoan mustamlakachilik boshqaruv idoralari amalga oshirgan yer-suv munosabatlaridagi o‘zgarishlar, agrar siyosat birinchi navbatda o‘lkani, ayniqsa, Farg‘ona vodiysini metropoliyaning paxta, pilla va boshqa qishloq xo‘jalik

xom-ashyo bazasiga hamda rus aholisining yangi yashash makoniga aylantirishga qaratildi [2, B.35].

Vodiyda paxtachilik qadimdan rivojlangan bo'lib, bu omil vodiyni qulay iqlimi, serhosil tuproqlarga boyligi, suv manbalari seroblighi va albatta, dehqonlarning mirishkorligi bilan izohlanadi. Buni rus korchalonlari ham juda yaxshi tushunishardi. Xususan, paxtachilik tadqiqotlari bilan shug'ullangan Ponyatovskiy Farg'ona qulay iqlimi va tabiiy sharoitlari bo'yicha nafaqat Turkiston, shuningek Rossiya uchun juda muhim o'lka ekanligiga alohida urg'u berdi [4, C.94]. Ayni paytda, Rossiya to'qimachilik korxonalarini paxta xom-ashyosi bilan ta'minlash zaruriyati Farg'ona vodiysida paxtachilikni yanada rivojlanishiga turtki berdi. Sekinlik bilan rivojlanayotgan Rossiya to'qimachilik sanoatining jadal rivoji paxta importiga chambarchas bog'liq bo'lib qoldi. XIX asr o'rtalariga kelganda Rossiya imperiyasining paxta importiga qaramligi nihoyatda kuchaydi. Ushbu davrda yiliga o'rtacha (asosan AQShdan) quyidagicha paxta import qilindi: 1841-1845-yillarda 527 ming pud, 1846-1850-yillarda 1115 ming pud, 1851-1856-yillarda 1533 ming pud, 1856-1860-yillarda 2421 ming pud [5, C.188]. Ko'rinib turibdiki, 20 yil davomida paxta xom-ashyosiga bo'lgan ehtiyoj 4 baravar oshdi. Kelgusida yuzaga keladigan ehtiyojni qondirish va arzon xom-ashyoni qo'lga kiritish yangi paxta plantatsiya maydonlarini yaratilishini taqazo qila boshladi. Bu jarayonda Imperiya tarkibida paxta yetishtirishga qulay bo'lgan hududlarni bo'lishi maqsadga muvofiq edi. Farg'ona bu talabga javob bera oladigan juda qulay hudud hisoblangan. Shuning uchun vodiya paxtachilik masalasiga alohida e'tibor berildi. Agar, Rossiya Turkistonni bosib olgunga qadar Farg'ona vodiysidagi umumiy paxta maydoni 50 ming desyatinani [3, B.49] tashkil etgan bo'lsa, 1911-yilda bu ko'rsatkich 300 ming desyatinaga yetdi [4, C.95]. O'rta Osiyoda yetishtirilgan jami 12 mln. pud paxtaning 6,7 mln. pudi, ya'ni yarmidan ortig'i Farg'ona viloyatiga to'g'ri keldi [4, C.94].

Mustamlakachilik davridan oldin va mustamlakachilikning dastlabki davrlarida vodiya paxta navlaridan, asosan, uch xili – Toshkent-Qo'qon, Buxoro va Xiva paxta navlari yetishtirilardi. Bular orasida Xiva navi boshqalarga qaraganda ancha sifatli hisoblangan. O'sha davr mutaxassisi Shtiglisning fikricha, Xiva paxtasi sifati bo'yicha Amerika paxtasidan qolishmagan [6, C.29]. Yuqorida nomlari keltirilgan paxta navlaridan tashqari Farg'ona vodiysida "so'zani" hamda "malla g'o'za" navlari ham yetishtirilib, ushbu paxtalar uch chanoqli bo'lganligi va yaxshi ochilmaganligi uchun dastlab ko'ragi bilan uzib olinib, so'ngra paxtasi ajratilgan. Kalta tolali bunday paxtalardan mahalliy hunarmandlar bo'z, olacha, qalami va boshqa shunga o'xshash to'qimachilik buyumlarini ishlab

chiqarishgan [3, B.49]. Fargʻona vodiysida hosildorlikni koʻtarishdan manfaatdor boʻlgan rus sarmoyadorlari Oʻrta Osiyoga Misr, Amerika va boshqa mamlakatlardan paxta urugʻi olib kelib tajriba sifatida ekishni boshlaydilar. Fargʻona vodiysida, 1879-yilda birinchi marta yangi navlar Namangan uyezdining Chust qishlogʻida ekib koʻrildi [7, B.85]. Biroq birinchi tajriba ijobiy natija bermadi. Chunki ekilgan paxta navlari (Sea-Island) serhosil boʻlsa-da, kechpishar edi [8, B.21]. Ammo bu maʼlumotda biroz yanglishlik bor. Haqiqatan ham 1879-yilda Fargʻona vodiysiga yangi paxta navi olib kelingan. Ammo bu nav “Sea - Island” navlari emasdi. Bu “Upland” navi hisoblanib, uni ekish jarayoni Andijon hududlaridan boshlangan [3, B.49]. Koʻzga koʻringan tarixchi olimlardan biri Hamid Ziyoyev maʼlumotlariga koʻra esa 1878-yil Andijon, Namangan, Qoʻqon va Margʻilonda ham yangi amerika paxta navlari qadalgan [9, B.35]. Qolaversa, “Sea-Island” navi Turkiston iqlimida yaxshi hosil berolmasdi. Chunki, bu nav issiq hududlardagi moʻtadil va namlik yuqori boʻlgan dengizboʻyi mintaqalarga moslashtirilgan edi [6, C.17]. 1880-yilga kelib, Chust uyezdida koʻrgazmali tajriba uchastkasi tashkil etilib, paxtaning 20 dan ortiq amerika navlari (king, upland, triumf, russel’s, florida) sinab koʻrildi. Bulardan Upland va King navlari Fargʻonaning obi havosiga mosligi, mahalliy paxta navlariga nisbatan serhosil ekanligi aniqlandi. Tajriba uchastkasida ekilgan mahalliy paxta navlari oʻrtacha har desyatinadan 35-40 pud, amerika navlaridan esa 70-75 pud hosil olindi [10, B.17]. Shu tariqa yangi paxta navlarini mahalliy paxta navlariga nisbatan afzalligi aholi oʻrtasida targʻibot qilina boshlandi. Bundan tashqari, 1880-yildan 1884-yilgacha – yangi nav paxta urugʻlarini ommalashgungacha ular bepul tarqatib turildi.

Vodiy paxtachiligida amerika navlarini rivojlantirishda tashkil etilgan urugʻchilik va koʻrgazmali tajriba uchastkalari katta rol oʻynadi. 1880-1900-yillar ichida Namangan uyezdida Koʻl, Chust, Qizilravotda; Andijon uyezdida Jalolobod, Oyim, Amirbek; Margʻilon uyezdida Kirmachi, Arab-mozor, Qoʻqon uyezdida Ultarma kabi agronomiya tajriba plantatsiyalari tashkil etildi [7, B.86]. Bu tajriba stantsiyalari aholi oʻrtasida yangi paxta navlarining afzalligini tashviqot qilish, paxta maydonlarini oʻgʻitlashning yangi metodlarini aholiga yetkazish hamda qishloq xoʻjalik texnika vositalarini joriy etishni vazifa qilib qoʻygan edi. Amerika navlari ustidan olib borilgan birinchi muvaffaqiyatli tajribalar natijasida vodiyning hamma rayonlarida qisqa vaqt ichida amerika navi ekila boshlandi. Masalan, 1885-yilda 1000 desyatina, 1886-yilda 12000 desyatina, 1887-yilga kelganda 13200 desyatina yerga yangi nav paxta ekildi [10, B.19]. Bu koʻrsatkich muntazam ravishda koʻtarilib borgan. Jumladan, viloyatda 1888-yilda

hammasi bo`lib 14100 desyatini maydonga amerika navli paxta ekilgan bo`lsa, 1911-yilga kelib bu ko`rsatkich 244705 desyatiga yetgan yoki viloyat miqyosida 23 yil ichida Amerika navli paxta ekilayotgan maydonlar miqdori salkam 17,5 barobarga ortgan.

Amerika navli paxta maydonlarining o`sib borishi o`z navbatida mahalliy paxta maydonlarining qisqarishiga olib keldi. Sharafiddinovning ma`lumotlariga ko`ra, 1888-yilda mahalliy nav paxta maydoni 19661 desyatini tashkil etgan bo`lsa, 1911-yilga kelib 12840 desyatiga tushib qolgan [10, B.20]. Shuningdek, mahalliy paxta maydonlari qisqariganligini XIX asr oxirida Turkistonda paxtachilik yuzasidan tadqiqot o`tkazgan rus knyazi Masalskiy hisob-kitoblari orqali ham bilsa bo`ladi. Xususan, uning tadqiqot natijalarida 1888-, 1889- va 1890-yillar taqqoslangan [6, C.21-26]. Farg`ona viloyatiga oid xulosalarni esa quyidagi jadvalda ko`rish mumkin:

Yil	Amerika paxta navi maydoni (desyatina hisobida)	Shu maydonda olingan jami hosil (pud hisobida)	Mahalliy paxta navi maydoni (desyatina hisobida)	Shu maydonda olingan jami hosil (pud hisobida)	Jami maydon (desyatina hisobida)	Jami hosil (pud hisobida)
1888	20483	278 000	31323	400 000	51806	678000
1889	27540	388710	23155	325535	50695	714245
1890	34280	604000	18649	206000	52929	810000

Demak, 1888-yilda Farg`onada hammasi bo`lib 51806 desyatina yerga paxta ekilib, 678 ming pud paxta yetishtirilgan bo`lsa, bu ko`rsatkich 1890-yilga kelib mos ravishda 52929 desyatina va 810 ming pudni tashkil etgan.

Ushbu ma`lumotlar bizga shuni ko`rsatadiki, paxtachilikda asosiy e`tibor yer maydonlarini kengaytirishga emas, mavjud paxta maydonlarida navlarni almashtirishga e`tibor berilgan. Paxtaning texnik holatini yaxshilashga harakat qilingan. Mahalliy paxta maydonlari o`rnida ham Amerika navi ekila boshlangan.

XIX asr oxirlarida e`tibor paxta ekin maydonlarini kengaytirish bilan birga, texnik ishlov berish va dehqonlarni moddiy ahvolini yaxshilashga ham e`tibor qaratildi. 1876-yil Namanganda birinchi bo`lib dehqonlarga kredit beruvchi muassasa ochildi. 1909-yilga kelganda esa Turkistonda ana shunday qarz beruvchi 21 kassaning 5 tasi Farg`ona viloyatida joylashgan edi [11, P.81]. XIX asrning 90-yillari oxirida rus mutaxassislari madaniy o`giltlar-superfosfat, azot, fosfordan foydalanishning progressiv metodlari

va ahamiyatini mahalliy aholiga ko`rsatib, bu sohadagi tajribalarni omma orasiga yoya boshladilar. Vegetatsiya yo`li bilan hosilni ko`tarish ishlari ham omma o`rtasida tashviqot qilindi. Namunali urug`lik yetkazuvchi plantatsiyalarni tashkil etish vodiya paxta sifatini yaxshilash sohasida qilingan muhim ishlardan biri bo`ldi. Mazkur plantatsiyalar paxta urug`larini yaxshilash sohasida katta ishlar olib bordilar. Ilgarigidek g`alla ekinlari kabi qo`l bilan sochib emas, balki egat usulida ekish yo`li bilan paxta oralariga ishlov berishni osonlashtirish yo`llari joriy etila boshlandi. Natijada, vodiyning ba`zi bir hududlaridagi sug`oriladigan yerlarning 60 va, hatto, 80 foizigacha yangi paxta navi ekila boshlandi [3, B.50]. Jumladan, Skobelev (Marg`ilon) uyezdining Quva uchastkasi, Namangan uyezdining Qoratepa, Asaka, Xonobod volostlari hamda Andijon uyezdining Oltinko`l va Xakent volostlarida jami 6 volostda jami ekin maydonlarining 80 % iga paxta ekildi [4, C.95].

Xullas, Rossiya to`qimachilik sanoatini xom-ashyo manbasi bilan erkin ta`minlash, paxta importiga qaramlikni keskin qisqartirish, yer-suv boyliklaridan imperiya manfaatlari uchun foydalanish maqsadlarini ko`zlab, o`lkada paxtachilikni jadal rivojlantirish boshlandi. Bu borada XIX asrning 70-80-yillarda qabul qilingan "Nizom"lar bu borada dasturilamal vazifasini bajardi. Bu "Nizom"larda Turkiston o`lkasida, ayniqsa, Farg`ona viloyatida paxtachilikni jadal rivojlantirish asosiy vazifa qilib belgilandi. Bir necha rus olimlari (Rayevskiy, Shtiglis, Middendorf) tezpishar va yuqori hosil olishga imkon beruvchi yangi Amerika paxta navlarini iqlimlashtirish borasida ilmiy tadqiqotlar o`tkazishdi. Bu tadqiqotlar o`z samarasini berib, XIX asr 70-80-yillaridan Farg`ona vodiysida paxtachilikni yanada rivojlantirishga yordam berdi. Hosildorlik unumi oshdi va dehqonchilik agrotexnika madaniyati rivojlandi. Bu boradagi yutuq yana shunda ko`zga tashlanadiki, XIX asr 60-yillarida O`rta Osiyo paxtasi Rossiya olib kelingan paxtaning 6-7 % ni tashkil qilgan bo`lsa, bu ko`rsatkich 1914-1915-yilga kelganda 70 % ga yetdi [11, P.81]. Va bu miqdorning qariyb yarmidan ko`pini Farg`ona viloyati hududlarida yetishtirilgan paxta tashkil qildi. Pirovard natija o`lkada paxtachilik rivojini o`rgangan shaxslardan biri N. Fedorov yozganidek, "Turkistonni tinch madaniy yo`l bilan bo`ysundirishda xazinadan sarf bo`lgan millionlar ortig`i bilan qayta boshladi" [12, B.23].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мамадалиев И. А., Махмудов О. Р. Сущность переселенческой политики Российской империи в Средней Азии // НОМАИ ДОНИШГОҲ. –Dushanbe, 2017. -№4(53)

2. Курбанова Н. Н. Чоризмнинг аграр сиёсати ва унга қарши кураш (Фаргона вилояти мисолида). Тарих фан. ном. дисс... – Андижон, 2011.
3. Исоқов З. Фаргона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти – Т.: “YANGI NASHR”, 2011.
4. Понятовский С. Опыт изучения хлопководства в Туркестане и Закаспийской области. –С-Петербург, 1913.
5. Халфин Н. А. Политика России в Средней Азии (1857-1868) – М.: Издательство восточной литературы, 1960.
6. В. И. Масалский. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. –Санк-Петербург, 1892.
7. Sharafiddinov A., Umrzaqov D. XIX asrning oxiri - XX asr boshlarida Farg‘ona vodiysida yog‘-moy sanoatining vujudga kelishi // Salohiyat mezon. 4-son. –Namangan, 2014.
8. Охунjonov A. Farg‘ona viloyatining Andijon va Namangan uyezdlarida paxtachilik va paxta tozalash sanoatining shakllanishi tarixidan (XIX asr oxiri – XX asr boshlari): Bitiruv malakaviy ishi. – Namangan, 2019.
9. Зиёев Х. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги // “Шарқ юлдузи” – Тошкент, 1991. -№ 5.
10. Шарафиддинов А. Фаргона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари). I китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013.
11. Ferghana Valley: the heart of Central Asia / edited by S. Frederick Starr and oth. –Armonk, New York: M.E.Sharpe, 2011.
12. Зиёева Д. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Чоризмнинг Туркистон моддий бойликларини ўзлаштириши сиёсати // O‘zbekiston tarixi. –Toshkent, 2000. -№ 1-2.

ПРОМЫШЛЕННАЯ МИГРАЦИЯ В УЗБЕКСКОЙ ССР: РАЗВИТИЯ ТЕНДЕНЦИИ И ЭТАПОВ (1946-1979 ГГ.)

**Жахонгир ЗАРИПОВ,
Докторант 1-курса кафедры
Всемирная история при БГУ**

Annotasiya:

Ushbu maqolada O'zbekiston SSRning urushdan keyingi yillarda sanoat migratsiyasini rivojlantirish muammolari va ularning yechimlari aytib o'tilgan. O'zbekiston SSR aholisi soni va oliy ma'lumotli aholi soni haqida faktlar va qanday migratsiyaning ta'siri sanoat rivojlanishida turtki bo'lgani yoritilgan. O'zbekistonning raqobatbardosh mahsulotlar ishlab

chiqarishni kengaytirish bo'yicha hududlarda sanoatni rivojlantirishga bag'ishlangan nuqtai nazari bayon etilgan.

Kalit so'zlar:

Sanoat, xalqlarning ko'chishi, muhojirlar, tabiiy migratsiya, paxtachilik, sanoat markazlari.

Anatation:

This article describes the problems of the development of industrial migration in Central Asia on the example of the Uzbek SSR in the postwar years, as well as their solutions. Listed are statistical facts about the population and the number of educated citizens by the number of the population of the Uzbek SSR and how spontaneous migration influenced the development of the country. The point of view of Uzbekistan on the development of industry in the regions for the expansion of production of competitive products is told.

Key words:

Industry, migration of peoples, migrants, spontaneous migration, cotton growing, industrial centers.

В странах Азии Переселенческая политика – и политика в области трудовой миграции как часть её – коренным образом изменилась после октября 1917 года. Молодая Советская Республика исповедовала идеалы индустриализма и интернационализма, что требовало создания гомогенной народно-хозяйственной территории. В советский период истории нашей страны государственная значимость переселений подчеркивалась созданием переселенческих органов, формированием системы льгот, которые являлись материальной базой переселений и были важным стимулом переселенческого движения.[1] Переселение проводилось на добровольных началах, при его осуществлении учитывались интересы общества и отдельных граждан. Но были и негативные моменты – в частности, политика принудительной коллективизации в начале 1930-х гг. привела к борьбе с «кулачеством», в результате которого крепкие крестьянские хозяйства, позиционированные как «кулаческие», уничтожались, их имущество передавалось в колхозы, а семьи «кулаков» вливались в поток трудовых мигрантов – творцов «Магнитки» и других «великих строек» Особое место в истории трудовой миграции в СССР 1920–1930-х гг. занимают крупные перемещения сельских жителей в город, что тоже является трендом «индустриальной эпохи», нуждающейся в рабочих руках на фабриках и заводах. За период

1926–1939 гг. в города переселились свыше 18.5 млн. человек, что составляет 63% общего увеличения численности городского населения страны за этот период. В результате доля городского населения в СССР выросла с 17.9% в 1926 г. до 32.8% в 1939 г.[2]

Начиная 1947 года была восстановлена система организованного набора рабочей силы, которая была принята 1917 году и действовавшая до второй мировой войны. Эта часть требованием рабочих сил было значительно выше чем в довоенные годы. Здесь было разрешено, наряду с другими социальными группами набирать для работы в промышленности, на стройках (считалась основной) желающих и на среди членов колхозов[3]. Начиная с 1945 года в первый пять лет поток в города СССР составлял 0,5 млн человек в год это превышало нормы переселения в городской жизни при этом 60 – 80% составляли сельские жители и большинство из них после вкуса городской стабильной жизни не возвращались в село и колхозы, это перевело к социальному кризису сельскохозяйственной жизни РСФСР но такой урбанизационный взрыв не осуществлялась в городах средней Азии причина этому была переселения жителей с западной части СССР (Белоруссия, Украина, Россия и др) в города Узбекской ССР.

Как сказал президент РФ В.В.Путин 24 июня 2020 года во время встречи с президентом Узбекистана Ш.М.Мирзиёевым, В.В.Путин напомнил о том, что в годы войны на фронт ушли по меньшей мере 2 млн. Узбекских граждан. Кроме того, именно Узбекистан стал одной из республик СССР, принявший людей со всего союза, и именно Узбекистан было переведено огромное количество промышленных предприятий, ковавших общую победу. Конечно же это не просто слова, эти переведённые промышленные предприятия дали старт стихийной внутренней миграции из территории Советского Союза в Узбекский ССР. Во всех законах корые были приняты в СССР были свои изъяны, причина этому была плановая система которая не считалась практикой и это привадило остановкам к развитию стран, причина этому была не готовность принимать такой промышленный переворот в своей привычной атмосфере. Например, Государства средней Азии были направлены по сельскохозяйственным делам в военный период. И так промышленность Узбекистана и ее развитие были связаны в первую очередь с развитием хлопководства. Тем не менее, был построен ряд промышленных предприятий, текстильных предприятий, электростанций, но развитие отраслей также в первую очередь было связано с хлопководством.[4]

Стихийная миграция в СССР была затруднена большим количеством правовых барьеров – отсутствием у колхозников паспортов, необходимостью прописки и т.д. но это была не единственной проблемой в Узбекской ССР, в котором сельскохозяйственные жители не могли переезжать в город чтобы зарабатывать и принять участия в развитии промышленности и городов. Причин было много и одно из них не образованность страны при общей численности 8 млн 106 тысяч чел. численность жителей в городе было 2 млн 729 тысяч[5] (1959) и эти жители не были местными узбеками в основном они были эмигрантами которые входили в программу переселения. В число городских жителей в процентах переселенцы было больше местных жителей. В Узбекской ССР 21% составляли Русские, белорусы, татары, корейцы и евреи.

Потребности промышленных предприятий республики в рабочей силе удовлетворялись за счет привлечения трудовых кадров из других стран. В результате промышленного развития в 1945-1964 годах образовались такие города, как Бекабад, Ангрен, Газалкент, Кувасай, Тахиаташ, Янгиабад, Янгиер, Навои, Шахрисабз, Мойнак.[6] Не смотря на усилия союза центр не хотел создавать социальные проблемы в Узбекистане, по этому предприятия Союза также хотели помогать в решении социальных проблем Узбекистана.

Но узбекский народ продолжал трудиться и не взирая на всякие политические запреты и минусы промышленность нашей страны развивалась в геометрической прогрессии. Рабочий класс советского союза, осуществляя глубочайшие революционные преобразования в нашей стране изменил коренные изменения в промышленной индустрии. Изучения истории рабочего класса бывшего советского союза, особенно кадров промышленных рабочих в Узбекском СССР представляет собой одну из важнейшей части нашей истории. За годы советской власти в Узбекистане под руководством Коммунистической партии, при огромной помощи русского рабочего класса была создана многоотраслевая социалистическая индустрия, было сформирована промышленные кадры национального рабочего класса.[7]

Как отмечает Ш.Р. Рашидов, «важнейшим фактором сближения нации, перерастающего в подлинное родство, является то, что наши союзные республики из года в год становятся все более многонациональными. Наглядный пример тому – Узбекистан. В нашей республике живут и трудятся плечом к плечу, как родные братья, представители более ста национальностей... Коллективы трудящихся нашей республики многонациональны по своему составу»[8]

Эти слова доказывают то что для строении городов и промышленных зонах было переведено от части общего населения 13,5% переселенцев из России, Украины и д.р. как и сказывалось прежде в этом играло роль не высшее образование населения УзССР. Статистика высшее законченных было к 1959 году 104,9 тысяч, высшее незаконченных было 66,3 тысяч, среднее специальное (техникумы) составляла 180,2 тысяч[9], по этим фактам были предоставлены рабочие советского класса из промышленно развитых стран.

«Возникновение новых промышленных центров – говорилась в программе КПСС – открытия и разработка природных богатств, освоение целинных земель и развитие всех видов транспорта усиливало подвижность населения, содействовало расширению взаимного общения народов бывшего СССР»[10]

Не смотря на все эти трудности УзССР развивался по всем направлениям, совместный героический труд способствовало дальнейшей закалки рабочих Узбекистана в интернационализме и толерантности. Растущее сближение, братская взаимопомощь и нерушимая дружба народов являются одним из важнейших условий успешного развития промышленности в Узбекистане и в том числе наш многоуважаемый президент Ш.Мирзиёев в 2020 году издал указ о развитии промышленности в Узбекистане и как важно привлечь рабочие классы из местных жителей в котором промышленная организация может обеспечить местное население нашей страны и не надо привлечь специалистов из других стран когда наш народ уже в наши дни не отстаёт не на один шаг от других специалистов развитых стран, промышленные предприятия обязаны нанять рабочих с ближних городов или селений.

К заключению все эти труды нашего народа и народа бывшего СССР не прошли зря, благодаря этой промышленной миграции в Узбекистане по статистике 1970 года была более 700 тысяч образованных людей в промышленной сфере. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев поставил цель развивать промышленность Узбекистана, он 12 августа 2020 года провел видеоконференцию, посвященную развитию промышленности в регионах по расширению производства конкурентоспособной продукции, это дата будет точкой развития промышленности в центральной Узбекистане.

Список литератур:

1. *А.А.Давыдов - Государственная политика в области трудовой миграции в ссср: истоки, этапы, тенденции - Вестник Башкирского университета. 2014. Т. 19. №3 ст. 1049.*

2. Рыбаковский Л. Л. Миграционный потенциал: понятие и критерии оценки // Социол. исслед. 2009. №2. С. 29–36.
3. А.А.Давыдов - Государственная Политика В Области Трудовой Миграции В Сср: Истоки, Этапы, Тенденции - Вестник Башкирского университета. 2014. Т. 19. №3 ст. 1049.
4. Ўзбекистон тарихи (1917-1991) йиллар иккинчи китоб 1939-1991 йиллар – Т: 2019 й. С.85
5. Статический ежегодник – Народное хозяйство СССР в 1960 году – Москва 1961 г. Ст.10
6. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти... – С.8-9. Юбилейный статический ежегодник. – Ташкент, 1987
7. Статья написана на историко-этнографическом материале заводов сельскохозяйственном машиностроения УзССР – «узбекселмаш», «чирчикселмаш», «ташселмаш», - собранном автором в 1958-1960 гг.
8. Ш. Рашидов – Расцвет и сближение социалистических наций, «Правда», 17 августа 1961 г.
9. Статический ежегодник – Народное хозяйство СССР в 1960 году – Москва 1961 г. Ст.22
10. Программа коммунистической партии Советского Союза, М., Госполитиздат, 1961 г. Стр.113.

O‘ZBEKISTONGA DEPORTATSIYA QILINGANLARNING MEHNAT FAOLIYATI

Davronbek OLIMJONOV,
Namangan davlat universiteti,
O‘zbekiston tarixi magistratura mutaxassisligi talabasi

Annotatsiya:

Ushbu maqolada Sovet davlatining deportatsiya siyosati tufayli O‘zbekistonga ko‘chirilgan xalqlar hayoti, turmush tarzi va mehnat jarayoni haqida bo‘lib, deportatsiya qilinganlarning O‘zbekiston iqlimiga, mehnat sharoitiga moslashishi, mehnat jarayonlaridagi faol ishtiroki hamda o‘zbek xalqining ularga g‘amxo‘rliги to‘g‘risida dalillar keltirilgan.

Kalit so‘zlar:

Deportatsiya, qrim tatarlari, mesxeti turklari, qorachoylar, qalmiqlar, ssuda, kredit, bank, qishloq xo‘jaligi, demografiya.

Annotation:

This article is about the life, lifestyle and labor process of the peoples deported to Uzbekistan as a result of the deportation policy of the Soviet state. evidence of care is provided.

Keywords:

Deportation, Crimean Tatars, Meskhetian Turks, Karachays, Kalmyks, loans, credit, banking, agriculture, demography

Sovet davlati ko‘chirilgan xalqlarni surgun joyida xo‘jaliklar tashkil qilish va uy-joylar qurish maqsadlariga kreditlar va pul ssudalari ajratdi. Masalan, SSSR Mudofaa Davlat Komitetining 1944-yil 11-maydagi “Qrim tatarlari to‘g‘risida” qarorining 4-punktida: “Qishloq xo‘jalik banki O‘zbekistonga yuborilayotgan maxsus ko‘chirilganlarni joylashtirish, uy-joylar qurish va ko‘chirilganlarning xo‘jalik manfaatlari uchun har bir oilaga ssuda tariqasida 5000 rubldan mablag‘ ajratsin”, deb belgilangan edi. Bu mablag‘larni ko‘chirib keltirilganlar 7 yil davomida davlatga qaytarishlari shart edi.

SSSR NKVD (Ichki ishlar xalq nozirligi) Maxsus ko‘chirilganlar bo‘limi operativ vakili Bogomolovning 1945-yil 13-iyundagi ma‘lumotiga ko‘ra, SSSR Mudofaa Davlat Komitetining 1944-yil 11-maydagi № 5859-sonli qaroriga ko‘ra O‘zbekistonga Qrimdan deportatsiya qilingan maxsus ko‘chirilganlarga tarqatish uchun 3 312 tonna un va 1 020 tonna yorma ajratilgan. Bundan tashqari SSSR Markaziy Ijroiya Komitetining 1944-yil 25-sentabrdagi № 6600-sonli qarori bilan ular uchun 6 060 tonna g‘alla ham ajratilgan. Mazkur oziq-ovqatlar 147 mingdan ortiq kishi uchun ajratilgan bo‘lib, bular ko‘chirilganlarni to‘la ta‘minlashga yetmas edi. Markaz tomonidan oziq-ovqat ta‘minoti 1945-yil fevral oyida to‘xtatilgan. [1]

Qrimdan ko‘chirib keltirilgan aholining 84 ming nafaridan ortig‘i mehnatga yaroqsizlar bo‘lgan, ya‘ni ularning 13 mingtasi qariyalar va 71 mingtasi bolalar edi. Ular oziq-ovqat ta‘minoti masalasida juda og‘ir ahvolda qolganlar. Ko‘chirib keltirilganlar orasida avval ocharchilik, keyinroq turli kasalliklar avj olgan. Shuning uchun deportatsiya qilinganlarni zudlik bilan joylashtirish, ularga kolxoz va sovxozlar tomonidan ham oziq-ovqat tomonidan yordam ko‘rsatish zarur bo‘lgan.

Qrimdan ko‘chirib keltirilganlar ta‘minoti uchun O‘zSSR Xalq Komissarlari Soveti mehnatga yaroqsiz qariyalar va bolalar ta‘minoti uchun 1945-yil iyun-iyul oylarida har bir kishi uchun oyiga 5 kilogrammdan g‘alla va 1 kilogrammdan yorma tarqatishni zimmasiga olgan. Bu maqsadlar uchun O‘zSSR XKS qo‘shimcha 840 tonna g‘alla va 168 tonna yorma ajratilishini Markazdan iltimos qilgan. [2]

Gruziyadan va Qrimdan ko‘chirib keltirilganlar dastlabki davrlarda oziq-ovqat masalasida nochor ahvolda qolgan edilar. Buni e‘tiborga olgan O‘zbekiston SSR hukumati respublikaning imkoniyatlaridan ham deportatsiya qilinganlarni imkon qadar oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta‘minlash choralarini ko‘rdi.

1946-yilning 30-yanvarida O‘zSSR Xalq Komissarlari Sovetining №156-11-sonli “Qrimdan va Gruziya SSRdan kelgan maxsus ko‘chirilganlardan sharoiti og‘irlariga g‘alla berish to‘g‘risida” qarori qabul qilinadi.[3] Mazkur qaror bo‘yicha Qrim va Gruziya SSRdan ko‘chirib keltirilganlardan qiyin ahvolda qolganlarga sotish uchun davlat fondidan imtiyozli narxlarda 1200 tonna g‘alla ajratish ko‘zda tutilgan. Ushbu g‘alla tegishli viloyatlar ijroiya qo‘mitalari tomonidan 1946-yilning birinchi va ikkinchi choragida taqsimlanishi ko‘rsatilgan. Ajratilgan g‘allani birinchi navbatda qiyin ahvolda qolgan oilalarga bir kishi uchun har bir chorakda 3,5 kilogrammdan taqsimlash belgilangan. Ajratilgan ushbu 1200 tonna g‘alla viloyatlar bo‘yicha taqsimlangan.

Ajratilgan ushbu g‘allaning 525 tonnasi 1946-yilning 1-apreligacha tegishli oblastlarda 24 134 oilaga taqsimlangan, yoki 108 580 kishi oziq-ovqat bilan ta‘minlangan. Taqsimot paytida g‘alla fondining talon-taroj qilinishiga yo‘l qo‘yilmagan.

O‘zbekiston SSR Ministrlar Soveti raisi A. Abdurahmonovning 1946-yil 26-avgustda O‘zbekistondagi deportatsiya qilinganlarning umumiy holati haqida SSSR Ichki ishlar vazirligiga yuborgan axborotida keltirilishicha, Qrim va Gruziyadan O‘zbekistonga deportatsiya qilingan maxsus ko‘chirilganlarni bu yerda joylashtirish, ularni xo‘jalik jihatdan uyushtirish va mehnat faoliyatlarini yo‘lga qo‘yishda katta moddiy yordam ko‘rsatilgan.

1946-yil 1-sentabrigacha maxsus ko‘chirilganlarga Selxozbank orqali uy-joylar qurish va xo‘jaliklarini tiklash maqsadlari uchun 40 million so‘mlik uzoq muddatli kreditlar ajratilgan. Shuningdek, ularga qaytarmaslik imtiyozini bilan 7564 ming so‘m mablag‘ berilgan.

Pul mablag‘laridan tashqari maxsus ko‘chirilganlarga va ularni qabul qilib olgan kolxozlarga 23300 bosh qo‘y, 8900 bosh sigir, 348 ta eshak, 3008 ta ot, 114 ta xo‘kiz berilgan.[4]

Kolxozlarga joylashtirilgan ko‘chirilganlar uchun 4 663 tonna un, 10 992 tonna g‘alla va 1 191 tonna krupa (yorma) tarqatilgan. Bundan tashqari, maxsus ko‘chirilganlarga uy-joylar qurish uchun va tomorqa sifatida 35 250 ta uchastka ajratilgan. 1945-1946-yillar uchun urug‘liklar sotib olishga maxsus ssudalar ham ajratilgan.

Joylashtirilgan maxsus ko‘chirilganlar uchun 50 000 metr gazlama va 116 tonna jun tarqatilgan. Ayni vaqtda 5 160 nafar ota-onasiz qolganlar bolalar uylariga joylashtirilgan.

Maxsus ko‘chirilganlar O‘zbekistonga kelishlari bilan ularni turar joylar bilan ta‘minlash bo‘yicha dastlabki davrda ular qishloqlarda mahalliy aholining uylariga joylashtirilgan. Qishloq odamlari tatarlar va mesxeti turklariga o‘z ixtiyorlari bilan xonadonlaridagi ortiqcha uylarni bo‘shatib berganlar.

Kolxozlar va sovxozlarda ko‘chirib keltirilganlarni zudlik bilan turar joylar bilan ta‘minlash uchun tezkor ishlar olib borilgan. Jumladan, kolxoz va sovxozlar tasarrufidagi va boshqa muassasalar ixtiyoridagi yordamchi binolar zudlik bilan ta‘mirlangan va yashash uchun qulay holatga keltirilgan. 1946-yilning avgust oyiga kelib, Qrim va Gruziyadan deportatsiya qilinganlardan 30 130 ta oila yashash uchun qulay uylarga joylashtirilgan. Ko‘chirib keltirilganlardan noqulay sharoitda yashayotganlar uchun yangi uy-joylar qurish maqsadlariga 14 670 ta xo‘jalikka qurilish materiallari ajratilgan. SSSR Mudofaa Davlat Komitetining 1944-yil 25-sentabrdagi № 6600-sonli qaroriga binoan, 1944-yilning to‘rtinchi choragida va 1945-yilning birinchi choragida maxsus ko‘chirilganlarga uy-joylar qurish uchun 40 ming kubometr yog‘och-taxta, 48 tonna mix, 15 ming kvadrat metr oyna va 300 tonna temir ajratilgan. Lekin ajratilgan bu qurilish materiallarining bir qismi Rossiyaning tegishli zavodlaridan yetib kelmagan. 1946-yilgacha faqat 14 tonna mix, 6000 kv. metr oyna yetib kelgan, xolos.[5]

Qrim va Gruziyadan deportatsiya qilingan aholi (ular asosan qrim tatarlari va mesxeti turklari edi) aksariyat qishloq joylarga joylashtirilgan. Avvalgi davrdagi surgun qilingan “quloqlar”dan farqli o‘laroq bular kimsasiz, chekka hududlarga emas, balki mahalliy aholi istiqomat qilayotgan joylarga – kolxoz va sovxozlar hududiga joylashtirilgan. Bugungi kundagi keksalarning ham xotirlashlariga ko‘ra, qrim tatarlari ko‘chirib keltirilganlarida kech kuz bo‘lgan. Shuning uchun ham ular mahalliy aholining uylariga joylashtirilgan. Aholi qrim tatarlarni o‘z birodarlaridek kutib olgan, ularga o‘z uylaridan xonalar ajratib berib, oziq-ovqatlarini birgalikda baham ko‘rgan.

Qrim tatarlari va mesxeti turklari ko‘chib kelishlari bilanoq mahalliy aholi bilan birga qishloq xo‘jaligining turli sohalarida yonma-yon turib mehnat qilganlar. Ular tezda paxtachilik ishlarini o‘zlashtirib olganlar. Qrim tatarlari va mesxeti turklari ichida qishloq xo‘jalik texnikasini yaxshi tushunadigan erkaklar ko‘p bo‘lgani uchun (mahalliy aholi orasida bundaylar nisbatan kam edi, mavjudlari ham urushda edi) ular asosan kolxoz va sovxozlar garajida injener, mexanik, traktorchi va haydovchi

bo'lib ishlay boshlagan. Ayni vaqtda ko'chirib keltirilganlar orasida buxgalterlar, hamshiralar, o'qituvchilar ko'p bo'lgani uchun ular kolxozlarda va tegishli rayon markazlarida o'z sohalari bo'yicha ishlay boshlaganlar. Ularni o'z ixtisosliklari va sohalari bo'yicha ishga qabul qilishda hech qanday cheklovlar bo'lmagan.

O'zbekistonga deportatsiya qilinganlarning mahalliy shart-sharoitlarga va iqlimga ko'nikishi ham qiyin kechgan. Dastlabki yillarda ulardan aksariyati iqlim o'zgarishi va boshqa sharoitlarga ko'nikolmagan. Turli kasallik va yo'l azoblaridan bir qancha qariyalar va yosh bolalar vafot etgan. Lekin, urush yakunlanib, mahalliy sharoitlar ham o'nnglanib borgan sari ularning mahalliy sharoitlarga ko'nikishi ancha tezlashgan.

1943-yil 27-dekabrda SSSR Oliy Sovetining, 28-dekabrda esa SSSR Xalq Komissarlar Sovetining "Kalmikiya Avtonom Sovet Sotsialistik Respublikasini tugatish va qolmiqlarni Oltoy, Krasnoyarskiy o'lkalariga, Omsk va Novosibirsk oblastlariga surgun qilish to'g'risida"gi qarorlari e'lon qilindi. Bu qaror ijrosi natijasida deportatsiya qilingan qolmiqlarning bir qismi O'zbekiston SSR hududlariga ham joylashtirilgan edi. 1947-yil 1-iyul holatida O'zbekiston SSRda 605 kishidan iborat 224 qolmiq oilasi bo'lib, ulardan 200 tasi erkaklar, 210 tasi ayollar va 195 tasi 16 yoshgacha bolalar bo'lgan. Bu oilalar Qoraqalpog'iston ASSRning Mo'ynoq rayoniga joylashtirilgan. Ularning asosiy qismi Mo'ynoq baliq kombinatida ishlaganlar. Ularni oziq-ovqat mahsulotlari, kiyim-kechak va boshqa maishiy buyumlar bilan ta'minlashda mahalliy aholi bilan teng huquq belgilangan. Ish joylarida ham maxsus ko'chirilganlarga kombinatning qolgan ishchilari bilan bir xil normada oziq-ovqat ulushlari berib borilgan. Bu ta'minotda yil davomida uzilishlar sodir bo'lgani yo'q.[6]

O'zSSR Ichki ishlar ministrligi Maxsus posyolkalar bo'limi boshlig'i podpolkovnik P.Kirillovning 1947-yil 19-iyuldagi "O'zbekiston SSRga joylashtirilgan qorachoy maxsus ko'chirilganlarining xo'jalik-mehnat sharoitlari to'g'risida"gi boshqa bir ma'ruzasida aytilishcha, 1947-yil 1-iyulida O'zbekistonda 325 kishidan iborat 88 ta qorachoy millatiga mansub maxsus ko'chirilganlar bo'lgan. Ulardan 37 tasi erkaklar, 92 tasi ayollar va 196 tasi 16 yoshgacha bo'lgan bolalar edi. Qorachoylar Toshkent oblastining Xovos rayonidagi 2-"Boyovut" paxtachilik sovxoziga joylashtirilgan. Qorachoy maxsus ko'chirilganlaridan 95 nafari mehnatga yaroqlilar bo'lib, ular sovxozda paxtachilik ishlari bilan shug'ullangan.

Qorachoy maxsus ko'chirilganlaridan 8 tasi o'rta maxsus va oliy ma'lumotli bo'lib, ulardan 2 tasi o'qituvchi, 3 tasi tibbiyot xodimi, 3 tasi moliya va buxgalteriya xodimi bo'lgan. Ularning barchasi o'z mutaxassisligi bo'yicha ishga joylashganlar.

Qorachoy maxsus ko'chirilganlarining barchasi, ya'ni 88 oilaning hammasi uy-joylar bilan to'la ta'minlangan. Ular sovxoz uylariga kvartirant sifatida joylashgan. Shuningdek, ularga sovxoz ma'muriyati tomonidan har bir oilaga 0,075 gektardan tomorqa uchastkalari ham taqsimlangan. Ular oziq-ovqat, kiyim kechak va sanoat mollari bilan sovxozning butun ishchilari qatorida bir xil ta'minotga ega edi. 1947-yil mobaynida maxsus ko'chirilgan qorachoylardan jinoiy va ma'muriy javobgarlikka tortilganlar bo'lmagan.

Farg'ona shahri korxonalarining maxsus ko'chirilganlarni qabul qilish haqidagi hisobotlarida, 1945-1946-yillar davomida ko'chirilganlar soni ortib borganligini ko'rish mumkin. Farg'ona shahri bo'yicha 1946-yil 22-yanvargacha bo'lgan ma'lumotda Qrimdan ko'chirilganlar 89 ta oila, 223 kishi tashkil etishi, shulardan 89 ta erkaklar, 50 ta ayollar, 57 tasi maktab yoshidagi bolalar, Gruziyadan ko'chirilgan oilalar 41 ta, odamlar 90 ta, maktab yoshidagi bolalar 43 ta bo'lganligini ko'rish mumkin.

1946-yil o'rtalariga borganda maxsus ko'chirilgan aholining hammasi turar joy bilan ta'minlandi. Hidroliz zavodining hisobotida (1946-yil 20-iyun) mazkur korxonaga 109 oila, 325 kishi birlashtirilganligi, hamma oilalar uy-joy bilan ta'minlanganligi, 19 ta oila uy hayvoni olganligi aytiladi. Shu vaqtga kelib, ko'chirilgan oilalarga hammasi bo'lib, 143 400 so'm kredit ajratildi. 1953-yil 1-yanvargacha O'zbekistonga hammasi bo'lib 188 689 kishi maxsus ko'chirildi. Ularning 133 731 nafarini Qrimdan ko'chirilganlar, 13 867 nafarini gruzinlar tashkil etgan. Farg'ona viloyatiga deportatsiya qilingan aholi 29 967 kishi bo'lib ularning aksariyatini mesxeti turklari va qrim-tatarlari tashkil etgan. [7]

1951-yil 25-dekabrgacha bo'lgan ma'lumotlarga ko'ra, Farg'ona viloyatida maxsus ko'chirilganlar soni 28 538 kishini, shu hisobdan erkaklar – 7 818, ayollar – 11 356, 16 yoshgacha bo'lgan bolalar – 9 364 kishini tashkil etdi.[8]

Shunday qilib, keltirilgan ma'lumotlar Farg'ona viloyatiga 1937–1944-yillarda ko'chirib keltirilgan xalqlarning soni va milliy tarkibiga aniqlik kiritadi. Bundan tashqari, Rossiya va Respublikamiz arxivlarida topilgan yangi ma'lumotlar ushbu xalqlarning O'zbekistonga ko'chirib keltirilgandan so'ng, dastlabki yillardagi ijtimoiy, iqtisodiy va huquqiy ahvolini ochib beradi.

Xullas, O'zbekistonga deportatsiya qilingan xalqlarning keyingi taqdiri o'zbek xalqi orasida kechdi. Ko'chirib keltirilganlar 1956-yilgacha "maxsus ko'chirilgan" maqomida maxsus posyolkalar nazorati ostida yashadi. 1956-yilning avgust oyida SSSR Ministrlar Sovetining qarori bilan ulardan maxsus ko'chirilganlik statusi bekor qilinib, ular teng huquqli fuqarolar qatoriga qo'shildi. Qarorga binoan, majburan surgun

qilinganlarning avvalgi vatanlariga qaytib ketishlariga ham ruhsat berila boshladi. Lekin deportatsiya qilinganlarning ko'pchilik qismi shundan keyin ham O'zbekistonda yashashda davom etdilar va o'zbek xalqi bilan qon-qarindoshlik rishtalarini bog'ladilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. / Сост. Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов; Под ред. Д.А. Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 374.*
2. *Ўша манба. 375-бет.*
3. *Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. том 2. – С. 375-376.*
4. *Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. / Сост. Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов; Под ред. Д.А. Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 386-387.*
5. *Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. – С. 387-388.*
6. *Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, сылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. – С. 388-389.*
7. *А.Раҳмонқулова “Шўро тузумининг 30-50 йиллардаги қатагонлик сиёсати ва унинг усуллари”. “Ўзбекистон тарихи” журнали. 2000. №1-2. 100-бет.*
8. *Земсков В. Н. Спецпоселенцы в СССР, 1930–1960. – М.: Наука, 2005. – С.223*

XIX – XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ

**Бобир ДАДАМУХАМЕДОВ,
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
мустақил изланувчиси (PhD)**

Аннотация:

Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларига оид Ўзбекистон заргарлик мактабларининг аънаналари, ҳар бир мактабнинг ўзига хос нозиклиги, нақшларнинг нафислиги каби кўплаб унсурлар

билан бир-биридан ажралиб туриши ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, Ўзбекистон заргарлик мактабларига оид тақинчоқлардаги нақшлар маъносини ёритиш, таҳлил этишга кўп томонлама ёндашиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилган.

Аннотация:

This article tells about the traditions of the jewelry art of Uzbekistan in the late XIX – early XX centuries, including the fact that each traditional jewelry school differs from each other in various elements, execution techniques, and elegance of jewelry. The issues of a comprehensive approach to the analysis, highlighting the meaning of models in jewelry related to jewelry schools in Uzbekistan were also touched upon.

Ўзбек халқ амалий-безак санъати турлари ичида зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик санъати алоҳида аҳамият касб этади. Заргарлик санъати миллий-бадий маданият тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у халқнинг олис ўтмишидаги олий мақсадларини ўрганишда ёрдам беради. Зийнат буюмлари хунар эгаларининг маҳоратидан, маълум давр иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлардан, маъдан ва тошларга ишлов бериш техникасидан ҳикоя қиладилар, заргарлар ясаган буюмлар улар яшаган давр санъатининг услубий хусусиятларини ўзларида намоён этадилар. Ўзбекистон заргарлик санъати тарихи қадим тарихга эга бўлиб, тақинчоқлар кишилар ёшидаги фарқни ва оилавий аҳволини белгилашда хизмат қилиб, уларнинг насл-насабидан нишона бериб турувчи хусусиятга эга бўлган. Шунингдек, нафосат борасидаги фазилатидан сўзлайдиган бўлсак, у заргарнинг қалб кўри билан яратилган мукамал асар бўлиб, у ёки бу даврда яшаган халқларнинг бадий нафосат ҳақидаги тушунчаларини белгилаб берган. Демак, мазкур санъат мисолида биз одамларнинг ҳам моддий олам, ҳам нафосат олами, ҳам илоҳий кудрат ҳақидаги тасаввурларининг бир-бири билан узвий равишда чирмашиб кетганини кўрамыз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг бир неча минг йиллик бой, бебаҳо миллий қадриятларини қайта тиклаш, эзгу анъаналаримизни, хусусан, миллий хунармандчилик ва амалий-безак санъатини ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилди. Ўзбек халқи ўзининг бой тарихидан, миллий қадриятларидан, санъатидан огоҳ бўлиш билан бир қаторда, ўтмишда аждолари қолдирган бебаҳо моддий ва маданий меросдан баҳра ола бошлади. Ўзбек халқ амалий – безак санъати турлари ичида зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик санъати алоҳида аҳамият касб

этади, десак муболаға бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда сўнгги йиллар давомида ҳукуратимиз раҳбари томонидан имзоланган меъёрий ҳужжатлар ва белгиланган муҳим вазифалар юртимизда заргарлик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистонда заргарлик санъати тараққиёти Ўрта Осиё халқларининг сиёсий ва этник тарихи, унга қўшни халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Халқларнинг ўзаро тинч йўл билан бир-бирига яқинлашуви маданиятларни бойитган, бир-бирлари учун яқин, қадрли бўлган нарсаларни алмашганлар, бора-бора бу ҳар бир халқнинг маҳаллий санъатига сингиб кетиб, ўзига хослик ва мустақкам анъана касб этган.

“Заргарлик санъати миллий-бадий маданият тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у халқнинг олис ўтмишидаги олий мақсадларини ўрганишда ёрдам беради. Зийнат буюмлари ҳунар эгаларининг маҳоратидан, маълум давр иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлардан, маъдан(металл) ва тошларга ишлов бериш техникасидан ҳикоя қиладилар, заргарлар ясаган буюмлар улар яшаган давр санъатининг услубий хусусиятларини ўзларида намоён этадилар” [1].

Заргарлик санъати тарихи қадим тарихга эга бўлиб, тақинчоқлар кишилар ёшидаги фарқни ва оилавий аҳволини белгилашда хизмат қилиб, уларнинг насл-насабидан, жамиятдаги мавқеидан нишона бериб турувчи хусусиятга эга бўлган. Шунингдек, нафосат борасидаги фазилатидан сўзлайдиган бўлсак, у заргарнинг қалб қўри билан яратилган мукамал асар бўлиб, у ёки бу даврда яшаган халқларнинг бадий нафосат ҳақидаги тушунчаларини белгилаб берган. Демак, мазкур санъат мисолида биз одамларнинг ҳам моддий олам, ҳам маънавий олами, ҳам нафосат олами, ҳам илоҳий кудрат ҳақидаги тасаввурларининг бир-бири билан узвий равишда уйғунлашиб кетганини кўрамиз.

Тарихдан маълумки, даврлар ўтиши билан муайян бир ҳудуд миқёсида тақинчоқларнинг баъзи турлари кенг ёйилса, айримлари ўз ўрнини йўқотган, янги кўринишдаги тақинчоқлар пайдо бўлиб, олдингилари кундалик турмушдан чиққан. Натижада тақинчоқлар ва уларнинг турлари ҳамиша ўзгариб турган. Шу сабабли этнографик жиҳатдан ўрганишда тадқиқотчилар тақинчоқлардаги шаклий ўзгаришлар, уларнинг турларидаги алмашинувлар сабабларига асосий эътибор қаратадилар. Олиб борилган этнографик тадқиқотлар ва илмий хулосалар асосида шуни айтиш мумкинки, Республикаимизнинг турли ҳудудларида ижтимоий, иқтисодий, маиший, ҳудудий омиллар

билан боғлиқ, уч асосий йирик жараён ёки ҳолат анъанавий тақинчоқларда даврий ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлган.

1. Бадиий анъаналар – маълум бир тақинчоқ, турларининг тарқалиш ҳудудида уста заргарларнинг ўзига хос маҳорати, заргарликнинг маҳаллий ва этник хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тақинчоқларда маълум бир шакл ҳамда кўринишларга эътибор қаратилган.

2. Худудий ўзига хосликлар. Бунда аҳоли яшайдиган муайян ҳудудлар йирик шаҳарлар атрофида ёки улардан олисда жойлашганлиги тақинчоқларнинг бевосита ва билвосита ўзгаришига таъсир қилган.

3. Маданий-иқтисодий алоқалар тарихий-маданий ҳудудлар ўртасидаги ўзаро савдо-сотик муносабатлари ҳам тақинчоқларнинг янги турлари пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган [2].

Заргарлик зеб-зийнат буюмлари қадимдан Ўрта Осиёда қадрланиб, олтин, кумуш каби маъданлар, феруза ва ёқут тошлари қазиб олинган. Бу эса ўз навбатида заргарлик буюмларини тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини белгилаб берган. Йиллар ўтиши билан заргарлар ўз маҳоратларини юқори чўққига чиқариш учун барча билим ва маҳоратларини амалга ошира бошлаганлар.

Соҳибқирон Амир Темур асос солган Темурийлар салтанати XVI аср бошларида Бухоро, Қўқон ҳамда Хива хонликларига бўлиниб кетди. Хонлиқлар ўртасидаги ўзаро сиёсий-иқтисодий, санъат ва маданият соҳаларидаги ўзаро соғлом рақобат жараёнлари заргарлик санъатига ҳам ўзининг таъсири ўтказди. Эндиликда заргарлар хон саройларидаги устахоналарда фаолият юритиб, ўзига хос йўналишларни, безакларни, нақшларни, зеб-зийнат буюмларининг янги турларини яратиш учун янада кўпроқ изланишлар олиб бордилар. Бунинг натижасида эса заргарликда йирик мактаблар ва улар таркибида марказлар шаклланиши кўзга кўрина бошлади.

XIX – XX аср бошларида заргар-усталар кўпгина шаҳар ва қишлоқларда фаолият юритганлар. Булар: Бухоро, Хива, Қўқон, Самарқанд, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон, Наманган, Андижон, Урганч, Ғиждувон, Асака, Чуст, Нурота, Косонсой, Бойсун, Денов, Халқобод, Учқўрғон, Шеробод, Китоб, Ургут, Қўнғирот, Хўжайли, Тўрткўл, Чимбой, Тошлоқ ва бошқалар. Шунингдек, заргарлик санъатига ихтисослашган қатор қишлоқлар ҳам мавжуд бўлган: Жиззахда Заргарлик, Сурхондарёнинг Денов тумани яқинида Заргар, Бухоронинг Ғиждувон тумани яқинида Заргарон ва бошқалар.

Заргарлар мустақил фаолият юритиш билан бир қаторда, уларни турли хом ашёлар билан таъминлаб турувчи савдогар-тадбиркорларга

ёлланиб иш олиб борганлар. Уларга оила аъзолари яқиндан ёрдам берганлар. Шу тарика ушбу санъат мерос сифатида отадан ўғилга ўтиб борган.

Умуман олганда, асрлар бўйи йиғилиб, авлоддан-авлодга авайлаб-асраб келинган анъаналар доирасидаги бу поёнсиз бойлик, ундаги чексиз хилма-хиллик бу ўзига хос халқ санъатининг бебаҳо хусусиятини ташкил этади. Заргарлик санъатининг бир маркази бошқасига қанчалик таъсир этган бўлмасин, у энг аввало ўзи шаклланган ҳудудда ривожланган ва, айнан, шу ерга хос белгилари билан бошқасидан фарқ қилган. Шундай экан, ҳар бир заргарлик мактабини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали изланишлар олиб бориш бугунги кунда ўзбек халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилигидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида эса, унинг устида заргар-усталар ва санъатшуносолимларнинг ўзаро ҳамжиҳатликдаги узвий боғлиқлигини таъминлаш ўзининг самарасини беради.

ИСҲОҚХОН ТЎРА ИБРАТ ИЛМ-МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

*Шухратжон ИСМОНАЛИЕВ,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими*

Аннотация:

Ушбу мақолада Ўзбек маданияти, маърифати ва адабиёти тарихини чуқур ўрганиш мақсадида ўз жонини юрт истикболи йўлида фидо қилишга қодир маърифатли, зиёли ватандошларимиз қаторида бўлган Исҳоқхон тўра Ибрат ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Annotation:

This article presents the information about Iskhakhan Tura Ibrat, one of our enlightened, intelligent compatriots who, for the purposes of in-depth study of the History of Education and Literature of Uzbek Culture, could sacrifice their lives for the future of the country.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўзбек халқининг тараққий этишида фидойилик кўрсатган ҳамюртимиз Исҳоқхон Ибратнинг эзгу ишларини давом эттириш йўлида бошланган ташаббус тарихий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Бу борада наманганлик шоирлар ижодини ўрганиш, асарларини нашрга

тайёрлаш ҳам мустақиллик туфайли эришилган имкониятлар самарасидир. Ўтмиш адабиётимиз тарихида XIX аср охири – XX аср бошларидаги давр ўзига хос ижтимоий зиддиятларга бойлиги, мураккаблиги билан ажралиб туради. XX аср бошларида яшаб ижод этган шоирларимиз ўзига хос фидоийлик билан қалам тебратишган. Чунки бу давр ижодкорлари ўзбек халқининг эрки ва қадр-қимматини сақлаган ҳолда илм-маърифатни юксалтириш орқали юрт-келажагини яратиш орзусида ҳаётларини хатарга қўйиб бўлса-да, истиқлол учун курашга чақиришгача бўлган йўлни босиб ўтишди. Бу даврда Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндалари ўз асарларида маърифатни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Исҳоқхон Ибрат Қўконда араб, форс тилларини мукаммал ўрганган. Тарих, тилшунослик фанлари билан жиддий шуғулланади. 1886 йилда ўз қишлоғига қайтиб келиб, қишлоқда илғор маорифчи сифатида мактаб очади, лекин бу мактаб генерал-губернаторлик амалдорлари томонидан ёпиб қўйилади.

Исҳоқхон Ибрат 1887 йилда узоқ чет эл сафарига отланади. Туркия, Эрон, Миср ва Арабистонга боради. 1892-1896 йилларда Ҳиндистон ва Калкуттада яшайди. Ибрат рус тилини ва бу ерда кўп ишлатилган арбаилисонни, яъни тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганган. Шарқ тиллари билан бир қаторда Фарб тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблаган Ибрат Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда эса инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганганлиги ҳақидаги маълумотларни ўзининг “Жомиъ ул хутут” асарида қайд этиб ўтган. Исҳоқхон Ибрат чет элларда халқ ҳаёти, уларнинг маданияти, санъати билан яқиндан танишади, илмий асарлари учун қимматли манбалар тўплайди. Ибрат нафақат манбашунослик, балки нумизматика билан ҳам шуғулланганлиги маълум. Мисол учун, Ахсикентдан топилган тангалардаги ёзувларни ўқиб берган.

Шунингдек, Сафед Булон зиёратгоҳидан топилган олтин, қумуш ва мис тангаларни ўрганиб, ўзининг “Жомиъ ул-хутут”, номли ёзувлар тарихига бағишланган асарида тасвирлари билан чоп эттиради[1]. Ибрат чет элларда фозил кишилар, олимлар билан ҳам дўстлашади. Исҳоқхон Ибрат 1896 йилда Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Қашқарга ўтади ва Қашқардан ўз ватани Наманганга қайтиб келади. Тўрақўрғонга чет ўлкаларда яратилган фан-техника янгиликларидан олиб келади. Граммофон, совитгич (холодилник), киноаппарат, фотоаппарат келтиради. Ҳар бир олиб келинган маданият ашёлари ўзига хос қимматга эга. Масалан, Ҳиндистондан олиб келинган

“Сантур” номли мусиқа асбоби граммафондан анча илгари яратилган бўлиб, граммафон сингари ручка билан таноби айлантирилган. Унинг 40 сантиметрли ўқи бўлиб, унда мингдан ортиқ майда ниначалари бор. Ўқ айланганда ниначалар думалоқ дискага урилади ва 12 та мусиқа асари бирин-кетин ижро этилади. 1908 йилда Исҳоқхон Ибрат яна бир хайрли ишга қўл уради. Оренбургдан Гауфман деган матбаачидан пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан литографик машина сотиб олади. Исҳоқхон Ибрат литография анжомларини катта машаққат билан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келади.

1908 йилда ўзи курдирган ҳаммом ўрнида чопхона ташкил қилади ва уни “Матбааи Исҳоқия” номи билан ишга туширади. Бу матбаада турли китоблар, савод чиқаришга оид рисоалар, дарсликлар, плакатлар, табрикномалар мунтазам нашр этиб турилган. Исҳоқхон Ибрат 1912 йилда йирик тилшунос олим сифатида тилшуносликнинг энг мураккаб соҳаси ёзувлар тарихига бағишланган “Жомиъ ул-хутут,, асарини яратди ва ўз матбааси “Матбааи Исҳоқия” да босмада чиқарган[2]. Ибратнинг хуснихатга, хат-савод чиқаришга бағишланган “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” рисоласи, “Илми Ибрат” номли шеърлар тўплами каби маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган рисола ва китоблари ҳам ўзи ташкил этган матбаада нашр этилади. “Матбааи Исҳоқия”нинг илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинганлигини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, Исҳоқхон матбаага нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб, қуёш ичига “илм” сўзини ёзган. Бу билан Ибрат илмни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий тасвир мазкур матбаада чоп этилган барча китобларда мавжуд. Халқ орасида китоб ва турли рисоаларга талабнинг ортиши натижасида литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типолитографияга айлантирилди. Намангандаги ҳозирги Исҳоқхон Ибрат номидаги матбаа-босмахона “Матбааи Исҳоқия” асосида ташкил топган.

Маърифатпарвар шоир Исҳоқхон Ибрат 1913 йил ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилади ва уни “Кутубхонаи Исҳоқия” деб атайди. Кутубхонадаги 50 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар ҳамда таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилларидаги кўплаб китоблардан нафақат Ибратнинг ўзи, балки бутун қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган. Кутубхонанинг мактаб ўқувчиларига бағишланган қисмида Саидрасул Саидазизовнинг “Устоди аввал”, Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби китоблари

мавжуд бўлган. “Кутубхонаи Исҳоқия”даги китоблар сонининг ортиб боришида “Матбааи Исҳоқия”нинг ўрни катта эди. Бу матбаада чоп этилган китобларнинг деярли ҳаммасидан бир неча нусха “Кутубхонаи Исҳоқия”га топширилар эди. Ибрат шу билан биргаликда “Туркистон вилояти газетаси” “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газетасида фаол қатнашган[3]. Исҳоқхон тўра Ибрат 1937 йилнинг илк баҳорида камокқа олинади. Ўзбек зиёлилари ёстиғини қуритган қатағоннинг энг даҳшатли кезлари, яъни 1937 йилда бутун умрини ўз халқининг маърифати, истикболи учун бахш этган 75 ёшли нуроний шоир Андижон турмасидаги жисмоний, рухий азобларга бардош бера олмайди ва турмада икки ой ўтиб, ҳаётдан кўз юмади. Қатағон қурбони бўлган зиёлиларимиз қаторида Исҳоқхон тўра Ибрат ҳам 1959 йилда оқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қозоқов Т, Воҳидов А, Рўзинов Б. *Ибрат Ниғоҳидаги Ахсикент.* – Т.: Наврўз, 2018 й.
2. Аҳмадалиева Л, Қорабоев Э. *Қатағонлик наманганликлар тақдирида.* – Наманган. Наманган нашриёти, 2014 й.
3. *Исҳоқхон тўра Ибрат. Фарғона тарихи.* – Тошкент. Камалак, 1991 й.

БЕГУНОҲ – “ГУНОҲКОРЛАР”...

Машхура МУРАДОВА,
*Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи илмий ходими*

Юртимиз мустақил деб эълон қилингандан кейин мамлакатда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида амалга оширилган хайрли ишлардан энг йирикларидан бири совет мустамлакачилиги йилларида бегуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30-50-йилларида “халқ душмани” сифатида қатағон қилинган ва шу сабабли номлари ўзбек халқи ҳамда маданияти тарихидан ўчириб юборилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш орқали тарихий адолатни тиклаш бўлди.

Қатағонлик ҳақида фикр юритадиган бўлсак, XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмига келиб советлар мамлакатнинг ҳокимият бошқарув-идора тизимида ҳам кескин ўзгаришларга кўл уришди. Сталин аста-секинлик билан ўзининг яқка ҳокимлигини бутун чоралар билан қарор топтириш ҳаракатида бўлди. 20-йиллар охирларида

Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган “Социализм мустаҳкамланиб боргани сари синфий душман қаршилиги ҳам кучайиб боради” деган ғоя ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни авж олишига олиб келди.

30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик сиёсий қатағонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерига жўнатилди. Ўтмишда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки, маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчи бўлган масжид ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди. Бутун республиканинг ҳаёти Марказнинг қаттиқ назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекиниш аксилинқилобий, сиёсий муҳолифат деб белгиланди.

1934 йил мартда Тошкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди бўлиб ўтди ва унда Республика Ёзувчилар иттифоқи ташкил қилинди. Шу даврдан ўзбек ёзувчиларининг номлари жаҳонга кенг ёйила бошлади. 30-йилларда кучайган маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафқураси ижод аҳлини, қолаверса, республиканинг маданий ҳаётини юксалишига тўсқинлик қила бошлади. Ижодни партиявийлик ва ягона коммунистик мафқурага бўйсундирилишига кенг йўл очди. Партия томонидан янги ҳаётни куйлашга бўлган чақириғи ва мажбурий нормалар ижодий жараёнда тарихий ўтмишни унутилишига олиб келди. Миллий маданият 30-йилларда қаттиқ фожиага дучор қилинди. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилиниши кучайди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Усмон Носир, Қосим Сорокин каби адабиёт ва санъатнинг қобилиятли вакилларининг асарларини ўқишдан жамоатчилик узок вақт маҳрум бўлди. 40-йиллар охирларида фан ва маданият ходимларини қатағон қилишлар давом этди. Марказий Қўмитанинг 1946 йилдаги “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақидаги қарорлари қатағонлар янги тўлқинининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ўрта аср ва инқилобгача бўлган даврдаги халқ тарихини ва маданиятини бадиий тасвирлаш ўтмишни кўмсаш, идеаллаштириш, деб айбланди ва уларга “миллатчи” деган тамғалар ёпиштирилди, шу йилдан бошлаб жамиятшунос олимлар пантуркизмни ташвиқот қилишида айбланиб, таъқиб қилинди. Қатағон қилинган санъат, фан ва маданият арбоблари ривожланган мустабид тузум даврида ҳам ҳуқуқсизлик қурбони бўлдилар.

Бу даврда ўзбек адиблари, шоирлари ижоди ҳам доимий суръатда совет мафкурасининг диққат-эътиборида бўлган. Шу боис уларнинг ҳар бир асари, бадиий маҳсулоти расмий цензуранинг қатъий назоратига олинар, текширувдан сўнггина нашрга тавсия этиларди. Бордию ҳақиқат ғояси билан суғорилган баъзи асарлар босилиб чиққудай бўлсалар, у ҳолда уларнинг муаллифларию, муҳаррирлари бунинг учун жавоб беришлари керак эди.

Масалан, 60-йилларда таниқли шоир Эркин Воҳидовнинг биргина “Ўзбегим” шеъри муаллифга қанчалик бесаранжомлик, беҳаловатлик келтирганлиги факти ҳам бунга характерли мисолдир. Ёки атоқли адиб Пиримкул Қодировнинг миллий тарихимизнинг номдор вакили, оташнафас шоир ва адиб, давлат арбоби, моҳир саркарда З.М.Бобур ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи “Юлдузли тунлар” романи ҳам феодал ўтмиш намояндаси тимсолини акс эттирувчи асар сифатида кескин қораланди. Ваҳоланки, бу даврда бу буюк тарихий сиймо тўғрисида кўплаб хорижий мамлакатларда сон-саноксиз тарихий ва бадиий асарлар битилаётган эди.

Айниқса, XX асрнинг 80-йилларига, яъни советлар режимининг ҳалокат ёқасига яқинлашган даврига келиб, миллий кадрлар ва зиёлиларни қувғин ва таъқиб остига олиш Ўзбекистонда янги босқичга кўтарилади. Хусусан М.С.Горбачев номи билан аталган “Қайта қуриш” даври бу борада алоҳида ўрин тутди. Негаки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида чуқур турғунлик, депсиниш ҳолатларини бошдан кечириб, муқаррар ҳалокатга маҳкум бўлган совет тоталитар тузумини сақлаб қолиш, унинг бадном бўлган сохта обрўсини тиклаш йўлида Горбачев бошчилигида партия, яъни раҳбариятнинг 1985 йил баҳоридан эълон қилган “Қайта қуриш сиёсати”ни ўтказиш давомида ҳукмрон Марказнинг Ўзбекистонга унинг жони ва тани бўлган юртпарвар ва миллатпарвар зиёли кадрларига нисбатан таҳдиди ва зўравонлиги тўла куч билан намоён бўлди. Бунга Марказ маъмуриятлари Ўзбекистон гўё кўп замонлардан буён танқиддан ва советлар назоратидан четда бўлган, шу боис бу ерда нохуш ҳолатлар, жумладан, порахўрлик, қўшиб ёзишлар, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик иллатлари чуқур илдиз отган, маҳаллий раҳбарлар кадрлар таркиби айниб, бузилиб кетган, деган ҳеч бир қолипга сиғмайдиган асоссиз даъвою-достонлар ва иғво-бўхтонлар билан юртимиз одамларини қийин-қистовга олиб, уларга нисбатан ўз ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини ўтказиш бошладилар. Бундай шароитда Ўзбекистоннинг Марказ ҳукмдорлари олдида нечоғлик ожизлиги, ҳуқуқсизлиги, қўл-оёғи билан уларга тамомила боғлиқ қолганлиги ўз исботини топганди. Бутун бир юртни, уни

боқимандаликда айблаш ва бошқа йўқ айбу гуноҳларни унга тиркаш амалиёти маданий дунёнинг ҳали бирор бир давлатнинг тажрибасида синаб кўрилмаган эди. Ўша вақтларда республиканинг энг юқори лавозимларида ўтирган Б.Усмонхўжаев, Р.Нишонов, Р.Абдуллаева сингари раҳбарларнинг инон-ихтиёри жиловни тўлиқ равишда Москва қўлида бўлганидан, улар ўз юрти, халқи манфаатларини ҳимоя қилишга ожиз бўлиб, амалда ҳаракатсиз қолаберди. Бунинг аксича, улар Марказ ходимлари амр-фармонларига мунтазир бўлиб, юқорининг ҳар қандай кўрсатмаси ва топшириғини сўзсиз бажаришга ҳозирнозир эди. Ҳатто биринчи раҳбар Усмонхўжаевнинг КПСС XXVI съезди минбаридан “Бизга Марказдан кўпроқ тажрибали кадрлар юбордилар” деган мазмунда илтижо қилганлиги факти ҳам унинг қандай ночор ҳолдаги раҳбар эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳукмрон тузум мутасаддилари бу юртда ўзларининг истаган номаъқулчиликларини амалга ошира олардилар. Бунга Марказ топшириғи билан Ўзбекитонга юборилиб, бу ерда “соғлом маънавий-сиёсий муҳит”ни яратмоқчи, аҳволни ўнгламоқчи бўлган сон-саноксиз раҳбар кадрлар ёхуд бу ҳудудда қонун тартибот масалаларини тўғри ҳал қилиш, авж олган порахўрлик, кўшиб ёзиш, давлат мулкини талон-тарож қилиш сингари иллатларни бартараф этиш, уларни содир этганларни топиб жазолаш, “адолат ва қонунчиликни тиклаш” учун келган Гдлян ва Ивановларнинг махсус тўдаси амалга оширган беадад баттолликлар, ғайриқонуний ишлар ҳам тўла тасдиқ этади.

Октябр тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи Советлар тузуми биринчи кундан бошлаб халқимиз бошига сон-саноксиз қирғинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Бу даҳшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмадилар. Улар истиклол учун, эрк ва миллий-озодлик учун 16 йил мобайнида қуролли кураш олиб бордилар. Бу кураш давомида, айрим манбаларга кўра, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг юртдошимиз Сибирга, Узоқ Шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узоқ Шарққа, Кавказга, Волгабўйи районларига бадарға қилинди.

1937 йил 30 июлдан бошланиб, 1938 йил ноябрига қадар давом этган қизил террор мобайнида 1,5 миллион киши қамокқа олинган, шундан 700 минги отиб юборилган. Қатағоннинг қаҳрли тиғи жамият аъзоларининг барча тоифаларини ўз домига тортган. Ўзбекистонда эса 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача ўн минг етти юз киши қамокқа олинган. Булардан уч минг олти юз ўн уч киши қатл этилди, етти минг саксон етти киши саккиз-ўн йил муддатга қамокқа таш-

ланди. Ўша йиллари аҳолининг барча қатламлари қатағон гирдобига тушган. Қатағон, аввало, зиёлилар, дин хизматчиларига қарши қаратилган эди.

Фақат 1937 йил декабр ойида «учлик» қарори билан ҳукм қилинган уч минг олти юз қирқ тўрт кишидан бир минг тўрт юз олти миш тўрт нафари имом, эшон, мулла ва бошқа диний хизматчи бўлган. 1938 йилнинг февралида «учлик» йиғилишларида 2491 маҳбус устидан ҳукм чиқарилган, шундан 2086 маҳбус отувга, 398 маҳбус ўн йил муддатга, икки маҳбус саккиз йил муддатга қамок жазосига ҳукм қилинган. Тўрт маҳбус тергов вақтида вафот этган, бир кишигина озод этилган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Биринчи Президенти-мизнинг 1999 йил 12 майда имзо чеккан Фармойишига кўра, мустақиллик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси тузилди.

2000 йил 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида барпо этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг тантанали суръатда очилиши мамлакат ва халқнинг ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди, қисқа муддатда мазкур мажмуа табаррук зиёратгоҳлардан, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган масканлардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил 1 майдаги “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони асосида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи барпо этилди.

Музей 2002 йил 31 августда – мамлакатда илк бор нишонланган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини”да тантанали равишда очилди.

USMON NOSIR – VATANPARVAR SHOIR

*Fazliddin MAMASIDIQOV,
NamDU, Tarix yo‘nalishi talabasi*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada XX asr 30-yillarida o‘zbek she‘riyatiga chaqmoq kabi kirib kelgan namanganlik shoir Usmon Nosir haqida ma‘lumotlar berilgan. Usmon Nosir she‘riyatida xalq, vatan manfaati hamma narsadan ustun qo‘yilgan. Istedodli, yosh shoir mustabid sovet tuzumining qatag‘onlik siyosati qurboniga aylangan.

Annotation:

Information about Usmon Nosir, a poet from Namangan who had penetrated into the Uzbek poetry in the 1930s like lightning is provided in this article. In the poetry of Usmon Nosir the interests of the people and the homeland are put above all. A talented young poet had fallen victim to the repressive policies of the totalitarian Soviet system.

XX asr 30-yillarida o'zbek adabiyotiga shiddat bilan kirib kelgan shoirlardan biri Usmon Nosir hisoblanadi. Usmon Nosirning haqiqiy ismi Usmonxon Mamatxo'ja o'g'li bo'lib, 1912-yil 13-noyabr kuni Namangan shahrining Chuqur ko'cha dahasida, Farg'ona vodiysiga dong'i ketgan taqvodor, o'ziga to'q Mamatxo'ja Eshon domla va baobro', el orasida taniqli domla mulla Adham Oxunning qizi Xolambibilar oilasida dunyoga kelgan. Shoirning tug'ilgan sanasi Xolambibiga tegishli Qur'oni Karim muqovasining ichki tomonida ham qayd etilgan. Shuningdek, oilaviy arxivda saqlanib kelayotgan Nosirhoji Masodiqovning pasportida ham Usmon Nosirning tug'ilgan yili aniq ko'rsatilgan [1].

1914-yilning boshlarida Usmon Nosirning otasi Mamatxo'ja Eshon qattiq betob bo'lib qoladi va bahor o'rtalariga borib vafot etadi. Bu davrda shoir juda yosh edi. Xolambibi hamda uning bir yarim yoshga to'lib-to'lmagan o'g'ilchasi Usmon va inilarini – Namanganda hurmatga sazovor, ilmi kishilardan bo'lgan Abdurahmon domla va Abduqayum domlalar uylariga olib ketadilar. Shunday qilib, Usmon Nosir tog'alarining dargohida yashaydi[2].

1915-yilda Namanganga 14 yillik haj safaridan qaytgan 32 yoshli Nosirhoji xolasi Toshbibinikida istiqomat qila boshlaydi va paxta zavodida ish boshlaydi. Nosirhoji bir devor qo'shni bo'lgan Abdurahmon domlanikida beva singlisi go'dak o'g'li bilan yashayotgani haqida holasi Toshbibidan darak topadi va 1916-yilning boshida unga uylanadi. 1918-yil fevral oyida Usmon Nosirning singlisi Ravzaxon tug'ilgach, Nosirhoji oilasini ota hovlisiga – Qo'qonga ko'chiradi va o'zi Namanganda harbiy xizmatni davom ettiradi[3].

Yosh ijodkor bu yerda rus tili va jahonning durdona adabiyotlari bilan tanishadi. Internatni bitirgach, 1932-1934-yillarda Samarqanddagi O'zbekiston davlat universiteti (hozirgi O'zbekiston Milliy Universiteti)-ning Filologiya fakultetida o'qiydi[4]. U yerda Amin Umariy, Adham Hamdamlar bilan birga ta'lim oladi.

Usmon Nosir o'zbek adabiyoti tarixida ahamiyatli o'rin tutgan, juda iqtidorli inson edi. U qisqa umr ko'rgan bo'lsa-da, o'zbek she'riyatining porloq yulduzi bo'lib qoldi.

XX asr 20 – 30-yillarida Oybek, Hamid Olimjon, G`afur G`ulom, Uyg`un, Usmon Nosir, Elbek, Botu, Abdulla Qahhor, H.Shams, Oydin, Mirtemir, Komil Yashin, Sobir Abdulla kabi yosh qalam sohiblari adabiyot maydoniga kirib keldilar.

XX asr 30-yillarga kelib bir qator o`zbek adiblarining faoliyatiga sho`rolar tomonidan to`siqlar qo`yildi, erkin ijod qilishlariga yo`l qo`yilmadi. Natijada, bu davrda Abdulla Qodiriyning “Mehrobdan chayon” (1929) va Cho`lponning “Kecha va Kunduz” (1935 – 1937) romanidan boshqa jadid adabiyotidan namuna tariqasida ko`rsatishga arziydigan asar chop etilmadi [5]. Bu davrda o`ziga xos zamon zayliga mos, yangi yo`nalishdagi asarlar paydo bo`ldi, shakl va mazmun sohasida bir qancha yangiliklar vujudga keldi.

Vaziyat qanchalik og`ir bo`lsa-da, badiiy ijodda hamma janrlarda xalq obrazi yetakchi o`rinda bo`ldi. She`riyatda biz buni Abdulhamid Cho`lpon, Oybek, Shayxzoda, Mirtemir va boshqa zabardast va yetuk shoirlar bilan bir qatorda, Usmon Nosir, Sulton Jo`ra, Hasan Po`lat kabi yosh ijodkorlar asarlarida ko`ramiz.

Lirikadagi bunday namuna, xususan, olovqalb shoir Usmon Nosir ijodiga xosdir. Uning she`riyatining mavzui serqirradir: sevgi-muhabbat, hayot tashvishlari, ijtimoiy-siyosiy jumboqlar masalalari markazida inson timsoli markaziy o`rinda turadi. Bu bejiz emas. Chunki, Usmon Nosir xalq, vatan manfaatini hamma narsadan ustun qo`yardi. U 1933-yilda Samarqandda yozgan “Yurak” she`rida butun hayoti, borlig`ini xalqqa, jamiyatga bag`ishlash, ona-Vatanga mehr-muhabbat, sadoqat ila halol xizmat qilish g`oyasini ilgari surib shunday kuylagan edi:

Itoat et!
Agar sendan
Vatan rozi emas bo`lsa,
Yoril, chaqmoqqa aylan sen,
Yoril! Mayli, tamom o`lsam!...[6].

Usmon Nosirning adabiyotdagi me`rosiga to`xtalsak uning ilk she`riy to`plami “Quyosh bilan suhbat” (1932), ketidan birdaniga ikki kitobi – “Safarbar satrlar” , “Traktorobod” bosmadan chiqadi. “Yurak” (1935), “Mehrim” (1936) kabi she`riy to`plamlari, “Norbo`ta” va “Naxshon” dostonlari birin-ketin nashr qilinadi. Uning “Norbo`ta” (1932) asarida O`zbekistondagi fuqarolar urushi mavzusi, “Naxshon”da qardosh arman xalqi farzandlarining ozodlik uchun intilishlari ifoda etilgan bo`lsa, antik dunyodagi qullar kurashi “Nil va Rim” kabi poetik asarida o`z aksini topdi.

1940-yilning 20-avgustida Usmon Nosir Magadan lageridan Stalin nomiga ariza yozishga jur'at qilib, unda o'z ishini "ko'rib chiqishlarini" so'raydi. "Xalq otasi"ga qamoqda o'tirib ham, "she'riy roman" uchta sahna asari va bir qator she'rlar yozgani haqida xabar beradi: "Men hali yoshman va g'ayratga to'laman! Men xalqning farovonligi uchun ijod qilishim kerak! Men aybsizman!", deya qayd etgan shoir. 1943-yil u hozirgi Kamerova viloyati hududidagi Sibr lagerida bo'lgan. Ushbu arizani Stalin ko'rib chiqqan. O'zbekiston hukumatiga Usmon Nosirning arizasini ko'rib chiqishni buyuradi. 1944-yilning oxirlariga kelib, hay'at guruhi tuzilib, unda professor Borovkov, shoir Maqsud Shayhzoda va o'sha vaqtda "Qizil O'zbekiston" gazetasining bosh muharriri Siddiq Rajabovlar bo'lgan. Hay'at Usmon Nosirni aybsiz bilib, uni oqlashadi. Afsuski, shoir bu vaqtga kelib olamdan ko'z yumgan edi. U 1944-yilning 9-mart kuni vafot etadi, 15-mart kuni Suslov qishlog'idagi (hozirgi Pervomayskoye) qabristoniga dafn etiladi [7].

Ba'zi bir xujjatlarda qayd etilganidek, Usmon Nosir kinomatografiya institutini "sog'ligi yomonlashgani – silligi, och-nahor va yupun qolganligi tufayli" tashlab ketgan emas. Xususan, Kamerovo viloyati ichki ishlar boshqarmasida saqlanayotgan Usmon Nosirga tegishli "Дело"da shoirga 1939-yil 11-fevral kuni Златоуст qamoqxonasida berilgan "Справка"da (forma № 7. Maxfiy.) shoirning "... batamom sog'lom" ligi (43-bet) qayd qilingan. Bu kabi ma'lumotnomalar "Дело"da anchagina. Faqat 1943-yil 23-iyun kuni yozilgan "Справка"da Usmon Nosir 1941-yildan boshlab shamollash dardiga chalingani va oxirgi 2 oy mobaynida o'pka kasalligi tufayli lagerning 3-statsionarida davolanayotganligi aytilgan. Usmon Nosir sil kasalligi bilan avvallari og'rikan degan fikr noto'g'ri ekanligini lagerda o'sha paytda xizmat qilgan N.Sirota va mahbuslikda bo'lgan A.Jalilovalar ham inkor qilishadi. Chunki yuqumli kasallikka chalingan mahbuslar hech vaqt umumiy lagerga yuborilmagan. "Дело"ning 91-betida "Maxbus Usmon Nosir , o'zbek, 1944-yil 9-mart kuni soat 14:00da o'pka sili, II darajali pellagra va yurak quvvatsizligi natijasida 3-statsionarda vafot etgan"ligi haqida bitilgan "Akt" saqlanadi [8].

Qatag'onlik siyosati tufayli istiqlol va erk kuychilari, o'zbek xalqining mashhur shoir-yozuvchilari: Fitrat, Cho'lpon, Abdulla Qodiriy, Usmon Nosir va boshqalar istibdodning begunoh qurboniga aylandi. 1938-yil 4-oktabrda Fitrat, Cho'lpon, Abdulla Qodiriylar otib tashlangan bo'lsa, 1944-yilda Usmon Nosir sovet tuzumining qurboni bo'ldi [9].

Usmon Nosir she'riyatda o'zining maktabini yarata oldi. Uyg'unning satrlari bilan aytganda:

Uni o'ldirganlar bilmadi,
Mumkin emas uni o'ldirmoq,
U-chi, ko'rki bo'lib she'riyatning
O'tiribdi qo'r to'kib go'rda...[10].

Ajoyib ijodkor Usmon Nosir o'zidan faqatgina she'rlar emas, balki tarjima asarlar ham qoldirgan. Shoir haqida tarqalgan turli yolg'onlar vaqtlar o'tib, haqiqat tomonidan yanchib tashlandi. Usmon Nosir o'zbek adabiyotida yorqin iz qoldira olgan adib, hamda hayotning sinovlariga bardoshi yetgan inson sifatida hali beri el og'zidan tushmaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, Usmon Nosirdek buyuk ijodkorlar kam uchraydi. Chunki juda qisqa umr ko'rgan bo'lsa-da, uning qoldirgan ijodiy merosi asrga tatigudekdir. Fojiani qarangki, buyuk iste'dodning shunday kamolotga ko'tarilgan bir davrida uni sovet davlatining qatag'on siyosati ayamadi. Biroq Usmon Nosirning hayoti hamda ijodi doimo insonlarni o'ziga chorlab keladi. Usmon Nosir buyuk shoirdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *Rashidova N. Usmon Nosir haqida. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. – B.18.*
2. *Rashidova N. Usmon Nosir haqida. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. – B.18-19.*
3. *Rashidova N. Usmon Nosir haqida. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. – B. 19.*
4. *Rashidova N. Usmon Nosir haqida. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. – B. 21.*
5. *Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi: O'zbekiston Sovet mustamlakachiligi davrida. Uchinchi kitob. –Toshkent, 2009. – B. 260.*
6. *Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi: O'zbekiston Sovet mustamlakachiligi davrida. Uchinchi kitob. –Toshkent, 2009. – B. 261.*
7. *Rashidova N. Usmon Nosir haqida. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. – B. 22.*
8. *Rashidova N. Usmon Nosir haqida. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. – B. 21.*
9. *Ergashev Q, Hamidov H. O'zbekiston tarixi. –T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot matba ijodiy uyi, 2015. – B. 82.*
10. *Rashidova N. Usmon Nosir haqida. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. – B. 21-22.*

НАУЧНЫЕ СОТРУДНИКИ МУЗЕЯ – СОБИРАТЕЛИ ЦЕННЫХ АРТЕФАКТОВ

*Шерали ДЖУРАЕВ,
Бухарский Государственный музей-заповедник,
заведующий отделом искусств и этнографии*

Аннотация:

В данной статье представлена информация об ценных артефактах, предоставленных научными сотрудниками в течение многих лет Бухарскому Государственному музею-заповеднику.

Ключевые слова:

Бухарский музей, Муса Саиджанов, Л.И.Ремпель, Сергей Николаевич Юренев, Б.А.Казаков, рукопись, Васика (купчая), китъа, Научный центр «По изучению восточных арабографических рукописей».

Annotation:

This article presents information about valuable artifacts provided by researchers over the years to the Bukhara State Museum-reserve.

Keywords:

Keywords: Bukhara Museum, Musa Saidzhanov, L.I.Rempel, Sergey Nikolaevich Yurenev, B.A.Kazakov, manuscript, Vasika (bill of sale), Kit'a, Scientific center "for the study of Eastern Arabic manuscripts".

В 1922 году в Бухаре создан первый музей [1] и в настоящее время он является одним из ведущих музейных центров Республики. Фонды бухарского музея-заповедника являют собой хранилище генофонда нации и представляют собой совокупность памятников материальной и духовной культуры народов, проживающих на территории Бухары с древнейших времен по настоящее время. На протяжении несколько веков в нашей стране накопилось богатейшее наследие артефактов. Ценные артефакты, манускрипты собирались на Бухарской земле ещё до создания музея. Первые манускрипты передали в музей образованные люди эпохи БНСР, такие как Файзулла Ходжаев, [2] Муса Саиджанов, Кари-Юлдаш Пулатов и др. Сбор, научное исследование и хранение рукописных манускриптов и литографических книг началось с момента создания Бухарского музея. На протяжении многих лет в этой области работали несколько десятков людей, учёных ВУЗов и музейных работников. Муса Саиджанов [3] начал сбор рукописей и литографических произведений, потом представил их музею.

В 40-х годах прошлого столетия научный сотрудник отдела истории бухарского музея – Л.И.Ремпель представлял личный фонд в музей и вызывает большой интерес для исследователей. [4] Среди них рукопись «Историческая топография Бухары» и черновики карт по исторической топографии города Бухары.

После Второй мировой войны фонд музея ежегодно пополнялся экспонатами. Постепенно были определены и реализованы задачи по систематизации музея, классификации музейных экспонатов по фондам, их систематическому изучению. В архивных документах музея-заповедника существуют ценные информации о поступлении артефактов в музей. В 1973 году в фонд музея поступило много ценных экспонатов: краевед Сергей Николаевич Юренев (1896-1973) – советский археолог и искусствовед, исламовед) передал свою коллекцию. В 1975 году заведующий фонда музея Идрисов представил 3 рукописных изделий, [5] от гражданина Шарипова получено джужгир – обложки книг и документов.

В 1978 году художником, реставратором Бухарского Государственного музея-заповедника Водопщином переданы рукописные книги и этот процесс продолжался до 1986 года. [6] Для информации можем отметить, что он передал музею более 70 ед. книг и документов. Музейный сотрудник, реставратор Водопщин пополнял музейный фонд не только рукописными изделиями, но и другими экспонатами.

Самое огромное количество документов приобретено в музейный фонд в 80-х годах прошлого столетия. Научные сотрудники активно участвовали в этой сфере. Большая часть книг была подарена, приобретена в музей или принята как добыча в результате научно-собираТЕЛЬСКИХ экспедиций. В отчётах научного отдела Бухарского музея ежегодно указывается, сколько экспонатов было принято в фонд, их систематизация и описание на основе отдельной таблицы. Информация была подготовлена на основе архивных документов музея, отчётов научного отдела и книги КП музея.

В 1981 году был выдан выездной билет (паспорт) научным сотрудником фонда Б.А.Казаковым (заведующий Научном Центром Бухарского музея-заповедника). На одной стороне текст на русском языке, на другой стороне текст на таджикском языке арабской графикой. Выдан 1-го джумади ахир 1333 г.х. (1914-15 гг.) заверенный печатью главного кушбеги мирзы Насрулла-бия. В 1983 году подарена книга литографская “Алфа Лайлатин ва лайлатун”

(тысяча и одна ночь) – перевод знаменитой книги занимательных сказок. [7] Книга издана в Турции.

В 1981 году из Самаркандской области было куплено несколько книг. Среди них были 2 номера газеты “Адолат” (Справедливость), издававшейся в Иране. Кроме того, фонд музея-заповедника был обогащён ещё одной рукописью, подаренной художником Водопшиным, рукопись с миниатюрой, бумага восточная. По определению художника, автором миниатюры является последний миниатюрист [8] Бухарского эмирата Садриддин Поччаев.

В 80-х годах прошлого столетия было передано много рукописных и литографических книг и документов. В ходе изучения темы был сделан вывод, что при осмотре музейных книг КП несколько книг были переданы в фонд музея частными лицами, и причём неоднократно (несколько раз). Например, передали музею в течение нескольких лет – Водопщин более 70.

В 1984 году сотрудник музея Г.Курбанов подарил в фонд бухарского музея около 10 ценных документов, таких как Васи́ка (купчая), долговые расписки и другие. [9] Спустя один год получены микрофильмы рукописи автографа Бухарского просветителя Шарифжан Махдум Садри-Зиё. [10] В 1986 году директор музея Р.В.Альмеев передаёт в фонд священной Коран, подарок делегации Туниса, 1 декабря 1986 года размером 16x12 см. [11] дата не указана, копия издана в типографии при университете «Зайтуна» в Тунисе с помощью Мухаммада Али Далогий. После этого сотрудник музея Б.Буранов также представил в музей 8 книг на арабском языке.

Собрание исторических документов состоит из двух коллекций: 1) собственно музейная и 2) бывшая коллекция Бухарской областной библиотеки им. Ибн Сины, [12] поступившая в музей в 1986 году. [13] В музейный фонд были приняты сотрудниками музея около 150 ценных артефактов, хранящихся в библиотеке им. Ибн Сины Бухарской области. Большая часть этих книг была передана Х.Тураевым, научным сотрудником, который в то время работал в музее. [14] Книг и документов, полученных в течение следующих двух лет, было около 750, и в это время все они находились в фонде документов музея-заповедника.

В результате собирательской работы сотрудников музея, только за два последних года (1986-87), фонд письменных памятников пополнился 443 книгами, из которых 176 томов – рукописных. [15] В 1987 году сотрудник музейного фонда Мансуре Парастепанов подарила 2 книги, посвящённые науке хадисов, почерк настаълик, язык –

арабо-персидский. Название одной книги Филология и хадисы, датировка 1230 г.х

Ещё одной ценной рукописью музейного фонда являются «китъа» - образцы каллиграфии. В них мастера письма переписывали в основном строчки Священного Корана, стихотворения поэтов своего времени. Среди образцов каллиграфии привлекает в себе внимание экземпляр китъа, скопированный в XV веке известным представителем школы каллиграфии Герата – Мир Али Хирави (захоронен в мавзолее Сайфиддина Бохарзи в Бухаре). Данный экземпляр был передан музею в 1987 году гражданином Ф. Водопщином.

Большие поступления экспонатов в музейный фонд, недостаточное количество научных сотрудников, низкий уровень научно-исследовательских работ привёл к тому, что в составе музея-заповедника будут созданы новых научных центров. [16] Хранение документов в музее не систематизировано: документы не сгруппированы ни по хронологии, ни по виду, ни по тематике. [17] В инвентарных книгах музея-заповедника записаны акты принятых предметов, [18] однако некоторые ошибки в книгах приёма КП также не были исключительными. [19]

Создание научного центра при музее-заповеднике в качестве филиала Института Востоковедения имени Абу Райхана Бируни было согласовано в начале 1990-х годов. Согласно интервью директора Института А.Урунбаева, создание такого центра в Бухаре свидетельствует о том, что работа, проводимая масштабом по исследованию культурно-исторического наследия в нашей стране востребована. [20]

На основании решения Учёного совета Институт Востоковедения Академий Наук (ИВ АН) Узбекской ССР от 13.04.1990 г, был создан научный центр «По изучению восточных арабграфических рукописей». Руководителем научного центра утверждён Казаков Б.А. – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник сектора документальных (письменных) памятников. [21]

За всю историю существования музейных фондов большой вклад внесли в изучение и популяризацию сотрудники музея, такие как Авезова Ш.Р., Лукянова С.А., Типаева Р.К., Казаков Б. А., Идрисов И.Я., Сухарева О.А., Курбанов Г.Н., Тураев Х. Х. и другие. [22]

Список использованной литературы:

1. Церемония открытия в Бухаре первого музея. // Бухоро ахбори 112-сон. 1922 йил 23 ноябрь

2. *Ред.коллеги. Юбилей музея. // Бухоро ҳақиқати, 1982 й 14.12. - с.2*
3. *Болтаев А. Бухоро ўлкашунослик музейининг шаклланиши ва дастлабки фаолияти. // Ўзму хабарлари.1/5 2017 -с.33*
4. *Бухарский государственный музей-заповедник. Документальный фонд. Каталог. Ташкент:2006. -с.262*
5. *Книга Приёма (ГИК) Бухарского музея-заповедника №8*
6. *Книга Приёма (ГИК) Бухарского музея-заповедника №12-41*
7. *Книга Приёма (ГИК) Бухарского музея-заповедника №27*
8. *Наимова С. Жўраев Ш. Курзин асарлари Бухоро музейида. //XXI асрда илм-фан тараққиётининг ривожланиши истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни” мавзусидаги 8-Республика илмий-online конференцияси. -с-112.*
9. *Книга Приёма (ГИК) Бухарского музея-заповедника №33*
10. *На том же месте*
11. *Книга Приёма (ГИК) Бухарского музея-заповедника №37*
12. *Казаков Б. Новые документальные памятники. // Советская Бухара. 1985 г. 26.09. -с.2.*
13. *Альмеев Р., Казаков Б. Рукописный фонд Бухарского госмузея (состав, пополнения, изучения). // archaeographia. Orientalis. Материалы всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии. -Москва:1990 г. -с.18*
14. *Книга Приёма (ГИК) Бухарского музея-заповедника №44.*
15. *Альмеев Р., Казаков Б. Рукописный фонд Бухарского госмузея (состав, пополнения, изучения). // archaeographia. Orientalis. Материалы всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии. -Москва:1990 г. -с.18*
16. *Альмеев Р., Казаков Б. Рукописный фонд Бухарского гос. музея (состав, пополнения, изучения). // Archaeographia. Orientalis. Материалы всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии. -Москва:1990 г.*
17. *Казаков Б. Коллекция исторических документов Бухарского государственного архитектурно-художественного музея-заповедника// Из истории культурного наследия Бухары. -Бухара: 1990. - с.62*
18. *Альмеев Р., Казаков Б. Рукописный фонд Бухарского госмузея (состав, пополнения, изучения). // archaeographia. Orientalis. Материалы всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии. -Москва:1990 г. -с.19*

19. Казаков Б. Коллекция исторических документов Бухарского государственного архитектурно-художественного музея-заповедника// Из истории культурного наследия Бухары. -Бухара: 1990. -с.62

20. Сафаров А. Бухорода илмий марказ. // Бухоро ҳақиқати, 1990 й. 29.09.

21. Выписка из приказа по Бухарскому государственному музею-заповеднику №150, от 16.08.1990 г.

22. Бухарский государственный музей-заповедник. Тошкент:2004 г. -с.20

ҚАДИМИЙ КОСОНСОЙ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Муҳаммадхон АКРАМОВ,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
Косонсой туман филиали мудири

Аннотация:

Мазкур мақолада Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири Қўхна Косон шаҳрининг вужудга келиши, Косон топонимияси ва археологик қазилмалар натижасида қўлга киритилган маълумотлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар:

Чуст маданияти, Кушон, Косон, муғкала, Бэй-Шин, Тан-Шун, Ахсикат, Қўшк, Тозабоғёби.

Археологик, тарихий ва этнографик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Ўрта Осиё бронза даври тараққиёти зиналарида маданий ривожланиш жиҳатидан бир нечта катта-кичик вилоятларга бўлинган. Фарғона водийсида милoddан олдин уч мингинчи йиллар охирларида ва икки мингинчи йиллар бошларида икки маданият Қорақум ва Чуст маданияти катта шуҳрат қозонган.

“Чуст маданияти” бугунги Чуст, Косонсой ва Ахсикат ерларида қарор топган. Аҳоли, асосан, ҳунармандчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан машғул бўлган. Буни археологик топилмалар (ҳар хил ҳайвон суяклари, сопол, мис, бронзадан ясалган асбоб ва жиҳозлар, уларнинг парчалари) тўла исботлайди. Ашёвий далиллардан шу нарса маълумки, қўхна Косонсой аҳли милoddан аввал икки минг йиллик бошларида анъанавий Замонбобо, Қорақумий, Тозабоғ-

ёби маданияти қаторида ўзларига хос маданиятга эга бўлиб, маънавий ва инсоний бадий тафаккур ривожига катта ҳисса қўшган.

Косон ва унинг номи этимологиясининг қачон ва қандай тарихий шароитда вужудга келганлиги тўғрисида археология, тарих ва тилшунослик фанларида аниқ далиллар йўқ. Аммо тарихшунослар Ўрта аср бошларидаги Косон ҳақида археологик қазилмалар асосида ҳақиқатга яқин фикрлар юритадилар. Чунончи, академик Б.Ғ. Ғафуров ўзининг “Таджики” асарида Фарғона водийсининг Ахсикат, Косон, Хўжанд, Исфара каби қадимий шаҳарлари ҳақида сўз юритиб, Ўрта аср даврининг аввалидаги Косон (Косонсой) ўзининг кўпсонли қурилишлари, кучли ҳарбий қалъалари тўплами билан, ҳатто, Кушонийлар давлати даврида вужудга келганлиги ҳақида фикр билдиради.

Тарихшуносларнинг охириги тадқиқотлари шуни кўрсатдики, эрамизнинг 78-306 йилларида Качула Кадфиз, Вима, Канишко, Васишко исмли Кушонийлар давлатининг шоҳлари ҳукмронлик қилганлар. Шундай қилиб, Косон ўтган асрларда яшаб ўтган ғарб ва шарқ тарихшунослари, хусусан, А. Каннингем, Д. Фергюссон, Р. Гришман, Д. Бхандаркар, Д. Даний ва бошқалар илмий тадқиқотлари натижасига кўра, 78-306 йиллар орасида «кўплаб қурилишлар ва кучли ҳарбий истеҳкомлар тўпламига эга бўлган мустақил ва қудратли шаҳар сифатида ҳукм сурган.

“Косон” ва “Кушон” тушунчаларининг бир-бирига боғлиқлиги ҳақида аниқ далиллар ҳозирча мавжуд эмас. Фақат шуни айтиш ўринлики, бу икки тушунча, аслида бир-бирига бевосита алоқадор. Мавжуд далиллага кўра, “Косон” тушунчаси муайян географик чегарадан олинган. Хитой тарихий манбааларига кўра, Давон, Дахия ва Боктария каби бешта алоҳида вилоятлар мавжуд бўлган ва улардан бири Куйшан бўлган. Манбаларга кўра, Куйшан ҳукмдори тўрт вилоятни забт этиб, ўзини абадий ҳукмдор деб эълон қилади. Кейинчалик бу давлат Анъси, Гаофу, Пуду, Гибин вилоятлари ва Ҳиндистонни ўзига қаратади.

Чин тарихшунослари Кушонийлар давлатининг пайдо бўлиши, унинг ҳудуди кенгайиши ҳақида далилларни келтирар эканлар, Косон Кушонийлар давлатининг маъмурий марказларидан бири эканлиги ҳақида фикр юритишади. Дарҳақиқат, эрамиздан аввалги III-II асрларда Косон Кушонийлар таркибига кириб, ҳатто, академик А. Брянов ва А. А. Бернштам фикрларига кўра, унинг сиёсий марказларидан бири бўлган. Демакки, Косон ва Кушон атамалари бевосита бир-бирига боғлиқ.

“Бу тушунчалар бир-бири билан боғлиқ. Чунки, биринчидан, Кушан давлатининг вужудга келиши ва номи ўша беш вилоятдан бири – Дахя ва Давон – Куйшандан келиб чиқади. Иккинчидан, Косонсой ўша вақтда мазкур давлатнинг таркибий қисми, унинг сиёсий марказларидан бири ҳисобланган” – деб ёзади косонсойлик олим, филология фанлари доктори, профессор Усмонжон Каримов.

Таниқли олим А.Брянов томонидан Косонсойнинг Муғқаласига уюштирилган археологик экспедиция маълумотлари шуни тасдиқлайдики, Косон катта шаҳарлардан ва, ҳатто, Кушонийлар давлатининг марказларидан бири бўлган.[1]

1948 йили Косонсойнинг Муғ қалъасига экспедиция уюштирган археолог олим А. Н. Бернштам ҳам археологик тадқиқотлар натижасига кўра, қадимий Косон Кушонийлар давлатининг маъмурий, ҳарбий-сиёсий марказларидан бири эканлигини эътироф этади.[2]

Бряновнинг 1899, Бернштамнинг 1948 йилдаги тарихий археологик экспедицияларининг хулосаларига кўра, милодга қадар қадимий Косонсойга шундай таъриф берилади: “Бу шаҳар Сайхун дарёсининг ирмоғи бўлган дарё соҳилида жойлашган бўлиб, икки ҳисса-шоҳлар қасри (Муғ қалъаси) ва шаҳар қисмидан иборат бўлган. Шаҳар терапия шаклида бўлиб, тўрт газли девор билан ўраб чиқилган. Унинг ҳар бурчагида миноралар жойлашган. Жанубий-ғарбий қисмида қаср бўлган. Шаҳарни душмандан мудофаа қилиш мақсадида қалъанинг асосий кириш қисми деворидан 15 метр узоқроқда кўшимча девор ўрнатилган. Шаҳарнинг шимолий қисмида шоҳларнинг қасри-Муғ қалъаси жойлашган. Қаср сербар (энли) девор билан ўраб чиқилган. Ғарб томонидаги жарлик пастида Сайхун дарёсининг ирмоғи оқади. Қаср майдонига ниҳоятда катта тошлар тартиб билан терилганки, тахминан 90 х70 метр квадратни ташкил этади”.

А.Брянов ҳисобида бу майдон 2,5 гектар бўлган.[3] Қасрнинг девори олти жойида баланд ва кучли миноралар қад ростлаган бўлиб, улар кузатиш жойи вазифасини бажарган. Қаср майдонидан пастга, шаҳар томонга йўлнинг икки томони бўйлаб йўлнинг икки томони бўйлаб, қатор, мустаҳкам девор давом этган бўлиб, улар шаҳарнинг икки томонидаги девори билан уланган. Бу деворлар шаҳар, қаср ва аҳолини душманнинг кўкқисдан ҳамласидан ҳимоя қилиш учун хизмат қилар эди.

Бэй-Шининг айтишича, шаҳарнинг бу ҳолати қалъа, кўшк (қаср) ва Муғ қасри, тахминан, милодий асргача бир хилда сақланган. Бу асрларда ҳукмронлик тахтининг тузилиши олтин кўй шаклида бўлиб, уни ҳимоя қилувчи аскарлар сони бир неча минг кишидан ўтар экан.

Хитойнинг бошқа тарихшунос олими Тан-Шунинг маълумотида кўра, Фарғона хукмдорлари, жумладан, Косон хукмдорлари III-VI асрлар орасида бир хонадондан (династия) бўлиб, ҳукуматни идора қилишни бир-бирига мерос қилиб қолдирар эканлар. Фақат 627-649 йиллар орасидаги душманга қарши жангда хукмдор ҳалок бўлади ва давлатни идора этиш турклар ихтиёрига ўтади. Шунга қарамасдан, давлатнинг бир қисмида ҳалок бўлган хукмдорнинг иниси, бошқа қисмида турклар хукмронлик қилган. Бу пайтда ҳам ўша вақтда қадимий ва мустаҳкам бўлган Косон шаҳри турк хукмронларининг маркази бўлиб қолади.[4]

658 йилга келиб, Фарғона ҳокимлари ўртасида тахт учун кучли, киронли курашлар вужудга келиб, бу курашларда, асосан, шу пайтгача Хитой босқинчиларига қарши жангларда чиниққан косонсойликлар ғалаба қозонардилар ва, тахминан, араблар ҳужумига қадар Косон Фарғонанинг пойтахти сифатида қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Бряннов. *О следах древнего города Касана в Ферганской области. ПТКЛА, Ташкент. 1899 г.*
2. А.Н.Бернштам. *Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. Москва. 1952 г.*
3. В.В.Бартольд. *Танланган асарлар, 1-том, Москва. 1963 г.*
4. В.В.Бартольд. *Танланган асарлар 3-том, Москва. 1965 г.*

УЛУҒ ЮРТДОШИМИЗГА ЭҲТИРОМ

***Донохон ШАЙХИТДИНОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими***

Ўзбекистон замини дунё тамаддуни ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз авлиёлар юрти сифатида шуҳрат қозонган. Аждодларимиз бебаҳо меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, қадамжоларини обод масканга айлантириш доимий эътиборда.

2016 йил 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Наманган вилояти, унинг ўтмиши ва бу масканда келгусида амалга ошириладиган ишлар қатори буюк аждодимиз Исҳоқхон Ибрат хотирасига алоҳида тўхталди ва унинг абадиятига муносиб ворис сифатида

ибратли ишларини давом эттириш мақсадида боғ ва ёдгорлик мажмуасини барпо қилиш, етти тилда таълим берадиган “Ибрат мактаби” номи билан хорижий тиллар лицейини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Миллатнинг миллатлигини белгиловчи бош мезон унинг тили ва адабиёти экани аён. Зеро, тил миллатнинг мавжудлик шarti бўлса, бадий адабиётда унинг бошқа ҳеч бир халққа ўхшамайдиган фитрати, сийрати, руҳияти акс этади. Унинг неча минг йиллар давомида шаклланган яшаш тарзи, ҳаётининг мазмунига айланган фазилатлари акс топади.

Қайд этиш жоизки, XIX асрда Тўрақўрғон заминида туғилиб ўсган Исҳоқхон тўра Ибрат араб, форс, рус, хинд, урду, инглиз, француз тилларини яхши билган.

Ҳаж сафарида давомида бўлган мамлакатларда ёзувлар ва халқлар тарихини ўрганиши билан у қадимий финикия, яҳудия, сурия, юнон ёзувларини ўрганган, натижада, у “Жомеъ ул-хутут” (“Хатлар мажмуи”) номли асарини ёзади. Ҳалигача бу каби хатлар тарихига оид асар ёзган олимлар кам.

Исоқхон Ибрат серқирра ижодкор сифатида “Луғати ситта ал-сина” (“Олти тилли луғат”), “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон уз-замон” (“Замон тарозуси”), “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” каби ўндан ортиқ тилшуносликка оид, илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар яратган ва бу асарларни деярли кўпини ўзи ташкил этган босмахонада чоп этган.

Ибрат домла халқни, айниқса, ёшларни ҳар томонлама билимли бўлишини хоҳлаган ва ўзи ўқув қўлланмалар яратиб, 1886 йилдаёқ эски мактаблардан бирмунча илғор бўлган мактаб очган эди.

1907 йилда эса янги “усули савтия” мактабини ташкил этиб, қишлоқ болаларини ўқитган.

Ибрат ўлкамиздаги илк матбаачилардан бири сифатида 1908 йил Оренбург шаҳридан литографик машинани кредит асосида харид қилиб, уни Оренбургдан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида “Исҳоқия босмахонаси”ни ташкил қилган. Бу босмахона ўтган асрнинг 60-йилларигача фаолият кўрсатиб келган ва у ерда турли илмий-маърифий китоб ва рисоалар, миллий газеталар чоп этилган, уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил июль ойида Наманган вилоятига ташрифи доирасида ушбу комплекда амалга оширилаётган бунёдкор-

лик ишлари билан танишган, уни мазмун жиҳатидан такомиллаштириш, тил ўргатиш бўйича махсус мактабни Наманган давлат университети қошида ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда хорижий тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўқитувчи ва ўқувчиларга зарур шароитлар яратиш, мажмуа атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида икки гектардан зиёд майдонни эгаллаган меъмориал мажмуада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Лойиҳа қиймати 13 миллиард сўмдан зиёд мажмуа боғ-хийбон, унинг ўртасида Исҳоқхон тўра Ибрат хайкали, миллий услубдаги айвон, босмахона, мусиқали фаввора, чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 400 ўринли мактаб-интернат ва тарихий-меъморий обидада барпо этилган музейни ўз ичига олган.

2018 йилнинг 2-3 май кунлари юртбошимизнинг Наманган вилоятига ташрифлари ва шу кунларда Тўрақўрғон туман марказида барпо этилиб, фаолият бошлаган Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатда бўлди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Ибрат домланинг эл-юртимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона хизматлари нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ёшларимиз шунга муносиб, юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши керак. Бу мактабга нафақат Наманган вилояти, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан энг иқтидорли ёшлар ўқишга қабул қилинади.

Хорижий тиллар бўйича илмий ишлар қилиш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш, мактаб-интернатда дарсларни шу асосда олиб бориш кераклиги қайд этилди.

Президентимиз Ибрат мактабини аъло баҳоларга битирган ўғил-қизларни олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиш ва грант асосида ўқитиш бўйича топшириқ берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Исҳоқхон тўра Ибрат умри давомида илм олиш йўлида у ҳеч бир меҳнату машаққатдан чекинмаган, олдига улуғ мақсадлар қўйган, уларни амалга оширишга муттасил интилган. Бу эса, ўз навбатида, юксак натижаларга олиб келган. Бу аждодимиз каби бўлишга интилиш ёшларни муносиб авлод бўлишга, зиё ва нурга етаклаши шубҳасиз.

Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Исҳоқхон тўра Ибратнинг беназир адабий-илмий мероси илм ва зако, ғайрат ва шижоат, маърифат ва зиё йўлидаги интилишларида миллат ёшларига қанот бағишлайди.

ПОП ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

*Гўзалхон ВАЛИЕВА,
Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи илмий ходими*

Аннотация:

Мазкур мақолада Наманган вилояти Поп туманида жойлашган муқаддас қадамжолар ҳақида маълумот бериб ўтилган.

Калит сўзлар:

Чодак, Пунгон, Қирчин, Самосий, зиёратхона, Шуновоз, Туркистон, Сайрам, гумбаз.

Шоҳ Сулаймон – Махжур Шахизинда Али IX аср бошларидан мусулмончилик илми ва тартибларини жорий тарғиб қилганлардан бири. Ҳазрат Али авлодларидан. Чодакка кираверишидаги Қизилак дўнглигида мақбара мавжуд. Ривоят қилишларича, у киши ерга тириклай кириб кетган экан. Шунинг учун мазорларини Шайхизинда Али деб аташади. Бир вақтлар бу ерлар ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Олтин конининг собиқ директорларидан Убайдулло Аҳмаджонов мақбарани таъмирлатиб, аввалгидек кўркам ҳолга келтирди. Атрофини боғ-роғ қилди. Неча юз йиллар Пунгон, Қирчин, Тепакўрғон, Ғурумсарой аҳли муқаддас мазор деб билган бу жой қадамжо бўлиб қолди.

Хожа Муҳаммад (Бобоий Самосий) 1152 йилда Бухорода туғилган. Мўғуллар Бухорони босиб олгач, устозлари эронлик Бобоюсуф Ҳамадоний маслаҳати билан Чодакка келиб жойлашган. “Самосий” сўзи форсчада зикр қилувчи деган маънони англатади. Бобоий Самосий Баховиддин Муҳаммад бинни Бурхониддин Нақшбанднинг устози ва тутинган оталаридир. Бизгача етиб келган ривоятлардан маълум бўлишича, Хожа Муҳаммад Самосий кунларнинг бирида зикр қилиб бораркан, кўчаларнинг бирида тўхтаб, бир эшикка ишора қилиб, “Шу даргоҳда қуёш порлайди” деган экан. Орадан бир мунча вақт ўтгач, яна шу эшикни тақиллатиб келиб, “Қуёшни менга олиб чиқ”, деб қичқирибдилар. Дарҳақиқат, оилада янги инсон дунёга

келган экан. Отаси олиб чиқиб, уни Хожи Муҳаммад этагига солибдилар. Хожи Муҳаммад гўдакнинг пешонасидан ўпиб, исмини Баҳовиддин деб атаб, отасига қайтарибди ва зикр қилганча йўлида давом этибди. Баҳовиддин Нақшбанд вояга етгач, устозлари ишини давом эттириб, у киши оламдан ўтгач, қабрларини зиёрат қилгани Чодакка келиб кетишган. У муборак қабр эски Чодакнинг кун чиқар томонида Шайх Зинда Алининг мазорлари рўпарасида жойлашган. Қишлоқ аҳли Хожи Муҳаммад Ас Самосийни Бобоий Осим деб ҳам аташган. «Поп тонги» рўзномасининг 1992 йил 2 феврал сониде босилган мақолада шундай таъриф берилган: «Чодак қишлоғида Ҳазрат Баҳовиддин Нақшбанднинг устози Шайх Хожи Муҳаммад Ас Самосий (Бобоий Осим) қабри жойлашган. Демак, Шайх Хожи Муҳаммад Ас Самосий ва Бобоий Осим бир шахсдир. Бобоий Самосий мақбараси кунчиқар томонга қаратиб қурилган бўлиб, бир хонадан иборат. Мақбара пештоқи анъанавий тарзда қурилган бўлиб, пештоқ устига икки кичик гумбаз ўрнатилган. Бобоий Самосий мақбараси Соҳибқирон Амир Темур буйруғи билан бунёд этилган.

Бобо Юсуф Ҳамадоний Оқмозор – Ҳозирги Чодакнинг кун ботиш яъни, ғарбий қисмидаги дўнгликда жойлашган. Бобо Юсуф Ҳамадон шаҳрида таваллуд топган. Бухорода тасаввуф илмининг мударрисларидан ҳисобланган. Тахминан, 1112-1113 йилларда у киши Чодакка келиб, ўтроқлашганлар ва шогирдлар етиштирганлар.

Бобо Ҳамадоний мақбараси икки хонали, номутаносиб тархли ўзига хос бинодир. У XIX асрда қайта тикланган. Бино тепалик устига қурилган. Унинг орқасида қурилган тўғри бурчакли гўристон (13.2x6м) бўлиб, у жануб томонга қараган пастак айвондан иборат зиёратхона билан якунланади.

Исмоил Отойи мазори – Чодакнинг шимолий қисмида, марказий йўлнинг кунчиқар томонида, сой бўйида жойлашган. Исмоил Отойи Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ўғай укалари: ота бир, она бўлак. Туркистоннинг Сайрамида 1110-1112 йилларда таваллуд топиб, 1167 йилда Чодакда вафот этганлар. Асли Ҳазрат Али авлодларидан бўладилар. Боболарининг исми Шайх Маҳмуд, оталариники Шайх Иброҳим. Ўзлари эса мумтоз шоиримиз Отойининг падари бузрукворларидир. Ҳазрат Исмоил ёшлигида Сайрамда бошланғич билим олиб, сўнг Бухорода тасаввуф илмини чуқур ўрганади. Унга Хожи Муҳаммад Юсуф устозлик қилганлар.

Исмоил Отойи Сайрамдан ҳарб қилиб келар экан, Оқтол этагидаги Арошонбулоқ ёнида 12 жойидан ўқ еб, қулайди. Аскарона кийинган синглиси чириллаб йиғлаб юборади. Воқеадан хабар топ-

ган маҳаллий чорвадорлар ярадорни Арошонбулоқда чўмилтиришни маслаҳат беришади. Сингиллари бу ишни бажаргач, бир ҳафта ичида тузалиб кетади. Чодак томон юриш давом этади. Афсуски, Чодакка кираверишдаги Шуновоз деган манзилга етганида сингиллари вафот этади. Мехрибон аёл жасадини Чирчир ғори устидаги дўнгликка дафн этадилар.

Чирчирмомо зиёратгоҳи – Чодаксойнинг кунчиқарида “Офтобча” оромгоҳининг пастидаги сой лабида жойлашган. У ердан чиқадиган булоқ суви шифобахшлиги учун атрофи доимо водийнинг турли жойларидан келган зиёратчилар билан гавжум. Булоқ суви худди Чирчирмомонинг майин сочларидан оқиб тушаётгандай табиий, мўъжизавий кўринишга эга. Чашманинг юқори қисмида асрий чинорлар салобат тўкиб туради. Чашма суви тўғри Чодаксойга қуюлади. Сув мўллигидан бу жойлар дов-дарахтларга бой. Ери серҳосил. Мевалари сархил. Икки қирғоқни бирлаштирувчи Жуласой ва Пирмироб кўприклари мавжуд.

НОЁБ ФИҚҲИЙ АСАР

Асрол АЛОХОНОВ,

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
Косонсой туман филиали илмий ходими*

Аннотация:

Мазкур мақолада Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косонийнинг “Бадоеус саноеъ фи тартибиш шароеъ”, яъни, “Шариат қонунини тартиблашда гўзал санъатлар” китоби ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар:

“Тухфатул фуқаҳо”, Шом, Ўрдун, “Кашфи зунун”, ҳадис, фикҳ, “Китобут таҳорат”.

Наманган вилоятининг Косонсой шаҳрида туғилган маликул уламо Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косонийнинг ўн жуздан иборат “Бадоеус саноеъ фи тартибиш шароеъ” китоби устози Алоуддин Самарқандийнинг уч жузли “Тухфатул фуқаҳо” асарига ёзилган шарҳдир. “Тухфатул фуқаҳо” мазҳабимизда тан олинган нодир китоблардан бўлиб, унда фикҳий масалалар мажмуи мухтасар баён этилган” деб ёзади ЎМИ матбуот хизмати.

Алоуддин Косоний китобини “Бадоеус саноеъ фи тартибиш шароеъ”, яъни, “Шариат қонунини тартибланда гўзал санъатлар” деб номлар экан, уни қўлга киритган киши ибодат ва муомалот масалалари ажойиб бир санъат даражасида тартиб-интизом билан териб айтилган батафсил ва мазмунли асарга эга бўлишини назарда тутган.

Алоуддин Косоний китоб муқаддимасида ёзади: “Аллоҳни таниб, Унинг сифатларини билганимдан кейинги илмларнинг энг улуғи фикҳ илмидир. Фикҳ илми – ҳалол ва ҳаром илми, қонунлар ва ҳукмлар илмидир. Фикҳ мана шуларни ўргатадиган фандир. Барча пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг шу буйруқларини етказиш учун юборилган. Демак, пайғамбарлар – Аллоҳ элчиларининг асосий вазифаси одамларга фикҳни ўргатиш бўлган”.

Аллоҳ таоло: “У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, унга кўп яхшилик берилибди” (Бақара сураси, 269), дейди. Баъзи тафсириларда оятдаги “ҳикмат” сўзини фикҳ илмига йўйилган. Яъни, “ҳикмат – яхшилик берилди”, жумласини кимга фикҳ илми берилса (яъни динни англаса, ўзи қилаётган амални билиб қилаётган бўлса), шу одам Аллоҳ таолодан жуда катта яхшилик олган, бахтли одам бўлади, деб тафсир қилинади.

Динни ўрганиш йўлида босилган ҳар қадам учун улуғ мукофотлар бор. Муқаддимада бунга далил сифатида бир ривоят келтирилади. Улуғ саҳобий Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ҳузурига – Мадинаи мунавварага Шом диёридан (Сурия, Фаластин, Ўрдун, Қуддус атрофлари шу ном билан аталади) бир киши келди. Мадина билан Шомнинг орасида минг чақиримдан ошиқроқ масофа бор. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: “Шомдан нега келдинг?” деб сўраганларида у киши: “Мен ташаххудни яхши билиб, ўрганиб олгани келдим”, деб жавоб беради. Шунда Умар йиғлаб юбордилар, кўзёшларидан соқоллари ҳўл бўлиб кетди. Кейин: “Аллоҳга қасам, Аллоҳдан умид қиламан, Аллоҳ сени ҳеч қачон азобламайди”, дедилар. Яъни, сен битта масалани ўрганиш учун шунча йўл босиб келибсан, машаққат чекибсан, сен учун яхши бир оқибат бор, демоқчилар.

Бир масалани шундай ихлос билан ўрганган киши учун бир улуғ саҳобий жуда катта неъматни умид қиляпти. Бизлар ҳам динимизнинг ҳар бир масаласини шундай холис ният билан сидқидилдан ўргансак, ўргатсак, ўша ваъдалар, Аллоҳ хоҳласа, бизга ҳам насиб этади, деб умид қиламиз.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳ:

– Бу улкан китоб. Ундан ҳамма фойдаланиб келган ва фойдаланадилар ҳам, ишааллоҳ. “Бадоиҳус Саноиҳ фии тартибиш Шароиҳ”. Китобнинг соҳиби Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (587 ҳижрий йилда вафот этган). У кишининг лақаби Маликул Уламо бўлган. Асосан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандийда ўқиган. Устозининг барча китобларини, хусусан, “Тухфатул фуқаҳо” китобини яхшилаб ўрганган. Ўз талабасини яхши кўрган устоз қизи Фотимани унга никоҳлаб берган. Фотима ҳам отасининг «тухфа»сини ёдлаган ва илмдан кўпгина эркаклардан ўтиб кетган эди. Кейинчалик ҳам эрига тўғри маслаҳатлар бериб, илмий йўналишини тўғрилаб турган. Отаси чиқарган фатвода, албатта, Фотиманинг ҳам имзоси бўлар эди. Кейин уларга куёвнинг имзоси ҳам қўшилди. Тадқиқотчилар “Бадоиҳус Саноиҳ фии тартибиш Шароиҳ”ни “Тухфатул фуқаҳо”нинг шарҳи дейишади. “Тухфатул фуқаҳо” эса “Мухтасари Қудурий”га қўшимча қўшиб, яхшилаб тартибга солинган китоб бўлган. Аммо “Бадоиҳус Саноиҳ фии тартибиш Шароиҳ”га эътибор билан назар соладиган бўлсак, у урфга айланиб қолган шарҳларга ўхшамаслигини кўрамиз. Унда аслининг матнини сўзма сўз келтириб, шарҳ қилиш услубига эргашилмаган. Имом Косоний ўз китобида “Тухфатул фуқаҳо”нинг тартибига риоя қилмасдан, боб ва фаслларни янгидан тартибга солган. “Бадоиҳус Саноиҳ фии тартибиш Шароиҳ”нинг соҳиби ўз китобининг аввалида ҳамду санодан кейин фикҳ илмининг фазли ҳақида мухтасар маълумот бериб, бир оят ва Бухорий, Термизий, Ибн Можа ва бошқа муҳаддислар Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган “Аллоҳга динда фақиҳ бўлишдак бирор нарса ила ибодат қилинмаган. Албатта, бир фақиҳ шайтон зиддига минг обиддан кўра шиддатлироқдир”, деган ҳадисни келтирган. Шунингдек, муаллиф ўзидан аввалги машойихлар кўплаб китоблар битганлари, аммо тартибга унча эътибор бермаганларини эътиборга олиб, ўз китобида шу нуқсонни тўлдиришга ҳаракат қилмоқчи эканини таъкидлайди. Кейин “Китобут таҳорат”дан бошлаб фикҳий масалаларни баён қилишни бошлайди. “Бадоиҳус Саноиҳ фии тартибиш Шароиҳ” барча уламоларнинг таҳсини ва мақтовига мушарраф бўлган, катта шуҳрат қозонган китобдир. Жумладан, Ҳожи Халийфа ўзининг “Кашфи зунун” ида “Бу китоб исми жисмига монанддир”, деган. “Бадоиҳус Саноиҳ фии тартибиш Шароиҳ” кўп марталаб чоп этилган ва кенг тарқалган китобдир. Унинг охириги нашрларидан бири Байрутда “Дорул кутубил илмия” нашриёти томонидан 1997 йилда ўн жилд қилиб амалга оширилган.

ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ

*Зулфия КОМИЛОВА,
Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи илмий ходими*

Аннотация:

Мазкур мақолада XIX-XX асрларда юртимизда заргарлик соҳасининг ривож ва бу давр заргарлик санъатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар:

“Тақя-тузи”, “Тиллақош”, анор, феруза, сердолик, маржон, ақик, марварид, садаф, “Фанон”.

Жаҳон бозорида олтиннинг 50 фоизидан ортиғи, яъни 2200 тоннадан зиёди ҳамда кумушнинг 20 фоизидан кўпроғи, яъни 6500 тоннадан ортиғи заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришга ишлатилади. Дунёнинг заргарлик саноати ривожланган мамлакатлари қаторига Италия, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Туркия каби давлатларни киритиш мумкин.

Маълумки, заргарлик санъати ўзбек миллий, бадий маданияти тарихининг ажралмас қисми бўлиб келган. Унинг кўп асрлик анъаналарини тиклаш ва такомиллаштириш, маҳаллий заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилиши ва тизимдаги ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг юқори сифатли маҳаллий заргарлик буюмларига бўлган талабини қондириш мақсадида Президентимиз томонидан 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5721-сонли фармони қабул қилинди. Мазкур фармон туфайли мамлакатда маҳаллий заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш, шунингдек ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металллардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ҳажмини кенгайтирилишига замин яратди.

Қадим-қадимдан юртимизда кўплаб миллий хунармандчилик турлари ривож топиб келган. Шу жумладан заргарлик соҳаси ҳам ўзига хос тарихга эга. XIX асрга келиб, Ўрта Осиёда заргарлик хунарини янги мактаби дунёга келди. Ўзбекистондаги заргарлик санъати ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, заргарлар

ҳар бир буюмни ўзига хос тарзда безатишга интилишади. XIX аср заргарлик буюмларининг турли шакллари ва уларнинг безаклари, асосан, ўсимликсимон ва геометрик, космогоник, зооморфик кўри-ниш мотивларини ташкил этиб келган.

XX аср бошларидаги заргарлик буюмлари учун шаклнинг муайян мураккаб усули турли рангдор тошлар қадаш усулидан кенгроқ ҳолда фойдаланишлари билан характерлидир.

Аёллар қадимдан тақинчоқ турларини севиб тақишади ва шу билан бирга унинг гўзаллигини, санъаткорона яратилишини фарқлай олишган. Аёлларнинг заргарлик буюмлари бир неча гуруҳларга бўлинади.

Жумладан, бош кийим заргарлик буюмлари, соч ўрамлари безаклари, бурун безаклари, кулоқ учун тақинчоқ турлари, бўйин заргарлик буюмлари ва кўкрак, бел, билак каби заргарлик буюмла-ридир. XIX-XX асрларда яратилган бундай ноёб заргарлик намуна-лари бугунги кунда ўтмиш кўзгуси ҳисобланмиш музейларда сақ-ланмоқда, кенг жамоатчиликка намоёйиш этилмоқда.

Хусусан, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи хазинасида ҳам бежирим нақшлар билан безатилган заргарлик намуналари сақланиб келинмоқда. Улар, асосан, кумушдаш ясалган ва феруза, маржон, ақиқ, марварид, садаф, рангли тошлар турлари билан безатилган.

Заргарлик тақинчоқлари билан безатилган бош кийимлар ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган. XIX асргача етиб келган бундай бош кийимлар маҳаллий аҳоли орасида “Тақя-тузи” номи билан аталган. Бу бош кийимлар заргарликдаги турли зеб-зийнатлар билан безатилган. Аёллардаги безакли бўлган бош кийимлар унинг қадимийликка оид мазмунини очиб берувчи кўринишга эгадир. Масалан, “Тилла-қош” бош кийимида қошлар эмас, балки қанотли қуш кўриниши мавжуд. Билакузукларнинг ҳам бошқа тақинчоқлар каби турли безаклилари бор. Бу тақинчоқ одатда жуфт бўлиб, бундай билакузукларни уч жуфтгача тақишган.

XIX-XX асрда олтин, кумуш, бронза, мислардан ишланган заргарлик буюмларини чакмоқ тошлар (анор тош, рангли тошлардан феруза, сердолик, маржон, ақиқ, марварид ва садаф) ёрдамида безатиш кенг тарқалган. Мустақиллик йилларида заргар ҳунар-мандлар томонидан бир неча бирлашмалар ташкил этилган. Жумладан, ҳозирда “Фанон” бирлашмаси, “Кумуш” бирлашмаси, “Нур” заргарлик маркази, “Мусаввир” бирлашмаси, “Устазода” марказлари фаолият олиб бормоқдалар.

ХЎЖА АҲМАД ВАЛИЙ ҚАДАМЖОСИ

*Розия ПЎЛАТОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи санъат бўлими мудири*

Аннотация:

Мазкур мақолада Фарғона водийсида нақшбандия тариқатининг етук намоёндаларидан бири Хўжа Аҳмад Валий ҳаёт йўли ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар:

Иршод, Валий, “хуш дар дам”, тафсир, “назар бар кадам”, “сафар дар ватан”, “ёдқард”, “Асадуллоҳ”, “Шоҳимардон”, Водил.

Ҳар бир халқнинг дунёдаги мавқеи, ўрнини кўрсатадиган ойнаси бу унинг алломалари ҳисобланади. Республикамизнинг барча вилоятлари каби Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида ҳам кўплаб қадамжолар, зиёратгоҳларнинг мавжудлиги ҳудуддан ўз вақтида кўплаб йирик диндорлар етиш чиққанлигидан далолат беради.

Шундай қадамжоларлардан бири Шаҳанд қишлоғида жойлашган Хўжа Аҳмад Валий мақбарасидир. Кейинги тадқиқотлар натижасига кўра, у зот 1701 йилда Бухорода таваллуд топган. Унинг отаси бухоролик Муҳаммад Валий нақшбандийлик тариқати пешволаридан бўлиб, замонасининг билимли, зукко кишиларидан бири бўлган. Онаси Маликаи Шаҳзода туркиялик бўлган. Илк сабоқни отаси Ҳожа Муҳаммад Валийдан олган. Сўнгра таълимни мадрасада давом эттириб, нафс тарбияси билан машғул бўлади. Устозларининг ўғитларини ҳаётининг шиорига айлантирган Хўжа Аҳмад Валий умрининг сўнггигача Муҳаммад (с.а.в)нинг: “Аллоҳ хулқлари билан хулқланингиз”, ҳадисига амал қилиб яшаган. Иршод олгач, бир неча муддат Бухорода яшаб, мадрасада мударрислик қилган. Бу зот ахлоқий поклик, рухий қудрат, закийлик, кишилар қалбига йўл топиш, исломий аҳкомларни бекаму кўст бажаришда барчага намуна бўлган. Айниқса, илоҳий ҳикматларни чуқур шарҳлашда, Қурон оятларини ботиний маъноларини тафсир қилишда кучли иқтидор эгаси сифатида танилган.

Тасаввуф оламида валийлар Аллоҳнинг дўсти ҳисобланган. Валийлар Аллоҳ зоти ва сифатини мукаммал биладиган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳлардан ўзини сақлаган, дуолари

мустажоб, солиҳ, ориф, илоҳий марҳаматга эришган Аллоҳнинг сеvimли бандалари бўлишган.

XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигидаги сиёсий вазиятнинг беқарорлиги натижасида Хўжа Аҳмад Валий Фарғона водийсига йўл олади ва Шаҳанд қишлоғида қўним топади. У киши тез орада Фарғона водийсида нақшбандия тариқатининг етук намояндаларидан бирига айланади.

Хўжа Аҳмад Валий муридларига нақшбандийлик тариқатининг қоидалари “хуш дар дам” (ҳар бир нафасни ҳушёрлик билан олиш), “назар бар кадам” (ҳар бир кадамни эҳтиёткорлик билан босиш), “сафар дар ватан” (ўз ватанида, ўз уйида ўтирса ҳам фикран ва зикран бутун коинотни сайр қилиш ва уни тафаккур қилиш), “ёдқард” (тил ва дил билан Аллоҳни зикр қилиш) каби қудсий ҳикматларни ўргатганлар. Ўз муридларига шундай таълим берганлар: “Сенга зулм қилганни сен кечир, сенга раво кўрмаганга сен бер, сендан узилганга сен боғлан, Яратган учун яратилганни яхши кўр. Бу Муҳаммад (с.а.в)нинг гўзал ахлоқларидир”.

У кишининг ҳузурига дардларига шифо излаб келганлар ноумид қайтишмаган. Бир ривоятга кўра, Хўжа Аҳмад Валий Наманган ҳокимини касалликдан тузатганлиги учун унга Шаҳанд қишлоғи атрофи ҳадя қилинган ва бу ерда у киши оила қуриб, 3 нафар қиз фарзанд кўрганлиги айтилади. Лекин, тақдир тақозоси билан Хўжа Аҳмад Валий ҳамроҳлари билан биргаликда Шоҳимардондаги “Асадуллоҳ” (Аллоҳнинг шери), “Шоҳимардон” (Мардлар шоҳи) деб улуғланган Ҳазрат Али мақбараси зиёратига отланади, йўлда Водил қишлоғида тўхташади ва шу ерда Хўжа Аҳмад Валий туш кўради, тушида “ул зотнинг Ҳазрат Али мақбарасига посбон бўлиши кераклиги” ҳақида хитоб келади. Валий тушида бунга рози бўлади. Эртасига Ҳазрат Али мақбарасини зиёрат қилиб, муридларига туши ва унинг таъбирини айтиб, шу ерда қолажагини билдиради ва умрининг охирига қадар, яъни 1776 йилгача Водил қишлоғида яшаб ўтади. Хўжа Аҳмад Валий вафотидан кейин сулукни муриди Бурҳонуддин эшон Шаҳандда, Шаҳрихонда, сўнг Қўшқишлоқда давом эттирган.

Барча азиз авлиёларни қилган амаллари, тариқат йўлдаги фаолиятларига қараб шартли равишда уч тоифага ажратиш мумкин.

Биринчиси, Аллоҳ ижодкорлик иқтидори билан сийлаганлари. Яъни, улар дин, тасаввуф ривожига доир қимматли асарлар ёзиб, келгуси авлодга мерос сифатида қолдиришган.

Иккинчиси, Аллоҳ томонидан воизлик иқтидори билан сийланганлари, яъни, улар диний билимлар, тасаввуф кароматларига оид маърузалар ва оғзаки тарғиботлар билан машхур бўлган.

Учинчиси, Аллоҳ томонидан ҳам ёзиш, ҳам гапириш бобида юксак салоҳият берилган улуғлардир.

Шу нуқтаи назардан қарасак, Хўжа Аҳмад Валий иккинчи тоифа вакиллари қаторидаги улуғ инсон сифатида тасаввуфимизда намоён бўлади. Ана шунинг учун ҳам у киши тўғрисидаги маълумотлар бизга қадар кам етиб келган.

Кейинги йилларда Хўжа Аҳмад Валийнинг бешинчи авлодларидан бири Раҳмонберди Раҳимов, шунингдек, вилоят ва туман ҳокимликларининг саъй-ҳаракатлари натижасида, Хўжа Аҳмад Валий яшаб, фаолият юритган Шаҳанд қишлоғида кўркам қадамжо ва боғ бунёд этилди.

Хўжа Аҳмад Валий ва шогирди Алимбой Валий қабри усти мрамор тошланиб, 36 кв.м. ва 9 метр баландликдаги мақбара қад ростлади. 2019 йил 21 апрель куни Хўжа Аҳмад Валий қадамжосининг биринчи қисми очилди. Жами 8 гектар майдонни эгаллаган ушбу муқаддас даргоҳни чинакам зиёратгоҳга айлантириш саъй-ҳаракатлари жадал давом этмоқда.

БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

*Ҳабибулло КАРАЕВ,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
Косонсой туман филиали лектори*

Аннотация

Мазкур мақолада Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири Косонсой шаҳридан етишиб чиққан алломалар ва уларнинг илмий мероси ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар:

Кушон, Муғтепа, Довонлар, “Тож-ус саодат” , “Малик уламо”, “Оллоҳнинг қиличи”, Ньюжие қабристон.

Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Ўзининг етук олимлари, ёзувчи ва шоирлари билан башарият тамаддуни ривожига муносиб ўрни бор, бу қўҳна юртнинг.

Косонсой – Фарғона водийсининг энг чекка туманларидан бири. Милоддан аввалги III-II асрларда ҳозирги Муғтепа археологик ёдгорлиги ўрнида қадим Косон шаҳрига асос солинган. Археологик тадқиқотларга қараганда, Косон шаҳри Косонсой сойининг чап соҳилидаги табиий тепалик устида, стратегик жиҳатдан қулай жойда барпо этилган. Довонлар империяси, буюк Кушонийлар империяси, Эфталитлар (V-VI асрлар), (VI- VIII асрлар), араблар (VII-IX асрлар), Сомонийлар (IX-X асрлар), ундан кейин Қорахонийлар даврида кўхна Косон шаҳри пойтахт-шаҳар, ҳарбий-сиёсий марказ ҳамда илму фан, йирик ҳунармандчилик, савдо-тижорат ишлари тараққий этган маданий-иқтисодий марказ мақомига эга бўлган.

X-XVI асрларда кўхна Косондан кўплаб етук алломалар етишиб чиққан. Бу ҳақда араб тарихчилари Яъқубий, Истахрий, Ал-Мақсудий, ибн Муродбек, М.Тохир кабиларнинг китобларида ва бошқа манбаларда маълумотлар учрайди. Олим-аллома Муҳаммад Маҳмуд ибн Вали Косоний ҳам кўплаб алломалар ҳақида эсдаликлар ёзиб қолдирган. Манбаларда XII асрда яшаган тарихчи олим Жамол Қаршийнинг отаси ҳам косонлик бўлгани зикр қилинади.

Косоний тахаллуси билан машҳур бўлганлардан бири Абу Нуваси Аҳвайдир (768-855). У олим ва шоир бўлиб, ўзи яшаган даврдаги ижтимоий ва сиёсий ҳаёт ҳақида эсдаликлар қолдирган.

Абу Наср Аҳмад ибн Сулаймон Косоний 1080-1086 йилларда Қорахонийлар давлатида вазир ва қози лавозимларида ишлаган. Тарихчилар Абу Наср ал-Косонийни XI асрнинг етук шоири ва илм арбоби бўлганлигини ёзма манбаларга асосланиб эътироф этишади.

Шу асрда “Тож-ус саодат” унвонига сазовор бўлган соҳибдевон шоир Шамсиддин Муҳаммад Косоний эди. Авфийнинг таърифлашича, Шамсиддин Муҳаммад Косоний “Сайидлар авлодидан, замона донишманди” бўлган. XI асрда Косонда таваллуд топиб, умргузаронлик қилган алломалардан бири Пайғу Малик Косоний эди. Қорахонийлар даврида Пайғу Малик Косоний Марғилон шаҳри ҳокими бўлган.

Пайғу Малик “Обизилол” номли қасидалар тўплами муаллифи ҳамдир. Унда ўз даври ҳаёти ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташрифларидан бирида Наманган диёри кўплаб олимлар, орифлар фозилларни дунёга келтириб, вояга етказганлигини эътироф этиб, Алоуддин Абу Бакр ибн Маъсуд ибн Аҳмад ал-Косоний (1100-1191)ни тилга олиб ўтган эдилар. “Малик ул-уламо” унвонига сазовор бўлган Алоуддин Абубакр Косоний Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг

машхур вакилларида бири эди. Файласуф олимнинг “Бадоеъ-ус саноеъ” рисолаи биз учун мерос бўлиб қолган.

Косонда таваллуд топиб, Самарқандда умргузаронлик қилган Абулжуд Ато ибн Аҳмад ибн ас-Содиқ ал-Ҳомидий ал-Косоний йирик лашкарбоши сифатида “Оллоҳнинг қиличи” фахрий унвони соҳиби бўлган.

Хитой пойтахти Пекин шаҳрининг мусулмонлар истиқомат қиладиган “Нюжие” мавзеида кўхна зиёратгоҳ бор. Унда жуда қадимий қабр бўлиб, у асли косонсойлик Шайх Муҳаммад бинни Аҳмади Буртани Косонийга тегишлидир.

Шайх Муҳаммад XIII аср бошларида кўхна Косонда таваллуд топган. Ёшлигидан диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган Косоний номи наинки ўз юрти, балки Осиё ва Яқин Шарқда маълуму машхур эди. Умрининг сўнгги дамларини Хитойда ўтказган олим узок йиллар Пекин шаҳрида мударрислик қилган. Шу боис ҳам Хитой мусулмонлари шайх дафн этилган Нюжие қабристонини муқаддас билиб, тез-тез зиёрат қилиб туришади.

Машхур тарихчи олим, сайёҳ, шоир Маҳмуд ибн Вали 1595 йилда сарой амалдори Муҳаммад Вали Косоний оиласида туғилган. Отаси Муҳаммад Вали Мир Хислат тахаллуси билан ижод қилган шоирлардан эди. Маҳмуд ибн Вали ўндан ортиқ асарлар ёзган Унинг “Баҳрул асрор” асари Фарғона водийси, хусусан, Косон тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Олим 1660 йилда Балхда вафот этган.

БОБУР ВА ШАРҚ ТАМАДДУНИ

*Доноҳон ШАЙХИТДИНОВА,
Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи бўлими мудири*

Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машхур тарихнавис олимлари каторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърлятнинг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубайин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисолалари

эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди

Қаерда бўлмасин, у бирор-бир янгиликка қўл уришдан олдин бу иш жамият ва салтанат манфаатига қанчалик хизмат қилишини ҳар томонлама ўйлаб кўрган. Фарзандларига мактуб ва васиятларида диний, ирқий, маънавий қадриятларга зид ҳаракатларни қилмаслик, диний бағрикенглик билан иш юргизиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

«Бобурнома»даги кўплаб мисоллар цивилизацияга ўта мойил бунёдкор инсон – фақат шоҳ Бобурни эмас, том маънодаги муҳандис Бобурни, яратилаётган иншоотининг чинакам жонкуярини кўз олдимизда гавдалантиради.

Бобур Мовароуннаҳрда, Ҳиндистон ва Афғонистонда фақат қурилиш ва ободончилик билан шуғулланмаган, балки туб ислохот ишларини ҳам олиб борган.

Қисқа бир вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш боғроғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зехни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тутшиб кетди».

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «Бобурнома»дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар, асосан, уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми XV асрнинг

охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. «Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукаммал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

«Бобурнома»ни варақларканмиз, кўз олдимиздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилат ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади.

«Бобурнома»да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул-Фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бехзод, Мирзо Улуғбек ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

«Бобурнома» — Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари – ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида камраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмокда.

Узоқ йиллар давомида Ғарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари «Бобурнома» мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, голландиялик олим Витсен, англиялик олимлар Ж. Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Беверез, Т. Албот, германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер,

франциялик Паве де Куртейл, ҳиндистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Ризви, туркиялик Р. Р. Арт ва Н. И. Баюр ва бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулхай Ҳабибий, покистонлик олимлар Рашид Ахтар, Надви ва Шоҳ Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. «Бобурнома»ни ўрганиш соҳасида жаҳоннинг машҳур шарқшунослари қаторидан япониялик олимлар ҳам жой олмоқдалар.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX-XX асрлар давомида Георг Кер, Н. Илминский, О. Сенковский, М. Сале, Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, В. Зоҳидов, Я. Ғуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова, А. Қаюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоятда мураккаблашган, феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инкирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик, ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеъриятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

*Толеъ йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишниким айладим хатолиг бўлди,
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қоролиг бўлди.*

Шу билан бирга Бобур лирикасида шеъриятнинг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, унинг гўзаллиги, унга чексиз муҳаббат, хижрон азоби, айрилиқ аламлари ва висол қувончлари ниҳоятда гўзал ва моҳирона ифода этилган.

*Хазон япроғи янглиз гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи зардим.
Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёгингга тушуб барғи хазондек мунча ёлвордим.*

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ

*Дилшода ТЎХТАБОЕВА,
Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи илмий ходими*

Мустақиллик йилларида юртимизда тарихни ёзма манбалар асосида тадқиқ этишга эътибор кучайди, аждодларимиз томонидан узоқ ўтмишда яратилган маданий-маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш долзарб масалалар қаторига қўйилди. Илм-фан, маданият ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг унутилган номлари қайта тикланди. Моҳир саркарда, давлат арбоби, илм-фан, маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ана шундай тарихий шахслардан биридир. Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукм сурган тарихий даврни назардан ўтказар эканмиз, бунда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг юксак марралари сари кўтарилган Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун ёрқин манзараси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Марказий Осиё халқлари цивилизацияси ва маданияти раванқининг юқори чўққиси ҳисобланган Темурийлар даври нафақат шу минтақа доирасида, балки умумжаҳон миқёсида ҳам ўзига хос юксак босқич бўлди. Унинг қудратли акс-садоси асрлар оша авлодлар қалби ва тафаккурини ҳамон нурлантириб келмоқда.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида шундай деган эди: «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак!»

Биринчи Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай дейилади “... буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритилганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.”

Амир Темур Туронзаминни мўғуллар истилоси асоратидан озод этди, мамлакат ва халқ дахлсизлигини, тинчлигини ва осойишталигини, ободлик ва фаровонликда ривожланишини тўлиқ ва ишончли кафолатлай оладиган марказлашган кудратли давлатни вужудга келтирди, унинг амру иродаси остида бу ерда ҳаёт ҳар тарафлама гуллаб-яшнади. Туронзамин Амир Темур даврида Буюк Ипак йўлининг қайноқ, гавжум, файзли-баракали гўшалардан бирига айланди.

Темурийлар маънавий маданияти тўғрисида гап борганда, даставвал, она юртимизда Уйғониш даврининг иккинчи босқичи бўлган бу олтин асрда илм-фаннинг нечоғлик раванқ топганлиги ҳамда унинг жаҳон илму урфони тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Бу даврнинг яна бир муҳим ютуғи – бу ижтимоий фанлар, хусусан, тарихшунослик соҳасида катта тадқиқотларнинг яратилганлигидир. Бу хайрли ишларнинг юзага чиқишида ҳам темурий ҳукмдорлар ташаббуси ва раҳнамолиги беқиёс бўлган. Жумладан, Амир Темурнинг «Тузуқлари», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Бобур Мирзонинг «Бобурнома»си ижтимоий фанлар ривожига айрича таъсир кўрсатганлиги шубҳасиздир. Темурийлар даврида салмоқли из қолдирган аллома олимлардан Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Яздийнинг «Зафарнома», Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ат-таворих», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ул-саъдайн» ва «Мажмаъ ул-бахрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ўрни ва икки азим дарёнинг қуйилиш жойи»), Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», Мирхонднинг етти жилдли «Равзат ул-сафо» («Поклик боғи»), Хондамирнинг «Макоримул ахлоқ» («Яхши фазилатлар»), «Хабибус сияр фи ахбору афодул башар» («Хабарлар ва башарият одамларидан дилга яқин сийратлари») асарлари ўша замон тарихшунослик илмининг юксак даражасини ўзида ифода этади. Уларнинг ҳар бирида нафақат у ёки бу ҳукмдорларнинг давлат сиёсати ёхуд ҳарбий юришлари ёхуд шахсиятларига оид маълумотлар акс этиб қолмай, шу билан бирга

ўша даврнинг барча мураккаб, зиддиятли жараёнлари, тарихий воқеалар, ҳодисалар силсиласи ҳам ишонарли тарзда ёритилганлиги аён бўлади.

XV асрда яшаган таниқли араб тарихнавислари, жумладан: Ибн Холдун, Ибн Дукмоқ, Ас-Суютий, Ал-Қалқашандий, Ас-Саҳовий, Баҳриддин ал-Айний, Ибн-Ийос, Ибн Тағриберди, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ал-Мақризий ва бошқалар ўз тарихий асарларида Амир Темурга, айниқса, унинг шахсига, Ироқ, Шомга қилган ҳарбий юришлари, дипломатик алоқалар ҳақида кўпдан-кўп қимматли маълумотларни келтирилган.

Темурийлар даври томоша санъатлари, байрамлари тўғрисида маълумотлар ва умумлашмалар кўплаб сақланиб қолган. Шу маънода Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақое”, Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Хасанхўжа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” каби асарлари қимматлидир. Айниқса, анъанавий театр, рақс ва цирк бўйича маълумотлар умумлашма фикрлар ва мўъжаз тадқиқотлар Алишер Навоийнинг бутун ижоди бўйлаб сочилган.

Амир Темурнинг марказлашган давлати кучайгани сари санъат ва маданият жабҳалари ҳам ривожланиб борди.

Самарқанд салтанатини ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, Амир Темур “Қайси бир мамлакатни забт этган ва бўйсундирган бўлса, уларнинг ҳаммасидаги одамларни Самарқанд ва унинг атрофидаги ерларга жойлаштирди. Шоҳ ҳар хил ҳунармадларни йиғишга, айниқса, кўп ҳаракат қилди”.

Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома” муқаддимасида Чингизхон билан Амир Темур ўртасидаги фарққа тўхталиб, шундай ёзади: “Чингизхон қайси шаҳар ва вилоятниким босиб олган бўлса, на ул жойдан асар қолди-ю, на улусидан хабар.... Ҳазрат соҳибқироннинг бахтиёр замонида фатҳ этилган жойларда эса, низочилар ва душманларнинг ихтиёридан бутунлай чиқди ва Аҳволи олдингидан ҳам анча яхшироқ ва ободроқ. Халқи эса тинч ва хурсанд бўлди...”

Темурийлар даврида хаттотлик, тасвирий санъат ва мусиқа маданияти ҳар қачонгидан ривож топди. Бу соҳада Мирали Табризий, Шайх Муҳаммад, Жунаид Наққош, Темурийлар даври хаттотлиги ва наққошлиги мактаби атоқли вакиллари: Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Мирали Қилқалам, Султон Муҳаммад Нур ва бошқаларнинг ижоди беназирдир. Масалан, насталиқ хатининг мислсиз устози, «Қиблат ул-куттаб» (Котиблар пешвоси) унвони соҳиби Султонали Машҳадий А.Навоий ва

Ҳ.Бойқаронинг кўплаб бебаҳо қўлёзмаларини китобот ҳолига келтиришда катта заҳмат чеккан. Бундан ташқари, Низомий, Фаридиддин Аттор, Хўжа Хофиз, Саъдий Шерозий, Ҳусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий сингари мумтоз адабиётимиз даҳоларининг кўплаб асарлари ҳам унинг бетиним саъй-ҳаракатлари билан кўчирилиб, авлодларга армуғон этилган.

Тасвирий санъатда, Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдулҳай, Шайх Туроний, Абдулла Ҳиравий, Устоз Гунг, Устоз Жаҳонгир номлари алоҳида кўзга ташланиб туради. Улар чизган ёрқин тасвирлар, портретлар, табиат манзаралари ёхуд жанг тафсилотлари ўзининг табиийлиги, тиниқлиги, оригиналлиги билан кишини ҳайратга солади.

Шундай қилиб, Амир Темур ва Темурийлар даври Ватанимиз халқларининг ҳаётий тақдирида, уларнинг ижтимоий тараққиётнинг юксак марраларига кўтарилиб бориши давомида ўчмас из қолдирган алоҳида бир тарихий босқич бўлди. Энг муҳими, бу давр Амир Темурдек буюк сиймони тарих майдонига чиқарди. Бу зоти шариф ва унинг авлодларининг мислсиз саъй-ҳаракатлари, бунёдкорлик фаолияти туфайли Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари улкан ўзгаришларга юз тутди. Мўғулларнинг бир ярим асрлик босқини ва зулмасоратидан бутунлай халос бўлган она юртимиз қудратли салтанат даражасига кўтарилди. Айни чоғда, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатлардан юксалиб, жаҳонга доврўғ таратди. Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятнинг юксак намуналари, дуру жавоҳирлари, мана, неча асрлардирки, жаҳон аҳлини ҳайратга солиб, миннатдор авлодлар ардоғида эъзозланиб келмоқда.

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРИХИ

*Ҳадияхон ВАЛИЕВА,
Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи илмий ходими*

Аннотация:

Мазкур мақолада Ўрта Осиёда XIX аср охири XX аср бошларида пиллачилик соҳасининг ривожланиши ва Марғилон шаҳрининг пиллачилик марказига айланиши ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар:

Циллюляръ, монополия, “Туркестанские” ведомости, Бертэ-Мандалак, беқасам, адрас, ипак курти.

Ипакчилик Ўрта Осиё аҳолисининг қадимдан шуғулланиб келган хўжалик тармоқларидан бири ҳисобланади. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигининг Наманган, Марғилон, Андижон уездларида истиқомат қилган аҳолининг кўпчилиги ипакчилик соҳаси билан машғул бўлганлар. Тарихий маълумотларга қараганда, асосан, маҳаллий манфаатларга хизмат қилган ипак маҳсулотларининг аксарият қисми 1868 йилдан Россияга олиб кетила бошланган. Ушбу сердаромад соҳага чор маъмурлари етарлича эътибор қаратмаганликлари сабабли, XIX асрнинг 80 йилларида ипак қуртлари орасида касаллик тарқалади. Натижада, маҳаллий ипак қурти навлари қирилиб кетган, ипакчилик саноати таназзулга юз тутган.

1867-1872 йиллар давомида Туркистонда фаолият кўрсатган етти та механик дастгоҳли пиллакашлик фабрикалари пилла нархининг қимматлиги туфайли ёпилган. Мана шу вақтда Фарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган Л.Пастер томонидан кашф этилган целлюляр уруғ тайёрлаш усули воситасида ишлаб чиқилган сифатли уруғлар Туркистонга Франция ва Италиядан келтирила бошлаган.

Маҳаллий ипак ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмини ташкил этган Фарғона водийсининг Янги Марғилон шаҳрида 1887 йилда очилган станция ипак қурти уруғини целлюляр усул билан чиқариш ва четдан олиб келинаётган уруғни текшириш учун хизмат қилган. 1891 йилда Фарғона водийсида ўз фаолиятини бошлаган ипак қурти уруғчилиги бўйича француз мутахассиси Алоизининг станциясида тайёрланган қурт уруғи етиштириб сотиш борасидаги монополияси ҳам узоқ давом этмади. Унга 1892 йилдан Бауер деган рақобатчи пайдо бўлди. Дастлаб Самарқанддаги ипак қурти уруғини етиштирувчи станция очган Бауер, кейинроқ, Фарғона водийсида ҳам фаолият юритган. Рақобат натижасида Фарғона водийсида қурт уруғларининг сифати яхшиланиб, нархи арзонлашган.

1901 йилда Фарғона вилоятидаги мавжуд хўжаликларининг 36 фоиздан кўпроғи ипак қурти боқиш билан шуғулланган, Фарғона водийсига қулай табиий шароит, тутзорлар барпо қилиш учун суғориладиган ерларнинг мавжудлиги, аҳолининг ўтроқ ҳолда яшаши ипак қурти боқиш ва қўл меҳнатига асосланган маҳаллий ипакчиликнинг ривожланиши кенг истеъмолдаги бозорларда ипак матолар: беқасам, адрас, шойи каби харидоргир маҳсулотлар кўпайишига олиб келди.

Ипак тўқиш ҳунари билан, асосан, шаҳар ҳамда шаҳар атрофидаги қишлоқ аҳолиси шуғулланган. Қўл кучи билан ишлатилади-

ган тўқув дастгоҳлари, одатда, ҳунарманднинг уйига ўрнатилган. Битта хонада икки ва ундан кўп тўқув дастгоҳлари бўлиб, уларда шойи, ярим ипакли матолар, атлас тўқилган. “Туркестанские” ведомости газетасининг 1871 йил 47-48 сонларида ёзилишича, “Россия Туркистон ўлкасини босиб олган пайтда бу ерда пиллачилик яхши ривожланган бўлиб, ҳар йили 100 минг пуд ипак тайёрланиб, унинг 20 минг пуди Россияга жўнатилар эди”.

1898 йилдан бошлаб Фарғона фодийсида хусусий қурт уруғи корхоналари очилган. Буларнинг энг йириклари Қўқондаги Бертэ-Мандалак ва Фарғонадаги Евтихидининг уруғчилик корхоналари эди. Ўзбекистон халқлари тарихи музейида 1898 йилда Қўқонда ипак қурти тухуми тайёрлайдиган корхона тузилганлиги хақидаги Мадалак номига берилган ҳужжат сақланмоқда.

1899 йилда Янги Марғилонда Евтихиди томонидан ташкил этилган уруғчилик корхонасида тайёрланган қурт уруғлари харидорғирлиги билан ажралиб турган. Ҳатто, эронлик пиллакорлар эътиборини тортган. 1900 йилда Евтихиди қурт уруғи намуналарини Эронга жўнатган, 1901 йилда эса уч минг қути қурт уруғини сотган.

Фарғона водийсида қурт уруғи етиштирувчилар кўпроқ фойда олишдан манфаатдор эдилар. Шу сабабдан, улар қурт уруғини хорижга сота бошлашган. 1913 йилда Қўқондаги корхона маҳсулотининг 60 фоиздан кўпроғи Шарқий Туркистоннинг Қашқар вилоятига, Фарғонадаги корхона эса, маҳсулотининг қарийб 20 фоизини Кавказга экспорт қилган. Биринчи жаҳон уруши ва, айниқса, Россиядаги фуқаролар уруши қурт уруғи етиштиришга ва пиллачиликка катта зарар етказди. Чегаралар ёпилиши Ўрта Осиёга ипак қурти тухумларини хорижий мамлакатлардан олиб келинишига барҳам берган.

Шунга қарамасдан, водийда хорижлик тадбиркорлар хусусий корхоналар ташкил этиб, ипак қурти уруғининг янги навларини олиб келишган. Лекин, Россия империяси биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришдан манфаатдор бўлганлиги сабабли, иқтисоднинг бошқа соҳаларига, жумладан, ипакчиликка ҳам путур етказилди.

Ҳозирги кунда ҳам ипакчиликка катта эътибор қаратилган. Наманган вилоятининг айрим туманларида ипак қурти боқиш ишлари давом этиб келмоқда. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Мустақиллик залида ҳам ипак қурти навлари намуналар кўргазмадан жой олган. Ипакларидан тўқилган атлас, адрас, шойилар халқимизнинг энг севимли матоларига айланган. Айниқса, ёш қизларимиз замон талабига мос келадиган адрас, атлас, шойи матоларидан турли кўринишдаги бежирим либослар кийишмоқда. Бу либослар қизлар кўркига кўрк қўшмоқда.

CHORTOQ TUMANI TARIXIGA BIR NAZAR

*Mashxura MURADOVA,
Namangan viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi ilmiy xodimi*

Ona-yurtimiz O‘zbekistonda mustaqillikning hayotbaxsh shabadasi baralla esib, necha o‘n yillar davomida kentik bo‘lib kelgan orzumand qablarga mag‘rurlik bag‘ishlamoqda. Istiqlol quyoshi o‘zining munavvar yog‘dusi bilan pokiza dillarimizni charog‘on etmoqda, armonlarimizning ushaliyiga, orzu-umid, ezgu tilaklarimizning ro‘yobga chiqishiga komil ishonch tug‘dirmoqda. Juda qisqa muddatda qadriyatlarimizni tiklash, e‘zozlash asriy boy ma‘naviyatimizni qaror toptirish yuzasidan amalga oshirilgan ko‘pdan-ko‘p chora tadbirlar shundan dalolatdir.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov to‘g‘ri ta‘kidlaganlaridek: “Ma‘naviyat o‘z xalqining tarixini, uning madaniyatini va vazifalarini chuqur bilish va tushunib yetishga suyangandagina qudratli kuchga aylanadi. Tarixga murojaat qilar ekamniz, u xalq xotirasi ekanligini nazarda tutishimiz kerak”[1]. Shu va shu kabi fikrlarga tayanib boy ma‘naviy qadriyatlarga va katta tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan Namangan viloyatining Chortoq tumani xaqida fikr yuritimiz.

“Ko‘hna va hamisha navqiron Chortoq tumani shimoldan Qirg‘iziston Respublikasi, janubda Namangan viloyatining Uychi va Namangan tumanlari, sharqdan Uychi tumani va Qirg‘iziston Respublikasi bilan chegaradosh, hududi 350 kv.km”[2]. Chortoq tumanining joylashish o‘rni va tabiiy iqlim sharoiti jihatidan qulay mintaqada joylashgan. Har qanday aholi yashayotgan joy tarixini o‘rganish jaroyonida shu manzilgohning rivojlanishi uchun tabiiy qulaylik va imkoniyatlarning qay darajada ekanligini hisobga olish zaruriy shartlardan biridir. Insonning hayot kechirishi uchun tabiiy qulaylik va imkoniyat shu manzilgohning yoshini belgilaydi. Inson yashashi uchun zarur sharoit mavjud ekan, shu yerda aholi o‘troqlashadi. Shuning uchun bu tuman tarixini o‘rganishdan avval, uni insonlar tomonidan tarixning qaysi bosqichida o‘zlashtirilganligini bilish katta ahamiyatga ega bo‘ladi.

Arxeologiya fani eng yirik shaharlar o‘tmishini, jahon tarixi ahamiyatiga molik joylashgan, turli sabablar ko‘ra ochilib qolgan manbalarni o‘rganish bilan band bo‘lib keldi. Tarix faniga hissa qo‘shishi mumkin bo‘lgan joylar arxeologiya tili bilan aytganda shurf solinib navbatga qo‘yildi. Chortoq tumani o‘z tarixining o‘rganilishini ana shunday kutib turgan makonlardan biri hisoblanadi. Chortoq o‘z navbatini kutib turibdi, deyilishiga ko‘pgina asoslar bor. Jumladan,

tumanda mavjud bo'lgan beshta arxeologik yodgorliklar, "tepalar" O'zbekiston FA Tarix instituti tomonidan o'rganish uchun ro'yxatga olingan. Bular : "Do'st tepa", "Mozor tepa", "Tobol tepa", "Oq yer tepa", "Uch tepa" tarixiy yodgorliklaridir.

1958-1970 yillar davomida Chortoq o'lkasi tarixini o'rganish ishlariga astoydil kirishildi. Tumandagi maktablarni tarix fani o'qituvchilarining sa'yi harakatlari bilan maxsus tarixiy yodgorliklarga tarixiy ekskursiyalar uyushtirildi. Buning natijasida tuman tarixiga, hayotiga, aholi turmush tarziga oid ko'plab buyumlar to'plandi. Bunday izlanish va sa'yi-harakatlar respublika Xalq ta'lim vazirligi tomonidan katta qiziqish bilan o'rganildi va keng ommalashtirildi.

O'zbekiston FA Tarix institutidagi mutaxassislar bilan birga Chortoq tumani hududidan topilgan arxeologik topilmalar: shisha idishlar, sopol parchalari o'rganilganida bu qadimiy buyumlar eramizdan avvalgi III-I asrlarga oidligi, ba'zi qadimiy tangalar esa Aleksandr Makedonskiy davrida muomalada bo'lganligi ma'lum bo'ldi.

1968-yili O'zbekiston SSR Markaziy ijroiya qo'mitasi tomonidan "Kolxoz va sovxozlar tarixini o'rganish haqida" qaror qabul qilinadi. Shu qaror asosida tumanlarda maxsus komissiya va tegishli markazlar tuzildi. Natijada respublikamizning hamma joylarida tumanlar tarixiga oid ko'plab tarixiy kitoblar yozildi. Shu yillarda respublika FA Tarix instituti o'rganilishi zarur deb hisoblangan hududlarda tarixiy ahamiyatga molik yodgorliklarni aniqlab, ro'yxatga olish ekspiditsiyalarini jo'natdi.

Ana shunday arxeologik izlanishlar tumanda Y. G'ulomov, A.N. Bemshtam, V.Sprijevskiy, R.X.Aminova kabi mashhur tarixchi olimlar tomonidan olib borilib yigirmaga yaqin yodgorliklar ro'yxatga kiritildi va davlat muhofazasiga olindi.

Shu kabi izlanishlar natijasida Chortoq tumanini tarixini o'rganishga dastlabki qadam tashlandi. Olimlarning aniqlashicha, Chortoq eng qadimgi aholi o'troqlashgan makonlardan biridir. Shuningdek 1898-yilda nashr etilgan "Qo'qon xonligi va uning atrofi" nomli asarda ham Chortoq eng qadimgi manzillar qatorida eslatilgan.

1967-yilda Chortoq tarixi muzeyi tashkil etildi[3]. Bu muzey o'zining juda katta samarasini berdi. Ulardan Chortoq tarixiga oid bir qator savollarga javob topildi. Ya'ni:

1. Chortoqdagi mavjud uchta tepalik eramizdan avvalgi IV-III asrlarda qo'l kuchi bilan mudofaa inshooti sifatida qurilganligi.

2. Topilgan tangalar o'rganilganda, ular Kushon imperiyasi, Aleksandr Makedonskiy imperiyasi va Mo'g'illar hukumronligi davrlariga oid ekanligi ma'lum bo'ldi.

3. Namangan viloyati madaniyati va tarixi davlat muzeyida saqlanayotgan ulovda suv olib yurish uchun mo'ljallangan ko'zaning, Shimoliy Farg'ona kanali qazilayotganda (1939-yil) Chortoq hududidan topilishi va uni eramizdan avvalgi IV-III asrlarda yasalgani, savdo yo'lining shu yaqin o'rtadan o'tganligini bildiradi.

4. 1953-yilda dala maydonida yer ishlarini bajarayotgan traktorchilar X.Karimov, G'. Inomiddinovlar topgan ikkita harsang toshning biri yerga, ikkinchisi esa teriga ishlov berish asbobi ekanligi mutaxassislar tomonidan aniqlandi.

Shu va shu kabi ko'plab boshqa dalillar asosida Chortoq tumani tarixini yoritib berishda juda ko'plab manbalarga ega bo'linmoqda.

Endi, Chortoq atamasini kelib chiqishi va u qanday ma'no ifodalashiga to'xtaladigan bo'lsak, bu nomning kelib chiqishi ilmiy jihatdan isbotlanmagan bo'lsa ham har holda yuqoridagi tarixiy, arxeologik ma'lumotlarga suyanib uni 2 ming yillik tarixga ega deyish mumkin. Bu atamaning kelib chiqishi haqida ikki xil qarash bor. Biri Chortoq, ikkinchisi Chortaxt. Bu atamalarning qaysi biri to'g'riligi hammani qiziqtirishi tabiiy. Ba'zi bir kishilar uni To'rt taxt (Chortaxt) deb ataydilar. Shuning uchun Chortoq tarixini o'rganish jarayonida bu toponimik atamaning qaysi biri to'g'riligini ham aniqlab olish zarur. Buning uchun ma'lum bir ma'lumotlarga suyanishimizga to'g'ri keladi.

Bir rivoyatda aytilishicha, "Qadim zamonda bir podshoh bo'lgan ekan. Uning aytgani-aytgan degani-degan ekan. Bir kuni sayohat qilib eng xushmanzara joyga borib qolibdi. Tabiati, havosi, suvlari, kishilari unga yoqib qolibdi. Shu yerda taxt qurdirmoqchi bo'libdi. Hamma oyoqqa turibdi. Qishloqning kunchiqar tomonida ikkita, kun botar tomonida ikkita tuproqdan tog' uydurib, ustiga to'rtta taxt qurdiribdi. Tepaliklar shunaqa hashamatli qurilgan ekanki, odam tagiga borib qarasa do'ppisi tushib ketar ekan. Taxtlar bitgach arzanda, tannoz qizlarini olib keltirib, to'rttovini to'rtta taxtga o'tqazib qo'yibdi. Ammo qizlar bir-birlari bilan bordi-keldi qila olmabdilar. Shunda otalariga:

- Biz opa-singillar bir-birimizni ko'raolmay qiynalmoqdamiz, bizga bir-birimiznikiga borib kelishimiz uchun yer osti va yer ustidan yo'l soldirib bering, deb iltijo qilishibdi. Podsho rozi bo'libdi. To'rt taxtni bir-biri bilan bog'lovchi yo'llar qurdiribdi. Joyning nomi esa shu davrdan boshlab Chortaxt, ya'ni, "to'rtta taxt" deb ataladigan bo'lib qoladi"[4].

Endi tarixiy-jug'rofiy manbalarga murojaat qilaylik.

Chortoqda haqiqatan ham to'rtta juda baland tepalarning bo'lganligi ma'lum. Lekin bu masalaning bir tomoni xolos. Yana savol tug'iladi. Xo'sh, bu tepaliklar taxt bo'lganmi? Agar shunday bo'lsa, Chortoq ular

uchun kichiklik qilmaganmi? Bu haqli savollar javovsiz qolmasligi lozim. Shuning uchun bu masalani quyidagicha yakunlaymiz. To‘rtta tepaning birortasi ham taxt bo‘lgan emas. Chunki Chortoq hududi nainki to‘rtta, balki bitta shohni ham taminlash darajasida bo‘lmagan. Ko‘pchilikni boshqa narsa xayratga soladi. Juda katta tuproq uyumidan iborat bo‘lgan bu tepalarni bunyod etish uchun ozmuncha kuch sarflanmagan. Boz ustiga, umuman texnikalarsiz, qo‘l kuchi bilan. Demak, ular balki zaruriyat tufayli qurilgan, albatta. Buning sababini o‘rganish, aniqlash isbotini topib oydinlashtirish kelgusidagi izlanishlarga bo‘g‘liq.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И. А. *Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули.* –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.71.
2. Ғозиев Х. Тошнўлатов К. *Чортоқ тумани тарихи.* Наманган. Университет, 1995. –Б. 8.
3. Ғозиев Х. Тошнўлатов К. *Чортоқ тумани тарихи.* Наманган. Университет, 1995. –Б. 18.
4. Мурадов М. Шайхова М. *Асотирлар ва ривоятлар. 1-китоб,* – Т.: Ёш гвардия, 1990. –Б. 69-70.

“БАЛИҚЛИ КЎЛ” ЗИЁРАТГОҲИ

Исломжон КАРИМОВ,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи, Тарих бўлими мудири

Ҳар бир халқнинг дунёдаги мавқеи, ўрнини кўрсатадиган ойнаси бу унинг алломалари ҳисобланади. Республикаимизнинг барча вилоятлари каби Наманган вилоятида ҳам кўплаб қадамжолар, зиёратгоҳларнинг мавжудлиги ҳудуддан ўз вақтида кўплаб йирик алломалар етишиб чиққанлигидан далолат беради.

Хусусан, Наманган вилоятининг Чортоқ тумани ҳам кўплаб алломаларга макон бўлганлигини ҳудудда жойлашган азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳлари мисолида кўришимиз мумкин. Чортоқ туманида “Балиқли кўл” зиёратгоҳи борлигини кўпчилик яхши билади ва Наманганга келганлар ўз ташрифлари чоғида, кўриб кетсам, дея таклиф бидирадилар.

2017 йил 7 июлдаги Президентимиз Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташрифлари мобайнида “Балиқли кўл” зиёратгоҳига ҳам ташриф буюриб, бу зиёратгоҳни буюк боболаримиз Мотрудий, ал-

Бухорий сингари шарқона миллий услубдаги меъморий ечимлар билан кўркам ва обод масканга айлантириш ишлари қандай кетаётганлиги билан танишиб, қурилиш юзасидан ўз тавсияларини берган эдилар.

2016-2019 йилларда Наманган вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Балиқли кўл” ва “Биби Наимаона” зиёратгоҳларида реконструкция ишлари олиб борилди. Ҳозирга келиб “Балиқли кўл” зиёратгоҳи асосида йирик мажмуа ташкил этилди. Мажмуа масжид, мақбара, музей, кутубхона, меҳмонхонани ўз ичига олади.

Сув ҳаёт манбаи, дейилгандек, бу масканни ҳам зилол сувлари ён-атрофга ҳаёт бағишлаб, кўклам гўшага айлантирган ва инсонларни бу чирой ўзига жалб этиб келган.

“Балиқли кўл”ни сув билан таъминлаб турувчи манба бу кўлни ташкил қилган сирли булоқлардир. Ана шу булоқлардан ҳар дақиқада 140 литрга яқин сув отилиб чиқади ва Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги сув омборига етиб келади.

Куюқ дарахтларнинг соя-салқинлиги кўнгилга ҳузур бағишловчи “Балиқли кўл” зиёратгоҳидаги булоқ суви нафақат чанқоқни босади, балки кучингизга куч кўшади, руҳингизни тетиклаштиради. Бу масканга тез-тез ташриф буюриб, ундан баҳра олган кўпни кўрган оқсоқолларнинг гапига қараганда, булоқдан бир пиёла зилол сув ичган одам минг бир дарддан фориғ бўлармиш.

Бу маскан анча катта майдонни эгаллайди, кўл атрофида соя салқинда манзарани томоша қилар экансиз, албатта, нигоҳингиз булоқнинг остида гала-гала бўлиб сузиб юрган балиқларга тушади. Бу балиқларнинг оқимдан чиқиб кетмаслиги ва ҳафтанинг ҳар жума кунлари йўқ бўлиб қолиши ажойиб мўъжизадир. Бунинг сабаби ҳамон сирлигича қолмоқда. Яна бир ғаройиб жихат шундаки, бу балиқлар кўпайиб ҳам, озайиб ҳам қолмайди. Шунга нисбат берилган ҳолда, қишлоқ номини “Балиқли кўл” деб номланган.

“Балиқли кўл” зиёратгоҳи тарихи Султон Увайс Қароний исмлари билан боғланади. Бу киши ҳақидаги ривоят ва маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Муҳаммад Ҳузарийнинг “Нур ул-яқин”, Собит ҳожи Маккийнинг “Сийрати Хотамин Наббийин” асарларида кўрсатилишича, 621 йилда Ямандаги Қаран қишлоғида Муродий қабиласининг чорвадор оиласида таваллуд топганлари аён бўлади. Фаридиддин Аттор маълумотларига кўра, тўлиқ исмлари Суҳайл ибн Омир Қаранийдир. Аттор унинг исмини Суҳайл Яманий – Увайс Қараний деб тариф беради.

Бир улуғ зотни кўрмасдан, ундан рухий таълим олган бузрукни Увайс (хокисор, камтар кимса) дейилади. Бу лақаб илк бора Пайғамбаримиз томонларидан мазкур зотга берилган эди. Бу ҳақда Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида батафсил тўхталиб ўтади.

У зотнинг “Султон” дейилишига сабаб авлиёлар султони, аьлоси бўлганлар. Чунки у зотни Пайғамбаримизнинг ўзлари “Тобеинлар яхшиси” деб зикр қилганлар.

Ривоятларга кўра, Увайснинг қалбига Муҳаммад Мустафо (с.а.в)нинг оташи тушади. Унда Расули акрамни зиёрат қилиш орзуси пайдо бўлади.

Шундан сўнг, Султон Увайс Мадинага боради, аммо Расули акрам билан, айрим сабабларга кўра, учрашолмайди. Увайс уйига келган куни туш кўради: унда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в): “Эй Увайс, мен билан учрашмай кетибсан-да, сен энди онангни туяга миндириб, Турон сари йўл ол. Ўша ерда Бўспи тоғи бор, унинг ёнбағирларида туя боқиш билан машғул бўл”, - дейдилар. Эрталаб кўрган тушини онасига айтиб, Пайғамбаримизни (с.а.в) кўра олмасам-да, у кишини айтганларига итоат айлайин, деб йўлга отланади. Кўп қийинчиликларни енгиб, кимсасиз саҳрога, кўкарган бир туп гиёҳ бўлмаган, томчи сув йўқ масканга етиб келишади.

Султон Увайснинг онаси йўл азобидан кўп ҳолдан тойгани боис, шу жойда Бўспи тоғи этакларида ҳаётдан кўз юмади. Кимсасиз саҳронинг иссиқ кунида Увайс онасининг жасадини ювиш учун сув топа олмайди. Шунда Аллоҳга: “Онам жасадини ювиш учун сув бергин!” - деб илтижо қилди. Аллоҳ буюради: “Ҳассангни ерга санч!”. Увайс қўлидаги ҳассасини ерга санчганида мўъжиза рўй бериб, қизиб турган тупроқдан сув отилиб чиқади. Онасининг шу булоқ сувида ювиб, жасадини булоқ тепасига қўяди. Бу қабр ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳозирда бу жойда Увайс Қаронийнинг оналари “Биби Наимаона” зиёратгоҳи жойлашган, аҳоли тилида “Сутли булоқ” деб ҳам номланади. Бу сувдан ичган киши, албатта, сутни таъмини туяди ва ҳар жума куни маълум муддатда худди булоқдан оппоқ сут отилиб чиқиб оқаётгандек кўринади. Шунга нисбат қилиб уни “Сутли булоқ” деб аташади.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ота-боболарнинг ривоятларига қараганда, Султон Увайс онасининг, ҳаттоки, қабрини ҳам ташлаб кетмаган. Шу маконда одамларнинг чорвасини боқиб, тирикчилик қилган. Кунлардан бирида онасининг қабридан икки чақиримча нарироқда, адирлар орасида дам олмоқчи бўлади.

Бироқ бу ерда на сув, на дарахтлар бор эди. Шу ҳолатда Аллоҳга илтижо қилиб, беш бармоғини ерга ургач, бу ердан сув отилиб чиқиб, қўлига, юзларига сачрайди. Тез орада бу жой аҳоли орасида муқаддас қадамжо сифатида машҳур бўлди ва, кейинчалик, ўзларининг васиятларига кўра шу ерга дафн этилади.

Увайс Қараний фақирона ҳаёт кечиради, турли илмларни чуқур ўрганиб, авлиёлар даражасига етади. Маълум бўлишича, манбаларда Увайс Қаранийнинг 12 боблик “Тазкирот ул-ҳарб” (“Ҳарбий санъат”) номли рисола ҳам ёзганлиги айtilган.

Увайс Қараний ҳақида ва унинг ҳақиқий қабри қаердалиги ҳақида ҳозир ҳам турли баҳслар мавжуд. Турли манбаларга кўра, Қаранийнинг қабрлари Суриянинг Сўфа, Сибон, Ракқа шаҳарларида, Туркия, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг Хоразм ҳамда Наманган вилоятларида мавжуд. Шунинг учун бу инсон ҳаёти ва амалига ҳавас қилса, ибрат олса арзийдиган аجدодларимиздандир. Увайс Қараний ҳақида гап кетганда “талаш бўлган авлиё” дея таъриф ҳам берилади.

Юрт, ватан тарихини билиш ва бу жойлардаги мавжуд авлиёлар қабрларини обод этиб, зиёратгоҳга айлантириш, шу маконни ўзида музейлар ташкил этиш ишлари ҳам истиқлолдан кейин йўлга қўйилди ва маънавий кадриятларни асраш, обод этиш анъанага айланди. Янги ташкил этилган мажмуа ҳар доим аҳоли билан гавжум. Мажмуани ўз ўрнида Наманган вилоятининг муҳим туризм марказларидан бирига айлантириш саъй-ҳаракатлари жадал давом этмоқда.

ХОРИЖДАГИ НОЁБ МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ

*Насиба ДЖЎРАЕВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи ходими*

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимиз илм-фани, маданияти ва санъатига қизиқиш жаҳон миқёсида кучайиб бормоқда. Хусусан, йилдан йилга хорижий мамлакатларда ўзбек адабиёти тарихининг тадқиқотчилари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Маълумки, аجدодларимиз битиб қолдирган кўпгина нодир асарлар турли сабабларга кўра дунёнинг турли тарафларига сочилиб кетган. Бундай аждодларимиз қаторига Шоҳ ва шоир Муҳаммад Шайбонийхонни ҳам мисол келтиришимиз мумкин. Шайбонийхоннинг ўз қўли билан ёзган “Девон”ининг ягона қўлёзмаси турли сабабларга кўра, Туркияга етиб борган. “Девон” котиблар

томонидан кўпайтирилмаганлиги ва омма орасида кенг тарқалмаганлиги туфайли тўрт аср давомида тарих қатларида номаълумлигича қолаётган эди.

Ўтган асрда улкан тарихчи ва сиёсат арбоби Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг шарофати билан Шайбоний “Девон”и дунё юзини кўрди. XX асрнинг 20-30 йилларида Истанбулда нашр этилган “Янги Туркистон” журналида профессор Тўғоннинг “Шайбонийхоннинг шеърлари” номли мақоласи эълон қилинди. Мақолада олим биринчи бўлиб Шайбонийхоннинг Истанбулдаги Тўпқопи саройи кутубхонасида “2436” инвентар рақами билан Усманий турк султонларидан Аҳмад III муҳри остида сақланаётган “Девон”и ҳақида хабар берган, унинг ҳаёти ва ижодига тўхталган ҳамда ўлими тафсилотларини ёритилган эди. Аҳмад Заки Валидий Тўғон турли манбаларга асосланиб тўплаган бу маълумотларни кенгайтириб, 1947 йилда нашр этилган «Бугунги турк эли. Туркистон ва яқин тарихи» китобида ҳам Шайбонийхон ҳақида кенг тўхталиб ўтган эди. Шундан сўнг М. Ф. Кўпрулу, К. Эраслон, М. Кафали каби қатор Усманий турк олимлари Шайбонийхон ижтимоий ва адабий фаолиятининг турли қирраларини ёритганлар. Хусусан, шу даврдан бошлаб Шайбонийхон ижодига турк олимлари орасида қизиқиш кучайди. Турк олимлари ташаббуси билан “Девон”дан айрим намуналар матбуотда чоп этилди ва унинг ижодини илмий тадқиқ қилиш бошланди. Умуман, Туркияда мумтоз адабиётимизга оид манбаларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш ва юксак нашрий савияда эълон қилиш борасида яхши анъаналар яратилган.

Истанбул университети адабиёт факультетининг турк тили ва адабиёти бўлимида Шайбоний ижоди юзасидан 1968 йилда Акбийик Ўзай, 1971 йилда Темур Хўжа ўғли докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Муҳаммад Шайбоний асарлари устида илмий тадқиқот ишлари олиб борган яна бир турк олими Я. Қорасўй эди. У шоир “Девон”ининг лотин имлосига ўгирилган нусхасини ўзининг “Шайбонийхон девони” номли докторлик диссертациясига илова сифатида киритди. Я.Қорасўй шоир “Девон”ини асосан тилшунослик нуқтаи назаридан текширади ва Шайбоний асарлари тилининг соддалиги, тарихий воқеаларнинг талқинига хос хусусиятлари билан ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутди, деб баҳо беради”. Олим Шайбоний ижодининг ўзига хос бир қиррасини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу шоир шеърларида жуғрофий, этник ва шахс номларининг тез-тез учрашидир. Лирик жанрдаги асарларда жой ва шахсни билдирувчи

махсус номларни Шайбоний даражасида кенг қўллаган бошқа бирор ижодкорни топиш қийин. Шунинг учун ҳам шайбонийшунос Я. Қорасўй унинг ижодини Туркистон тарихи ва жўғрофиясининг шеърӣ баёни деб баҳолаган. 1998 йилда Анқара матбуотида Я. Қорасўй Шайбоний ижодини ёритишга бағишлаган кўп йиллик илмий изланиш натижаларини монография тарзида эълон қилди. Олим Шайбоний ҳақида ислом илмлари ва тасаввуф назариясини яхши билган, эрон адабиётидан хабардор, гўзал санъатларни тушунадиган санъаткор руҳиятли бир инсондир, деган фикрни билдиради. Муҳаммад Шайбонийнинг ижодий кўлами фақат “Девон” таркибидаги асарлар билан чегараланмайди. Манбаларда шоирнинг бошқа асарлари ҳам мавжудлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади. Ҳасанхожа Нисорӣ “Музаққирӣ аҳбоб” тазкирасида Шайбонийнинг туркий тил қонун-қоидалари бўйича форс тилида китоб ёзганлиги ҳақида хабар беради”. Бироқ мазкур китоб ҳозирча топилган эмас.

Профессор Муҳаммад Фуод Кўпрулу Шайбонийхонни «оригинал ва самимий ижод намуналари, Навоӣ классикаси ёнида яссавийлик адабий анъаналари билан йўғрилган асарларини ҳисобга олганда, ўзбек адабиёти такомилга салмоқли ҳисса қўшган, ўз ўрнига эга бўлган сиймодир», деб таъкидлайди ва “Ислом энциклопедияси”га ёзган мақоласида Шайбонийнинг фикр илмига оид рисолаи хусусида сўз юритади. 1507 йили ёзилган бу асар Шайбонийхон ўзининг ўғли шахзода Темур Султонга аталган бўлиб, диний йўл-йўриқ ва қоидалардан ташкил топган.

Шарқшунос олим В. В. Бартолд архивини тавсиф этган Н.Н. Туманович маълумотида қараганда, М. Ф. Кўпрулу Шайбонийнинг мазкур асарини 916 (1510) йилда Машҳадда кўчирилган қўлёзма нусхасидан ёзиб олган ва у турк олимнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

Кейинги тадқиқотларда ҳам мазкур асар ҳақида кўп марта тўхталиб ўтилган. Заҳирӣддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асарининг Истанбул нашрини амалга оширган доктор Танжу Ўрал Сейҳан Шайбонийнинг ушбу насрий асарини «Рисолаи маориф» деб қайд этади ва унинг аниқ манзилни кўрсатади. Бу маълумотга кўра, асар Британия музейи кутубхонасида 12956 рақами билан сақланади, ҳижрий 916 йилда Машҳадда кўчирилган, 46 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар саҳифада 10 сатр битилган.

Шайбоний теран фалсафий фикрларни кенг ва батафсил баён қилишда мақбул шеърӣ жанрлардан бири бўлган қасида жанрига ҳам мурожаат этган. Бизга етиб келган бу асар фалсафий-таълимий

руҳдаги “Баҳр ул-худо” (“Ҳидоят денгизи”) деб номланган қасидадир. Ҳижрий 914 йилнинг муҳаррам ойида – милодий 1508 йил май ойининг 3-14 кунлари Бастом ва Домғон (Хуросон) шаҳарларида ёзилган 260 байтдан иборат мазкур қасиданинг ҳозирча ягона деб ҳисобланаётган кўлёзма нусхаси ҳам Британия музейи кутубхонасининг Шарқ кўлёмалари бўлимида Адд. 7914 й. рақами билан қайд этилган. У турк олими Карасой маълумотига кўра, арузнинг “фаилотун фаилотун фаилотун файлуи вазнида ёзилган” ва инглиз шарқшуноси доктор Чарлз Ръё томонидан тавсифи берилган йирик мажмуа таркибидан жой олган. Ғоят ноёб бу мажмуанинг микрофилми ва фотонусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Шайбоний шахсияти ва ижодий меросига Европа ва Америка олимлари ҳам қизиқиш билдиришади. 1982 йилда америкалик олим А. Бодроғлигети “Урал-Олтойшунослик халқаро журнали”да Шайбонийнинг “Баҳр ул-худо” қасидасини сўз боши, изоҳ ва луғат билан нашр эттирган. Ношир асарни ўрта аср Шарқида туркий тилда ёзилган энг узун қасида деб ҳисоблайди ва шоирнинг баъзи мавзуларда, айниқса, илм ҳақидаги фикрлари тарқоқ ҳолда берилганлигини назарда тутиб, қасидани кўчирган котиб унинг асл тузилишини ўзгартирган бўлиши мумкин, дейди. Олим асарнинг умумий услуби Саъдий услубига ўхшаб кетади, хусусан, қасиданинг Шайбоний насихатларидан иборат ўринлари “Гулистон”нинг бево-сита таъсирида юзага келган, деган фикрга келади. Шунингдек, А.Бодроғлигети мазкур нашрга ёзган сўз бошида Шайбонийнинг “Рисолаи маориф” асарини қайд этади ва бу асар ҳам “Девон”, “Баҳр ул-худо” каби шоирни етук билимдон, тақводор мусулмон, раият ва ислом дини ҳақида ғамхўрлик қилувчи инсон сифатида кўрсатади, дейди.

Шайбонийнинг маърифатпарварлиги хусусида сўз борганда унинг фаолиятини яхши ўрганган олим Ҳ. Вамберининг ушбу фикрлари эсга тушади: “...бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада қалам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикрининг тескариси ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини кўрсатмоқда... У маориф жиҳатидан олдинги Темур шахзодаларининг аксаридан паст эмас эди”.

Юртимиз илмий-адабий жамоатчилиги шоир “Девон”и хақида 1991 йилда хорижлик ўзбек олими Темур Хўжа ўғлининг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг “Ўзбеклар ва дунё” рукни остида Муҳаммад Шайбонийхон таваллудининг 540 йиллиги муносабати билан эълон қилинган “Турк саройидаги нодир асар” мақоласи орқали хабардор бўлди”. Мақолада профессор Аҳмад Заки Валидий Тўғон Шайбонийнинг ноёб “Девон”ини Тўпқоқи саройи кутубхонасидан топиб, 1927 йилда илм дунёсига дастлаб тухфа этганлиги эслатиб ўтилади. Темур Хўжа ўғли Шайбоний “Девон”ининг жаҳондаги ягона кўлёмаси Усманий турк подшоҳлари саройига қандай келиб тушганлиги маълум эмаслигини айтади. Мақолада шоир ижодидан намуналар ҳам ҳавола этилган. Мақола муаллифи, Саккокий, Гадоий, Навоийлар анъанасини давом эттирган Шайбоний шеърларидаги диққатни ўзига жалб қиладиган хусусият шоирнинг Туркистон юртига бўлган чексиз муҳаббатини ҳар доим тилга олиб турганидир, деб таъкидлайди.

Буларнинг барчаси Шайбоний фаолияти ва асарлари ҳар доим чет эллик тадқиқотчилар диққат-эътиборида бўлганлигини ва бу борада бир қанча жиддий ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади. Энг муҳими, хориждаги илмий-адабий жамоатчиликнинг Шайбоний ижодига муносабати, таъкид ва қайдлари бир-бирини тўлдирувчи муштарак нуқталарга эга.

ҚАДИМИЙ САҒАНАЛАР СИРЛАРИ

*Муҳаббат АТАБАЕВА,
Наманган вилояти тарихи ва
маданияти давлат музейи илмий ходими*

1989 йил ёзида Наманган вилоятининг Поп тумани худудига қарашли Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Мунчоқтепа деб аталган жойда Ўрта Осиёда кейинги йиллар давомида аниқланмаган энг ноёб топилма археологлар томонидан кашф этилди. Бу даврда Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Археология институтининг илмий ходими Боқижон Матбобоев бошчилигидаги бир гуруҳ археологлар ва Ахсикент–Наманган археологик экспедицияси ходимлари Наманган вилоятининг шимолий-ғарбий қисмида анча вақтдан бери археологик қидирув-тадқиқот ишларини олиб бормоқда эди. Бу гуруҳда илмий ходимлардан Абдулҳамид Анорбоев, Инқилоб Ахро-

ров, шунингдек, Наманган вилояти ўлкашунослик музейининг ходимларидан А. Рудзей, С.Шамсибоева, А. Ломакин кабилар ҳам бор эди.

Тарихий ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича ва археологик манбаларнинг тасдиқлашича, милодий V-VII асрларга келиб Поп, Ғовасой суғорма деҳқончилик ҳудудининг маркази сифатида янада ривожланади. Бироқ, ана шу шаҳар марказининг жуда оз қисмигина ҳозиргача сақланиб қолган. Шунга кўра, арки аъло ва ички шаҳарнинг қолган қисмлари маҳаллий халқ орасида Баландтепа деб аталади.

Ташки шаҳар (рабод) ҳудудида эса фақат некропол – шаҳар қабристонни сақланиб қолган бўлиб, уни Мунчоқтепа деб атайдилар. Бинобарин, маҳаллий аҳоли турли даврларда, ерни қазиб вақтларида ёки ёмғирдан кейин кўриниб қолган турли буюмлар, хусусан, мунчоқларга нисбат бериб, Мунчоқтепа деб атаганлар.

Мунчоқтепа аслида бир-бирига туташган тўртта тепалик бўлиб, уларнинг иккитаси Собик Совет даврининг сўнгги йилларида пахта майдонига айлантирилади. Қолган иккита қисми ҳам бутун сақланмаган, шикастланган бўлса-да, бой археологик материаллар бермоқда. Мунчоқтепа ёки Поп сағанаси деб номланган хазина ўчоғини топиш шундай рўй берди. 1989-йил май ойининг охирида Б. Матбобоев бошлиқ Наманган археология экспедициясининг Поп гуруҳи ходимлари шу тепаликнинг шимолида жойлашган иккинчи тепаликдаги V-VII асрларга оид қабристонни қўлга олишга эришди. Тасодифан, улар ташлама сувлар таъсирида пайдо бўлган ёнбағирдаги жарликда хом ғиштдан тикланган деворлар изига кўзлари тушиб қолади. Археологларда бу нарса катта қизиқиш уйғотди, албатта. Шундан сўнг бу тепаликда археологик қазилма ишлари бошланди.

Бир ҳафталик қазилма ишлари натижаларидан кейин бу ерда сағана топилди. Кўринган девор излари эса сағана пешайвонининг қолдиқлари бўлиб чиқди. Сағананиннг ўзи ер ости макони бўлиб, ўз вақтида ичида бемалол юрса бўладиган баландлиги 2 метр, майдони беш квадрат метрни ташкил қилган. Афсуски, қачонлардир сағана шифти қулаб, ичидаги нарсаларни босиб қолган. Синчков археологлар саъй-ҳаракатлари натижасида уч ҳафта давомида тупроқ уюмлари ичидан майдаланиб кетган одам суяк қолдиқлари, қурол-аслаҳа, зеби-зийнат парчаларини эҳтиёткорлик билан тозалаш, уларни қўлга киритдилар. Бу тепаликдаги манзара, қулаб кетган вайрона археологларни умидсизлантирмади, аксинча, янги кашфиётларга умид туғдирди.

Археологлар тез орада сағанага алоқаси бўлмаган бошқа қабрларга дуч келдилар. Дастлаб 0.5-0.7 метр чуқурликдаги биринчи қабр

очилганда III-V асрларга оид сопол буюмлар, иккинчиси очилганда эса VI-VIII асрларга доир бошқа хил буюмлар топилди. Иккинчи қабрда тўрт бурчакли махсус сопол идиш, археологлар тилида «остодон» деб аталадиган сопол буюм топилди. Бу сопол идиш – остадонга одам суяклари солиб дафн этилган. Биринчи қабрда одам суяги хум шаклидаги катта сопол қозонга солиб дафн этилгани маълум бўлди. Иккинчисидан эса бошқачароқ. Маълум бўлишича, бундай одат Фарғона водийсида зардуштийлик (оташпарастилик) дини вакиллари оид бўлиб эрамининг VII асрларидан бошлаб учрайди. Зардуштийлар урф-одатига кўра инсон ўлгач, унинг мурдаси махсус жойларга қўйилиб унинг гўшти йирткич қушларга ёки ҳайвонларга едирилган, сўнгра суяклар тозаланиб очиқ хавода ёмғир сувида ювилиб, кейин махсус идишларга – остадонларга солиниб дафн этилган. Бундай одат Фарғона водийсида қадимдан бўлмаган ва фақат VI-VIII асрларда яқка худолик – ислом дини кириб келгунгача давом этган.

Изланишлар давом этирилди. Сағанадан ғарброқда тепалик ичига қараб кетган бир-бирига ёнма-ён деворлар очилди. Девор туби тупроқдан тозалангач, чуқурликда йўлакча кўринди. Йўлак бўйлаб қазилма ишлари олиб борилди. Йўлак охирида бўшлиқ борлиги аниқланди. Қазилма натижасида даҳма ичига йўл очилди. Археологлар дастлаб ҳар-ҳил узунликдаги ялтироқ, жимжимадор нарсаларга дуч келишди. Археологлар қаршисидан бут-бутун, ҳеч қандай зарар кўрмаган ўнлаб тобутлар тахланиб ётганига кўзлари тушди. Бу қамишдан ясалган тобутлар бўлиб, тобутлар орасига сопол идишлар, тол новдалари ва қўғадан жимжимадор қилиб тўқилган ҳар хил саватлар эди.

Бир ярим минг йил муқаддам дафн этилган мурдаларни кимёгар-археолог Ш. Илҳомов бошчилигидаги ходимлар эҳтиёткорлик билан олиб чиқиш чоралари кўрилди. Ниҳоят мутахассислар гуруҳи бир ярим ой ишлаб сағанадан охириги тобутларни олиб чиқдилар.

Сағананда ҳаммаси бўлиб 47 та тобут қўйилган эди. Улар 5 қават устма-уст қилиб тахланган. Уларнинг 45 таси сараланган қамишлардан ясалган бўлиб, бу тобутларда ҳар хил ёшдаги эркаклар ва аёллар жасадининг қолдиқлари ётарди. Ана шу тобутлардан 22 тасинигина сақлаб қолишга муваффақ бўлинди холос. Қамиш тобутлар ҳар бир марҳумга мос қилиб ясалган. Қолган 2 таси узунчоқ сават бўлиб уларда янги туғилган чақалоқлар дафн қилинган. Тобутларни сақлаш даражаси ва ўлчамлари турли хил. Юқоридаги

тобутлар пастдагиларга қараганда яхши сақланган. Ҳар бир тобутга биттадан жасад қўйилган.

Мархумлар тобутларга уст-бошлари, қурол-яроғлари, зеб-зийнатлари ва асбоб-ускуналари билан бирга қўйилган. Булардан ташқари саватда озиқ-овқат, қўй ва ҳар хил паррандаларининг гўштлари ҳам қўйилган.

Топилмаларга қараб кулолчилик бу ерда яшаб ўтган аҳоли ҳаётида муҳим роль ўйнаганини сезиш мумкин. Буни янгидай сақланиб қолган 80 га яқин идиш товоқлар тасдиқлаб турибди. Улар кулолчилик чархида ва ёпма усулда ясалган бўлиб, баъзиларига жимжимадор қилиб гул солинган.

Топилмалар ичида ҳар хил катталиқдаги нақшли ёғоч идишлар, мураккаб камонлар, тарози паллари, ҳайвон суякларидан ясалган турли-туман қурол-аслаҳа дасталари, ўқ-ёй бўлаклари, жимжимадор нақш билан безатилган пичоқ дасталари мавжуд.

Археологларнинг фикрича, топилган сағаналар бой-бадавлат кишиларга тегишли бўлиб, уларнинг ҳар бирига 150-200 йил давомида мурдалар қўйиб борилган бўлиши мумкин. Сағаналарнинг пешайвонлари ҳам бўлиб, улар ҳам ғиштлар ёрдамида ўзига хос услубда қурилган. Унинг ички қисмида бу хилдаги бирор бир қурилиш материали ишлатилмаган. Гўзал, нафис ва бир-биридан чиройли ашёвий далиллар V-VII асрларда шаҳар аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти юксак даражада бўлганлигидан дарак бериши билан бирга, одам ўлгандан кейин ҳам нариги дунёда унинг руҳи абадий яшайди, деган тушунча абадий ҳукм сурганлигини ҳам билдиради. Шу боисдан ҳам мархумлар кийим-бошлари, зеб-зийнатлари ва бошқа ашёлари билан бирга қўмилган.

Мустақиллик йилларида тарихчи ва археолог олимлар томонидан Мунчоктепа ёдгорлигидан топилган асори-атиқалар ва қамиш тобутлар қайтадан ўрганиб чиқилди. Булар Фарғона халқларининг илк ўрта асрлар тарихини ёритилишига ёрдам берди. Мазкур топилмалар фарғоналикларнинг маданиятининг ўзига хослигидан ҳамда чуқур қадимий анъаналарига бойлигидан далолат беради.

Қамиш тобутлар ҳозирда Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланмоқда. Археолог ва кимёгар-археолог олимлар томонидан 2018 йилнинг март-апрел ойларида вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида қамиш тобутларни реставрация қилиш ишлари олиб борилди. Ҳозирда музейнинг Тарих бўлимида қамиш тобутлар кенг жамоатчиликка намойиш этиб келинмоқда.

II BO‘LIM. MUSTAQILLIK DAVRI TADQIQOTCHILAR NIGOHIDA

МУЗЕЙЛАРДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

*Иброҳимжон ЮСУПОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи директори*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada bugungi kunda muzeylarda joriy etilayotgan yangi texnologiyalar va ularning ahamiyati to‘grisida ma’lumot berilgan. Bundan tashqari bu loyihalar asosida O‘zbekistonda turizm salohiyatini yuksaltirish imkoniyati ochib berilgan.

Kalit so‘zlar:

Muzeyshunoslik, QR-kod, 3D, ekspozitsiya, ko‘rgazma, virtual muzey, sensor kiyosk, audiogid.

Annotation:

This article provides information about new technologies being introduced in museums today and their significance. In addition, on the basis of these projects, the possibility of increasing the tourism potential of Uzbekistan was revealed.

Keywords:

Museology, QR-code, 3D, exposition, exhibition, virtual Museum, touch kiosk, audio guide.

Музейларнинг инсоният тарихий ва маданий меросини асрашдаги ўрни беқиёс. Уларнинг тўпламларида тарих, маданият ва санъатнинг бебаҳо ёдгорликлари мавжуд. Музейлар ижтимоий хотиранинг ҳимоячиларидир, улар бизга ўтмишни ўрганиш, ҳозирги кун ҳақида ўйлаш ва келажакка ишонч билан қараш имконини беради. Музей коллекцияларининг улкан маданий салоҳияти таълим ва тарбия учун ҳам катта имкониятларга эга. Бугунги кунда музейлар нафақат маданий, балки маърифий маконга ҳам айланиб бормоқда.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг асрлар давомида бутун цивилизацияга, тараққиётга қўшган ҳиссаси музей экспозицияларида ўз аксини топди[1].

Мустақиллик йилларидан бошлаб музейлар соҳаси ривожланиш босқичига кирди. Музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги маърифат, таълим, тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир. Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг қиёфасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаган ҳолда замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўллари бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади[2].

Умуминсоний кадриятларнинг аҳамияти ортиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида дунё цивилизациясига асос бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни кенг оммага тарғиб қилиш долзарб масалага айланган. Музейларнинг ижтимоий-маданий қиммати, уларнинг жамият ва маданият ўртасидаги ўзаро таъсирини таъминлашдаги ўрнига катта эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан жаҳонда музейларни виртуаллаштириш амалиёти уларнинг коллекциялари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка онлайн тарзда етказиб беришнинг оммабоп ва тезкор шакли, музей маркетингининг янги, илғор усули сифатида жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Дунёнинг йирик тадқиқот марказларидан бири ҳисобланган музейларда, жумладан, ўзининг қадимий ва қимматбаҳо экспонатлари билан машҳур бўлган Метрополитен музейи, Смитсонов институти, Америка бадиий музейи қошидаги Люс номли Америка санъати маркази, Британия, Лувр, Эрмитаж ва бошқа музейларда экспонатларнинг информатив ва экспрессив хусусиятларини аниқлаш, махсус кодларини (QR-код) яратишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш, анъанавий абстрактликдан воз кечиб, аниқ мақсадли (таълим, коммуникацион, оилавий, кўнгилочар) аудиториялар учун комплекс экспозицион дастурларни ишлаб чиқиш, музейларни замонавий шахснинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи маданият институтига айлантириш масалалари тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, виртуал экспозицияларнинг дунё стандартларини ўрганиш ва жорий этиш, музейларнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги аҳамиятини очиб бериш, уларни виртуаллаштиришда тарих, санъатшунослик, педагогика,

психология ва техника соҳалари вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашнинг самарали механизмини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда музейлар жамиятнинг маънавий савиясини оширишга хизмат қилувчи ижтимоий-маданий институт сифатида алоҳида ўрин тутади. Зеро, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига халқимизнинг бой миллий маданий мероси ва тарихий ўтмишига ҳурмат ҳиссини сингдиришда музейларнинг роли ниҳоятда катта. Шу жиҳатдан “музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан “smart” – технологияларни (ахборот дўкончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказолар) жорий этиш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш”[3] бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифалар ўз навбатида илмий-назарий жиҳатдан музейшунослик ва музейлар тарихига доир тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этади.

Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истикболларига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида: жаҳоннинг йирик музейларини виртуаллаштириш тажрибаси, уларнинг шаклланиш (1930-1960 йй.) ва ривожланиш (2000-йиллар) босқичлари, электрон экспозицияларни яратишнинг жаҳон стандартлари ҳамда виртуал музейларнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида жамият ва маданиятнинг ўзаро таъсирини таъминловчи интерактив-коммунакацион функцияси борасида берилган тизимли маълумотлардан Ўзбекистон музейлар кенгаши томонидан бажарилган “Виртуал музей тизимини жорий қилиш” мавзусидаги лойиҳада фойданилган[4]. Олинган илмий натижалар Ўзбекистонда музейларни виртуаллаштириш муаммоларини аниқлаш, музейлар фаолиятида ахборот тизимини шакллантириш, экспонатларнинг махсус QR-кодларини ва 3D шакллари яратиш, Интернет тармоғига жойлаштириш орқали бой меросимизни Ўзбекистон халқига ва халқаро жамоатчилиikka кенг тарғиб қилишга назарий жиҳатдан асос бўлган; музей экспо-

натларини тарихий изчиллик, даврийлик, этнографик, ғоявий-эстетик ва ҳудудий жиҳатларига кўра ишлаб чиқилган саралаш мезонлари ҳамда уларнинг 3D ҳажмли шаклини яратиш учун тайёрланган тарихий маълумотлар базасидан Темурийлар тарихи давлат музейининг мобиль иловаси ва музейнинг 150 дан ортиқ экспонатлари учун махсус QRкодларини ва 2 та ноёб ашёнинг 3D ҳажмли шаклини яратишда фойдаланилган[5]. Ушбу янги технологияларнинг қўлланилиши халқимиз ва сайёҳларга қулайлик яратиш, тарихимизни кенг тарғиб қилиш, экспонатлар ҳақидаги кенгайтирилган маълумотларни қизиқарли тарзда тақдим этиш имкониятини яратди.

XXI аср музейлар учун инновациялар асри деб белгиланди. Сўнгги йиллар мобайнида музейшунослар томонидан оммавий аудиторияни жалб этишдаги кўплаб муҳим масалалар кўриб чиқилмоқда. Мазкур масалалар юзасидан музейни ташкил этувчи илмий ва кўнгилочар воситалар ҳақида, музейнинг атроф муҳити ва жамиятнинг ривожига қай даражада таъсир этиши ҳақида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда музейлар учун музей материалларини намойиш этишнинг янги усуллари татбиқ этилди, маданий-таълимий фаолиятнинг ноанъанавий дастурлари ишлаб чиқилди, махсус музей структуралари, қизиқарли туризм дастурлари яратилди.

XX аср охирида музейшуносликка кириб келган “виртуал музей” ибораси бугунги кунда замонавий музейшуносликнинг муҳим бир йўналишига айланди.

Виртуал музей (virtual – ҳудди мавжуд бўлгандек) – реал ҳаётда ёки глобал тармоқда мавжуд бўлган музей ҳақида маълумот[6]. Виртуал музей – бу электрон ташувчиларда интерфаол имкониятларни қўллайдиган, фойдаланувчига уч ўлчовли залларда ҳаракат қилиш, керакли экспонатлар ва маълумотлар билан танишишга имкон берадиган макон[7]. Виртуал музей феномени Интернет тармоғи ва ахборот технологиялари синтези туфайли юзага келди. Виртуал музейларни медиамаданиятнинг бир қисми, нашрнинг ўзига хос тури ҳамда инсоннинг атроф оламни англашини яхшилашга йўналтирилган коммуникациянинг янги кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин[8].

Музейларда экспонатларни виртуаллаштиришда махсус информацион қурилмалар муҳим аҳамият касб этади. Булардан “Элар Ортери P5000”, “ZBE Satellite”, “BookEye GS”, “Minolta

PS7000”, “Cruse” ҳамда “VIZERRA” 3D каби сканерларини келтириб ўтиш мумкин.

Бугунги ривожланган асрда “Музей ва томошабин” масаласини ҳал этишда замонавий музейшуносликда “Ақлли сервис” йўлга қўйила бошлади. Яъни музейларда аудиогида, сенсор киосоклар, интерфаол мониторлар, голограммалар жорий қилина бошланди.

Технологик базанинг турига қараб, аудиогида иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

- махсус қурилмаларга асосланган аудиогида;

- стандарт мобиль қурилмалар – смартфон, планшетлар (мобиль аудиогида) негизидаги аудиогида.

Кўпинча махсус қурилмалар негизидаги аудиогида ири музейларда учратиш мумкин, чунки бунда жиҳозларни сотиб олиш ва техник хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналарни ижарага бериш пунктларини ташкил қилиш, қувват олдириш ва таъмирлаш каби масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ сезиларли харажатлар музей зиммасига юклатилади. Музейларда аудиогида ташриф буюрувчилар учун кўрсатиладиган хизматлардан бири бўлиб, улар алоҳида ҳақ эвазига тақдим этилади. Оммалашиб бораётган мобиль аудиогида иринг ташриф буюрувчилар смартфонларига ўрнатилиши мумкинлиги музейдан сарф-харажат, ижара, техник хизмат кўрсатишни талаб қилмайди. Шу билан қаторда, музейдан ўз мобиль иловасини ишлаб чиқиш ва турли мобиль платформаларга мослаб мунтазам янгилаб бориш талаб этилади[9].

Сенсор киосоклар ва интерфаол мониторлар эса томошабинга керакли маълумотни хоҳишига кўра танлаш, кўргазмада фаол иштирок этиш, реал кўргазмада намоиш этилмаган ашёлар ва тарихий жараёнлар билан танишиш, музей оламида ўзини эстетик ва маънан эркин ҳис қила олиш имконини беради.

2012 йилда Самарқанд давлат музей кўриқхонаси ва унинг Самарқанддаги бўлими – Мирзо Улуғбек музейи билан Тошкент “СМИ-Азия” компанияси ҳамкорлигида музейнинг виртуал кўриши яратилди[10]. Лойиҳанинг яратилишида замонавий маданиятни ривожлантириш ва ўрганишга йўналтирилган ноижорат ташкилот “Дешт-и-Арт” лаборатория маркази, шунингдек, Хивос Фонди (Нидерландия) жуда катта ёрдам кўрсатган. Лойиҳа ўзбек, рус ва инглиз тилларида. Шунингдек таъкидлаб ўтиш жоизки, бу лойиҳа Ўзбекистоннинг биринчи 3D шаклидаги виртуал музейлари қаторига киритилди[11]. Лойиҳалаштирувчилар виртуал музей лойиҳасининг DVD дискларга ёзилган ҳолатини ўрта ва олий таълим

муассасаларига ҳам тақдим этишди. Бу, айнан, шу мавзу юзасидаги ўқув жараёнини янада қизиқарли ва кенг ёритиб берилишига хизмат қилади.

2019 йилда Марказий Осиёдаги илк Smart-музейнинг очилиши Ўзбекистонда музейшунослик соҳасида катта бурилиш ясади. Ушбу музей Самарқанддаги Амир Темур мақбарасида очилди. Музейга ташриф буюрувчилар замонавий интерактив воситалар ёрдамида экспонат ёки мақбара ҳақида қўшимча маълумот олиш имкониятига эга бўлади. Улар ёрдамида ўтмишга “саёҳат қилиш” ёки тарихий саҳналарни гавдалантириш мумкин. Музейдаги махсус белги мавжуд бўлган экспонатларга смартфонни яқинлаштириб, у ҳақидаги ҳикояни тинглаш мумкин. Шунингдек, тарихий муҳитга шўнғиш учун тарихий хроникалардан иборат видеолар яратилган. Зиёратчилар учун Амир Темур мажмуасининг интерфаол харитаси яратилиб, у оддий харитага нисбатан кўпроқ имкониятларга эга. Хусусан, смартфонни хаританинг маълум қисмларига қаратганда унинг экранда ёдгорликнинг 3D модели гавдаланади. Шундай қилиб, харита музей бўйлаб ажойиб саёҳатнинг бир қисмига айланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, музейларда янги фан-техника ютуқларидан фойдаланиш яъни музейларни виртуаллаштириш орқали бой меросимизни халққа ва хорижга кенг тарғиб қилиш имкониятлари яратилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон туризмнинг ривожланиши ва сайёҳлар оқими кўпайишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Исмоилова Ж. Замонавий музейшунослик асослари. – Т.: Тирон zamin ziyo, 2016. – Б. 4.*
2. *Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим//Ўзбекистон музейлари истоқболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сонли “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//lex.uz/docs/3882752.*
4. *Миралиева Ш.А. Виртуал музейлар яратишининг жаҳон тажрибаси ва ўзбекистонда уларнинг ривожланиши истиқболлари: Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. –Б. 9.*

5. Миралиева Ш.А. *Виртуал музейлар яратишининг жаҳон тажрибаси ва ўзбекистонда уларнинг ривожланиши истиқболлари: Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.* – Т., 2019. –Б. 9.

6. *Виртуальный музей [электронный ресурс]// Российская музейная энциклопедия. http://www.museum.ru/rme/sci_asp*

7. Василина Д.С. *Виртуальный музей как феномен современной культуры//Музей: память и проекты будущего. Международный журнал исследований культуры: «Эйдос». – Москва, 2016. – №3(24). – С. 97.*

8. Максимова Т.М. *Виртуальные музеи: аналитический обзор зарубежных публикаций // Вестник МГУ. – Москва, 2015 – №4 (66). – С.79.*

9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Аудуогуд>.

10. www.ulugbekobservatory.parusinfo.com

11. Миралиева Ш.А. *Виртуал музейлар яратишининг жаҳон тажрибаси ва ўзбекистонда уларнинг ривожланиши истиқболлари: Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.* – Т., 2019. –Б. 19.

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ 100 ЁШДА

***Музаффар КАРИМОВ,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат
музейи директор ўринбосари***

Ватанимиз истиқлолга эришган илк кундан бошлаб миллий маданиятимизни кадрият ва анъаналаримизни янада ривожлантиришга, йиллар давомида сақланиб келинаётган асори-атиқаларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодга безавол етказишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида табиълашнинг асосий воситачиларидан бири музейлар фаолиятига оид 2019 йилгача Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари сингари кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Наманган вилоятида 1920 йилда ташкил этилган Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳам маънавий-маърифий

муассаса бўлиш билан бирга аждодлар меросини сақлайдиган, авлодларга кўрсатиб фахр ифтихор туйғуларини шакллантирувчи кўзгудир.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи бугунги кунда қарийб 100 йиллик тарихга эга. Музей дастлаб, 1918 йил 19 апрелдаги Туркистон Республикаси Халқ комиссарлари советининг декрети ва Наманган шаҳридаги 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Владимир Иванович Иванов ташаббуси билан 1-мактаб биносида ташкил этилади.

Владимир Иванов 1919 йили халқ таълими нозирлигига ёзган хатида ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида Наманган шаҳрининг мактабларидаги барча физика ўқув асбобларини бир жойга жамлаш ва ягона физика лаборатория хонасини ташкил этишни таклиф қилган.

Бу таклиф эса халқ таълими нозирлиги томонидан маъқулланди, ва маҳаллий ташкилот Туркистон оқсоқоллари кенгашининг қарорига асосан Наманган шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида физика музей кабинетини ишга тушди.

Туркистон оқсоқоллари Кенгаши қарорига кўра Наманган шаҳрининг марказидаги савдогар Ҳамдам Қаландаров дўкони биноси 1920 йилда музей учун ажратиб берилди.

1920 йилдан бошлаб халқ таълими бўлими янги ташкил этилган музейни моддий техника базасини мустаҳкамлашга эътиборини кучайтириб, экспонатлар сотиб олиш учун маблағ ажратди. Республикадаги кекса маънавий-маърифий муассаса бўлган музей мазкур бинода 1988 йилга қадар фаолият юритди.

Музей ташкил бўлган дастлабки йилларда жамғарма фонди, бўлим ва экспозицияларни очиш учун етарли экспонатлар йўқ эди.

1922 йилга келиб музей экспонатлари сони 900 тага етди. Тарихий асори атиқаларни тўплашда шаҳар аҳолиси қўлдан келганча ўз ёрдами кўрсатди. 1923 йилга келиб музейда зоология, минерология, анатомия, нумизматика, ўқув куроллари бўлимлари фаолият юритди.

Асосан экспонатлар геология, минерология ва зоологияга соҳаларига тегишли эди.

1920-1927 йилларда В.И.Иванов музейни мудирини сифатида фаолият юритди.

1938 йилда музей кўргазма залларини қайта жиҳозлаш мақсадида вақтинчалик ёпилди. 1939 йилда табиат, тарих, социализм қурилиши бўлимлари ташкил этилиб, жиҳозлаш ишлари тугагач, яна

Ўз ишини давом эттирди. 1940 йилга келиб эса экспонатлар сони 10000 тани ташкил этди. Унда ўлкамиз табиатига, тарихий ёдгорликларига, меъморчилик, амалий санъат, тиббиёт, маданий ҳаётни акс эттирувчи экспонатлар жамланди. Музейга ташриф буюрувчилар сони 23000 кишини ташкил этди. 1941 йил 2-жаҳон уруши бўлаётганлиги сабабли 1943 йилга қадар музей ўз фаолиятини вақтинча тўхтатди. 1943 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Олий Советининг Наманган вилоятини ташкил этиш бўйича ташкилий кўмитаси томонидан Наманган вилоят ўлкашунослик музейини қайта очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1945 йилдан вилоят ўлкани ўрганиш музейи 4 та бўлимга эга бўлган ҳолда қайтадан иш бошлади.

Бу даврларда музей илмий муассаса мақомида:

- ўлка табиати ва тарихини ўрганиш;
- табиат ҳақидаги илмий билимларни тарғиб этиш;
- ўлка табиий ресурслари намуналарини йиғиш ва тарғиб этиш;
- вилоят аҳлини Ватанга меҳр ва муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларида кўмаклашиш каби фаолият турларини олиб борилди.

1970 йилдан бошлаб музей илмий ходимлари этнографик маълумотлар ҳамда экспонатлар йиғиш ишларини кенгайтиришди. Натижада жуда кўплаб этнографик материаллар ва 2-жаҳон уруши фронтида қаҳрамонлик кўрсатган инсонлар тўғрисида маълумотлар жамланди.

1988 йил 22 апрелда Наманган шаҳрининг Нодим Номонгоний кўчасида музей учун махсус лойиҳа асосида 3 қаватдан иборат кўркем бино барпо этилиб, шу йилдан бошлаб музей янги бинода фаолият юрита бошлади.

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи учун янги бино қурилишида бир қатор раҳбар ходимларнинг хизматлари катта бўлди. Жумладан, вилоят партия комитетининг 1-котиби вилоят ижроия комитетининг раиси Ботирали Ҳакимов, вилоят маданият бошқармаси бошлиқлари Умархон Иминов, Ҳафиза Аҳмедова, Саноат Зияеваларнинг сайи ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ходимларнинг жонбозликлари ва самрали меҳнатлари натижасида музей 1998 йилда 1-тоифали музейлар қаторига кирди. Шу йилда 2-қаватда табиат бўлимини жиҳозлаш ишлари бошланди. Вилоят рассомлар уюшмасининг Тўра Ашуров бошчилигидаги мусаввирлар гуруҳи вилоят табиатини очиб бериш учун ажратилган кўرғазма залларини ўзгача бир кўринишда вилоятимизнинг табиати,

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси намуналари ва турли мавзуларга оид диораммалар ташкил этилди.

Ташкилотни тараққиётида раҳбар юритган бошқарув катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Иброҳимжон Юнусович Юсупов 2004 йил августидан Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейига директор бўлиб тайинланди. Шу кундан бошлаб музейнинг илмий салоҳиятида тубдан ўзгаришлар ясалди, музей тараққиётида ривожланиш босқичига кўтарилди. Жумладан, 2004-2019 йилларда археология, этнография, адабиёт, Мустақиллик йилларида Наманган экспозициялари замон талаблари руҳида янги экспозицион режалар асосида қайта жиҳозланди ва зиёратчиларга ҳавола этилди. Бу ишларни амалга оширишда Э.Мирзаалиев, М.Каримов, Э.Қорабоев, Л.Аҳмадалиева, Н.Мўминова, Р.Пўлатовалар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

2005-2019 йиллар оралиғида Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришгани ҳисобга олиниб Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан жами 680 млн сўмлик замонавий витриналар бепул тақдим этилди.

Ҳозирги кунда Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида хазина, тарих, табиат, адабиёт, санъат, мустақиллик, маънавият, хотира ва кадрлаш бўлимларида фаолият юритмоқда.

Наманган вилоят ҳокимининг 2012 йил 15 июндаги 220-сонли қарори асосида Косонсой туман тарихи музейи Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейига филиал сифатида бириктирилди.

Музейнинг Косонсой туман филиалида ҳозирда 5000 га яқин экспонат мавжуд бўлиб, археология, этнография, тарих ва мустақиллик бўлимлари фаолият юритмоқда.

2017 йил 11 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 975-сонли қарори асосида Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи олий тоифали музейлар қаторидан ўрин олди. Шу даврга келиб экспонатлар сони 100 мингдан ошиқни ташкил қилди.

Музейда илмий тадқиқотлар мунтазам йўлга қўйилиши натижасида илмий ходимлар томонидан илмий мақолалар, рисола ва монографиялар тайёрлаш бугунги кунда самарали бажарилиб келинмоқда.

Жумладан, Э.Мирзаалиевнинг “Тарих–маънавият кўзгуси”, И.Юсупов, Э.Мирзаалиевларнинг “Наманган вилояти меъморий

обидалар сирлари”, И.Юсупов, Э.Мирзаалиев, Р.Умматовларнинг “Ахсикент”, Э.Мирзаалиев томонидан тайёрланган “Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун”, И.Юсупов, Э.Мирзаалиевларнинг “Наманган шаҳар тарихидан лавҳалар”, Л.Аҳмадалиева, Э.Қорабоевлар музей архивидаги манбаалар асосида “Қатағонлик наманганликлар тақдирида”, Г.Валиева, Н.Хошимовалар ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб “Тарихни ўқилмаган саҳифаларига бир назар”, И.Каримовнинг “Наманган вилояти археологик ёдгорликларининг қисқача тавсифи” номли рисола ва монографиялари эълон қилинди.

Бундан ташқари, Республика ва вилоятдаги вақтли нашрлар: газета ва журналларда илмий ходимлар музей фаолияти, вилоят тарихи ва музейдаги мавжуд ноёб экспонатлар ҳақида илмий тадқиқот материаллари билан фаол иштирок этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августда “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3920-сонли қарори ижросини таъминлаш учун музей 2019 йилда ташриф буюрувчилар ва сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида музей экспонатлари ҳақида маълумот берувчи инфокёск ва учта тилда маълумот берувчи аудиогидлар билан жиҳозланди.

2020 йил май ойида музейнинг 100 йиллиги кенг жамоатчилик ҳамкорлигида нишонланиши муносабати билан Наманган вилоят ҳокимлиги томонидан музей залларини жорий таъмирлаш ва экспозицияларни замон руҳида янгилаш мақсадида 1 млрд 800 млн сўм маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 975-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг олтинчи бандида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан 2019 йил 27 апрелда Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида жойлашган “Сулаймон ТОО” миллий-тарихий археология музей мажмуаси билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик юзасидан меморандум имзоланди. Меморандумда музейлар ўртасида тажриба алмашилиши ва

биргаликда кўчма кўрғазмалар ташкиллаштириш юзасидан келишувларга эришилди. Мазкур меморандумга белгилаб кўйилганидек 2019 йил май ойида “Сулаймон ТОО” миллий-тарихий археология музей мажмуаси томонидан Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида кўчма кўрғазма ташкил этилди.

Ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ҳамда қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий ҳол. Бу борада эса музейларнинг ўрни бекиёс. Хусуан, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи 2018-2019 йиллар мобайнида ёш авлодни аждодларимиз қолдирган моддий ва маънавий мерос билан фахрланишга ўргатиш, миллий ғурурни юксалтириш, буюк анъаналарни давомчиси сифатида тарбиялаш мақсадида 210 минг ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсаиди. Шу билан биргаликда Наманган вилояти ҳокимлиги тадбирлар режаси асосида вилоятнинг чекка худудларида кўчма кўрғазмалар ташкил этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан музейлар соҳасига берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ мазкур соҳа ривожини учун кўплаб ишлар амалга оширилди. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб янги музейлар ёш авлодга тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эгаллигини сингдирган ҳолда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, дунёқарашини бойитиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ ЯНГИ ДАВР

*Исломжон КАРИМОВ,
Наманган вилоят тарих ва маданияти
давлат музейи тарих бўлими мудири*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Юртбошимиз ва ҳукуматимиз раҳбарлигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислохотлар жадал суратларда амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар нафақат иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда балки ижтимоий – маданий соҳада ҳам ўз аксини топмоқда. Бу албатта барчамизни ҳурсанд қилмай қолмайди ва сизу бизни янада куч – ғайрат билан ишлашга, меҳнат қилишга ундайди.

Барчамизга маълумки юртбошимизнинг бевосита раҳбарликларида бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, маданий мерос объектларини асраб авайлаш, айниқса давлат музейлари ва музей-қўриқхоналар фаолиятини ҳам маънавий ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6000-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК–4730-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикасида музей ва театрларнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Маданият ва санъатнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган бу меъёрий ҳужжатларда Республикамизда фаолият юритаётган музейларни янада ривожлантириш борасидаги долзарб ислоҳотлар, бирорта ҳам музейшунос мутахассисларни бефарқ қолдирмади десак муболаға бўлмайди.

Ушбу фармон ва қарорларда маданият соҳаси хусусан, музейлар соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва бажарилиши керак бўлган ишлаб белгилаб берилди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда кишилик жамияти жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Айниқса илм – фан ривожланиши, ҳаётимизга янгидан янги инфор­мацион технологияларни кириб келиши барчамизни ўз фаолиятимиз жараёнида улардан фойдаланиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Бу эса барчамизни доимо доимий равишда изланишда бўлишимиз ўзимизнинг касбий маҳоратимизни ошириб боришни тақозо этади.

ЮНЕСКО ва Халқаро Музейлар Кенгаши томонидан бутун дунёда бугунги пандемия давридаги музейлар фаолияти жуда ачинарли натижа бермоқда, ҳисоб китобларга кўра дунёдаги ҳар саккизта музейдан биттаси ёки 13 % музейлар бутунлай ўз фаолиятини тўхтатиш арафасида.

Шундан келиб чиқиб юқоридаги қарор ва фармонлар асосида музейшунослик соҳасининг кейинги йиллардаги фаолияти ва бу соҳани ривожлантириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Хусусан, қуйидагилар белгилаб берилди.

Биринчидан – 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб ҳар ойнинг биринчи якшанбаси музейларда “Очиқ эшиклар куни” бўлиши ва ҳар бир туман ва шаҳар марказларида ўлкашунослик музейларини ташкил этиш белгилаб берилди. Бу албатта ёш авлодни ўтмиш аجدодларимиз меросига ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялашда албатта музейлар ва уларда сақланаётган ашёларнинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёслигини кўрсатишда асосий омиллардан бири бўла олади.

Иккинчидан – Ўзбекистон давлат санъат музейига — санъат соҳасидаги, Ўзбекистон тарихи давлат музейига — маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш вазифаси юклатилди. Бу ўз ўрнида музейларда илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ва музейлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка катта йўл очиб беради.

Учинчидан – Маданият вазирлиги ва алоқадор ташкилотлар раҳбарлигида чет эл тажрибаларини ўрганиш, ривожланган, дунё рейтингда юқори ўринларда турувчи музейлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш ва уларни ютуқларини мамлакатимиздаги музейлар, музей қўриқхоналарда жорий этиш вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, музейлар, музей қўриқхоналар фаолиятини мамлакатимиз ва Халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, бунда турли услубларни фойдаланиш жуда катта самара бериши табиий.

Тўртинчидан – ҳар бир туман ва шаҳарларда тарих ва маданият давлат музейлари сифатида ўлкашунослик музейларини ташкил этиш белгиланди. Бу эса чекка ҳудудлардаги аҳолимизни ҳам миллий қадриятларимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз билан таништиришда жуда катта қулайликлар яратади деб ишонамиз чунки ёш авлодни ўтмиш аجدодларимиз меросига ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялашда албатта музейлар ва уларда сақланаётган ашёларнинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Музейлар тўғрисидаги бу қарор ва фармон узоқ кутилган ҳаракат бўлди десак муболаға бўлмайди.

Мазкур қарор ва фармоннинг имзоланиши Президентимизнинг маданият, маърифат, музей ва театр соҳасига бўлган эътибори ва ғамхўрликлари бўлди десак хато қилмаган бўламиз. Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида бугунги ёшларимиз маданиятли, маърифатли, ҳар томонлама етук билимли бўлишлари, аждодларимизга муносиб авлод бўлишларини кўп таъкидлаб келадилар. Албатта мазкур фармон ҳам

юртимиз ёш авлодини китоб мутолаа қилиш, ўрни келганда ота-боболаримиз томонидан қолдирилган маданият, маънавий ўчоғи бўлган музейлардаги тарихий ва қимматли асори атиқаларни кўришга интилишларини орттиради албатта. Биз музей соҳаси ходимлари зиммасига ушбу Фармон жуда кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиш билан бирга зиммамизга ҳам улкан масъулият юклайди.

Хулоса қилиб айтганда ёш авлодни комил инсон бўлиб етишиши учун аждодларимизнинг бизга қолдирган анъанавий ва ноанъанавий бой маданий меросларини уларга кўрсата олиш ва уларнинг моҳиятини очиб бериш бизнинг музей соҳаси ходимлари олдида турган асосий вазифаларимиздан биридир.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ МУЗЕЙ- ЛАБОРАТОРИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ (ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ)

Б.Б.Болтаев,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада Бухоро вилоятидаги олий даргоҳ Бухоро давлат университети ҳузуридаги музей-лабораториясининг ташкил топиш тарихи ва унинг фаолияти очиб берилган. Бундан ташқари ҳозирги кеча-кундузда юртимизда музей соҳасини қуллаб - қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги олиб борилаётган ишлар кўлами батафсил ёритилган.

Калит сўзлар:

Музейшунослик, Халқаро музейлар, генофонд, экспонат, мультимедиа, аудиоғид, виртуал музей, интерпретацион, коммуникацион, аттрактив, аутентичность.

Annotation:

This article describes the history of the museum-laboratory at Bukhara State University and its activities. In addition, the scope of work carried out in our country to support and develop the museum sector is described in detail.

Keywords:

Museum Studies, International Museums, Gene Fund, Exhibit, Multimedia, Audio Guide, Virtual Museum, Interpretive, Communication, Attractive, Authenticity.

Мустақилликнинг илк кунлариданок, юртимиз тарихини, кўп йиллик меросини ўзида мужассам этган музейларни ташкил этиш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда янги-янги музейларнинг ташкил этилиши, пойтахтдаги энг йирик ва нуфузли теурийлар даври тарихи, “Қатағон қурбонлари” хотираси, мамлакатимиз жанубида жойлашган Термиз шаҳридаги “Археология” музейининг очилиши ҳукуматимиз томонидан музей ва музейшунослик соҳасида ниҳоятда катта ишларнинг амалга оширилишидир. Янги музейларнинг ташкил этилиши билан бир қаторда шу вақтгача ҳам фаолият кўрсатиб турган барча катта-кичик музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш, миллий истиқлол руҳида қайта ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

1977 йилдан буён дунёда анъанавий тарзда 18 май-Халқаро музейлар куни сифатида нишонланиб келмоқда. Мустақиллик йилларида тарихий меросимизни ўзида сақловчи муассаса ҳисобланган музейлар ривожига алоҳида эътибор қаратилди.

Музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги илм-маърифат, таълим-тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир. Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг қиёфасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаган ҳолда замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўлларини бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади[1].

Замонавий музей ишини такомиллаштиришнинг энг асосий омилларидан бири бу – кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда махсус дастур яратилиши ёки сотиб олинишидан иборатдир. Музей ходимлари ҳар ерда ва ҳар доим миллат ҳамда мамлакатнинг генофонди бўлмиш музейларнинг улкан имкониятларини очиб бера олиши лозим[2].

Музейлар нуфузини ошириш, уларни замонавий талаблар доирасида жиҳозлаш, томошабинларни жалб қилиш учун янги усулларни ташкил этиш, илгари намойиш этиш имкони бўлмаган музей фондларидаги буюмларни ҳам намойиш этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Юқори технологияларни, экспозицияларни намойиш этишдан ташқари, ёш авлодни маънан етук, баркамол, ватанпарвар, миллий, тарихий анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни беқиёс. Музей нафақат мозий

мактаби, балки тарбия ўчоғи, маданий-маърифий маскандир. Ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда бошқа тарғибот воситалари қатори музейларнинг ҳам ўз ўрни ва вазифаси бор. Музейлар ишини такомиллаштириш жараёнига мустақилликнинг дастлабки даврларидан қўл урилди. Бу хайрли ишларнинг натижаси ўлароқ, музейлар ишини қайта ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисида ҳукумат қарорлари қабул қилинди. “Музейлар куни”, “Музейлар ҳафталиги”, “Очиқ эшиклар куни” каби тадбирлар мамлакатимизда мунтазам ўтказилиб келинмоқдаки, улар чинакам маънода оммавий байрамга айланиб улгурди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ давлат музейлари фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, музейга ташриф буюрувчиларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Ушбу маълумотларнинг ўзиёқ музейларга бўлган эътибор масъулиятини янада оширади ва зиммамизга янги вазифаларни юклайди. Таълим тизими ва музейларнинг ўзаро алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва ривожлантириш ижобий самара гаровидир.

Республикамизнинг кўпгина олий ўқув даргоҳлари бугунги кунда ўз илмий-амалий музей-лабораториясига эга. Музей дарсларини ташкил қилиш ёки айрим дарсларни тўғридан-тўғри музейларда ўтиш амалиётини жорий қилиш ва оммалаштириш долзарб масалалардан бирига айланиши керак. Бу нарса биринчидан, музей ишининг янги қирраларини очишга, иккинчидан, таълимнинг ноанъанавий усуллариини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда музейларга бўлган юксак эътибор доирасида Бухоро давлат университетининг (кейинги ўринларда-БухДУ) 85 йиллиги муносабати билан Илмий-амалий музей-лаборатория ташкил этилган эди. Бундан мақсад фақат мозийга назар солиш эмас, балки музей экспонатлари орқали ушбу таълим даргоҳининг босиб ўтган йўли, таълим тизимининг динамик ривожланиши, таълимдаги анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиги, келажакка нигоҳ, соҳада ечимини кутаётган муаммоларни кўрсатишдан иборат. Экспонатларни тўплаш сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш каби музей ишининг асосий принципларига амал қилган ва жаҳон музейшунослиги тажрибасига суянган ҳолда ишни ташкил қилиш университет музейи ва унинг жамоаси олдида турган бош вазифадир. БухДУ ҳузуридаги Илмий-амалий музей-лабораториясининг музейларни ривожлантириш бўйича эълон қилинаётган давлат инновацион лойиҳаларида мунтазам қатнашиб бориши таъминлаб келинмоқда.

Мамлакатимизда давлат музейларидан ташқари, маҳаллий мазмунга эга бўлган ташкилот, корхона, муассаса, мактаб, мемориал, уй музейлари ҳам мавжуд. Бухоро вилоятида ҳам шу хилдаги музейлар катор йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида бундай музейларнинг сони янада ортди. Айтиш мумкинки, Бухорода неча йиллардан бери намунали давом этиб келаётган музей ишининг тарихий – маърифий анъаналари Бухоро давлат университетининг янги ташкил этилган музей-лабораториясида ҳам ўз ифодасини топган.

Умуман, университетда ташкил этилган музей – экспозициялар ичида ушбу Илмий-амалий музей-лаборатория учинчисидир. Биринчи музей-экспозиция мустақиллик арафасида, иккинчиси ўтган асрнинг 90-йиллари охирида ташкил топиб, барчаси кўргазма мазмунига эга эди. Янги Илмий – амалий музей – лаборатория эса олдингиларидан шаклан ва мазмун жиҳатдан фарқ қилади. Ушбу фарқдаги дастлаб кўзга ташланадиган жиҳат - ушбу музейнинг замоний талабларга мос, профессионал даражада яратилганлигидир. Музей иши қоида ва амалиётида бинонинг муваффақиятли танланиши музейнинг кейинги ривожини таъминлайди деган тушунча мавжуд. Буни БухДУ Илмий-амалий музей-лабораторияси мисолида кўриш мумкин. Мустақиллик йилларида республика музейлари ва музейлаштирилган объектлар қамровида рўй берган замонавий ахборотлаштириш тизими, мультимедиа ва аудиогид воситаларидан фойдаланиш, виртуал музей дастурларини такомиллаштириш, музейларда сайёҳликни ривожлантириш бўйича «VERUM QR» лойиҳаларининг жорий этилиши, кўчмас объектларни музейлаштириш тизимини такомиллаштириш орқали скансен музейлар, корпоратив музейлар, экомузейлар яратиш имконияти мавжудлиги асослаб берилди.

Бундай тадқиқот, илмий изланишларни юқори самара бериши учун бугунги кунда Халқаро туризмда музейлар фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шулар қаторидаги ушбу музей ҳақиқий профессионал илмий марказ сифатида фаолият юритиб, ўз олдига Бухоро давлат университети тарихи, унинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва шу асосда юртимиздаги ва хориждаги олийгоҳлар билан илмий ва маданий алоқаларни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқаришни асосий вазифа этиб белгилайди Шундай қилиб, рус олими музейшунос Н.А.Никишин фикрига кўра, замонавий илмий музейлар комплексларида бир қанча рамзий қийматда ишлаб чиқарилган, асосан интерпретацион ва коммуникацион техникалар ётади; Илмий

ва илмий-тарғибот йўналишларида соҳалар доирасида замонавий кўринишдаги режалар инновация ва концепциялар кўринишида жорий қилина бошланди. Бу қонуниятлар барчаси фан, соҳа доирасида илмий асосланган ҳолда тажриба, илмий изланишлар, фалсафий қарашлар ва умумий дунёқараш асосида ишлаб чиқилади[3]. Музей предмети музейнинг ўзаги ҳисобланади. Музей предметларининг ўрганилиши ва экспозицияга қўйилиши янгича тартибларда талаб этилмоқда. Музей предметларининг функцияси аттрактив, (жозибадор) информатик ва аутентичность, (ҳақиқий) қарашлардан иборатдир[4].

Бухоро давлат университети Илмий-амалий музей-лабораториясини қайта ташкил қилиш ғояси кун тартибига қўйилган кундан бошлаб янги концепция яратиш ва унинг асосида тематик-экспозицион режа тузишга киришилди. Бинобарин, янги Илмий-амалий музей-лаборатория шакл, мазмун ва сифат жиҳатдан аввалгиларидан фарқ қилиши, университет фаолиятининг экспозицион ифодаси замонавий музей иши талабларига мос келиши, 85 йиллик тарих илмий асосда ихчам, чиройли, хронологик изчилликка риоя қилинган ҳолда қамраб олиниши, айниқса, мустақиллик йилларидаги фаолият ўзининг тўлақонли ифодасини топиши лозим эди. Бош мезон қилиб олинган ушбу талаб ва масъулиятдан келиб чиқиб, музей ташкил этиш жараёнларига Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари К. Рустамов, шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, Олий таълим муассасалари қошида музейлар ташкил этиш бўйича мутахассис Л.Илҳомжоновлар жалб қилинди ва уларнинг профессионал малакаларидан фойдаланилди. Янги Илмий-амалий музей-лабораториянинг функционал йўналиши борасида муҳокама ва мунозаралар ташкил этилиб, фикрлар алмашилди[5].

Ташкил этилаётган Илмий-амалий музей-лаборатория учун тарихий ва замонавий экспонатлар комплексини шакллантириш, университет тарихини акс эттирувчи архив материалларини қидириб топиш масаласи кун тартибига қўйилди. Чунки олдинги экспозицияларда нодир архив материаллари қарийб учрамасди. Айниқса, Бухоро давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида Республика халқ маорифи комитетининг бирламчи буйруғини қидириб топиш ва уни экспозицияга жойлаштириш долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида ишчи гуруҳ зиммасига юклатилди. Шу мақсадда архив ишини пухта эгаллаган

Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факультети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси А.Ҳамроев Тошкентга, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивига жўнатилди. Саъй-ҳаракатлар тез орада ўз натижасини бера бошлади.

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига олиб келади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномасида туризмни ривожлантириш борасидаги қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири-бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасига улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва бу борада “Очиқ осмон остидаги музей” дея эътироф этилган қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро ва Хивада ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, жумладан, “2020 йил Ўзбекистонда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда Давлат дастурида ҳам музейларни ривожлантириш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинганлиги ва ҳар бир музей жамоаси олдига улкан вазифаларни қўйиш билан бирга, шароитлар яратиш, уларнинг саёҳат дастурларини мазмунан бойитиш ва кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобига жадал ривожлантириш; Мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объекларида ва улар атрофидаги объектларда тегишли инфратузилмани шакллантириш, соҳанинг истиқболли йўналиши сифатида ривожлантириш мақсадлари кўзланган[6]. Бугунки кунда музейшуносликка берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ мазкур соҳада мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди.

Масалан, музейшунослик соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда музейлар фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилди. Музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма ташкил этилди[8]. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўرғазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди. Юқорида санаб ўтилган соҳа ривожидagi мувофақиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишга мустаҳкам замин яратган омиллардир. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб

музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эғалигини сингдирган ҳолда, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 16 февралдаги Бухоро шахрига қилган ташрифи доирасида вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. “Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий хунармандлик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга эканлигини”-таъкидлаб ўтди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида музейлар фаолияти тубдан ўзгариб юқори даражада ўсди, албатта буларнинг барчасининг заминида кўплаб машаққатли меҳнат ётади. Бу машаққатлар ортида ҳукуматимизнинг олиб бораётган самарали сиёсати катта аҳамиятга эгадир, ватанимизнинг тинчлиги ва равнақи йўлида турли мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда манфаатли шартномаларни имзоланиши, халқимиз учун кўплаб имкониятлар йулини очиб бермоқда, зеро биз, бу имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритиб ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоғимиз лозим деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси олий даргоҳлари ҳузуридаги музейлари фаолиятида намоён бўлаётган мазмунан ва шаклан эски, қотиб қолган тасаввурларни бартараф этиш, ушбу музейларда тўлақонли иш олиб бориш, ижтимоий маданият мунтазам равишда ўзгараётган бир пайтда музей ишини фаоллаштириш ҳамда турли муҳим назарий ва амалий муаммоларни ечиш, замонавий музей иши соҳасида изланишлар олиб бориш, қулай конструктив ечимни топиш ва Ўзбекистондаги олий ўқув юртларидаги музейларни жаҳон олийгоҳлари музейлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш музейларга инновацион технологияларни жорий этиш орқали ривожланишга эришиш музейшунослик соҳасидаги асосий долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Фойдаланган адабиётлар:

1. *Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим. / Ўзбекистон музейлари истоқболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.*
2. *Альмеев Р. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўргазмалаштириш. // Мозийдан садо. 2(38) – Тошкент: 2008. Б-2-3.*

3. *Музей и этнология: серия электронных изданий museum pro/ отв. ред. Галкина Е.Л., Кузьмина Е.Е., Никишин Н.А..-М., 1997;*
4. *Музей как социокультурное явления Акулич Е.М. // социологические исследование -2004-№10-С89-92.*
5. *Тўлаганов А., Тўраев Ҳ. Бухоро давлат университетининг 85 йиллиги музей кўзгусида. Бухоро,2016.*
6. *Азимова М. М, “Мустақиллик йилларида музейлар фаолияти ва туризм”. “Бухорони туризм чоррахасига айлантириши имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2019 йил 29 май. –Бухоро,2019.2-қисм.*
7. *Ўзбекистонда туризм ривожланишининг илк босқичлари.//www.turizm.uz*
8. *Музей ва туризм ривожининг янги босқичлари //www.muzeu.uz*

МУЗЕЙЛАРДА АУДИОГИДЛАРДАН Фойдаланишнинг аҳамияти

**Фарходжон РУЗИБОЕВ,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи бўлим мудури**

Аннотация:

Маданий-илмий марказ хисобланувчи музейларда турли ёшдаги зиёратчилар учун қулайликлар яратиш ҳозирги замон талабига айланмоқда. Ушбу мақолада музейларда замонавий инновацион тизимлардан бири бўлган аудиогидлар тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар:

Ахборот-коммуникация, экспозиция, экскурсия, экскурсавод, гид, аудиогид, инновация, iPod-iPhone-iPad-смартфон.

Annotation:

Promoting conveniences for visitors of all ages in museums that are cultural and scientific centers is now a requirement of the times. This article describes audio guides, one of the modern innovative systems in museums.

Key words:

Information and communication, exposition, excursion, tour guide, guide, audio guide, innovation, iPod-iPhone-iPad-smartphone.

Бугунги глобал тараққиёт шароитида ахборот технологиялари аҳамиятини оширишнинг янада замонавий, инновацион усуллари излаб топиш, ахборотлаштириш жараёнига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларни ҳаётга кенг жорий этиш давлат фаолиятининг муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланмоқда. Барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини жадал қўллаш, мазкур тармоқни замон талабларига мос равишда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, музейлар соҳасида ҳам ҳозирги куннинг илғор ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги йўналишларда иш олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Музей тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий муассасадир. Музейларнинг асоси экспозиция ҳисобланади. Музей экспозицияси композицион ташкиллаштирилган, шарҳлар билан бойитилган, техник ва бадиий безатилган музей предметларини мақсадли ва илмий асосланган намойиши ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё музейларида экспозиция амалиётида инфорацион технологиялардан жадал фойдаланиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида, музейларга кенг омманинг қизиқиши ортиши ҳамда инновацион маърифий материалларни ва илмий-маърифий муассасадир ишларини олиб бориш учун воситалар яратиш имконини беради. Музей ишининг етакчи ва жадал суръатлар билан ривожланаётган йўналишларидан бири сифатида маданий-маърифий фаолиятни кўрсатиш мумкин.

Музейнинг маданий-маърифий фаолиятининг аввали ва етакчи шакли экскурсиядир. Экскурсия ўтказишда намойиш экскурсовод орқали олиб борилади. Экскурсовод ўз маърифий фаолиятида томошабин оддий кўриб қабул қилишда ололмайдиган маълумотларни беради. Экскурсия ҳар хил сифатга эга бўлади. У баён қилиш характерида бўлиши мумкин. Бунда экскурсоводлардан маълумотларни етказишда хатоликка йўл қўймаслик, нотиклик маҳорати ва аудиторияга мослашиш кабилар талаб этилади. Экскурсиялар эса ўз навбатида, музей ҳамда музей биносидан ташқаридаги объектларга саёҳатларга бўлинади. Бу ўринда экскурсовод-гидлар доим юқори иш суръатида бўлишлари лозим. Улар томонидан йўл қўйилмайдиган кичик хато тингловчилар эътиборини тарқатиб юбориши ҳамда кейинги жараёнларга бўлган қизиқишини сўндириши мумкин. Мазкур вазифани амалга оширишда дунё музейларида замонавий кўмакчига айланиб улгурган аудиогидлар ташрифчилар билан жонли мулоқотнинг ўрнини боса

олмаса-да, аммо маълумотларни тингловчиларга чиройли, нотиклик санъати даражасида етказиши, бир вақтнинг ўзида, бир ердаги турли тилда мулоқот қилувчи ташрифчиларга ўзлари истаган тилда мазкур маълумотларни шу сифатда эшитиш ва маълумотларни кенг қамровли ва тўғри қабул қилиш имконияти билан, шубҳасиз, ташрифчиларга қулайлик яратмоқда.

Шу ўринда ҳар бир инсонда аудиогид нима деган савол туғулиши табиий. “Аудиогид” - бу махсус мослама бўлиб, ташрифчи вақтинчалик фойдаланиш учун олиб, фақатгина маълум аудитория учун маълумотни овоз шаклда етказилишидир. Мазкур таъриф XX аср аудиогидларга берилган бўлиб, ҳозирги XXI асрда мазкур таъриф бироз ўз моҳиятини йўқотганини кўриш мумкин. Мазкур давр оралиғида аудиогидлар катта ўзгаришларга учради. Жумладан, аудиогидларни муомалага киритишнинг дастлабки тарафдорларидан Маршалл Маклюен ва Виллем Сандбергни айтиб ўтиш жоиз. Улар аудиогидларни музейларда қўллаш аҳамиятини юқори баҳолаганлар ҳамда ўзлари фаолият юритган Стеделижк музейида 1945–1962 йилларда дастлабки аудиотурларни тақдим этганлар. Аудиогидларнинг кўп нусхада кенг оммага илк намоиши 1952 йил Амстердам музейида, 1953 йил Нью-Ёркда ва бошқа давлатларда фойдаланилиб, оммалашган.

Дастлабки аудиогидларга ултрақиска тўлқинлар орқали ёпик ҳалқа доирасида маълумотлар узатилган. Тўлқин галереялар атрофига ўрнатилган антенна орқали тарқатилган, ташрифчи магнитофон ёрдамида маълумотларни наушникда эшитиши мумкин бўлган. Голланд, француз ва немис тилларидаги маълумотлар эса магнит ленталарга ёзилган бўлиб, ҳалқа доирасидаги тингловчилар айна шу доирадаги маълумотларни эшитишлари мумкин бўлган. Технологиялар ривожлангани сари уларнинг ҳам имкониятлари кенгайиб борди. 1960 йилларга келиб, аудиогидларда энди рақамлар орқали маълумотларни танлаш қулайлиги.

1990 йилларга қадар фойдаланилган аудиогидларнинг аксарият моделлари магнитофонлар асосида ташкил этилган бўлиб, фақатгина аудио шарҳларни узатиш учун хизмат қилган.

Мобил технологияларнинг вужудга келиши билан музейлар мултимедия воситаларининг янги имкониятларига эга бўлдилар. iPod-iPhone-iPod-смартфонлар музейлардаги экскурсион технологияларни янги босқичга кўтарди. Ҳозирги кунда аудиогидларнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, турли системаларда ишлашга мўлжалланган, бироқ уларнинг ягона умумий мақсади музейлар учун: қулайлик,

сифат, иқтисод, реклама, кенгроқ ёритиш, ташрифчини фаоллаштириш бўлса, томошабинларга эса индивидуаллашиш, қулайлик, иқтисод, ўйин шаклининг мавжудлиги, маълумотларнинг кўплигини уларнинг ягона бирлаштирувчи мақсадлари сифатида санаб ўтиш мумкин. Булар жумласига QR кодлар ёрдамида ишловчи мобил гидлар, Флаш Сард технологиясида ҳамда ГПС тизимида ишловчилар, тургидлар - экскурсовод микрофонда гапираётганда тингловчилар уларни наушниклар орқали эшитиши - маълум экспонатларнинг яқинига жойлаштирилган аудиогидлар каби турлари мавжуд. Ҳозирги кунда дунёнинг қатор ривожланган мамлакатлари музейларида қуйидаги аудиогидлардан фойдаланадилар.

Дунё музейларининг аудиогидлар билан жиҳозланганлигини ўрганиш жараёнида ўтказилган 2012 йилдаги сўров маълумотларига кўра, дунё музейларининг 32 фоизида мобил экскурсион лойиҳалар амалга оширилган бўлса, 30% музейлар уни режалаштираётганликларини, 38% музейлар умуман режаларига киритмаганларини қайд этиб ўтганлар. Бундай технологияларни жорий этган музейлар соҳавий таҳлил этилганда тасвирий санъат музейлари ва галереялар ҳамда фан-техника музейлари кесимига мобил лойиҳалар тўғри келишини кузатиш мумкин. Мазкур музейларда икки турдаги мобил Экскурсия лойиҳалари ташрифчиларга тақдим этилади. Биринчиси: ташрифчиларга вақтинчалик фойдаланиш учун ускуна олиб фойдаланиш; иккинчиси: ташрифчилар фақат ўзларининг шахсий смартфонларидан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда, юртимизда ахборот-коммуникация технологияларини соҳаларга кенг тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Замон билан хамнафас юриш, айниқса музейга ташриф буюрувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу тизимни жорий қилиш учун музей директори Иброҳим Юнусович Юсупов томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилган бўлиб ҳозирда музей залларидаги ва хазина-сақлов бўлимидаги экспонатларни таснифлаш, электрон ахборотлаштириш ишлари яқунланиб махсус мосламаларни ўрнатиш ишлари ўз якунига етказилди.

Ташрифчида экскурсия матнини 3 тилда, яъни ўзбек, рус ва инглиз тилларида эшитиш имконияти мавжуд. Дастур имконияти доирасида бошқа хорижий тилларни ҳам қўшиш мумкин.

Ушбу дастурни музейда амалиётга тадбиқ этилишининг афзаллиги шундан иборатки, дастур оммалашган смартфон ва планшетларда ишлаши музейларда ахборот-коммуникация технологиялари билан шуғулланувчи илмий ходим-мутахассислар сонининг ортишига, жаҳон музейларида фаолият юритувчи илмий ходимлар билан амалий тажриба алмашилишига, жаҳон тажрибаларини музейда янада кенг жорий этилишига замин ҳозирлайди. Фойдаланувчи музей экспонатларининг идентификация рақамини киритиб экскурсия маълумотларини танланган тилда эшитиши ҳамда шу экспонатнинг турли кўринишдаги расмини ҳам кўриш имконига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрга қадар турли кашфиётлар, янгиликлар йиллар давомида амалга оширилган бўлса, XXI асрда маълум соҳалардаги янгиликлар қисқа муддатларда ҳаётга татбиқ этилаётганлиги асримизнинг том маънода, инноватциялар асри эканлигини тасдиқлайди. Мана шундай замонавий инновацион технологияларни музейлар фаолиятига жалб қилиниши ушбу музейлар фаолияти ва уларда мавжуд экспонатлар тўғрисидаги маълумотларни кенг оммалашилишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди албатта.

O‘ZBEKISTONDA ARXEOLGIK TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI

**Furqat ISOQJANOV,
Namangan davlat universiteti
Arxeologiya mutaxassisligi talabasi**

Annotatsiya:

Mazkur maqolada O‘zbekistonda arxeologik turizmning rivojlantirish istiqbollari daliliy ma’lumotlar asosida ochib berilgan.

Kalit so‘zlar:

Turizm, Venetsiya Konvensiyasi, qo‘riqxonalar, YUNESKO, muzey, arxeologik yodgorlik, ratifikatsiya.

Annotation:

This article describes the prospects for the development of archaeological tourism in Uzbekistan on the basis of accurate data.

Keywords:

Tourism, Venice Convention, reserve, UNESCO, museum, archaeological site, ratification

Bugungi kunda turli davlatlarda arxeologik turizm haqida turlicha qarashlar mavjud bo‘lib, Qozog‘iston, Eron, Italiya, Xitoy, Ispaniya, Fransiya, Misr va boshqa ko‘plab davlatlarda arxeologik yodgorliklar turizm markaziga aylantirilgan. Ushbu turizm turini rivojlantirish uchun davlat siyosiy jihatdan barqaror va iqtisodiy imkoniyatlari yuqori bo‘lishi lozim.

Arxeologik turizmni rivojlantirishda xorij tajribasi ham muhim ahamiyatga ega bo‘lib, bu model ichki turizmni arxeologik yodgorliklarni turistik markazlarga aylantirish orqali rivojlantirishga erishishdir.

Arxeologik yodgorliklarni ta‘mirlash va ulardan foydalanish 1964-yilda qabul qilingan, Venetsiya Konvensiyasiga mos kelishi shart. Konvensiyada arxeologik ob‘yektlarning tarixiy va estetik qiymati hamda saqlanishi kerakligi belgilab qo‘yilgan. YUNESKO tomonidan “Umumjahon madaniy va tabiiy meroslarini muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Konvensiyasi 1972-yilda qabul qilingan bo‘lib, 1978-yildan buyon Jahon merosi ro‘yxatiga yiliga yer yuzidagi 25–30 dona favqulodda ahamiyatga ega ob‘yektlar kiritilib borilmoqda.

Shuningdek, 1988-yildan YUNESKOning “Buyuk Ipak yo‘li – muloqot yo‘li” loyihasi ham amalga oshirib kelinmoqda. Mazkur loyihadan ko‘zlangan asosiy maqsad, sharq xalqlari o‘rtasidagi madaniy aloqalarni rivojlantirish hisoblanadi. O‘zbekiston, Qirg‘iziston, Tojikiston, Qozog‘iston, Turkmaniston, Ozarbayjon, Armaniston, Gruziya, Eron kabi davlatlardagi madaniy yodgorliklar loyiha doirasida YUNESKOning madaniy boyliklar ro‘yxatiga kiritilgan.

1993-yilda O‘zbekiston YUNESKOning “Umumjahon madaniy va tabiiy meroslarini muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Konvensiyasini ratifikatsiya qildi. Shundan so‘ng “Butunjahon madaniy merosi ro‘yxati”ga O‘zbekiston Respublikasi hududidagi 1996-yil iyunda 22 ta tarixiy yodgorlik, 1999-yil avgustda Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Andijon, Buxoro, Qashqadaryo, Namangan, Navoiy, Samarqand, Surxondaryo, Toshkent, Farg‘ona, Xorazm hududidagi 101 ta tarixiy-madaniy yodgorlik nomzod sifatida YUNESKO tashkilotiga jo‘natildi. O‘zbekistonning bu borada YUNESKO bilan hamkorlik aloqalari samarasi o‘laroq, 1990-yilda Ichanqal’a (Xiva), 1993-yilda Buxoro shahrining tarixiy markazi, 2000-yilda Shahrisabz shahrining tarixiy markazi, 2001-yilda Samarqand madaniyatlar chorrahasi “Butunjahon meroslari ro‘yxati”ga kiritildi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Respublika muzeylari faoliyatini yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qaroriga muvofiq, qadimiy shaharlarda muzey-qo‘riqxonalar yodgorliklarini bosqichma-bosqich ta‘mirlash ishlari amalga oshirilmoqda.[1] Tiklangan

yodgorliklar shahar tarixiy qiyofasini aks ettiribgina qolmay, ulardan turizm jozibadorligini oshirishda ham foydalanish imkoniyatlari mavjud. Ulardan etnografik ob'jekt sifatida foydalanish, shaharlarda qo'shimcha ish o'rinlari yaratishda muhim ahamiyatga ega.[2] Arxeologik ob'yektlardan zamonaviy turizm infrastrukturasi foydalanish mamlakatimizga xalqaro ko'lamdagi doimiy sarmoyalar olib kelish imkonini tug'diradi.

“Madaniy meros ob'yektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida”gi[3] Qonunning qabul qilinishi, madaniy va tarixiy obidalar, qadimiy yodgorliklar, ziyoratgoh va qadamjolarini ilmiy jihatdan o'rganish, arxeologik qazishmalar o'tkazish orqali haqiqatni aniqlash, ushbu tabarruk joylarni ta'mirlash, obodonlashtirishda katta ahamiyatga ega bo'ldi.

Arxeologik turizm asosan, ilmiy ekskursiya turlari tushunchasini o'zida mujassamlashtiradi. Fikrimcha, Farg'ona vodiysiga tashrif buyuruvchi sayyohlarga sayyohlik dasturlariga xalq teatr tomoshalari, suvenirlar savdosini yo'lga qo'yish, arxeologik yodgorlik haqidagi ma'lumotlar bazasi doimiy yangilanib boruvchi maxsus saytlar va teglar yaratish orqali soha taraqqiyotini ta'minlash mumkin. Arxeologik yodgorliklar bo'ylab, virtual sayohatlar yo'lga qo'yish zamon talabi hisoblanadi.

Har bir arxeologik yodgorlik va u joylashgan hudud tabiati, osori atiqalar aks ettirilgan maxsus fotosuratlar va tasviriy san'at asarlar ko'rgazmalarini tashkillashtirish lozim. Farg'ona vodiysiga muntazam xorijiy turistlar tashrifini ta'minlash maqsadida, turli xalqaro va mintaqaviy konferensiya va simpozium, festivallarni o'tkazish zarur.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, arxeologik ob'yektlarni sayyohlik yo'nalishlari doirasiga kiritishda, sayyohlarning qiziqishiga qarab tarixiy-me'moriy yodgorliklar va betakror tabiat zonalariga ham sayohatlar amalga oshirilsa, soha rivojiga xizmat qilgan bo'lar edi. Buni yo'lga qo'ymay turib, arxeologik yodgorliklarni turistik marshrutlar tizimiga kiritish turizm istiqbolini, kelajagini mavhum holatga tushirishi mumkin. Har qanday turizm turlarini rivojlantirish, avvalo, hududda mavjud ishsizlik muammolarini hal qilishda muhim ahamiyatga ega.

Yana shuni ta'kidlash kerakki, Farg'ona vodiysidagi arxeologik yodgorliklarning aksariyati to'liq o'rganilmagan. Bu o'z navbatida, havaskor arxeologlarni o'ziga tortuvchi omildir. Ular ekzotik yodgorliklarni o'rganilishiga hissa qo'shishga bo'lgan intilishi bunday yodgorliklarni ahamiyatini yanada oshiradi. Arxeologik yodgorliklarni muhofaza qilishni takomillashtirish, arxeologik yodgorliklar hududida maxsus “qo'riqxonalar” larni tashkillash orqali, tarixiy merosning kelajak avlodlarga yetkazish mumkin.

Arxeologik yodgorliklarni qaysi davrga oidligi, o'sha davr madaniyati, san'ati, aholi turmush tarzi va qanday tabiiy ofatlar yoki vandalizm oqibatida yo'q bo'lganligi haqida ma'lumotlarni sayyohlarga berib borish orqali ularni yanada qiziqishlarini oshirish ham yaxshi natija beradi.

Arxeologik turizmni rivojlantirish maqsadida sayyohlarni mahalliy aholi turmush-tarzi bilan yaqindan tanishtirish maqsadida, yodgorliklar hududidagi honadonlarga joylashtirish zarur. Mavjud muammolardan yana biri sayyohlarni turli baxtsiz xodisalardan sug'urtalash tizimini yo'lga qo'yish kerak. Yodgorliklardan topilgan noyob asor-u atiqalarni mamlakat hududidan olib chiqib ketishini oldini olish bo'yicha ham maxsus choratadbirlar ishlab chiqish lozim bo'ladi.

Arxeologik turizm avvalo, shu hududda yashovchi aholini milliy qadriyatlarimiz va an'analarimizni to'liq xabardor bo'lishiga, shuningdek hudud tarixini mukammal o'rganishiga, vatanparvarligini oshishiga olib keladi. Bu o'z navbatida, sayyohlarda to'laqonli axborot olish imkoniyati vujudga keladi. Ko'plab arxeologik yodgorliklar bevosita qishloq xo'jaligida foydalanilayotgan hududlarda joylashgan bo'lib, bu o'z navbatida turli muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Shuni inobatga olgan holda, arxeologik yodgorliklar hududidan aholi turli maqsadlarda foydalanib kelayotgan yer maydonlari qancha masofada uzoqlikda joylashishi haqida aniq raqamlar bilan ifodalangan normalar qonun va qonun osti hujjatlarga kiritilsa, yanada yaxshiroq bo'lardi. Arxeologik yodgorliklar hududiga turli og'ir yuk avtomobillarini kiritmaslik, boshqa maqsadlarda foydalanmaslik haqidagi ko'rsatmalar kiritilishi lozim.

Muzeylar va tegishli oliy o'quv yurtlari tizimi doirasida "Havaskor arxeolog" to'garaklari faoliyatini yo'lga qo'yish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biridir[4]. Har bir arxeologik yodgorliklarda amalga oshirilishi mumkin bo'lgan restavratsiya jarayoni qanday amalga oshirilishi haqida qonuniy normalarning mavjud emasligi bu sohada turli muammolarni keltirib chiqarmoqda. Buning asosiy sabablaridan biri arxeologik yodgorliklarda restavratsiya jarayoni faqat qo'l mehnati yordamida amalga oshirish bugungi kunda turli xalqaro tashkilotlar va xorijiy davlatlarning qonun va qonunosti hujjatlarida belgilab qo'yilgan. Mavjud arxeologik yodgorliklar hududi elektr energiyasi bilan muntazam ta'minlash tizimi, toza ichimlik suvi, tabiiy gaz bilan ta'minlanishlarini ham yo'lga qo'yish darkor. Yuqoridagi amalga oshiriladigan ishlardan ko'zlangan maqsad, turistlarni jalb qilish orqali daromad olish va ushbu daromaddan arxeologik yodgorliklarni ta'mirlashga, qulay sharoitlar yaratishga, aholini turmush sharoitini yaxshilashga va doimiy ish bilan

ta'minlashga sarflash ko'zda tutilgan. Turistlarni yurtimizda to'rt faslni o'z vaqtida bo'lishini hisobga olib, mavsumiy emas doimiy kelishlarini ta'minlash zarur.

Shuningdek, ochiq osmon ostidagi muzeylar tashkil etish yoki maxsus arxeologik muzeylar faoliyatini yo'lga qo'yish orqali turizm istiqbolini oshirish mumkin. Arxeologik turizmni rivojlantirish uchun avvalo turistlar uchun zarur bo'lgan asbob-uskunalar, himoya vositalari, birinchi tez-tibbiy yordam uchun kerak bo'lgan dori-darmonlar bilan ta'minlash zarur. Arxeologik turizm mavsumi asosan bahor va kuz fasliga to'g'ri kelishini inobatga olib, turistlarni maxsus kiyim-boshlar bilan ta'minlash zarur.

Arxeologik turizm doirasida tashrif buyuradigan turistlar kamida bir hafta va undan ko'p muddatga kelishini nazarda tutsak, sayyohlarga maxsus jihozlangan chayla yoki chodirlar bilan ta'minlash kerak. Bundan tashqari, tashrif buyurgan turistlar uchun milliy an'ana va qadriyatlarimiz, urf-odatlar, milliy folklorlarning teatrlashgan tomoshalar ko'rinishida namoyish qilinsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Arxeologik yodgorliklar aks ettirilgan esdalik sovg'alar turizm jozibadorligini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Arxeologik yodgorliklar hududida sayyohlar uchun dala oshxonalarida milliy taomlar tayyorlash jarayonini sayyohlarga namoyish qilish orqali, gostronomik imkoniyatlarni namoyish qilish imkoni ham mavjud. Arxeologik turizmni rivojlantirishda malakali mutaxassislarning yetarli bo'lishi, avtomobil yo'llarning qazishma hududlarga yaqinligi kabi omillar ham muhim ahamiyatga ega.

Arxeologik sayohatlarni tashkil etishda sayyohlar soni 30 kishidan oshib ketmasligi zarur. Shuningdek, turistlarga oldindan mavjud muammolarni to'laqonli tushuntirish, mahalliy aholining milliy mentaliteti va axloq mezonlarini, diniy qadriyatlarini hurmat qilish haqida tushuncha berish lozim. Turizmni rivojlantirishda mahalliy aholi va xorijlik sayyohlar o'rtasida doimiy sotsiologik so'rovnomalar o'tkazib borish orqali mavjud muammolarni bartaraf etish, istiqbollarni belgilash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. *Альмеев Р. В. Бухара – город музей. – Тошкент: Фан, 1999. – С. 127.*
2. *Ҳабибуллаев Д. Н. Ўзбекистон музейларининг истиқболлари // Мозийдан садо. – 1999. – 1 сон.*
3. <https://www.lex.uz/docs/-25461>
4. *Абдураззоқов А. Музейлар равнақ топсин // Халқ сўзи. – Тошкент 1998 йил 10 февраль.*

TURIZMNI SMM MARKETING ORQALI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARINING MUHIM JIHATLARI

*Shohrubbek IRISBOYEV,
Namangan davlat universiteti,
Mehmonxona xo'jaligini tashkil etish va boshqarish
yo'nalishi talabasi*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada O‘zbekistonda respublikasida turizm salohiyatini yanada jadal rivojlantirishda xalqaro tajribadan kelib chiqqan holda SMM-marketing orqali rivojlantirish boshqichlari haqida qisqacha ma’lumot yoritilgan.

Kalit so‘zlar:

Reklama, agentliklar, dominant, PUBLIC PERSON, social media, marketing, facebook, instagram, telegram, twitter, you tube, SMM menejeri, SEO, API.

Annotation:

This article provides a clear overview of development through SMM-marketing, based on international experience in the further development of tourism potential in the Republic of Uzbekistan

Keywords:

Advertising, agency, dominant, PUBLIC PERSON, social media, marketing, facebook, instagram, telegram, twitter, you tube, SMM maneger, SEO, API.



Turizm bugungi ko‘pgina mamlakatlarda yuqori daromad keltirayotgan soha bo‘lib kelmoqda. Dunyoning yirik davlatlari iqtisodiyotida ham turizm sohasi yetakchi o‘rinni egallabgina qolmasdan, millionlab insonlar mavsumiy va doimiy ish bilan ta’minlanib kelinmoqda. Jahon xizmatlar bozorida turizm va unga bog‘liq bo‘lgan yo‘nalishlar katta qismini dominant bo‘lib kelmoqda. Butunjahon turizm tashkilotining malumotlari bo‘yicha, dunyoda ishlab chiqarish va servis aylanmasining 15.6 foizi turizmga to‘g‘ri kelmoqda. Keyingi 10 yillik ichida xalqaro turizmning rivojlanishi dunyo bozorida tovar va xizmatlarning kuchli eksport qilinayotganligi bilan e’tiborlidir. Ya’ni, turistik xizmatlarning eksporti 12 foiziga o‘sib, jahon bo‘yicha umumiy xizmatlar savdosining 25-30 foizini tashkil qilmoqda. Hozirda dunyodagi bir qancha davlatlarda turizm yetakchi sohaga aylanib bormoqda va turizm jozibadorligi bo‘yicha dunyoda yetarli darajada infrastrukturani

rivojlantirishga ulgurgan masalan: Singapur, Fransiya, Italiya (Florensiya va Venetsiya shaharlarida har 3 kishdan 2 tasi turizm sohasi bilan shugʻullanadi. Indoneziya, Malayziya, Ekvador, AQSH, Ipaniya, Kosta-Rika bu davlatlarda turizmning barcha turlari yaxshi rivojlangan. Bilamizki, turizm, ishlab chiqarish, savdo kabi barcha sohalarda mahsulotlar reklamasi muhim ahamiyat kasb etadi. Albatta taʼkidlab oʻtish joizki ushbu davlatlarda turizm rivojida faqatgina turistik resurslar ahamiyat kasb etibgina qolmay, ushbu xizmatlarni reklama qilib dunyoga tanitishda reklamani SMM-reklamani oʻrni beqiyos boʻlib kelmoqda.

Hozirgi kunda iqtisodiyotning barcha sohalarini reklamasiz tasavvur qilib boʻlmaydi, biror yangi ochilgan korxonada oʻz mahsulotini reklama qilish va mahsulotning xaridorgir boʻlishi uchun reklama agentliklariga murojaat qiladi. Albatta reklamada yangi mahsulotni ommaga tanitish oson kechishi mumkin, hozirgi globalashuv davrida jahon yulduzlari PUBLIC PERSON lar ushbu jarayonda ajralmas qismi hisoblanmoqda. Bunday insonlar bilan hamkorlik asosida reklama roliklarini ishlab chiqib televideniya orqali efirga uzatish urf boʻlgan. Tabiiyki ushbu holat katta xarajat talab qiladi. Bugungi kunda yirik va kichik ishlab chiqaruvchilar oʻzlarining kattagina mablagʻlarini mana shunday yulduzlar ishtirokidagi reklamalarga sarflamoqda. Natijada bu holat korxonalarining moliyaviy ahvoriga salbiy taʼsir etib kelmoqda.

Dunyoda turli yirik trans milliy korporatsiyalar oʻz biznesini rivojlantirishda faqatgina mahsulot sifatiga taʼsir etuvchi omillarga emas balki, mahsulotlarning dunyo boʻylab tarqaladigan barcha reklama vositlariga katta eʼtibor bermoqda. Ushbu qilinayotgan ishlar oʻz samarasini bermoqda.

1-diagramma. Dunyodagi trans milliy korporatsiyalarning yillik reklama videolari uchun sarflagan mablagʻlari xarajatlar mln AQSH dollarida hisobida.



Bugungi kunda dunyo aholisini global ravishda qamrab olgan ijtimoiy tarmoqlar barcha sohaga oʻz taʼsirini oʻtqazib kelmoqda. Ushbu tarmoqlardan dunyo aholisining 85 foizi foydalanib kelmoqda. Ayni

vaqtda SMM-marketing iqtisodiyotga yangi soha bo‘lib kirib kelmoqda. Bu soha asosan maxsulot reklamasi va ijtimoiy tarmoqlarda turli yangi kompaniyalarni reklama uchun tayyorlagan video roliklari tarqatish uchun xizmat qilmoqda. Bu holat kam xarajat va qulayligi va bunga qo‘shimcha ravishda katta auditoriyani qamab olish bilan ajralib turibdi.

SMM (social media marketing)- ijtimoiy tarmoqlarda marketing-bu mahsulot, tovar va xizmatlarni ijtimoiy tarmoqlar orqali ommaga tanishtirishdir. SMM marketing hozirgi zamonda mahsulot reklamasi uchun juda ham effektiv uslub bo‘lib u facebook, instagram, telegram, twitter, you tube kabi ijtimoiy tarmoqlardan, postlarda, bloglarda, forumlarda ham keng ko‘lamda foydalansa bo‘ladi.

Quyidagilar SMM vazifasiga kiradi:

1. Ijtimoiy tarmoqda kompaniya saytini, brendini yaratish va kompaniya haqida ma’lumot kiritish.
2. Kompaniya mahsulotlari haqida to‘liq ma’lumot berish, xizmat ko‘rsatish va berilgan savollarga qisqa va aniq javob berish.
3. Mahsulotlarga bo‘lgan talabni oshirish va kompaniyani mashhur qilish.
4. Followerlar sonini oshirish va yangi mahsulotlarni haqidagi ma’lumotni tarmoqlarga joylab borishdan tashqari mijozlar bilan qayta aloqani yo‘lga qo‘yish.
5. Mijozlar uchun mahsulot yoki xizmat sifati online so‘rovnoma orqali amalga oshirish.

SMM-marketingdan hozirda o‘rta va kichik biznes vakillari keng foydalanib kelmoqda. Buning asosiy sababi bu yo‘l orqali kompaniya agentlari reklama roliklariga vaqti bo‘lmagan iste’molchilarga yaxshi ta’sir o‘tkaza olishdir. Chunki, hozirda dunyo bo‘ylab barcha insonlar ijtimoiy tarmoqlardan keng foydalanadi. SMM ni yuritish uchun maxsus mutaxassislar mavjud. Bu virtual dunyoda bunday insonlar SMM menedjeri deb ataladi. Uning vazifasi virtual makonda istemolchilar auditoriyasi bilan aloqa va jalb qilish. Menedjer quyidagilarni bilishi zarur:

1. Marketing asoslari va IT sohasini yaxshi tshunishi;
2. Ijtimoiy media vositalarini yaxshi bilish;
3. SEO dasturlash tilini bilish;
4. API ijtimoiy tarmoqlarni bilish;

2018-yil may oyida Texterra Internet Marketing Agency ijtimoiy so‘rovnomasiga, asosan, aholi iste’molining asosiy ulushi ijtimoiy tarmoqlarga to‘g‘ri keldi, albatta, bu SMM natijasidir.

O‘zbekistonga chet ellik sayyohlarni yanada ko‘proq jalb etish uchun va reklamlarga sarflanadigan mablag‘larni o‘rniga SMM-marketing

sohasini isloh qilish hozirgi texnologiya davrida maqsadga muvofiq bo'ldi va turizm rivojiga ijobiy ta'sir o'tqazibgina qolmay arzon reklamani ham ta'minlaydi.

Davlatimizda turizmni SMM-marketing orqali yanada rivojlantirishda quyidagi vazifalar bajarilishi lozim:

1. Viloyatlardagi turizm boshqarmasida alohida SMM-menedjeri lavozimi joriy etish;

2. SMM-marketing uchun maxsus qisqa promo-roliklar tayyorlash;

3. SMM-menedjerlarga barcha ijtimoiy tarmoqlarda chet el auditoriyasini qamrab olish vazifasi bilan birgalikda ularning sonini oshirib borish vazifasini yuklatish;

4. SSM-menedjerlar faoliyatini Respublika Turizmni Rivojlantirish Davlat Qo'mitasi tomonidan nazorat qilib, malakasini oshirish, shuningdek, ularning faoliyatini rag'batlantirish;

SMM orqali marketing sohasida katta yutuqlar kaliti bo'lib xizmat qiladi. Agarda ushbu zamonaviy ijtimoiy tarmoqlarda marketingdan aniq reja va strategiyaga asosan foydalanilsa nafaqat turizmni rivojlantiribgina qolmay, balki ushbu sohaga bog'liq bo'lgan boshqa tadbirkorlik faoliyatlaridan ham katta daromad topsa bo'ladi.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Гулҳаё СОБИРОВА,

Фаргона вилояти Риштон туман 21 – Болалар муסיқа ва санъат мактаби муסיқий назарий фанлар ўқитувчиси

Аннотация:

Ўзбек миллий мақомчилик санъати ўтган давр мобайнида мақомларнинг илмий ва амалий ўрганишга бўлган эътибор етарли даражада эди. Мазкур фикрларимизни яқин ва узоқ ўтмишда ёзилган муסיқий рисолалар ва тарихий манбаалар исботлайди. XX асрдан мақомлар нафақат оғзаки, балки ёзма анъанада ҳам ўзлаштирилиб янги муסיқа таълим тизимида ўрганилган. Бугунги кунда ўзбек миллий муסיқа санъатининг гултожи ҳисобланган мақомларни илмий ва амалий ўрганишга бўлган эътибони янада кучайганлиги барчамизга яхши маълум.

Annotation:

The Uzbek national art of maqom has paid enough attention to the scientific and practical study of maqoms in the past. Musical treatises and

historical sources written in the recent and distant past prove our point. Since the 20th century, maqoms have been mastered not only orally but also in the written tradition and studied in the new music education system. It is well known that today the Uzbek national music has become more and more interested in the scientific and practical study of the status quo.

Мақом – арабча “макам” сўзидан олинган бўлиб, турар жой, макон маъноларини англатади. Мақом бу – чолғу ва ашула йўлларига эга бўлган йирик туркумли асар. Ўзбек миллий муסיқасининг етакчи жанри.

Шашмақом – 6 мақом – бузрук, рост, наво, дугоҳ, сегоҳ ва ирок мақомларини ўз ичига олган мақом туркуми.

Ўн мақом тизими XIV аср Шарқ муסיқасида кенг тарқалган мақом тизимидир.

Шу ўринда савол туғилиши табиий албатта, мақомлар бугунги кунга қадар яхши ўрганилмадими? Йўқ албатта ўтмишда ҳам етук муסיқашунос олимлар, композитор ҳамда хонанда ва созандалар томонидан мақомлар илмий ва амалий ўрганилган. XVIII асрда 12 мақом тизими ҳамда Бухоро муסיқа анъаналари таъсирида юзага келган шашмақомни XX асрдан бошлаб фақат оғзаки анъанада эмас, балки, ёзма шаклини ҳам яратиш мақсадида бир қатор муסיқа санъати вакиллари илмий изланишлар олиб бордилар. Мақомларни ёзиб олиш ишлари ўрта асрларда ҳам амалга оширилган. Жумладан, XIII асрда яшаган Урмавий рисоласида айрим мақом намуналари табулатура ёзувида берилган. XIX аср охирида Хоразм мақомлари танбур чизиғи ёзувида тўлиқ равишда танбур ва дутор ижросида ёзиб олинган. XX асрнинг 20-йилларига келиб мақомларни айниқса шашмақомни ёзиб олиш ва нота нашрини яратиш улкан мақсад қилиб олинган. Шу мақсадда Абдурауф Фитратнинг ташаббуси билан Шашмақом 1923 йил Бухорода илк бор композитор Виктор Успенский томонидан бир йил давомида ёзиб олинади. Ушбу ёзувлар ўша даврнинг етук мақом усталари бўлган Отажалол Носиров, Отағиёз Абдуғани ва уларнинг шогирдлари домла Халил Ибодов ва созанда Маъруфжон Тошпўлатовлардан ёзиб олинган. Успенский томонидан ёзиб олинган шашмақомнинг нота ёзуви 1924 йил Москвада илк бор “Шесть Музыкальных поэм” номи остида нашр қилинади. Успенский шашмақомни аниқ, тўлиқ ноталаштирган, бироқ нотўлиқ дея зикр этилган. Чунки, композитор мақомларнинг ашула бўлимларининг шеърий матинларини ёзмаган. Бунга сабаб қилиб композитор ўзбек тилини тўлақонли билмаганлигини кўрсатади.

1959 йил Шашмақом илк бор тўлиқ ҳолда ўзбек тилида Юнус Ражабий ёзувида нашр этилган. 1966-1975 йилларда Шашмақом алоҳида 6 томдан иборат тўплам сифатида ўзбек тилида Юнус Ражабий ёзувлари нашр қилинди. Мазкур 6 томлик 2007 йил ЮНЕСКО томонидан йирик тўплам шаклида “Ю.Ражабий” ва “Ўзбек мақомлари – шашмақом” номи билан нашр этилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўтган давр мобайнида мақом санъатини илмий ва амалий ўрганиш, кейинги авлодга тўлалигича етказиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, шашмақом нота матнининг нашр этилиши ва мақом куй ашулаларининг магнит тасмаларга мухрланиши юксак аҳамиятга эга илмий изланиш бўлган.

Бугунги кунда ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини янги босқичда ривожлантириш, унинг “Олтин фонди”ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимизда “Ўзбек миллий мақом санъати маркази” фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, мақом санъатини янада ривожлантириш йўлида юртимизда Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли, худудларда мақом жамоалари, ЎзДКда мақом йўналишида махсус кафедра ёшларга мақом сирларини ўргатиб кенг тарғиб қилиб келмоқда.

Жорий йилдан мамлакатимизнинг айрим худудларида (Бухоро, Фарғона...) мақом мактаблари ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 536-сонли қарорига мувофиқ Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг ташкил этилиши ҳам соҳа ривожига бўлган ҳаракатлар нашидасидир.

Айтиш жоизки, Республикамиз педагогика олий таълим муассасаларининг мусиқий таълим йўналишларида мақом санъатини махсус фан сифатида ўқитиш жорий этилди. Мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб 5 йиллик таълим йўналишларининг 1 синфлари ҳамда 7 йиллик таълим йўналишларининг 3 синфлари ўқув режасига “мақом алифбоси” фани киритилди.

2018 йилдан бошлаб, Шаҳрисабз шаҳрида ҳар 2 йилда бир марта халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланди.

2018 йилдан соҳада фаол ижод қилаётган санъаткорларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Энг яхши мақом хонандаси”, “Энг яхши мақом созандаси”, “Энг яхши мақом устози”,

“Энг яхши мақом тарғиботчиси”, “Энг яхши ёш мақомчи” каби номинациялар бўйича мукофотлар таъсис этилди.

Буларнинг барча барчаси мақом санъати сирларини илмий ва амалий ўрганиш ва тадбиқ этишга бўлган эътиборнинг янада ривожлантиришга амалий кўрсатмалардир.

Хозирда ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини янги босқичда ривожлантириб, миллий мусиқамиз “Олтин фонди”ни яратишда ва бойитишда, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилишда фаолият олиб бораётган бир қатор етук мақом ижрочилари – Муножат Йўлчиева, Замира Суюнова, Матлуба Дадабоева, Эркин Рўзматов, Ахмаджон Дадаев, Комила Бўриева, Машраб Эрматов, Султонали Манноров, Оролмирзо Сафаров ҳамда мақомларни илмий ўрганишда тенгсиз манба яратаётган мусиқашунос олимларимиз Тўхтасин Гофурбеков, Оқилхон Иброҳимов, Отаназар Матёқубов, Соибжон Бегматов, Равшан Юнусов, Рустам Абдуллаев, Ирода Ғаниевалар сингари санъат дарғаларини келтириб ўтиш жоиз.

БМТ БОШ КОТИБЛАРИ: СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР

(Курт Вальдхейм ва Перес де Куэляр мисолида)

*Дурдона МАҲМУДОВА,
Наманган вилояти тарихи ва
маданияти давлат музейи ходими*

Аннотация:

Ушбу мақолада ҳозирги кунда жаҳонда энг обрўли ташкилот ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг 75 йиллик фаолияти давомида муҳим роль ўйнаган Бош Котиблар ҳақида сўз боради. Мақолада асосий эътибор ушбу нуфузли ташкилотни XX асрнинг 60–70 йилларида бошқарган Курт Валдхейм ва Перес де Куэляр фаолиятига қаратилган.

Калит сўз ва иборалар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бош Котиб, “Совуқ уруш”, АҚШ, Россия, нацизм, геополтика, дипломатик муносабатлар

Annotation:

This article discusses the United Nations, which is now the most prestigious organization in the world, and the Secretary-General, who has played an important role during its 75 years of existence. The article focuses on the activities of Kurt Waldheim and Perez de Cuellar, who headed this influential organization in the 60s and 70s of the twentieth century.

Keywords:

United Nations, Secretary-General, Cold War, United States, Russia, Nazism, Geopolitics, Diplomatic Relations

“Совуқ уруш”нинг тугаши кун тартибида геосиёсий кучларнинг янги конфигурацияси, икки қутбли дунё тартибли тизимини алмаштиришни олиб чиқди. Халқаро сиёсий сахнада икки қудратли давлатларнинг бирини йўқолиши, бошқа қудратли давлат – АҚШ бошчилигида бир қутбли дунё тартибини шаклланиши хулосасини беради. Бироқ, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, ўзгаришлар натижасида фақатгина Россияни эмас, балки АҚШнинг ҳам геосиёсий шароити ўзгаради. “Совуқ уруш” давридаги ўлчамлар янги шароитларга тўғри келмайди. Ҳар қандай давлатга, шу билан бирга Россия ва АҚШга янги шароитдаги дунё геополитик кенглигида ўз роли ва ўрнини излашга тўғри келди [1]. Ана шу жараёнларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиблари муҳим роль ўйнади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўртинчи Бош котиби Курт Валдхеймдир. У 1918 йилда Курт Вацлав бўлиб дунёга келди, бироқ унинг отаси чехча фамилия билан Австрияда бирон-бир мавқега эришиб бўлмаслигини тез тушуниб етган эди. Шунда Вацлав Валдхейм бўлиб қолди. Вақти билан Вацлав фамилиядан бошқа нарсаларни ҳам алмаштириш мумкинлигини тушунди.

1938 йилда Валдхеймлар оиласи Австриянинг нацистлар Германиясига қўшилишига қарши эди. Шу сабабли Куртнинг отаси ишини йўқотди ва ҳатто қисқа вақт нацистлар қамоқхонасига ҳам тушди. Кичик Валдхейм аҳволни тезда англаб етди. У нацистик талабалар иттифоқи ва СА ҳужумчи гуруҳларига аъзо бўлди. Уруш бошланганида Курт Валдхейм вермахт офицери бўлди. 1936–1937 йилларда у кўнгилли бўлиб Австрия армиясида хизмат қилди, кейин бирмунча вақт ўқиди, сўнг немис армиясига қабул қилинди ва 1941 йилда Шарқий фронтга тушди, ўша ерда яраланди.

Курт Валдхейм Вена консуллик академияси (1937–1939 йй)да ўқиди, 1944 йилда Вена университетини тамомлади ва ўша йилнинг ўзидаёқ ҳуқуқшунослик бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлди. 1945 йилдан бошлаб дипломатик хизматда ишлай бошлади.

1945 йилда Валдхейм Австрия Ташқи ишлар вазирлигига хизматга кирди, 1948–1951 йилларда Париждаги элчихонанинг биринчи котиби, 1951–1955 йилларда эса Ташқи ишлар вазирлиги кадрлар Бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлади. 1955 йилда Австриянинг БМТдаги доимий кузатувчиси этиб тайинланди, ўша йилнинг охирига келиб, Австрия Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинган, Австрия ваколатхонасини бошқарди. 1956–1960 йилларда Валдхейм Австриянинг Канададаги вакили бўлди, аввалига вакил, 1958 йилдан эса элчи лавозимида ишлади.

1960–1962 йилларда Австрия Ташқи ишлар вазирликларида сиёсий бошқарма (ғарбий шўъба) бошлиғи, кейинчалик эса сиёсий масалалар бўйича бош директор бўлди ва ушбу лавозимни 1964 йилнинг июнигача эгаллаб турди. 1964–1968 йилларда Австриянинг БМТдаги доимий вакили, Космик фазодан тиғи мақсадларда фойдаланиш қўмитасининг раиси, 1968 йилда космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва фойдаланиш бўйича БМТ Биригичи конференциясининг раиси этиб сайланди. 1968 йилнинг январидан 1970 йилнинг апрелигача Австриянинг федерал ташқи ишлар министри лавозимларида фаолият олиб борди.

Ҳукуматдан кетганидан сўнг уни Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЭ) Кафолатлаш бўйича қўмита раиси қилиб сайладилар, 1970 йилнинг октябридан эса у яна Австриянинг БМТдаги доимий вакили лавозимига тайинланди ва Бош котиб қилиб сайланганига қадар ана шу лавозимни эгаллаб турди. 1971 йилнинг апрелида у Халқ партиясидан Австрия федерал президентлигига номзод қилиб кўрсатилди. Валдхейм 1972 йилнинг январидан беш йиллик муддатга БМТ Бош котиби қилиб тайинланди. Хавфсизлик Кенгаши 1971 йил 1 январдан бу тайинланишга тавсия берди, эртаси куни эса Бош Ассамблея буни тасдиқлади [2].

Мазкур лавозимда бўлган дастлабки уч йил давомида Валдхейм БМТ учун алоҳида қизиқишга лойиқ бўлган жойларга борди. Бу ташрифлар пайтида у БМТнинг ана шу ҳудуддаги тинчликни сақдаш бўйича миссияси – БМТнинг Ярашув шартларининг бажарилишини кузатиш бўйича органини ва БМТ Фавқулодда қуроли кучларини ҳам назорат қилиб турди. 1973 йилнинг феврилида Ҳиндистон яриморалига расмий сафари пайтида Бош котиб Ҳиндистон,

Покистон ва Бангладеш ҳукуматлари билан Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги уруш келтириб чиқарган муаммоларни ва унинг оқибатларини тугатиш йўллари ҳамда воситаларини муҳокама қилди. У, шунингдек, БМТ ҳомийлигида амалга оширилган барча операциялар ичида энг йириги – Бангладешга ёрдам бериш бўйича операциянинг бажарилишини ҳам назорат қилди. Валдхейм мурожаатлар билан чиқди ва Африка Бирлиги Ташкилотининг Работдаги (1972 йилнинг июнь), Аддис-Абебадаги (1973 йил май) ва Могадишодаги (1974 йилнинг июни) сессиялари ишида қатнашди. Вашингтонда (1972 йил март) Америка Давлатлари Ташкилоти йиғилишида ҳам нутқ сўзлади.

1973 йилнинг февралда Бош котиб Ветнам бўйича Париж халқаро конференциясида қатнашди; ўша йилнинг декабрида у Яқин Шарқ бўйича Женева Тинчлик конференциясининг биринчи босқичига раислик қилди. 1986 йилда Валдхейм ўз номзодини яна Австрия президентлиги лавозимига қўйди. Сайлов кампанияси давомида Валдхейм уруш вақтида Югославиядаги партизанлик ҳаракатини аёвсизлик билан бостиришда ва 1943 йилда яҳудийларни Салоники (Греция) шаҳридан фашистларнинг ўлим лагерларига оммавий жўнатишда қатнашган ҳарбий қисмда таржимон ва разведка офицери бўлганлиги айтилган бир қатор ҳужжатлар топилди.

Курт Валдхейм ўз ўтмиши ҳақида ҳеч нарсани яширмаганини баён қилди, лекин ҳарбий жиноятчилик билан ҳар қандай алоқани рад этди. 1986 йилнинг июнида у сайловларда ғолиб чиқди, лекин унинг ўтмиши сабабли олти йиллик бошқарув даврида халқаро майдонда анча яққаланди.

Курт Валдхеймнинг оилавий аҳволи ҳақида қисқача маълумот. Уйланган, уч нафар фарзанди бор. Австрия ташқи сиёсатига бағишланган, немис, инглиз ва француз тилларида чоп этилган “Австрия намунаси” деб номланган асарнинг муаллифи. Собик президент ўзининг Венадаги ҳовлисида набираларини тарбиялаш билан банд бўлди.

Яҳудий ташкилотлари унга қарши чиқишларини давом эттириб, уч марта АҚШга боришини тақиқлашга эришдилар. Чет элларда ҳам ундан ўзларини тортишардилар: Исроил ўзининг Венадаги элчисини чақириб олди, Валдхейм АҚШга ва Ғарбий Европа давлатларининг аксариятига ташриф билан бора олмасди. 1992 йилда Халқ партияси унинг номзодини кўрсатмади. Натижада президентликка номзод Т. Клестил бўлди ва у сайловларда ғалаба қозонди.

18 томлик “Белорус Энциклопедияси” (Минск, 1996)нинг учинчи томида Курт Валдхейм (Валдгайм) Австрия давлат арбоби, дипломат деб кўрсатилган. Курт Валдхейм 2007 йил 14 июнда вафот этди [3].

БМТнинг бешинчи Бош котиби лавозимида ишлаган давлат арбоби Перес де Куеляр эди. Мазкур сиёсий арбоб 1920 йил 19 январда Перу пойтахти Лимада давлат хизматчиси оиласида таваллуд топди. У 1940 йилдан Перу ташқи ишлар министрлигида ишлади, 1944 йилдан эса дипломатик хизматда: Перунинг Франция, Буюк Британия, Боливия ва Бразилиядаги элчихоналарнинг котиби лавозимида ва Перунинг Бразилиядаги элчихонасида маслаҳатчи ҳамда маслаҳатчи вакил лавозимларида ишлади.

1961 йилда у Лимага қайтиб келди, келгуси йилда унга элчи мақоми берилди, шундан кейин у биринкетин Ташқи ишлар министрлиги юридик департаменти директори, маъмурий департамент директори, протокол департаменти директори ва сиёсий масалалар бўйича департамент директори лавозимларида ишлади. 1966 йилда Ташқи ишлар министрлигининг бош котиби (Ташқи ишлар министрлигининг ўринбосари) этиб тайинланди. 1981 йилда Ташқи ишлар министрлиги шўъра юристконсулти бўлди. Жаноб Перес де Куеляр Перунинг Швейцария, Совет Иттифоқи, Полша ва Венесуеладаги элчиси бўлган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йилдаги биринчи сессиясида Перу делегациясининг аъзоси ва Ассамблеянинг XXV–XXX сессияларида қатнашган делегацияларнинг ҳам аъзоси бўлган. 1971 йилда Перунинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги доимий вакили этиб тайинланган ва ўша вақтдан бошлаб 1975 йилгача Бош Ассамблеянинг барча сессияларида ўз мамлакатининг делегациясига раҳбарлик қилган.

1973–1974 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашида ўз мамлакатининг вакили бўлди; 1974 йилнинг июлидаги Кипр воқеалари даврида Кенгаш Раиси лавозимини эгаллади. 1975 йил 18 сентябрда Бош котибнинг Кипрдаги махсус вакили бўлди ва бу лавозимда дипломатик хизматга қайтган 1977 йилнинг декабрига қадар турди. 1979 йилнинг 27 февралда Бош котибнинг сиёсий масалалар бўйича махсус ўринбосари этиб тайинланди. 1981 йилнинг апрелидан шу лавозимни бажаришда давом этиш билан бир қаторда, Афғонистон билан боғлиқ бўлган ҳолатни тартибга солиш бўйича Бош котибнинг шахсий вакили вазифасини ҳам бажарган. Ана шу сифатда 1981 йилнинг апрел-август ойларида бундан бир неча ой

аввал Бош котиб бошлаган музокараларни давом эттириш мақсадида Покистон ва Афғонистонга борган.

1981 йилнинг май ойида яна Перу ташқи ишлар министрлигидаги ишига қайтди, бироқ ўзининг шу йилнинг декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби лавозимига сайланганига қадар Афғонистон билан боғлиқ бўлган ҳолатларда Бош котибнинг вакили ҳам бўлди. Шунингдек, у Перу Дипломатик академиясида халқаро ҳуқуқдан ва Перу ҳарбийҳаво академиясида халқаро муносабатлар тарихидан дарс берди. “Дипломатик ҳуқуқ” (1964) дарслигининг муаллифи.

Жаноб Хавьер Перес де Куеляр 1982 йил 1 январдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби лавозимига киришди. 1986 йил 10 октябрда у 1987 йилнинг 1 январидан бошланган иккинчи муддатга қайта сайланди [4].

Ўзининг фаолияти давомида жаноб Перес де Куеляр тахминан 25 та давлатнинг мукофотларига сазовор бўлган. 1987 йилнинг октябрида унга ИberoАмерика ҳамкорлигини ривожлантирганлиги учун шахзода Астурийский номидаги мукофот берилди. 1989 йилнинг январида у халқаро ўзаро тушунишни ва умумий хавфсизликни таъминлашга қўшган ҳиссаси учун Улоф Палме номидаги мукофотга сазовор бўлди. 1989 йилда февралда халқаро ўзаро тушунишга эришишда қўшган хизматлари учун Жавахарлал Неру мукофоти берилди.

1995 йилда Перес де Куеляр Перу президентлигига сайловларда ўз номзодини қўйди, лекин фақат 22 фоиз овоз олиб, Фухиморига ютқазди. Ўзининг БМТдаги лавозимидан қайтгач, ватанида юридик амалиёт билан шуғулланди.

Перунинг сиёсат арбоби, БМТнинг собиқ Бош котиби Хавьер Перес де Куеляр Перу халқ бирлиги муваққат ҳукуматини бошқарди. 2000 йилнинг охирида мамлакат президенти Алберто Фухиморини порахўрликда айблаганларидан кейин Перуда сиёсий инқироз юз берди. Брунейда ўтган кенгашдан фойдаланиб, Фухимори Перуга қайтиб келмади, Японияда яшириниб қолди. Унинг икки фуқаролиги – Перу ва Япония фуқаролиги бор эди. Давлатни парламент скипери Валентин Паниагуа вақгинча бошқариб турди.

Министрлар кабинети раҳбари бўлганидан кейин Перес де Куеляр исён бўлишининг олдини олиш учун армияда тозалаш бошлади. Фухиморининг тарафдори бўлганлиги учун бош қўмондон Валтер Чакон ва яна 12 та генерал истеъфога чиқарилди.

2000–2002 йилларда де Куеляр Перу Министрлар Кенгашининг Президенти, 2002–2004 йилларда эса Лотин Иттифоқи Конгрессининг Раиси лавозимларида фаолият олиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фураев К. *Энг янги тарих*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 84.
2. Хидаятов Г. А., Гулямов. Х. Г. *Всемирная история стран Западной Европы и Америки. (1946–1995)*. – Тошкент, 1999. – С. 129.
3. Эргашев Ш., Бобоматов Т. *XX аср: тақдирларда акс этган тарих*. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б. 80.
4. Эргашев Ш., Бобоматов Т. *XX аср: тақдирларда акс этган тарих...* – Б. 293.

**МАДАНИЯТ ВА ИЛМ-ФАННИНГ ЖОНКУЯР
ТАРҒИБОТЧИСИ**

*Маишхура МУРАДОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими*

Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Дарҳақиқат шундай инсонлар бўладики ўз умрини илм олишга у билан машғул бўлишга ва халқ манфаатлари учун хизмат қилишга сарфлайди. Тангри таолло сийлаган бандасига беқиёс салоҳият бахш этади. Бундай инсонлар эса ўз қобилияти имкониятларини эзгу ишларга йўналтиради.

Истиқлол шарофати билан илм-фан фидойиларига юксак эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда 2017 йил 3 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон зиёлилари билан учрашувда ҳам илм фан вакиллари ва уларнинг халқимиз олдидаги хизматлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Юртимизнинг шундай жонкуяр фарзандларидан бири Иброҳимжон Юсупов ҳақида фикр юритилганда унинг илм-фан, таълим, бошқарув ва маданият соҳаларига қўшган ҳиссаси алоҳида мақтовларга лойиқдир.

Оддийгина таржимайи ҳол инсон амалий фаолиятининг кўзгусидир. Бугун тажрибали раҳбар, зукко олим, ғамхўр устоз даражасига етган Иброҳимжон Юсупов 1942 йилнинг 12 декабрида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида зиёли оилада туғилган. Оилада 4 нафар фарзанднинг кенжаси эди. Ўрта мактабнинг 11

синфини тамомлаб, 1962 йили Тошкент Давлат чет тиллар институтига ўқишга кириб француз тили йўналишида 1967 йилгача тахсил олади. Дастлабки фаолиятини Тўрақўрғон туманидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилишдан бошлади. Кейинг йилларда тил кўникмаларини чуқур эгаллаганлиги сабабли Гвинея ва Мали Республикалари элчихонасида таржимон бўлиб фаолият юритди.

Бу йиллар давомида юртимиз тарихига қизиқишлари кейинги фаолиятини илм фан билан боғлади. 1982-1995 йилларда Наманган Давлат педагогика институтида оддий ўқитувчиликдан пропектор даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Шу йиллар орасидаги изланишлари натижасида тарих фанлари доктори, профессор даражасига эришди.

Шу каби эришган ютуқлари, жонкуярлиги инобатга олиниб 1995 йилда Ўзбекистон Олий Мажлис депутати этиб сайланди. Бир вақтнинг ўзида Олий Мажлиснинг Парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида фаолият юритди. Бу йиллар давомида Парламентлараро алоқалар ва Ўзбекистон Республикаси барча худудларида Парламент аъзоларининг жойларда ҳақиқий аҳволни ўрганиш юзасидан фаолиятини ташкил этиш, муҳокама этиш масалалари бўйича иш олиб борди.

1998 йилдан Наманган вилоят ҳокимининг ижтимоий-мажмуий масалалар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Депутатлик йиллари давомида тўплаган тажрибалари асосида Наманган вилояти ҳокимлигида ҳам ҳамма учун ўртак вазифасини бажарди.

Иброҳимжон Юсупов 2014 йилдан буён Наманган вилоят ҳокимлиги Маданият бошқармаси тизимидаги Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида директор лавозимида ишлаб келмоқда.

У иш фаолияти давомида масулиятни ҳис этиш, тартибларга риоя этиш ва жамият равнақиға ҳисса қўшиш ишларини бажаришда тажрибали устоз сифатида фаолият юритмоқда.

Ўзбек халқи азал – азалдан устоз деб аталмиш мўтабар зотға алоҳида ҳурмат ва эъзоз назари билан қараган. Зеро, аждодларимиз томонидан айтилган биргина “Устоз отангдек улуғ” деган хикматли ибора ҳам халқимизнинг устозларни нақадар улуғланишиға ёрқин мисол бўла олади. Устоз Иброҳимжон Юсупов ана шундай кишилар сирасиға кирадилар. Иброҳимжон Юсупов ўз меҳнати билан обрў топган инсон нафақат Наманган вилоятида балки, республикамизда ҳам барча маданият ва изланишлар соҳасида бу инсонни чин маънода устоз дея ҳурмат билан тилға олишади.

Иброҳимжон Юсуповнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. Унинг камтарона ва самарали меҳнатлари инобатга олиниб “Дўстлик” ордени, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги, “Халқ таълими аълочиси”, “Тиббиёт аълочиси” кўкрак нишонлари, 2019 йилда эса Меҳнат-шухрати ордени билан мукофотланди.

Иброҳимжон Юсупов Юнусович ўсиб келаётган ёшларни аждодларимиз меросига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишда, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, қатор асарларини тарғиб этишда семинар ва анжуманлардаги илмий маърузалари, газета ва журналлардаги ўлка тарихи, маданиятига оид долзарб мавзуларни ёритилган мақолалари билан тарғибот-ташвиқот олиб бораётган республикамиздаги етук мутахассисларидан биридир.

Хусусан унинг муҳаррирлигида ва муаллифлигида Наманган тарихида биринчи мартаба мужассамланган “Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар”, “Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари”, “Ахсикент”, “Тарих маънавият кўзгуси” номли рисола ва китоблар чоп этилди. Республикамизнинг газета ва журналларида унинг “Сайхун соҳилидаги кўхна шаҳар”, “Мунчоқтепа ёдгорлиги”, “Маънавиятимизнинг тарихий илдизлари”, “Музейлар тарих кўзгусидир”, “Истиклол ва маънавий мерос” каби илмий мақолалари чоп этилиб келинмоқда.

У республикамиздаги барча мавжуд музейларда Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонунини, ҳукумат қарорлари, Низомларини тарғиб этишда “Музей маънавий-маърифий маскан”, “Музейлар мозий кўзгуси”, “Музейларга оид меъёрий хужжатларни юритиш” каби мавзуларда семинарлар ташкил этиб, услубий йўриқномалар ишлаб чиқган.

Ташкилотни тараққиётида раҳбар юритган бошқарув катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Иброҳимжон Юнусович Юсупов даврида музейнинг илмий салоҳиятида тубдан ўзгаришлар амалга оширилди, музей тараққиётида ривожланиш босқичига кўтарилди. Жумладан, 2004-2017 йилларда унинг раҳбарлигида “археология”, “этнография”, “Наманган адабий муҳити”, “Мустақиллик йилларида Наманган” экспозициялари замон талаблари руҳида янги экспозицион режалар асосида қайта жиҳозланди ва зиёратчиларга ҳавола этилди.

2017 йил 11 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 975-сонли қарори асосида Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи номи

ўзгариб Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи деб юритила бошланди. Шу санадан бошлаб олий тоифали музейлар қаторидан ўрин олди.

Инсон учун севимли фарзанду набиралари, шогирдлари камолини кўриш ҳамиша ҳамкасблар дилига яқин одамларнинг қуршовида бўлиш, уларнинг меҳр муҳаббатини қозонишдан ортиқ бахт йўқ дунёда. Тўла маънода инсон ва олим Иброҳимжон Юнусович Юсупов ҳеч шубҳасиз, ана шундай бахтга мушарраф бўлган ибратли умр соҳибидир. Унинг ҳаёт йўлиги ҳар қандай киши ҳавас қилса арзийди. Яратгандан Иброҳимжон Юнусович Юсуповга юз билан юзлашиш, бизга эса ўша кунларда пиру бадавлат, мўтабар инсонни бир асрлик ёши билан қутлаш бахти насиб этсин!

КУЛОЛЧИЛИК ТАРИХИДАН

*Малика ДАВРОНОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими*

Аннотация:

Мазкур мақолада кулолчиликнинг вужудга келиши тарихи, Ўзбекистондаги кулолчилик мактаблари ва уларнинг ўзига хослиги ҳақида маълумот олиш мумкин.

Annotation:

This article provides information about the history of pottery, pottery schools in Uzbekistan and their peculiarities.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек халқи ўзининг бой ва қадимий тарихини қайтадан кашф этиш имконига эга бўлди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев айтганларидек: “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир, деб баралла айтишга тўла асос беради”[1].

Санъат жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Ўзбекистон кулолчилиги – бадий иш услубларининг энг қадимий турларидан бири

ҳисобланади. Кулолчилик санъати асарлари сирланган ва сирланмаган иш услублари асосида юзага келади. Сирланмаган кулолчилик ҳажми жиҳатидан катта бўлган, хўжалик учун керак бўладиган буюмларни ўз ичига олади. Масалан, сув ва мевалар солиш учун мўлжалланган хумлар, кўзалар, нон ёпиш учун тандир ва бошқаларда бунни кўриш мумкин. Уста кулоллар ўзбек миллий кулолчилик анъаналарини асраб авайлаб, янги ижодий қирраларини ва бой маънавий меросимизни ўрганиб, уни янада бойитиб бормоқдалар. Буларга Хоразм, Риштон, Каттакўрғон, Шаҳрисабз, Ғиждувон ва Тошкент кулолчилик санъатининг машҳур уста кулолларини мисол келтириш мумкин[2]. Ҳақиқатан ҳам, инсоният яратиб қолдирган маданий бойликлар фақат ўтмиш кишиларидан қолган ёки яратилаётган бойликлар бўлиб қолмай, балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр-ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Кулолчилик санъати тарихини ўрганиш, унинг тараққиёт қонунларини тушуниш, нодир ёдгорликлар билан танишиш ўтмиш одамларининг ҳис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоявий-эстетик қарашларининг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндашишга ёрдам беради.

Кулолчилик буюмлари сопол ва керамика деб аталмиш чинни, фаянс ҳамда майоликалардан тайёрланади. Сополдан буюм ишлаб чиқариш биринчи бор Мисрда милоддан аввалги 4 минг йилликда бошланган. Чиннидан буюм ишлаб чиқариш сирларини хитойликлар милодий аср бошларида билиб олишган. Майолика сўзи Испаниядаги Маёрка ороли ва фаянс сўзи Италиядаги Фаенс шаҳри номларидан олинган[3].

Кулолчиликнинг пайдо бўлиши янги тош асрининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланганлиги учун, баъзан янги тош асрини “Керамика асри” деб ҳам юритилади[4].

Энеолит даврида эса Шарқ мамлакатларида ҳамда Қадимги Гретсияда нафис кулолчилик идишлари ривож этган ва меъморчиликда сополдан фойдалана бошланган. Айрим ерларда кулолчилик дастгоҳларининг вужудга келиши сопол буюмлар шаклининг текис ва кўримли бўлишини таъминлади.

Афросиёбдан топилган кулолчилик маҳсулотлари IX-XII асрларда юртимиз ҳудудида ҳам кулолчилик анчайин ривожланганлигини кўрсатади, XIII асрда мўғуллар ҳужумлари оқибатида нисбатан секин ривожланган кулолчилик XIV-XVI асрларда анча тараққий этди. Турли жойларда кулолчиликнинг

турлича услублари вужудга келди. Халқ усталари кўплаб идишлар тайёрлаш билан бирга уларни юксак дид билан безадилар. Россиядан кўплаб чинни маҳсулотлар келтирилиши Ўрта Осиё кулоллари бозорини бирмунча сусайтирди. Бироқ арзон сопол идишларга бўлган талаб, айниқса, меъморчиликда кулолчилик маҳсулотларининг кенг қўлланилиши кулолчиликнинг узлуксиз ривожланишини тақозо этди.

Қоратоғ, Панжакент, Самарқанд, Китоб, Шахрисабз, Ғиждувон, Хоразм, Тошкент, Ғурумсарой, Риштон сингари шаҳарларда сопол идишларни сирлаб безатишнинг ўзига хос услублари вужудга келди. Бу марказларда тайёрланган кулолчилик буюмлари пишиқ, чиройли, нафис сири, кўркам нақшлари билан диққатни тортади.

XX асрнинг 20-йилларидан кулоллар меҳнатини ташкил этишга эътибор берилди. Тошкентда тажриба кулоллик, Самарқандда кулоллик устахоналари очилди, қисқа муддатли курслар ташкил қилинди, кулоллар тайёрлаш, уларнинг малакаларини ошириш йўлга қўйилди. Т. Миралиев (Тошкент), Р. Эгамбердиев, А. Ҳазратқулов (Шахрисабз), Муҳаммад Сиддиқ, Усмон Умаров (Ғиждувон) сингари кулоллар ёшларга таълим берди. Кулолчиликни тадқиқ этиш, ривожлантириш ҳамда ёшлардан кулоллар тайёрлашда Ўзбекистон халқ рассоми Муҳиддин Раҳимовнинг хизматлари катта.

Ҳозирги кунда бадий безатиш усули, шакли ва тайёрланиш усулларига кўра қуйидаги кулолчилик мактаблари мавжуд: Фарғона (асосий марказлари-Риштон, Ғурумсарой), Бухоро-Самарқанд (асосий марказлари-Самарқанд, Ургут, Ғиждувон), Хоразм (асосий марказлари-Мадир, Каттабўғқишлоқлари), Тошкент. Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш ва ижодий тамойиллари, етакчи марказ ва усталари, ўзигагина хос хусусиятларига эга бўлиш билан бирга асосий бадий умумийликни ҳам сақлаган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида анъанавий амалий санъат асарлари кўрғазмасига асос солинди. 1995 йилдаги 1-Республика ярмаркасида барча кулолчилик мактабининг вакиллари иштирок этди. Усталардан Р.Зухуров (Денов), М.Туропов (Ғурумсарой), И.Комилов (Риштон), Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар (Ғиждувон), Намоз ва Нўмон Облокуловлар (Ургут), Р.Матчонов (Хоразм),

А.Рахимов (Тошкент) махсус тайёрланган “Уста гувоҳномаси” га сазовор бўлдилар.

Ўзбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Сопол буюмлари содда бўлсада унинг кўриниши қисмларнинг аниқлиги, мутаносиблиги сақланиши, нақшларининг бадий жойлашиши, шакл ва мазмунининг бирлиги, уйгунлиги ўзбек кулолларининг жаҳонга танитиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. *Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бирга қурамиз.* – Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Мирзаҳмедов Д.К. *Глазурированная керамика Бухары XIX вв. / Из истории культурного наследия Бухары.* - Ташкент, 1990. – Б 36.

3. Мирзааҳмедов Д.К. *Глазурированная керамика Бухары XIX вв. / Из истории культурного наследия Бухары.* - Ташкент, 1990. – С.36

4. Абдуллаев Н. *История искусств.-Ташкент: Ўқитувчи, 1986.- Б.118*

АНДИЖОН КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ АВЛОДИ

Нуриддин РУЗИЕВ,
Наманган давлат университети
“Тасвирий санъат ва амалий безак санъати” магистратура
мутахассислиги талабаси

Аннотация:

Ушбу мақолада Андижон кулолчилик мактабининг тарихи ва ўзига хос анъаналари, Андижон кулолчилик санъатида ўзининг ўрнига эга бўлган 300 йиллик кулолчилик сулоласи вакилларидан бири уста кулол Мирзабахром Абдувахобовнинг фаолияти ҳақида сўз боради.

Annotation:

This article tells about the history and unique traditions of the Andijan school of pottery, the activities of the master potter Mirzabakhrom Abduvahobov, one of the representatives of the 300-year-old ceramic dynasty, which has its place in the art of Andijan pottery.

Қадимшунос олимларни эътироф этишича кулолчилик санъати инсоният ўзлигини танигандан кейинги энг дастлабки ва энг қадимий ҳунар турларидан биридир. Республикамиз ҳудудидаги қадимий Тохаристон (ҳозирги Сурхондарё вилояти Амударё бўйлари), Суғдиёна (Зарафшон ва Қашқадарё бўйлари), Самарқанд, Хоразм, Чуст, Андижон каби кўхна масканлардан топилган илк кулолчилик буюмлари неолит даври эрамиздан аввалги IV-II минг йилликларга тааллуқлидир. Жумладан Андижон вилоятининг Чордона ҳудудидан топилган, ҳозирда вилоят ўлкашунослик музейида сақланаётган улкан хум бундан тўрт минг йил муқаддам бунёд этилганлиги аниқланган. Ҳунармандчилик соҳаси тарихининг Андижон заминидаги ривожига назар ташласак, ўзбек халқ миллий кулолчилик санъатининг ўзига хос ва бетакрор Андижон мактабини юзага келиш жараёни мавжудлигига гувоҳи бўламиз.

Тадқиқотчи олимлар М.Рахимов, Л.Жадова, А.Марозова, Г.Дервиз, И.Жданколаринг рисоаларида Андижон ҳам Риштон, Шахрисабз, Ургут, Хонқа, Тошкент, Бухоро, каби Ўзбекистоннинг йирик ўзига хос кулолчилик мактабларидан эканлиги эътироф этилган. Мазкур манбаларда тилга олинган кулоллардан Уста Олимбой хожи чиннипаз (1830-1900), Ғойиббой косагар (1871-1945), Жўра кошинпаз (XIX асрнинг 2-ярми), Тожибой кулол (XX аср бошлари) каби 30 га яқин ўз услубига эга бўлган андижонлик номи тилга олинган. Андижон кулолчилик мактабининг энг йирик вакилларида ҳамда бизгача номлари маълум бўлган XIX асрнинг ўрталарида яшаб ижод қилган Отақул кулол сулоласи ҳақида кенг тўхталиб ўтилган.

Сулоланинг 14-авлоди уста Мирзабахром Абдуваҳобов айтишича кулолчиликнинг товоқчи ва кўзагар тури билан шуғулланиб келган сулоланинг Отақул кулол томонидан яратилган кулолчилик намуналари афсуски етиб келмаган. Отақул кулолнинг фарзанди Раҳмон кулол томонидан мазкур сулола анъанаси асосида яратилган сарғиш тусдаги ўзига хос “ўрама” нақшлар билан безатилган катта чарх товоқ Андижон вилояти тарихи ва маданияти музейида сақланмоқда. Шу даврда лойдан улкан кулолчилик буюмлари, идиш-товоқлар, чарх товоқлар ясаш ҳар қандай устанинг ҳам қўлидан келмаган. Раҳмон кулол томонидан қолдирилган меросни устанинг ўғли Юнус кулол давом эттирди. Юнус кулол ҳам кулоллар сулоласининг ўзига хос турли ҳажмдаги, майда оммабоп кулолчилик буюмларидан хурмача, коса, тоғоралар ҳамда катта ҳажмдаги товоқлар устаси сифатида ном қолдирган. Улкан кулолчилик буюмлари учун катта хумдонлар қилиниб, уларда бир марта пиширилган тайёр буюмлар бир нечта Қўқон аравасига юк бўлган.

Сулоланинг кўп йиллик тарихида ўз фаолиятлари билан чуқур ном қолдирган ака-ука Абдусамад (1910-1991) ва Абдувахоб (1915-1980) Юнусалиевлардир. Фаолиятини 1930 йили “Гостер”, “Иккинчи жаҳон” урушидан сўнг “Ўзбекистон” артеллари билан боғлиқ. Андижон кулолчилигида ва ака-ука Юнусалиевларнинг фаолиятида 1930 йилдан бошлаб сариқ ранг устуворлиги кузатилади. 1940 йилларгача бўлган барча хунармандлар каби бу сулола вакиллари ҳам рангворларни асосан ўзлари табиий усулда тайёрлаган. Дарёнинг оқ тоши, ишқор ўсимлигидан олинган рангсиз бўёқ, гулвата, темир, мис, мағил, қалай ва шиша кукунларидан тайёрланган махсус ранглар ҳамда сирлар оддий сопол буюмларга товланиб турувчи оқ хаворанг тус беради.

Юқорида номлари тилга олинган кулоллар ўз даврининг етук хунармандлари сифатида энг аввало халқимизнинг нафис, бежирим ва сифатли кундалик рўзғор-буюмлари бир неча бор халқаро ҳамда республика миқёсидаги кўرғазмаларда намойиш этилган, халқ амалий санъати ҳақидаги бир қатор рисоалардан ўрин олган.

Авлодларнинг шажара китобига сулоланинг 14-вакиллари Абдувахоб кулолнинг фарзандлари Абдурахмон, Мирзабахром ва Қўшоқмизолар ўз номларини зарҳал ҳарфлар билан битиб келишди. Уч ака-укалардан бири устазода Мирзабахром Абдувахобов 1950 йил 18 октябр санасида ҳозирги Олтинкўл туманининг Жалолбек маҳалласида туғилган. Кулоллик касбини отаси Абдувахоб кулолдан ўрганган. Меҳнат фаолиятини 1969 йил маҳаллий саноатга қарашли кулоллик цехида бошлаган. 1974 йилдан “Рассом” ижодий ишлаб чиқариш комбинати ва “Усто” бирлашмаларида ижодкор кулол уста сифатида фаолият юритди. 1980 йилда Иттифок ёш рассомлар уюшмаси, 1990 йилдан Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси (Бадиий ижодкорлар уюшмаси) аъзоси.

М.Абдувахобов ўзбек халқ амалий санъати анъанавий миллий кулолчилиги Андижон мактабининг етук намоёнчасидир. Санъатшунос Д.Юсуповни сулоланинг етук вакили Уста Мирзабахром Абдувахобов ҳақида фикрлари эътиборга моликдир. 300 йиллик ўзига хос кулоллар сулоласининг 14-вакили. Илк бор 1974 йил Қўқонда, “Ўрта Осиё ва Ўзбекистон мовий кулолчилиги” кўрғазмасида иштирок этди. М.Абдувахобов республика рассомлари ва халқ усталари кўрғазмаси (1980), Австрияда ўтказилган маданият кунлари (1982), Испания ва Германия (1983), Македония, Венгрия, Чехословакия, Руминия давлатларида (1986), “Усто” бирлашмаси орқали Москвадаги анъанавий МДХ республикалари ва республикалараро кўчма ва савдо кўрғазмаларида иштирок этди.

1990 йил Андижон вилояти халқ хунармандлари 1-кўргазмасида 2-ўрин соҳиби бўлди. У мустақиллик йилларида янада катта мувафакқиятларга эришди. Ўзбек кулолчилигини дунёга ёйилишига катта ҳисса қўшди. 1992 йилда Юнеско қошидаги “Халқаро амалий санъати анъаналар тарғибот маркази” аъзоси сифатида халқаро савдо ярмаркаларида иштирок қилди.

1992, 1993, 1994 йиллари республика мустақиллиги ва 1995-2000 йилларда “Наврўз” тантаналарига бағишланган республика халқ хунармандлар ярмаркаси, “Буюк Ипак йўли” халқаро ярмаркасида (1995-2011) қатнашди. 1995 йил Юнесконинг 50 йиллиги танловида “Халқаро уста” сертификати, 1000 АҚШ доллари мукофоти билан тақдирланди, “Устоз-шогирд” йўналиши аъзолигига қабул қилинди.

Марказий кўргазмалар залида мустақилликнинг 10 йиллиги республика кўргазмаси (2001), “Базар-арт”, (2007-2009), Тошкентдаги республика кулоллар кўргазмаси (2006-2007), Марғилондаги “Водий камалаги 2010” фестивали, вилоятда ўтказилган “Ташаббус”, “Наврўз”, “Мустақиллик”, “Андижонни гуллар ўлкасига айлантирайлик” ва бошқа кўргазмалари иштирокчиси.

Уста 2007-2017 йиллар давомида мунтазам ўтказиб келинган республика миқёсидаги “Мустақил юрт хунармандлари” анъанавий савдо ярмаркасида қатнашди.

2013 йил Ўзбекистон Давлат амалий санъати музейида “Қуёш нури акс этган Андижон” номли 3-шахсий кўргазмасини ташкил қилди. 2015 йил “Буюк ипак йўли ва зироворлар” халқаро туристик кўргазмаси ва “Ўзбекистон кулолчилигини сақловчилар” ва “Боқий анъаналар” республика кўргазмасида Ўзбекистон Бадиий Академиясининг “Олтин медали” билан тақдирланди.

2017 йил “Ўзбегим миллий қадриятлари”, 1-Халқаро Амалий санъати фестивали Биеналисида ҳамда “Ташаббус-2017” танловининг республика босқичида иштирок этди.

Халқаро тоифадаги кулол М.Абдуваҳобов 300 йиллик оилавий кулоллар сулоласи ҳамда ўзига хос Андижон кулоллик санъати мактабининг етук вакили сифатида ўз ижодий фаолияти билан нафақат сулола ва кулолик мактаби ривожига, балки ўзбек миллий анъанавий кулолчилик санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Сулола анъанасига мансуб ёрқин сариқ рангли Андижон сирли сополлари шакл ва нақшларда янада мукамалликка эришди.

Сариқ, қизғиш, оқ, яшил тусланувчи ранглар уйғунлигида ижодкор уста дастхатини белгиловчи омилга айланди.

Сулоланинг асрлар давомида шаклланган “Белбоғи”, “Чорбарг”, “Пиллаки”, “Анор”, “Ошиқча”, “Қўшбарг”, “Қовун четан”, “Бинаф-

ша”, “Қўш найча” каби ўзига хос нақшлари уста Мирзабахром томонидан бойитилди.

“Товоқ”чилар сулоласи вакили М. Абдуваҳобовнинг ҳозирги ўзбек кулолчилигига қўшган ҳиссаси шундаки, у унутилаётган қадимий “кўзагарлик”, ва “хумгарлик” анъаналарини қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшди. Кейинги йиллардаги кўрғазмаларида айнан кўза ва хумлари билан мухлислар эътиборига тушди.

Шунингдек, миллий кулолчиликдаги қадимий ва анъанавий майолика санъатини қайта тиклаш, унга янада ёрқинлик, пухталиқ ва сифат олиб киришда яхши муваффақият қозонди. Бундай майоликалар қадимий обидалар ва замонавий биноларни безатишда қўлланилмоқда.

М. Абдуваҳобов ижод намуналари Ўзбек давлат санъати, Халқ амалий санъати, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Ўзбекистон Давлат тарихи, Москвадаги Шарқ Халқлари каби ўндан зиёд музейларда АҚШ, Япония, Изроил, Англия, Франция, Германия каби давлатлардаги коллекцияларда сақланади.

М. Абдуваҳобов 2015 йил ўзига хос ижодий услуби ва ўзбек амалий санъатига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медали билан тақдирланди.

20 дан ортиқ шогирд тарбиялаган уста ишларини ўғли Улуғбек Абдуваҳобов ва набираси Акбар Мирзабахромовлар томонидан давом эттирилмоқда. Андижонда бугунги кунда М.Абдуваҳобовнинг устахонаси доимо ташриф буюрувчи туристлар, амалий санъатнинг шу йўналишига қизиқувчи санъат ошифталари ва фаол ёшлар билан гавжум.

SAYLOVLARNING HUQUQIY DEMOKRATIK DAVLAT BARPO ETISHDAGI ROLI

**Muzaffar NORINOV,
Namangan davlat universiteti
O‘zbekiston tarixi mutaxassisligi talabasi**

Annotatsiya:

Ushbu maqolada mamlakatimizda mustaqillik yillarida olib borilgan huquqiy demokratik islohotlar va ularda saylov tizimining o‘rni haqida qisqacha ma’lumotlar berilgan. Mamlakatimiz mustaqillik yillarida barcha sohalarda demokratik islohotlar olib borgani kabi, saylov tizimida ham o‘z islohatlarini bosqichma – bosqich olib borilayotganligi haqida batafsil to‘xtalib o‘tilgan.

Annotation:

This article gives a brief overview of the democratic reforms carried out in our country during the years of independence and the role of the electoral system in them. It was noted that during the years of independence, our country has carried out democratic reforms in all areas, as well as the gradual implementation of reforms in the electoral system.

Har bir davlat mustaqil demokratik davlat tashkil etishda Saylovlarning o'rnini be'qiyos. Saylovlar jarayonida vatan va xalq taqdirining o'tmishi, bugungi va ertangi kuni, har tomonlama mushohada etiladi. Chunki bugungi taraqqiyotda erishgan yutuqlarimiz osonlikcha qo'lga kiritilmaganligini har bir saylovchi fuqaroning ongiga yetib borishi mustaqil taraqqiyot yo'limizning ishonchli kafili bo'ldi.

Mustaqil taraqqiyot sari odimlab borishda demokratiya sohasida jahon miqyosida o'zini oqlagan tajribalaridan foydalanib ularni milliy xususiyatlar bilan uyg'unlashtirish, naqadar muhurligi saylovlar jarayonida yanada yaqqol ko'zga tashlandi. Ishonchimiz komilki, o'zimizga xos demokratik qadriyatlarning istiqboldagi umum e'tirof etilgan xalqaro huquq normalarida ham o'z ifodasini topishi, qolaversa umuminsoniy qadriyatlar sifatida tan olinishi, milliy demokratik taraqqiyot modelimizning afzalligini nafaqat namoyish etish shuningdek uni himoya qilishni ham taqozo etadi.

O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov mamlakatimizda huquqiy davlat qurish va adolatli fuqarolik jamiyatini barpo etish vazifalarini ifoda etib takidlaganidek, biz ana shu ezgu maqsadlar sari intilayotgan ekanmiz, hayotimizda demokratik tamoyillar chuqur ildiz otishini istar ekanmiz, demokratiyaning bosh tamoyili bo'lmish erkin saylovlar masalasiga alohida e'tibor qaratishimiz lozim[1]. Mamlakatimizda saylovlar xalqaro huquq normalariga mos ravishda umumiy, teng, to'g'ridan-to'g'ri, yashirin prinsiplariga asoslanib amalga oshiriladi. Milliy saylov qonunchiligimizda saylov huquqlarini to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita cheklashga yo'l qo'yilmaydi.

Saylovlar – bu ertangi kunimizni belgilaydigan xalq hohish-istaklarining qonuniy ifodasidir.

Saylovlar – bu fuqarolarning ijtimoiy faolligini oshirishga xizmat qiladigan demokratiya darajasi va ko'rsatkichidir. Saylovlar har bir davlatning demokratik g'oyalarga sodiqligini timsolidir. Saylovlar jamiyat va davlat taraqqiyotida demokratik usulda erishishning huquqiy vositasi.

Demokratik saylov huquqlarini amalga oshirish har bir insonning saylov huquqlarini o'z xohish-irodalari asosida erkin bildirishni taqozo

etadi. Erkinlik demokratik saylovlarning muhim belgisidir. Shu erkinlik zahirida fuqarolarning xohish–irodasi hech qanday tashqi ta’sirsiz amalga oshirilishi mujassamlangan

Saylovchilarning erk xohishini amalga oshirish ularning yashirin ovoz berish huquqi mohiyatidan ham kelib chiqadi.

Saylovchilarning xohish–irodasini bildirishlarini nazorat etishga yo‘l qo‘yilmasligi ularning xohish–irodasini erkin va yashirin holda bildirishni taminlashning huquqiy kafolati bo‘lib hisoblanadi.

Demokratik saylovlarni tashkil etishda oshkoralikni axamiyati katta. Saylov va oshkoralik tushunchalari bir–biri bilan uzviy aloqadordir[2]. Saylov jarayonida oshkoralikni taminlashda uning bir qator kafolatlari hal qiluvchi mezon hisoblanadi. Har bir saylovchi saylov davomida okurug, uchastka saylov kamissiyalarini tarkibi, kamissiya joylashgan manzili, ish vaqti, nomzodlarni ro‘yxatga olish, ovoz berish va saylov yakunlariga doir axborotni olish va tarqatish huquqiga ega. Ushbu o‘rinda demokratiya tushunchasi zaminida saylovning muhim prinsipi bo‘lib hisoblangan oshkoralik ham o‘z ifodasini topgan. Oshkoralik fuqarolarning demokratik g‘oya va intilishlarini ro‘yobga chiqarishda muhim omil bo‘lishi bilan bir qatorda ular da vatanparvarlik, milliy istiqlol g‘oyalariga va hech kimdan kam bo‘lmagan holda umuminsoniy va milliy qadriyatlarga sodiqlik ruhida tarbiyalashda eng muhumi, o‘zining taqdiri uchun xohish irodani erkin bildirishni namoyon etishda ham muhim o‘rin tutadi.

Fuqarolarning saylov huquqi mohiyati shu bilan izohlanadiki, eng avvalo ularga tegishli bo‘lgan bu siyosiy huquq boshqacha aytganda, erk – xohishini bildirish huquqi bo‘lib hisoblanadi. Fuqarolarning siyosiy huquqi bo‘lib hisoblangan saylov huquqi ularning ijtimoiy–siyosiy, huquqiy, madaniy sohadagi g‘oya va qarashlarini ifoda etish imkoniyatini yaratadi. Fuqarolarning saylov huquqini amalga oshirishda bir tomondan, davlat va jamiyat ishlarida ishtiroki namoyon bo‘lsa , ikkinchi tomondan esa ularning siyosiy, iqtisodiy , ijtimoiy va ma’naviy sohadagi g‘oya, orzu va intilishlari ham ro‘yobga chiqadi. Shu jihatdan saylov huquqini amalga oshirish keng ma’noda inson manfaatlari uchun qolaversa, mustaqil davlat taraqqiyotini jadallashtirish uchun xizmat qiladi. Fuqarolarning saylovlardagi ishtiroki demokratik islohotlarni yanada tezlatishga yordam beradi. Shu sababli saylovlar fuqarolarning ijtimoiy faolligini namoyon qilishni xarakatlantiruvchi kuch hisoblanadi. Demokratik saylovlar fuqarolarning ijtimoiy faolligini oshirishning muhim huquqiy vositasidir. Mustaqillik yillaridagi demokratik ochiq va oshkora o‘tkazilgan saylov jarayonlari shundan dalolat beradiki: -fuqarolarimiz saylovlar mazmun-

mohiyatini teran anglayotganligidan va demokratik yangilanish jarayonlarida ijtimoiy faollik ko'rsatayotganligidan dalolat bermoqda.

Saylovlar jarayonida fuqarolarning huquqiy madanyatini oshirish masalasi sud-huquq sohasida amalga oshirilayotgan islohatlarning ham eng muhim o'zagini tashkil etadi. Bu jarayonda O'zbekiston respublikasi Markaziy saylov kamissiyasi o'z vakolati doirasida fuqarolar saylov huquqlarini amalga oshirish uchun keng ko'lamli ishlarni tashkil etayotganligi ayniqsa ommaviy axborot vositalari orqali haqiqatdan ham saylov demokratiya ko'zgusi ekanligi ochiq va oshkora namoyon bo'layotganligi, bundan tashqari, saylov qonunchiligiga oid sharhlar, risola, savol- javoblar tariqasida tayyorlanayotgan turli turkumdagi ilmiy va ommabop qo'llanmalar ham saylovchilarning huquqiy madanyatini oshirishda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti saylovi va davlat hokimiyati vakillari organlariga saylovlar jarayonida konstitutsiyaviy normalarning hayotiy ifodasi yorqin namoyon bo'ladi. Siyosiy partiyalar tomonidan ko'rsatilga O'zbekiston respublikasi prezidentligiga va deputatliga nomzodlarning saylovchilar bilan o'tkazilgan yig'ilish va uchrashuvlarida konstitutsiya bergan siyosiy-huquqiy jabhalardagi imkoniyatlar yanada shaffof holda namoyon bo'lib bormoqda.

Saylov huquqi erkinligini taminlash va saylov qonunchiligini rivojlantirish demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirishning dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Mamlakatimizning birinchi prezidenti Islom Karimov ta'kidlab o'tganidek, "Saylovlar—bu mamlakatimizda amalda bo'lgan huquqiy normalarning nechog'lik demokratik ruhda ekanligini namoyon etadigan, demokratik huquqiy davlatning uzviy belgisi, xalqning o'z hohish-irodasini erkin ifoda etishning, fuqarolarning davlat va jamiyat boshqaruvidagi ishtirokini asosiy shakli bo'lib, o'ta muhim va hal qiluvchi ahamiyatga ega masaladir. Shu munosabat bilan o'tgan davr mobaynida yurtimizda samarali , demokratik saylov tizimini shakillantirish va rivojlantirish sohadida g'oyat chuqur samarali ishlar amalga oshirganimizni takidlash o'rinlidir"[3].

Bundan tashqari , sohaga oid qonunchilik asosining yratilishi xalqaro huquqning umum tan olingan prinsiplari va qonun talablariga to'liq javob beradigan ikki palatali parlamentga saylovlar o'tkazishni hamda milliy saylov tizimini izchil va bosqichma bosqich liberallashtirish taminladi . Shu bilan birga, yuridik fan nuqtai nazaridan saylov qonunchiligini tadrijiy takomillashtirishning nazariy-huquqiy asoslari yetarli darajada tadqiq qilinmagan. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlab o'tganidek:

“Bir so‘z bilan aytganda, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va demokratik o‘zgarishlarning muhim tarkibiy qismi hisoblangan saylov tizimimiz mumtazam takomillashib bormoqda. Shu bilan birga bugungi hayotning o‘zi ayniqsa, oxirgi saylovda biz to‘plagan tajribalarimiz yurtimizda saylov jarayonlarini yanada demokratlashtirish masalalarini kun tartibiga qo‘ymoqda”[4]. Bundan kelib chiqib aytish mumkinki saylov, qonunchiligini tadrijiy takomillashtirish borasida asoslantirilgan takliflarni ishlab chiqish hamda uning norma va tamoyillarini unifikatsiyalashtirish yuridik fanning ayniqsa konstitutsiyaviy huquqning muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekiston mustaqil taraqqiyot yo‘lining yangi bosqichida demokratik yangilanishni yanada kuchaytirishga erishilayotganligi, fuqarolar va davlat o‘rtasida o‘zaro ishonchning ortib borayotganligi, fuqarolarning davlat va jamiyat boshqaruvida ishtirokini aynan saylovlar orqali ortib borayotganligi, fuqarolarning orzu va istaklarini amalga oshirishda saylovlarning ro‘li ortib borayotganligi bugungi kundagi davlat boshqaruvida saylovlarning o‘rni beqiyosligini ko‘rsatib bermoqda. Mustaqil O‘zbekistonning saylov tizimi xalqaro saylov andozalariga mos va milliy ruhda sug‘orilganligini ko‘rishimiz mumkun. Binobarin, Saylov – bu demokratiya degani, demokratiya saylov deganidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. *Biz kelajagimizni o‘z qo‘limiz bilan quramiz*, T.7-T: “O‘zbekiston”, 1999. –B. 310
2. Axmedov.D, Turg‘unov.O “*Saylov jarayonlarida oshkoralik nomli risola*” O‘zbekiston Respublikasi markaziy saylov kamissiyasi- T.: “O‘zbekiston” 2009. –B. 32
3. Karimov I.A. *Mamlakatimizda demokratik islohatlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi*-T.: “O‘zbekiston ” 2010. –B. 35
4. Karimov I.A. *Mamlakatimizda demokratik islohatlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi*-T.: “O‘zbekiston ” 2010. –B. 39

ТИЛ – МИЛЛАТ ФАХРИ

*Манзура ХОЛБОЕВА,
Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи бўлим мудири*

Тил – халқ тарихи ва маданиятининг асосий замири ҳисобланади. Кимки ана шу калитдан фойдалана билса, у халқнинг юрагига йўл топади, маданият тарихини миллий хусусиятларни чуқурроқ тушуна билади. Тил одамлар ўртасида алоқа воситасигина бўлиб қолмай, айти пайтда маданиятнинг шундай буюк ютуғидирки, унда халқнинг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти тараққиётининг тарихи кўзгудек акс этади. Энг кам сонли элат бўлсин, барибир улар учун ҳам ўз тилини унутиш тарих олдидаги ва келажак авлод олдидаги жиноят ҳисобланади.

Тилни билиш ҳар бир шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан биридир. Кўп тилларни билиш жаҳон маданияти хазиналарини ўрганишга, миллий маданиятлар, миллий онг ва руҳиятни аниқроқ ва чуқурроқ билишга имкон беради. Бошқа тилларни билиш ўз она тилини билмаслик ҳисобидан бўлмаслиги керак. Ўз она тилини билмаган киши бошқа халқлар тилини билган тақдирда ҳам унинг кадрига ета олмайди.

Ўз она тилини билмаган кишини маданиятли киши деб бўлмайди. Она тилини билмаса, уни ҳурмат қилмаса, маънавий жиҳатдан тўлақонли шахснинг ўзи ҳам бўлмайди, бу нарса маънавий қашшоқлик белгиси саналади. Бинобарин, ўз она тилисини билмаган одам ўзининг шажарасини, илдизини, келажagini ҳам билмайди.

Миллат мавжуд экан, миллий тил ҳам, миллий маданият ҳам, миллий онг ва руҳият ҳам сақланади ва ривожланади. Тилсиз миллат ривожлана олмайди. Бусиз унинг келажаги йўқ. Тилга ҳурматсизлик билан қараш шу тил эгаси бўлган халққа, унинг тарихи ва маданиятига нописандлик билан қарашдир. Буни ҳеч бир халқ ва миллат кечира олмайди.

1989 йил 21-октябрда Ўзбекистоннинг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши мамлакатимиз мустақиллигига дастлабки қадам бўлди. Унинг ривожланиши маънавий кадриятларни тиклаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиб, Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва ушбу ҳуқуқий норма Конституциямизга муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш давлат дастури тўғрисида”ги қарори, 1993 йилда “Лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун, 1995 йили “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу Қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу қаби бошқа ҳужжатлар қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу соҳада яратилган норматив, ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланишни кафолатлаб келаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни хусусан инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб амалда кенг жорий этилмоқда. Айни шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз жамиятимизнинг маънавий ривожиди, замонавий илм фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, кўплаб луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор. Энг аввало она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта муҳим масалага айланмоқда.

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойна-и ҳаёти, тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқатмак-миллатнинг руҳини йўқатмак-дур” деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол далилидир.

O‘ZBEK TILIM, NOMING BO‘LSIN DILLARDA DOSTON

*Aziza NURJONOVA,
Ilmira RAXIMOVA,
Zulfiya SHAMSHADINOVA,
Xorazm viloyati Yuridik texnikumi o‘qituvchilari*

Annotatsiya:

Mazkur maqolada ona tilimizning davlat tili sifatida tan olinishining tarixiy ahamiyati, milliy tilimizning jahon hamjamiyatida tutgan o‘rni, bugungi kunda mamlakatimizda o‘zbek tilining nufuzi hamda mavqeyini yanada oshirish borasida hukumatimiz tomonidan amalga oshirilayotgan islohotlar borasida so‘z yuritiladi.

Annotation:

This article discusses the historical significance of the recognition of our native language as the state language, the role of our national language in the world community, the reforms being carried out by our government to further enhance the prestige and status of the Uzbek language in our country.

1989-yil 21-oktabr O‘zbekiston Respublikasi tarixidagi eng muhim sanalardan biri hisoblanadi. Chunki, aynan shu sanada millatimiz ramzi hisoblangan o‘zbek tili davlat tili maqomiga ega bo‘ldi. Bu esa uzoq yillar davomida o‘z milliy tilini, madaniyatini, ma’naviyatini nafaqat ko‘z qorachig‘idek asrab-avaylab, balki, rivojlantirib kelgan o‘zbek xalqi uchun eng katta mukofot, asriy orzular ro‘yobi bo‘ldi desak, also mubolag‘a bo‘lmaydi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 22-oktabrda imzolangan “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoniga binoan 21-oktabr sanasi “O‘zbek tili bayrami” kuni deb e‘lon qilindi. Aynan shu farmonga asosan Vazirlar Mahkamasi tuzilmasida Davlat tilini rivojlantirish departamenti tashkil qilindi. Bunday islohotlarni amalga oshirishdan ko‘zlangan asosiy maqsad esa ona tilimizning nufuzini yanada oshirishdan iborat.

Barchamizga yaxshi ayonki, ona tili – millat ma’naviyatining mustahkam poydevoridir. Zero, ulug‘ ma’rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy ta’kidlaganlaridek, “Har bir millatning dunyoda borligini ko‘rsatadigan oynai hayoti – bu uning milliy tili va adabiyotidir. Milliy tilni yo‘qotmoq millatning ruhini yo‘qotmoqdir”. Haqiqatan ham ona tilimiz bo‘lmasa, biz hech kimmiz. Shuning uchun dunyo hamjamiyatida munosib

o‘rin egallashni maqsad qilib qo‘ygan har qaysi davlat, avvalambor, o‘z milliy tili va madaniyatini asrab-avaylashga, rivojlantirishga intiladi. Istiqloq yillarida ona tilimizni tom ma‘noda davlat tiliga aylantirish yo‘lida bir qator chora-tadbirlar amalga oshirildi. Ayni shu o‘rinda bir fikrga e‘tiboringizni qaratmoqchiman. Hozirgi kunda yer yuzida 7 mingdan ziyod til mavjud bo‘lsa, ulardan faqat 200 ga yaqini davlat tili yoki rasmiy til maqomiga ega. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, o‘zbek tiliga davlat tili maqomini huquqiy jihatdan muhrlab bergan mazkur qonunning xalqimiz hayotidagi o‘rni va ahamiyati nihoyatda kattadir.

Bugungi kunga kelib, o‘zbek tilining nufuzi nafaqat mamlakatimizda, balki jahon maydonida ham kundan kunga oshib bormoqda. Hozirgi vaqtda o‘zbek tilida so‘zlashuvchilar sonining 50 million kishiga yaqinlashib qolganligining o‘zi ham yuqoridagi fikrni yaqqol isbotlaydi. O‘zbek tili AQSH, Buyuk Britaniya, Germaniya, Fransiya, Shvetsiya, Rossiya, Ukraina, Xitoy, Yaponiya, Janubiy Koreya, Hindiston, Turkiya, Afg‘oniston, Ozarbayjon, Tojikiston, Qirg‘iziston, Qozog‘iston, Turkmaniston kabi davlatlarning 60 ga yaqin universitetlari va 100 dan ziyod maktablarida o‘rganilmoqda. O‘zbek tili va adabiyoti bo‘yicha ilmiy izlanishlar olib borayotgan chet ellik olim va tadqiqotchilar soni esa yil sayin ko‘paymoqda. Bundan tashqari, mamlakatimizning xorijdagi elchixonalari va diplomatik vakolatxonalari qoshida “Ozbek tilining do‘stlari” klublari ham tashkil etilgan. Shunday ekan, har birimiz ona allasi ila qalbimizga jo bo‘lgan ona tilimizning nafaqat yurtimizdagi balki, xalqaro maydondagi mavqeyini yanada oshirish uchun astoydil harakat qilishimiz lozim.

2020-yil 23-sentabr sanasi ham yangi O‘zbekiston tarixida muhim sana bo‘lib muhrlandi. Dunyo nigohi qadalgan Birlashgan Millatlar Tashkilotining 75- sessiyasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev nutqi o‘zbek tilida, o‘z tilimizda olamga taraldi. Bu esa har bir o‘zbekning qalbida cheksiz g‘urur va iftixor tuyg‘ularining jo‘sh urishiga sabab bo‘lgan bo‘lsa, ajab emas. Hurmatli Prezidentimiz yuksak minbarda turib, o‘zbek xalqining matonatini, irodasini, jasoratini o‘z tili misolida namoyon etdi. Darhaqiqat, o‘zining dadil fikrlari, insoniyat rivojiga xizmat qiluvchi ezgu takliflari bilan dunyoning manaman degan kazo-kazolarini o‘z tilida o‘ziga rom etayotgan Yangi O‘zbekiston bu! Aynan shu kun Prezidentimiz timsolida o‘zbek xalqi egilgan, ezilgan ko‘yi emas, global, qalqib turgan dunyo maydonida tik va mag‘rur, qaddi va qadri baland millat bo‘lib bo‘y ko‘rsatdi.

Ona tilimiz xalqaro maydonlarda yangrayotgan bir paytda jamoat joylarida, ko‘chalarda, binolar peshtog‘ida toponimik belgilar, turli lavha

va reklamalar ko‘pincha xorijiy tillarda, ma’naviyatimizga yot mazmun va shakllarda aks ettirilayotgani juda achinarli holdir. Bu davlat tili talablariga, milliy madaniyat va qadriyatlarimizga bepisandlikdan, umumiy savodxonlik darajasi esa tushib ketayotganidan dalolat beradi. Bunday salbiy holatlarning oldini olish uchun hamda ona tilimizning nufuzini oshirish uchun har birimiz mas’ulmiz. Shuni also unutmasligimiz lozim!

*Kimligimni bayon etding,
O‘zbek tilim-ona tilim.
Millatimni ayon etding ,
O‘zbek tilim-ona tilim.
Yetmish yilki xor bo‘lganding,
O‘z tilingga zor bo‘lganding,
Ma’rifatga boy bo‘lganding,
O‘zbek tilim-ona tilim...
Azizaga ilhom berding,
Vasfing uchun imkon berding,
Mo‘jizaviy karvon berding
O‘zbek tilim-ona tilim.*

Yurtboshimizning quyidagi fikrlari mazkur maqolaga chiroyli yakun yasaydi: “Har birimiz davlat tiliga bo‘lgan e’tiborni mustaqillikka bo‘lgan e’tibor deb, davlat tiliga ehtirom va sadoqatni esa ona Vatanga ehtirom va sadoqat deb bilishimiz, shunday qarashni hayotimiz qoidasiga aylantirishimiz lozim. Bu oliyjanob harakatni barchamiz o‘zimizdan, o‘z oilamiz va jamoamizdan boshlashimiz, ona tilimizga, urf-odat va qadriyatlarimizga hurmat, Vatanga mehrimizni amaliy faoliyatda namoyon etishimiz kerak”.

III BO‘LIM. PEDAGOGIKA


OLIMLARNI SEHRLAGAN SON

*Xilola NAJMIDDINOVA,
Namangan davlat universiteti dotsenti,
pedagogika fanlari nomzodi*

Biz ko‘pincha ayrim sonlarning “xosiyatli” va ayrimlarining “bexosiyat” ekani haqidagi fikrlarni eshitib qolamiz. Masalan, ayrimlar 7 raqamiga boshqacha (ijobiy) ko‘z bilan qarashsa, aksincha, 13 ga salbiy yondoshuv bilan boqishadi. Aslida sanoq tizimidagi hech bir son xosiyatli yoki bexosiyat bo‘la olmaydi. Sonlarga nisbatan salbiy yoki ijobiy xususiyat nuqtai-nazaridan yondoshish va ulardan qandaydir g‘ayritabiiy “xosiyatlar” kutish - bo‘lmag‘ur irim-sirimdan boshqa narsa emas.

Lekin matematikada shunday son borki, ushbu sonni matematiklar va ayniqsa geometriya fanini sevuvchilar haqiqatan ham “ardoqlashadi”. U haqida ming yillardan buyon butun boshli jild-jild kitoblar bitilgan. Ushbu son algebra va geometriya ilmining eng o‘tkir zehni olimlarini-yu, qiziquvchan talabalarini hali- hanuz o‘ziga maftun etib kelmoqda. Hatto bu son haqida Gollivudda kinofilm ham ishlangan! Bu qaysi son ekanligini bilishga qiziqyapsizmi? Gap π soni haqida bormoqda. Ushbu maqolada mazkur ajoyib va qiziqarli sonning o‘ziga xos jihatlari haqida fikr yuritamiz.

Har qanday aylana uzunligining o‘z diametriga nisbati - doimiy o‘zgarmas son bo‘ladi. Bu oddiy haqiqatni unchalik qiyin bo‘lmagan o‘lchashlar va kuzatuvlar orqali osongina ilg‘ash mumkin. Haqiqatan ham, aylana uzunligining o‘z diametriga nisbati - hox u koinot miqyosidagi ulkan aylana, masalan, biror osmon jismining orbitasi bo‘lsin, yoki, aksincha, ko‘zimiz o‘rganib qolgan odatiy narsalar, masalan - avtomobil g‘ildiragi, yoki kompyuter DVD- diskleri bo‘lsin, doimo bir xil sonni (constant) beradi, ya‘ni:



$$\frac{\text{aylana uzunligi}}{\text{diametr}} = \text{doimiy son}$$

Aylana uzunligining o`z diametriga nisbati - doimiy son, 3,14 ga teng. Matematikada aylana uzunligini odatda C belgisi bilan, diametrni esa d bilan belgilanadi. Shunga ko`ra, biz yuqoridagi nisbatni $C/d = \text{const}$ ko`rinishida ham yozishimiz mumkin. Aytganimizdek, ushbu nisbat, istalgan aylana uchun bir xil sonni beradi va aynan shu nisbat fanda π (yunoncha "pi") harfi bilan belgilanadi. π ning o`nli kasr bo`yicha yaxlitlangan va verguldan keyingi dastlabki 50 ta raqami bilan ifodalangan qiymati quyidagicha:

$\pi \approx 3,141592653589793238462643383279502884197169399377510\dots$

Bu o`rinda tenglik belgisining to`lqinsimon ekanligiga e`tibor bergan bo`lsangiz kerak. Bu belgi "taqriban teng" ma`nosini anglatadi. Asrlar mobaynida olimlar ushbu sonning 3,14 dan keyingi davomiy qismini imkon qadar aniq ifodalashga urinib kelganlar. Bu borada iloji boricha katta aniqlikka erishish uchun, barcha zamonlarda eng ilg`or matematiklar butun salohiyatlarini ishga solib izlanishgan.

Moziyga qaytib: Arximed usuli. Fanga ma`lum manbalar ichida π haqida qayd etib o`tilgan eng qadimiysi bu - eramizdan avvalgi 1650 yillarga taalluqli deb hisoblanuvchi, qadimgi Misr papiruslaridir. "Axmes papirusi" deb nomlanuvchi ushbu manbada "pi"ning qiymati 3,16 ga teng deb keltirilgan. Ehtimolki, ushbu papirusdagi yozuv muallifi yashagan zamondan boshlab, matematiklar orasida, "pi"ning verguldan keyingi xonalarida joylashuvchi raqamlarini aniq topishga bo`lgan jiddiy urinish va ilmiy raqobat ibtido olgan bo`lsa kerak. π haqida qayd etilgan "Axmes papirusi"dan keyingi yana bir qadimiy topilma - qadimgi Bobil yodgorliklariga oid sopol bo`lagi bo`lib, u taxminan eramizdan avvalgi 200 yillarga tegishli deb qaraladi. Ushbu sopol yodgorlikda "pi"ning qiymati 3,125 ga teng deb keltiriladi.

Bizga ismi-sharifi aniq ma`lum bo`lgan olimlar orasida esa eng birinchilardan bo`lib Arximed "pi"ni aniq hisoblashga uringan. U "pi"ni aniqlashning o`ziga xos usulini, aytish joizki, tarixda ilk marta, sof matematik usulni ishlab chiqdi. Keling, shunga muvofiq, bu usulni keyingi o`rinlarda "Arximed usuli" deb ataymiz.

Arximed usuli juda murakkab va uzoq bayon qilinadi. Shu sababli uning mohiyatiga qisqacha to`xtalib o`tish bilan cheklanamiz.

Arximed aylanaga avvalo biror muntazam ko`pburchakni ichki chizadi, keyin esa, shunday ko`pburchak mazkur aylanaga tashqi chiziladi. Aylana uzunligi ushbu ikki ko`pburchaklar diametrlari orasida o`rtacha qiymatni olishi kerak. Aylana diametri esa birlik sifatida qabul qilinadi. Ko`pburchaklarning yuzini doimo aniq topishning imkoni bo`ladi. Aylananing yuzi esa doimo taqribiy qiymat bilan topiladi. Shu tarzda

Arximed aylanaga ichki chizilgan ko'pburchakning burchaklari sonini ketma-ket orttirib borish bilan, ularning ko'rinishini aylana shakliga maksimal yaqinlashtirib boradi. Demakki, ularning yuzalarining qiymatlari ham, o'zlariga ichki va tashqi chizilgan aylana yuziga maksimal yaqinlashib boradi. Xullas, shu yo'sinda Arximed "pi"ning qiymati quyidagi nisbat orasida ekanini topadi:

$$\frac{223}{71} < \pi < \frac{22}{7}$$

Ya'ni, Arximed usuliga ko'ra "pi" taxminan quyidagi oraliqda aniqlanadi:
3,140845... < π < 3,142857...

Arximed hisoblashlarni muntazam 96 burchakkacha olib borgan deb taxmin qilinadi.

Arximeddan keyingi asrlarda, uning ishlab chiqqan usuli mazkur sonni aniqlashtirish uchun asosiy matematik vosita bo'lib qoldi va deyarli barcha olimlar aynan shu usuldan foydalanishdi.

Chunonchi, qadimgi Misr olimi Klavdiy Ptolomey hisoblashlarni 120-burchak shakli bilan bajarib, "pi" uchun 3,141666... natijani olgan. Sal keyinroq, qadimgi Xitoy matematigi Szu Chunszi "pi"ning qiymati 355/113 ekanini qayd etib o'tgan. Uning vatandoshi Lyu Xuey esa, 3072 tomonli ko'pburchakdan foydalanib, "pi" uchun 3,141592104... qiymatni aniqlagan. Eramizning IV asrida yashab o'tgan hind olimi Ariabxata esa Lyu Xueydan ancha soddaroq yo'l tutgan va u "atiga" 384 tomonli ko'pburchak bilan, 3,1416 qiymatni aniqlagan...

IX asrga kelib esa, Movarounnahr uchun ilmiy yuksalish zamonasi keldi. Buyuk alloma bobokalonimiz Muhammad Muso al-Xorazmiy asarlarida "pi" 3,1416 ko'rinishida keltirib chiqariladi. "Algebra" va "Algoritm" atamalarining tub ildizi bo'lmish bu zot, shuningdek, olimlar orasida birinchi bo'lib, murakkab hisoblashlar uchun (masalan, astronomik tadqiqotlar uchun) 3.1416 qiymatni qo'llash kerakligini; oddiy kundalik hisob ishlari uchun esa 3.14 qiymat yetarli bo'lishini ta'kidlaydi.

Al-Xorazmiydan keyin oradan 6 asr o'tib, Temuriylar davlatida (asosan Samarqandda) yashab ijod qilib o'tgan boshqa bir mashhur olim G'iyosiddin Jamshid al-Koshiy "pi" uchun verguldan keyingi 16 ta xona raqamini aniq hisoblab chiqqan. Asli Eronlik (Koshon shahridan) bo'lgan bu olim, alloma bobomiz Mirzo Ulug'bekning yaqin ilmiy maslakdoshi va Ulug'bek rasadxonasidagi yaqin hamkasbi ham bo'lgan. Shunisi tahsinga loyiqki, yuqorida yodga olib o'tilgan olimlardan farqli o'laroq, al-Koshiy "pi"ni hisoblashda Arximed usulini qo'llamaydi, balki o'ziga xos, boshqacha yo'l tutadi. U 60 lik sanoq tizimidan foydalanadi.

Afsuski, Temuriylar davridan keyin, ilm-fan taraqqiyoti markazi asta-sekinlik bilan Yevropaga ko`chib o`ta boshlaydi. Biroq, Yevropaning eng yetuk olimlari ham, uzoq vaqtlargacha bu borada al-Koshiy muvaffaqiyatini takrorlay olishmadi.

Chunonchi, buyuk farang matematigi sanaluvchi Fransua Viyet ham, “pi”ning verguldan keyingi atigi 9 ta raqamini aniqladi xolos. Ta`kidlash joizki, Viyet ham Arximed usulidan foydalanadi, lekin u favqulodda ulkan ko`pburchak (393 216 tomonli! - tasavvur qilishning o`zi mushkul...) bilan ish ko`radi va shunga muvofiq, hisoblash amallarini bag`oyat murakkablashtirib yuboradi. Viyetning zamondoshi va ayni vaqtda uning ilmiy raqibi bo`lgan Van Roomen ismli golland matematigi ham Arximed usuliga murojaat qiladi va endi u al-Koshiydan biroz o`zib ketadi. 1593 yilda Van Roomen “pi”ning verguldan keyingi 16 ta raqamini aniq topadi. Van Roomendan keyin “pi”ning raqamlarini aniq topishga uringanlar orasida eng katta muvaffaqiyatga erishgan olim sifatida nemis-golland matematigi Lyudolf Van Seylen qayd etiladi. U avvaliga (1596 yilda) “pi”ning verguldan keyingi 20 ta raqamini, yana bir necha yil o`tib esa, 35 ta raqamini aniq topgan. Lyudolf Van Seylenning “pi”ni aniqlash borasidagi muvaffaqiyati o`sha davr matematikasi uchun ulkan yutuq sanalgan hamda u o`z hamkasblari orasida mislsiz mashhurlikka erishgan. Shu sababli, o`sha zamonlarda xatto “pi” sonini Van Seylen sharafiga uning ismi bilan bog`lab, “Lyudolf soni” deb ham nomlay boshlashgan. Van Seylen “pi”ning verguldan keyingi oxirgi sonigacha o`ta aniqlikda topish uchun deyarli butun ilmiy faoliyatini bag`ishlagan. Ta`bir joiz bo`lsa, Van Seylenni “**pi vasvasasi**”ga uchragan, desak ham mubolag`a bo`lmaydi. So`zimizning isboti sifatida, uning o`limidan oldingi vasiyati qanday bo`lganini keltirib o`tishimiz mumkin. Van Seylen, ushbu sonning o`zi aniqlagan barcha raqamlarini o`z qabr toshiga o`yib yozishlarini vasiyat qilib ketgan. Albatta uning davomchilari tomonidan olimning vasiyati amalda bajarilgan. Biroq, Van Seylen mangu orom topgan maskan II-jahon urushi yillarida vayron qilingan va olimning yodgorlik lavhi butunlay yo`q bo`lib ketgan. Faqatgina 2000 yilga kelib, bir guruh matematika shinavandalari tomonidan uning qabr toshiga “pi”ning u hisoblashga muvaffaq bo`lgan verguldan keyingi 35-raqami bitilgan yodgorlik qayta tiklandi.

Van Seylendand keyin ham, uning muvaffaqiyatini takrorlash bo`yicha bir necha avlod matematiklari qattiq urinib ko`rishdi. Ulardan ba`zilari bu vazifani uddalashdi ham. Masalan, 1621 yilda Villebrord Snell ismli matematik Van Seylen natijasini takrorlagan bo`lsa, 1630 yilga kelib avstriyalik astronom Kristof Grinberger bu borada yangi rekord o`rnatdi. U verguldan keyingi 39 ta raqamni aniq hisoblab chiqishga erishdi.

Uygʻonish davri. Mechin usuli. XVI asrdan eʼtiboran, Yevropa ilmiy uygʻonish davrining eng yuksak zakovat egalari boʻlgan olimlar ham oʻz ilmiy faoliyatlarida "pi"ni aniq hisoblash masalasini kun tartibiga qoʻya boshlashdi. Masalan, buyuk matematik olimlar Gotfrid Leybnits va Isaak Nyutonlarning ishlarida ham bu boradagi izlanishlar uchraydi. Eʼtiborga molik jihati shundaki, bu olimlarning ishlaridan boshlab, endilikda "pi"ni aniqlash masalasi istisnosiz ravishda faqatgina geometrik yasashlar evaziga topiladigan Arximed usulini asta-sekinlik bilan chetlab, aynan ushbu buyuk olimlarning ilmiy mehnatlari mahsuli boʻlmish cheksiz kichik miqdorlar analizi doirasiga kirib bora boshladi.

Biroq, Nyuton qanchalik daho olim boʻlmasin, u "pi"ning verguldan keyingi atigi 16 ta raqamini hisoblab chiqa oldi xolos. Buning oʻziga xos sababi bor, albatta. Isaak Nyuton "pi"ning verguldan keyingi xonalaridagi raqamlarni aniq hisoblash masalasiga hech qachon jiddiy yondoshmagan. Uning kundaliklarida bu ish bilan shugʻullanganining sababi sifatida bekorchilik, yaʼni, "boshqa biror tayinli mashgʻulot boʻlmagani" koʻrsatiladi. Shu sababli Nyutonning birorta ham ilmiy ishida "pi"ni hisoblashga bagʻishlangan bir satr ham maʼlumot topa olmaysiz. Uning bu boradagi ishlari, aytish mumkinki, "ermak"lari faqat olim vafotidan keyin, uning qoralama-kundaliklaridan topilgan va eʼlon qilingan.

Biz yuqorida "pi" endilikda geometriya sahnasidan chiqib, asta-sekin algebra olamiga kirib borishga oʻtganini qayd etgan edik. Nyuton va Leybnitslar boshlab bergan matematik analiz usullarini qoʻllash orqali, ulardan keyingi olimlar avlodi, "pi"ni hisoblashda yanada olgʻa siljishga erisha boshladilar. Masalan, 1699 yilda britaniyalik Abraxam Sharp ismli olim "pi"ning verguldan keyingi naq 71 ta raqamini aniq hisoblashga erishdi. Bir necha yil oʻtgach, aniqrogʻi 1706 yilda uning vatandoshi Jon Mechin oʻz nomi bilan ataluvchi mashhur trigonometrik formulalarni kashf qildi va ushbu formulalar asosida "pi"ning verguldan keyingi dastlabki 100 ta raqamini hisoblab chiqarishga muvaffaq boʻldi.

Eʼtibor bergan boʻlsangiz, maqolamiz muqaddimasida biz avvaliga aylana uzunligining oʻz diametriga nisbati doimiy qiymat ($\pi = 3,1415$) ekani va uning yunon alifbosidagi " π " belgisi bilan ifodalanishini aytib oʻtgan edik. Keyinchalik, tarixiy maʼlumotlar keltirish asnosida esa biz bu sonni "**pi**" deb keltira boshladik. Buning sababi shuki, Jon Mechinning muvaffaqiyati maʼlum qilingan oʻsha 1706 yilgacha matematikada mazkur son " π " koʻrinishida belgilanmas edi. Aylana uzunligining diametriga nisbatini maxsus belgi bilan ifodalangan ilk asar bu 1689 yilda Iogann Shturm muallifligida chop etilgan Matematika darsligi boʻlib, unda mazkur son "**e**" koʻrinishida belgilanadi. Qaxramonimizning " π "

ko`rinishida ifodalanishi esa, aynan Jon Mechin muvaffaqiyatga erishgan yildan e`tiboran urfga kirgan. Faqat bunday belgilashni Mechin emas, balki boshqa bir yetuk matematik - Uilyam Jons taklif etgan. Jonsning 1706 yilda chop etilgan “Matematikaga yangitdan kirish” asarida ushbu mashhur son o`zining hozirgi “ismi”ga ega bo`ladi. Jonsning aynan ushbu yunon harfini tanlashiga sabab, uning yunon tilidagi “periferiya” - tevarak, hamda, “perimetron” - perimetr so`zlarining bosh harfi ekanligi sabab bo`lgan. “ π ” belgisining ilm-fan olamida ommalashuviga asosiy sabab esa, bu belgining buyuk matematik olim Leonard Eyler qalamiga mansub ko`p ming adadli matematika kitoblarida keng qo`llanganligi bo`lgan.

Vaqt o`tishi bilan Mechin formulalari π ni aniq hisoblash uchun asosiy matematik vosita o`laroq katta sahnaga chiqa boshladi. 1700 yildan keyin, toki XX asr boshlarigacha “ **π masalasi**” bilan shug`ullangan olimlarning deyarli hammasi aynan Mechin formulalaridan foydalangan. Xususan, nemis matematigi Georg Vega 1794 yilda Mechin formulasi orqali 137-chi raqamgacha topgan bo`lsa, 1841 yilda Uilyam Rezerford 152 ta raqamini topganini ma`lum qilgan (uning natijasi aslida 208-xonagacha bo`lgan, lekin natijadan faqat 152-xonagacha qismi to`g`ri edi). 1853 yilda Rezerford “ **π masalasi**” ga qaytadi va endi u mutloq rekord o`rnatadi: 440 ta raqam! 1844 yilda nemis matematigi Zaxarius Daze π ning 200 ta raqamini hisoblab chiqdi. 1847 yilda esa Daniyalik astronom va matematik Tomas Klausen 248-chi xonagacha aniq yetib bordi. 1853 yilda Vilgelm Lemann ismli nemis olimi 261 ta raqam bilan rekordni yangiladi. 1854 yilda esa, uning vatandoshi bo`lmish professor Rixter avvaliga 330, keyin 400 va yakunda 500 ta xonagacha aniq hisoblab berdi. Angliyalik havaskor matematik Uilyam Shenks esa 1875 yilda bu masalada yanada chuqurroq ketdi: Shenks π ning 707 ta raqamini aniqlashga erishdi.

Shenksning natijasi XIX asr ilm-fani uchun katta shov-shuv bo`lgan. Birinchidan u mutaxassis emas, balki havaskor matematik edi. Ikkinchidan, u professor Rixter natijasidan naq 207 ta ko`p raqam hisoblagandi. Shu sababli unga Parijdagi mashhur ilmiy kashfiyotlar muzeyida alohida hoshiyador lavh o`rnatilgan. Lekin keyinchalik Shenksni shon-sharafga burkashda biroz shoshma-shosharlik qilingani oydinlashib qoldi. 1947 yilda "Nature" jurnalida e`lon qilingan maqolalarning birida, Shenks natijasida 527-xonadan keyingi qismi noto`g`ri ekani isbotlangach, Parij muzeyi xodimlari hoshiyador lavhni olib tashlash bo`yicha ancha-muncha xarajat qilishga majbur bo`lishgan...

Shu tarzda, hikoya qilganimizdek, maqolamiz qahramoni π uzoq asrlar mobaynida jahonning eng yetuk matematiklari uchun ilmiy

faoliyatdagi eng asosiy tadqiqot ob`yektlaridan biri sifatida doimo dolzarb bo`lib keldi.

Shunisi qiziqki, o`sha o`tkir matematiklarning aksariyati, qachonlardir kelib π soning o`ta aniq va inkor qilib bo`lmas qiymati, ya`ni, verguldan keyingi oxirgi raqami albatta topiladi, deb ishonishgan. Bejizga biz 1875 yilga oid so`nggi natija bilan to`xtalish qilmadik. Chunki, garchi to`la aniq bo`lmagan bo`lsa ham, o`sha yilgi Shenksning natijasi (707 ta raqam) π ning verguldan keyingi barcha raqamlarini oxirigacha aniq topishga qaratilgan urinishlar ichida oxirgisi bo`lib qoldi. Chunki, 1882 yilga kelib, olmon matematigi Fon Lindeman, bunday ishonchning oxiri puch ekanini qat`iy matematik uslubda isbotlab berdi. Ha, ko`pchilik matematiklarning hafsalasini pir qilgan ushbu isbotga ko`ra, π ning “aniq” qiymatini topishning imkoni yo`q va u hech qachon bo`lmaydi! Sababi, π soni 1761 yilda isbotlanganidek, irratsional son bo`libgina qolmay, balki u sonlarning yana bir alohida turkumi - transendent sonlar safiga ham kiradi. Bu shuni anglatadiki, π ning aniq qiymatini, verguldan keyingi oxirgi raqamgacha o`ta aniqlikda topish borasidagi masalani sirkul va chizg`ich yordamida mutlaqo hal qilib bo`lmaydi. Fon Lindeman aynan shuni qat`iy isbotlab berdi va π shinavandalarining ustiga “muzdek suv quydi”.

EHMlar davri va π vasvasasi. Biroq, matematiklardan ham injiqroq kasb egalarini topish mushkul. Oxirgi raqamini topib bo`lmas ekan, unda nega imkon qadar uzoqroq xonagacha bo`lgan qiymatni aniqlashga urinib ko`rmaslik kerak! Bu orada esa, endi matematiklar ko`magiga elektron hisoblash texnikalari kirib kela boshladi.

Avvaliga matematik Daniel Fergyusson mexanik kalkulatordan foydalanib, verguldan keyingi raqamlar miqdorini 808 tagacha yetkazdi. 1949 yilda esa matematik Jon Neyman boshchiligidagi ilmiy guruh, o`sha zamon uchun eng ilg`or EHM sanalgan ENIAK kompyuterida π ni imkon qadar aniq hisoblashga mo`ljallangan maxsus dastur yozib, ishga tushirishdi. Kompyuter dasturni 70 soat davomida qayta ishladi va 2037 ta xonadan iborat natija taqdim etdi. 1961 yilda esa IBM 7090 kompyuterining 9 soatlik hisoblashlaridan so`ng, π ning verguldan keyingi dastlabki 100 000 (yuz ming) ta raqami aniqlandi. Millionlik dovon esa 1973 yilda, CDC 7600 kompyuterining deyarli bir kun muddat sarflab bajargan ishidan so`ng bosib o`tildi. O`sha davrdagi kompyuterlarning ishlash tezligi bundan ortig`iga imkon bermasdi. CDC 7600 kompyuterida π ning milliardinchi xonasigacha aniq hisoblash uchun taxminan 25 yil vaqt talab qilinardi.

1970 yillarda bu narsa imkonsiz deb qaralgan va ayrim pessimist olimlar o`rtasida π ni hisoblash bo`yicha chegaraga yetib keldik, degan fikrlar ham paydo bo`lgan. Biroq, 1976 yilga kelib mutaxassislar Yudjin

Salamin va Richard Brent, matematiklar shohi deb e'tirof etiluvchi olim Gaussning XIX asrdayoq e'tirof etgan gipotezasiga asoslanuvchi yangi matematik algoritmi ishlab chiqishdi. Uning mohiyati o'rta arifmetik va o'rta geometrik qiymatlarni ketma-ket hisoblab borishga asoslanadi. Ushbu algoritm asosida yotuvchi formulani esa kompyuter yordamisiz hisoblashning imkoni yo`q. Biroq, Salamin va Brent formula va uning dasturiy algoritmini keltirib chiqarishga chiqarishdi-yu, lekin uloqni yaponlarga oldirib yuborishdi. O'sha formula vositasida 1982 yilda Tokio universitetining Yasumasa Kanada boshchiligidagi ilmiy guruhi Salamin va Brent algoritmini HITACI-M-280H kompyuterida qo'llab, 30 soatlik ish faoliyatidan so'ng 16 777 206 (16 milliondan ziyod!) ta raqam natija bilan butun dunyo matematiklarini lol qoldirishdi. Aytish mumkinki, o'sha yapon olimi Yasumasa Kanada ham Van Seylen kabi " π vasavasasi"ga uchragan bo'lsa kerak. Zero u o'shandan buyon π ni maksimal aniq hisoblash bo'yicha o'z rekordini takror-takror yangilab kelmoqda. Xususan, u 1987 yilda o'z rekordini 134 214 700 ga yetkazgan edi. 1989 yilda esa, asli Kiyevlik bo'lgan va hozirda AQSHda yashaydigan aka-uka Chudnovskiylar π ning xonalari sonini milliard dovonidan o'tkazish orqali yaponlarning rekordini yangilab qo'yishdi. Ular π ning qiymatini 1 011 196 691 ta xonagacha aniqlashgan. Keyinroq Chudnovskiylar 2 milliardlik dovonni (1991 yilda) va keyinroq 4 milliardlik marrani ham zabt etishdi (1994 yilda). Biroq Kanada boshchiligidagi ilmiy guruh yana rekordni qaytarib oldi. Avvaliga ular 1996 yilda 8 milliardlik, 1997 yilda esa 51 milliardlik xonalarni egallashdi. Ta'kidlash joizki, ular foydalangan HITACI SR2201 super kompyuteri 128 ta protsessorga va 1024 gigabayt operativ xotiraga ega. Shunday ulkan salohiyatli ushbu super kompyuter 51 milliardlik dovonni egallash uchun 29 soat vaqt sarflagan.

Kanada boshchiligidagi yapon π -chilari bu bilan cheklanib qolishmadi. Ular 2002 yilda trillionlik marrani bosib o'tishdi (1 241 100 000 000). Kanadaning trillionlik rekordi 2009 yilgacha amalda bo'ldi. Aynan o'sha yili Kanada jamoasini o'z vatandoshlari va hamkasblari - Tsukuba universiteti olimlari dog'da qoldirdi. Hisoblashlar T2 K Tsukuba System deb nomlanuvchi super kompyuterda bajarildi. U har biri to'rt yadrolik bo'lgan 640 ta AMD Opteron protsessorlari bilan jihozlangan bo'lib, 73 soat 36 daqiqalik ishlashdan so'ng, π ning verguldan keyingi 2 576 980 377 524 ta xonasini aniq chiqarib bergan. Biroq, Tsukubaliklarning rekordi ham uzoqqa bormadi. 2011 yilda Seguro Xonda boshchiligidagi boshqa bir yapon olimlari guruhi 10 trillionlik marrani zabt etdi. 2013 yilda Xondaning o'zi 12 trillionlik marradan o'tgan va shu natija hozircha jahon rekordi bo'lib turibdi. 2014 yilning 7 oktabr sanasida 13 trillioninchi marradan ham o'tilgani haqidagi habarlar OAVda paydo

boʻlgan edi. Biroq, hozirgacha bu maʼlumot aniq tasdiqlanganicha yoʻq. Shu sababli, keling Xondaning oxirgi natijasini hozircha rekord sifatida qabul qilib turamiz. Musobaqa esa davom etadi..!

π -vasvasasi uning verguldan keyingi raqamlarini aniq hisoblashga boʻlgan “ π -parastlik” bilan cheklanib qolmaydi. Zamonamizda shuningdek, π ning verguldan keyingi raqamlarini aniq yoddan aytish boʻyicha ham rekord oʻrnatishga qaratilgan musobaqalar bormoqda. Bu boradagi dastlabki rekordni 1977 yilda kanadalik matematik Saymon Playfer 4096 ta raqam bilan oʻrnatgan edi. Hozirgi amaldagi rekord egasi esa Hindiston fuqarosi Rajvir Mina boʻlib, u 2015 yilning 21 mart sanasida 10 soatga yaqin vaqt mobaynida π ning 70 000 ta raqamini yoddan aytib berdi!

Maqolani oʻqib, sizda π ning verguldan keyingi raqamlarini imkon qadar aniq hisoblash uchun shunchalik jon kuydirish kimga va nima uchun kerak? - degan savollar albatta paydo boʻlgan boʻlsa kerak. Haqiqatan ham, π ni shunchalik aniq hisoblashning qanday muhim ahamiyati bor? Taassufki, bu savolning joʻyali aniq javobi yoʻq. π ni imkon qadar katta aniqlikda hisoblashga urinuvchilarning barchasi aslida kim oʻzarga musobaqalashayotgan odamlardir. Aslida al-Xorazmiy bobomiz deyarli bir yarim ming yil avval taʼkidlab ketgan fikr ayni haqiqatdir. Yaʼni, “... kundalik hisob-kitoblar uchun π ni 3,14 ga teng deb, bir oz murakkabroq, masalan, raketa-texnikasi yoki astronomik hisoblashlar uchun esa uni 3,141 529 ga teng deb olishning oʻzi yetarli boʻladi”. Ayzek Azimovning asarlaridan birida esa quyidagi fikrni ham uchratishimiz mumkin: “Agar koinotni 80 milliard yorugʻlik yili diametriga ega ulkan sfera deb tasavvur qilsak va π ning verguldan keyingi atigi 35 ta raqami bilan uning ekvatorial aylanasi hisoblasak, olgan natijamiz haqiqiysidan atigi santimetrning milliondan bir ulushigagina xato boʻladi xolos”. Boshqa bir olimlarning fikricha, π ning verguldan keyingi atigi 39 xonalik koʻrinishi bilan, bizga hozirda maʼlum koinotning aylanasi, proton diametri oʻlchamidagi xatolik bilan aniqlash mumkin ekan...

π haqida boshqa qiziq faktlar.

- Har yilning 14 mart sanasi “Xalqaro π kuni” sifatida nishonlanadi. Chunki bu sana yilning 3-oyining 14-sanasi, yaʼni 3,14 ga toʻgʻri keladi. 2015 yilning 14 mart sanasi esa bu borada yanada katta muvofiqlikdagi “ π kuni” sifatida oʻtdi (yaʼni, 3,1415).

- 1894 yilda asli kasbi vrach boʻlgan Edvard Gudvin ismli shaxs AQSH senatiga π soni 3,2 ga teng ekanini qatʼiy tasdiqlovchi qonun loyihasini taqdim etgan. Yuqori davlat lavozimlarini egallovchi kibor senatorlardan birortasi, ushbu axmoqona va kulgili hujjat loyihasining mohiyati tabiat qonunlariga zid ekanini fahmlamagan. Faqatgina senat

majlisiga tasodifan kirib qolgan bir matematik olim butun AQSH qonunchiligi va senatini sharmandagarchilikdan qutqarib qolgan. Hozirda mazkur hujjat loyihasiga “ko`rib chiqilishi muddatsiz kechiktirilgan!” tamg`asi bosilgan holda saqlanmoqda.

Xulosa o`rnida quyidagilarni aytish mumkin: π soni ko'plab sohalarda ishlatiladigan formulalarda ko'rinadi. Fizika, elektrotexnika, elektronika, ehtimollik nazariyasi, qurilish va navigatsiya ulardan ba'zilaridir. π soni raqamlarining oxiri yo'qligi kabi, ushbu sonni amalda qo'llash imkoniyatlari ham tugamaydi.

Zamonaviy matematikada π soni faqatgina aylananing o`z diametriga nisbati sifatida qo'llanmaydi. U ko'p sonli turli xil formulalarda ishlatiladi.

Bu va boshqa o'zaro bog'liqliklar matematiklarga π sonining tabiatini yanada aniqroq aniqlashga imkon beradi.

Zamonaviy dunyoda π sonining aniq qiymati nafaqat o'zining ilmiy ahamiyatiga ega, balki juda aniq hisob-kitoblarda (masalan, yo'ldosh orbitasi, ulkan ko'priklarni qurish), shuningdek zamonaviy kompyuterlarning tezligi va quvvatini baholashda ham qo'llaniladi.

Hozirgi vaqtda π soni formulalar, matematik va fizik faktlar to'plamini ko'rish qiyinligi bilan bog'liq. Ularning soni tez o'sishda davom etmoqda. Bularning barchasi, o'rganish yigirma ikki asrdan ko'proq vaqt davom etgan eng muhim matematik doimiylikka bo'lgan qiziqishning ortib borayotganidan dalolat beradi.

VAZIYATNING O'ZGARISHI MAQSADGA TA'SIR ETMAYDI

*Odinaxon ISMANOVA,
Namangan davlat universiteti dotsenti, PhD (f.-m.f),
Shahnoza AZIMOVA,
Komila RUSTAMOVA,
Madinabonu ABDUJABBAROVA
Namangan davlat universiteti*

Annotasiya:

Ushbu maqolada fizika fanini oliy o`quv yurtlarida online tarzda o`qitish, ta'lim jarayonida ta'lim sifatini oshirish uchun zamonaviy texnologiyalardan foydalanish usullari va uning avfzalliklari keltirib o`tilgan.

Abstract:

The article describes the methodology of teaching physics in the online higher education system, the use of modern technologies to improve the quality of teaching in the educational process and its advantages.

Koronavirus infeksiyasi bizning kundalik hayotimizga ayrim o'zgarishlarni kiritdi. O'zbekistonda joriy yilning 16 martidan boshlab kasallik tarqalishi xavfi tufayli bolalar bog'chalari, maktablar va universitetlar yopildi. Butun o'quv jarayoni qisqa fursatlarda masofaviy rejimga o'tkazildi. Oliy va o'rta maxsus ta'limi vazirligi xam vaziyatni to'g'ri baholab, misli ko'rilmagan rejani e'lon qildi. Ya'ni O'zbekistondagi barcha oliy ta'lim muassasalari xam boshqa o'quv muassasalari qatorida masofaviy o'qitish tizimida faoliyatini davom ettira boshladi. Shundan kelib chiqib ushbu maqolada fizika fanini masofadan o'qitish tamoyillarini ko'rib chiqmoqchimiz.

Kechagina auditoriyada o'tilgan darslarning to'satdan onlayn platformaga ko'chgani ta'lim beruvchi ustozlar uchun ham katta tajribasino'v maktabi bo'ldi. Dastlab, mazkur o'zgarishlar shubhasiz, muayyan noqulayliklarni keltirib chiqardi, ammo pandemiya sababli kuzatilayotgan o'zgarishlar va ta'limdagi yangi yechimlar, hozirgi davr uchun zarur bo'lgan innovatsiyalarni ta'lim sohasiga kiritilishiga sabab bo'ldi.

Hozirda masofaviy o'qitish platformasi orqali onlayn darslar tashkil qilinib, universitetning har bir professor-o'qituvchisi bu platformaga videoma'ruza, ma'ruzalar matni, mavzular bo'yicha taqdimot materiallari, mustaqil ish, ochiq va yopiq testlarni kiritib, o'z vaqtida talabalarning bilimlarini baholab boryaptilar. Onlayn dars bu yangicha uslub va an'anaviy darsdan tubdan farq qiladi. Demak, har bir o'qituvchi-pedagog endi auditoriyadagi yondashuvlarni qisman unutib, virtual auditoriyalarga moslashishi zarur, chunki bu darslarning ham o'ziga yarasha jiddiy talab va shartlari bor.

Onlayn darslar vositasida talaba-yoshlarimiz ko'proq mustaqil ishlashga, ilmiy ijod bilan shug'ullanishlariga, kitoblarni mutolaa qilishlariga imkoniyatga ega bo'ldilar, pedagog-o'qituvchilarimiz esa xorij olimlari ishtirokida tashkil qilinayotgan onlayn videokonferentsiyalarda qatnashib, kasbiy mahoratlarini rivojlantirish uchun muntazam ishlashga intilyaptilar.

Hozirgi vaqtda o'qitish va tarbiyalashning yangi texnologiyalariga sifat jihatdan tez o'tish uchun ob'ektiv asos yuzaga keldi, chunki iqtisodiy va ijtimoiy hayotdagi innovatsion jarayonlar o'z-o'zidan ta'limda ham tubdan o'zgartirishlarni taqozo etmoqda. Hech bir o'qituvchi-pedagog ertami-kechmi bu jarayonga qo'shilmasdan chetda qolishi mumkin emas.

Zamonaviy globallashuv sharoitida oliy ta'lim sohasidagi onlayn o'qitish usullari zamonaviy axborot vositalari bilan boyitilishi natijasida ta'lim sifatining yanada ortishi kutilmoqda. Bu borada masofaviy o'qitish usuli o'qituvchi-pedagog va talabalar uchun ham qator qulayliklarga

egaligi bilan alohida ahamiyatga egadir. Endigi vaziyat talabalar uchun zarur bo'lgan o'quv-uslubiy materiallar, o'quv qo'llanmalar asosida kompyuter dasturlari ishlab chiqish vazifasini qo'ymoqda. Zero, masofaviy o'qitish har qanday sohada ham jahon ta'lim markazlarining uslubiy adabiyotlari, zamonaviy hamda so'nggi axborotlarni olish, jamlab foydalanish imkoniyatlarini beradi.

Shuningdek fizika fani ham bundan mustasno emas. Hayotimiz har jihatdan texnika va texnologiyalar bilan o'zaro uzviy bog'liqdir: Ertalab soat tonggidan boshlab to kun rejasini tuzish va o'qish bilan yakunlashgacha. Bugungi kundagi dolzarb muammolardan biri ta'lim sifatini oshirish va rivojlantirish uchun texnologiyalardan samarali foydalanish imkoniyatini yaratishdir. Shu o'rinda aytish kerakki bilimli avlod, professional kadrlar bu jamiyatning keng miqyosda rivojlanishi garovidir. Prezidentimiz tomonidan 2020-yilni "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish" yili deb nomlanishi ham bejizga emasdir.

Fizika fanini o'qitishda turli innovatsion yangiliklardan foydalanish uni chuqur yo'ritishga va talaba yoshlarda bilim ko'nikmalarni rivojlantirishga turtki bo'lib xizmat qiladi. Jumladan fizika laboratoriyalarini olib borishda virtual, vizual hamda real tajribalarga tayangan holda olib borish yangicha innovatsion talimning bir bo'lagi desak hato bo'lmaydi. Shundan kelib chiqib, Vizual fizikaning asosiy afzalligi – bu jismoniy hodisalarni kengroq namoyish etish va ularni har tomonlama o'rganish imkoniyatidir. Shu jumladan u fizikaning turli sohalarini qamrab oladi. Bu fanlararo aloqalarni mustahkamlash, nazariy bilimlarni umumlashtirish va tizimlashtirish uchun keng imkoniyatlar yaratadi.

Fizika bo'yicha interfaol ishlar darsda yangi materialni tushuntirish paytida yoki ma'lum bir mavzuni o'rganish oxirida seminar shaklida olib borilishi kerak. Yana bir variant – mustaqil ishlarni tashkil etish, ixtiyoriy, individual darslarda ish olib borishni taqazo etadi.

Virtual fizika (yoki onlayn fizika) – bu ta'lim tizimidagi yangi noyob yo'nalish. Ma'lumotlarning 90% miyamizga optik asab orqali kirishi hech kimga sir emas. Va inson o'zini ko'rmaguncha, ba'zi bir jismoniy hodisalarning mohiyatini aniq anglay olmasligi ajablanarli emas. Shuning uchun o'quv jarayoni vizual materiallar bilan ta'minlanishi kerak. Siz nafaqat jismoniy hodisani aks ettiruvchi statik rasmni ko'rishingiz, balki ushbu hodisaga harakatda qarashingiz juda ajoyib.

Ushbu manba o'qituvchilarga oson va erkin tarzda nafaqat fizikaning asosiy qonunlari harakatlarini, balki umumiy ta'lim dasturining aksariyat bo'limlarida fizika bo'yicha onlayn laboratoriya ishlarini olib

borishda ham qo'llash mumkin.. Xo'sh, masalan, p-n birikmasi prinsipini so'zlar bilan qanday tushuntira olasiz? Faqatgina ushbu jarayonning animatsiyasini talabaga ko'rsatish orqali hamma narsa darhol unga ayon bo'ladi. Yoki fotoeffekt hodisasini tushuntirishda moddadan elektronlarni ajralib chiqishin jarayonini aniq ko'rsatib berishingiz mumkin va shundan keyin talabada ushbu hodisaning mohiyati to'g'risida savollar kamroq bo'ladi.

Bundan tashqari, ko'rgazmali qo'llanmalar fizikaning deyarli barcha bo'limlarini qamrab oladi. Masalan, mexanikani tushuntirmoqchimisiz? Bu yerda Nyutonning ikkinchi qonuni, jismlarning to'qnashuvi paytida impulsning saqlanish qonuni, tortishish va elastiklik ta'sirida jismlarning aylana bo'ylab harakatlanishi va boshqalarni aks ettiruvchi animatsiyalar mavjud. Agar siz optikani o'rganmoqchi bo'lsangiz, bu osonroq bo'lmaydi! Difraksion panjara yordamida yorug'lik to'lqinining uzunligini o'lchash bo'yicha tajribalar, uzluksiz va chiziqli emissiya spektrlarini kuzatish, yorug'likning interferentsiyasi va difraksiyasini kuzatish va boshqa ko'plab tajribalar aniq ko'rsatilgan. Elektr haqida nima deyish mumkin? Va bu bo'limga bir nechta ko'rgazmali vositalar berilgan, masalan, Om qonunini to'liq elektron uchun o'rganish, o'tkazgichlarning aralash aloqasini o'rganish, elektromagnit induktsiya va boshqalar.

Shunday qilib, o'quv jarayoni hammamiz o'rganib qolgan "majburiyat" dan o'yinga aylanadi. Talaba uchun jismoniy hodisalarning animatsiyalarini tomosha qilish qiziqarli bo'ladi va bu nafaqat soddalashtiradi, balki o'quv jarayonini tezlashtiradi. Boshqa narsalar qatori, talabaga odatdagi ta'lim shaklida olgandan ko'ra ko'proq ma'lumot berilishi mumkin.

Bundan tashqari, ko'plab animatsiyalar ma'lum shundan laboratoriya asboblari to'liq o'rnini bosishi mumkin. Yoki mahsus sharoitlar talab etadigan atom va yadro fizikasi uchun juda mos keladi. Ehtimol, bunday ko'rgazmali qo'llanmalarni ta'limning majburiy o'quv dasturiga kiritish orqali ularni oliy o'quv yurtini tugatgandan so'ng fizikaga qiziqishlari yanada ortadi va ular oxir-oqibat yosh olimlar bo'lib etishadi, ularning ba'zilar ajoyib kashfiyotlar qila oladilar!

Shunday qilib, O'rta Osiyo olimlarining ilmiy davri qayta tiklanadi va bizning mamlakatimiz uyg'onish davridagi kabi yana o'z davridan oldinroq bo'lgan noyob texnologiyalarni yaratadi. Shuning uchun iloji boricha bunday manbalarni ommalashtirish, ular haqida nafaqat talabalarni, balki maktab o'quvchilarini ham xabardor qilish kerak deb o'ylaymiz, chunki ularning aksariyati nafaqat jismoniy hodisalarni maktabda, balki bo'sh vaqtlarida uyda ham o'rganishga qiziqishadi va bu sayt ularga qulay

imkoniyat yaratib beradi! Onlaynda fizika qiziqarli, ma'lumotli, ko'rgazmali va osonlikcha mavjuddir! Umuman olganda vaziyatning o'zgarishi maqsadga erishishga to'sqinlik qilmasligi kerak.

**XX ASR BOSHLARIDA O'ZBEK ADABIY TILINING
SHAKLLANISH OMILLARI
("KECHA VA KUNDUZ" ROMANI ASOSIDA)**

*Buviniso ABDAYEVA,
Namangan davlat universiteti akademik litseyi o'qituvchisi*

Annotatsiya:

Maqola uchun jadid yozuvchisi Abdulhamid Cho'lponning "Kecha va Kunduz" dilogiyasi asos qilib olingan bo'lib, romanning tiliga oid bo'lgan ayrim xususiyatiga to'xtalib o'tganmiz. O'zbek tilining boyishidagi asosiy manbalardan biri bo'lgan shevalardan muallif bu mashhur romanida o'z o'rnida foydalangan.

Annotation:

The article is based on the dilogy "Night and Day" by the modern writer Abdulhamid Cholpon, and we have considered some features of the language of the novel. Dialects, one of the main sources of enrichment of the Uzbek language, were used by the author in his famous novel.

Bu davrda o'zbek adabiy tilining shakllanishi uchun badiiy adabiyot, jumladan, jadid adabiyoti vakillarining asarlari muhim o'rin tutadi. Mumtoz adabiyot, ma'rifatparvarlik davri adabiyoti tilidan farqli tarzda jadid adabiyoti asarlarida tilning yanada sayqallanishi va xalq tiliga yaqinlashishi yaqqol ko'zga tashlanadi. Ayniqsa, shevalar va o'zlashma so'zlar misolida tilimizdagi ayrim xususiyatlarni kuzatishimiz mumkin.

"Kecha va kunduz" romanidagi qahramonlarning tili orqali qo'llanilgan sheva namunalarida tilning shakllanish omillari ko'zga tashlanadi. Masalan "...Sen choyni jindek qo'ya turib, chala qoldirgan yerlaringni supuratur, kelib qolar". Qurbonbibi tilidan keltirilgan ushbu parchada ayrim sheva elementlari bor "jindek", "supuratur" kabi so'zlar adabiy tilga juda yaqin va barcha uchun tushunarli so'zlardir. "Tovba" so'zining "tovva", tandirning "tanur", do'ppining "to'ppi", javramoqni "jovramoq", javonni, "jovon" ishlatilishi ham shular jumlasidan bo'lsa, "bu" olmoshining "mu"(muning,munga)tarzida ishlatilishini asar muallifi tilidan ham ko'p marta uchratamiz. "Otam o'lgur muning yer-suviga, davlatiga qiziqdi... (Poshshaxon),... birdan munaqa hol bo'lib qolgandan

keyin... “(Umrinisabibi)”. “Hazrati” soʻzining “hast” deb qoʻllanilishi ham asarda shevaga oid soʻzlarga murojaat etilishining namunasidir. Chunki shevada qisqalik, ixchamlikka intilish mavjud.

Quyidagi parchalarda esa muallif sheva va oʻzlashma soʻzlardan personajlar tili orqali unumli foydalangan: “Unday desang, boshput olib, oʻrusvoyning religa tushib, “hayt!” deb...”

*...Halinchakka,
Chakan koʻynak yarashar
Kelinchakka.
Chakan koʻynak engiga
Tut qoqaylik...*

“oʻrusvoy”, “reli(rels)” kabi oʻzlashma soʻzlar xalq tiliga yaqinlashtirib aytilgani sababli oʻzgarishlarga uchragan. Bundan tashqari “veksil”, “oʻrus”, “zakunchi”, “Germon”, “Moskovchi” singari xalq tiliga moslashtirilgan olinma leksik birliklar ham koʻp uchraydi. Bu esa oʻsha davrdagi tarixiy jarayonlarning tilga taʼsirini koʻrsatadi.

Sheʼriy parchada esa aynan sheva soʻzlaridan foydalanilgan: “koʻynak”, “engiga” kabi. “Oʻzi qaroroq xotin, uchrab bir chang solsa, hech narsa qolmaydi”. Berilgan parchadagi “Oʻzi qora”, yaʼni uzuqora soʻzi bugungi kunda ham uchraydi, ammo yuqoridagi sheva soʻzlaridan farqli tarzda qoʻllanish doirasi cheklangan boʻlib, ayrim hududlargagina tegishli.

Bugungi kunda aksariyat dialektizmlar xalq tilida uchraydi, ammo quyidagi ayrim dialektlar esa yoʻqolib ketgan: “Zebi kamoli hayron boʻlganidan aravakashning nomahramligini ham unutib, haligi tangʻriqash nazari bilan unga qaradi”. Ushbu parchadagi “tangʻriqash” soʻzi oʻsha davrdagi hayronlik, lollik maʼnosini ifodalagan.

“Toʻxtashning asrdiyda doʻkati ikki kunda bir qirib turganligidan lab ustidan kalta va tekis boʻlsa ham, umuman oʻzi... ingichka boʻlib pastga choʻzilgan...”. Ushbu gapdagi “doʻkat” soʻzi ham bugungi kunda isteʼmolda emas, maʼnosi ustara. Yoki “qudalar qofilasi” birikmasidagi “qofila” (karvon) soʻzini misol tariqasida olishimiz mumkin, “chingʻiroq” (qoʻngʻiroq) leksemasi ham yoʻqolib ketgan dialektizmdir.

“Oʻzi namoz oʻqimasdan va maktabda goʻdak bolalarga yer mudavvardur, yaʼni misli tarvuz yumaloqdur...”, bu jumladagi "mudavvardur" ham yuqoridagilar sirasiga kiradi. Bunday soʻzlar qatorini yana davom ettirishimiz mumkin: “podsholikning pastarin bir iti “yoki” bosma (bosmachilik, banditlik) qilishdan ham toymaydi”.

Asarda ayrim tovushlar talaffuzidan qochish holatlari ham uchraydi, buni ham sheva ko‘rinishlaridan biri deyishimiz mumkin: “Shomashrabning (Shohmashrab) tirilib kelishi darkor edi”.

Romanda muallif tomonidan, asosan, dialektlarning o‘quvchilarga tushunarli bo‘lganlari qo‘llanilgan bo‘lib, takrorlar deyarli sezilmaydi. Bunday leksik birliklar mumtoz adabiyotga mansub bo‘lgan so‘zlar bilan uyg‘unlikda ishlatilgan. Sheva, o‘zlashma so‘zlar asar qahramonlari, personajlar xarakterini yanada bo‘rttirib ko‘rsatib, badiiylik, obrazlilikni kuchaytirgan.

O‘QITUVCHILAR JAMOASIGA RAHBARLIK QILISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI

*Fotima QOSIMOVA,
Jizzax viloyati, Sharof Rashidov tumanidagi
13-umumta‘lim maktabi, Ma‘naviy-ma‘rifiy
ishlar bo‘yicha direktor o‘rinbosari*

Kundalik turmushimizda “jamoa“ so‘zi odamlarning turli uyushgan guruhlarini ifodalash uchun qo‘llaniladi. Lekin har doim ham bu to‘g‘ri bo‘ladimi? Jamoani boshqa har qanday guruhdan ajratib turuvchi farqlar nimalardan iborat? Bu savollarga javob berishdan oldin malaka oshirish kurslariga yoki ilmiy-amaliy konferentsiyaga yig‘ilgan o‘qituvchilar guruhini ko‘z oldimizga keltiraylik. Bir-biri bilan munosabatga kirishish imkoniga ega bo‘larkan, bir qancha vaqtdan keyin ular orasida hissiy hulq-atvor, yoqtirish, yoqtirmaslik, e‘tiborsizlik, erkinlik, passivlik, faollik, bo‘ysunish, itoatsizlik kabi munosabatlar paydo bo‘ladi. Odamlarning mana shunday o‘zaro shaxsiy aloqalari o‘rnatilgan, lekin umumiy maqsadi va shu maqsad bilan hamjihatlikdagi harakati bo‘lmagan birlashmalari aralash guruhlar deb ataladi. Aralash guruh a‘zolarining psixologik jihatdan maqsadlari (masalan, o‘qitishning qandaydir yangi texnologiyasini o‘zlashtirish) bir xil bo‘lishi mumkin, biroq umumiy maqsadi bo‘lmaydi. Ammo birgalikdagi faoliyatning mavjudligi hali jamoa shakllandi degani emas. Ko‘p hollarda birgalikda ishlash umumiy maqsad ko‘rinishida bo‘ladi xolos, amalda esa har bir ijrochi o‘z shaxsiy maqsadiga ega bo‘ladi va shu maqsad yo‘lida harakat qiladi. Misol uchun, qandaydir ishni kelishuv bo‘yicha bajarib berishni zimmasiga olgan guruh a‘zolari uchun yakuniy natija ish haqi (moddiy mukofot) olish vositasi bo‘lishi mumkin, xolos. Ish jarayonida guruh a‘zolari o‘rtasida ishga doir munosabatlar qaror topadi, biroq ularning har

biri o'z maqsadini ko'zlaydi, jamoa ko'rinishi amalda mavjud bo'lmaydi. Umumiy natijaga erishish uning a'zolari uchun shaxsiy manfaatlarini amalga oshirish vositasi bo'lgan bunday uyushib. ishlovchi guruhni kooperativlashgan guruh deb ataymiz.

Jamoa - bu guruh taraqqiyotining cho'qqisi, uning oliy bosqichi. Jamoaning ajralib turadigan asosiy belgilari – bu, birinchidan, birgalikdagi faoliyatning umumiy va umumahamiatga, shu bilan bir paytda guruhning barcha a'zosi uchun shaxsiy qimmatga ega bo'lgan maqsadi mavjudligi, ikkinchidan, guruh a'zolari o'rtasida birgalikdagi faoliyatning mohiyati, uning qadriyatlari, tamoyillari, maqsad va vazifalariga asoslangan alohida munosabatlar tizimining mavjudligi.

Zamonaviy ilmiy tushunchalarga ko'ra, jamoadagi munosabatlar tizimi ko'p darajali hisoblanadi. Uning **birinchi darajasini** rasmiy (tartibga solingan) munosabatlar tashkil qiladi. Pedagogik jamoada bu munosabatlar maktabdagi o'quv-tarbiyaviy jarayonni amalga oshirish uchun uning xodimlari o'rtasida mehnatning taqsimlanishi, xodimlarning rasmiy huquq va majburiyatlari bo'linishi bilan yuzaga keladi. Bu tizim ichida jamoaning har bir a'zosi belgilangan vazifani bajarar ekan, uning qolgan a'zolari bilan o'ziga buyurilgan tarzda o'zaro munosabatda bo'lishi kerak. Bu darajadagi o'zaro munosabatlarning xarakteri o'quv-tarbiyaviy jarayonning o'ziga xosliklari hamda rasmiy nizom, ko'rsatma, buyruq va boshqa me'yoriy hujjatlarda qayd etilgan ma'muriy-huquqiy tartiblar bilan asoslangan.

Tizimning **ikkinchi darajasi** jamoa a'zolarining ular tomonidan amalga oshirilayotgan ta'lim berish faoliyatiga, uning maqsad va vazifalariga, u amal qiladigan tamoyillarga munosabatidan, faoliyat asoslaridan, har bir o'qituvchi uchun uning ijtimoiy mazmunidan tashkil topadi.

Uchinchi darajada ta'lim jarayonining mohiyati, uning maqsad va vazifalari, o'qituvchilar jamoasida qabul qilingan tamoyillar va yuksak maqsadlarda namoyon bo'luvchi shaxslararo munosabatlarda ifodalangan.

To'rtinchi daraja yoqtirish, yoqtirmaslik, hurmat, hurmatsizlik kabi birgalikdagi faoliyatning belgilovchilari bo'lolmaydigan shaxslararo munosabatlarni o'z ichiga oladi.

Shunday qilib, pedagogik jamoa – bu umumiy ta'lim maqsadlariga ega bo'lgan, shuningdek, ushbu maqsadlarga erishish ularning har biri uchun shaxsiy ahamiyatga ega bo'lgan, umumiy maqsadlarga erishish uchun shaxslararo munosabat va xatti-harakatlarni amalga oshiruvchi, birgalikda ishlovchi pedagoglar guruhi bo'ladi.

Ko'plab ijtimoiy-psixologik tadqiqotlarda jamoaning rivojlanganlik darajasini ko'rsatuvchi bir qator ta'rifu-tavsiflar ajratib ko'rsatilgan. Bunday sifatlarga quyidagilar kiradi:

- jamoa uchun to'liq ahamiyatga ega bo'lgan ob'ektlarga munosabat bo'yicha uning a'zolarining baho va ko'rsatmalari muvofiqligida aks etuvchi, hamda bir maqsadga yo'naltirilgan birgalikdagi faoliyatning muhim jihatlarga tegishli bo'lgan **jamoaning jipsligi**;
- mavhum vaziyatlarda, jumladan, fikrlar hamda tashabbus xilma-xilligi sharoitida o'z barqaror tuzilmasini yaratish va saqlab qolishga qodirlik bilan ifodalanuvchi **jamoaning uyushqoqligi**;
- oldiga qo'yilgan maqsadlarning ijtimoiy ahamiyatini, faoliyat asoslarini, qiymatli mo'ljal va me'yorlarni aks ettiruvchi **jamoaning yo'nalganligi**;
- jamoa a'zolari tomonidan uning maqsad, vazifa, qadriyatlarini qabul qilinishi bilan ifodalanuvchi jamoaning o'z yo'lini o'zi belgilashi;
- jamoa o'zining har bir a'zosi bilan hamdard bo'la olish xususiyatini aks ettiruvchi **hissiy tenglashuv sifati**;
- jamoa a'zolarining sub'ektiv qoniqish holatidagi birgalikdagi faoliyatida kam ruhiy quvvat sarflab yuqori darajada samaradorlikka erishishi bilan namoyon bo'luvchi **jamoaning hamjihatligi**;
- umumiy mavqe, maslahatni belgilashda, qarorlar qabul qilishda axborot almashishning eng maqbul yo'lini topishga qodirlik sifatida intellektual fikr almashish xususiyati.

Jamoaning rivojlanganlik darajasi uning o'z oldiga dolzarb va hayotiy umumiy maqsadlar qo'ya olish, umumiy maqsadlar bilan uyg'unlashib ketgan individual maqsadlar tizimini shakllantira olish, qo'yilgan maqsadga eng yuqori samaradorlikka erishish imkonini beruvchi o'zaro xatti-harakat va munosabatlar tizimini yaratish va vaziyatga moslab o'zgartira olish qobiliyatiga qarab belgilanadi.

Pedagogik jamoa faoliyatida uch turdagi maqsadni ajratib ko'rsatish mumkin:

- 1) ta'limning xususiy maqsadlari (o'quv-tarbiyaviy faoliyatning joriy maqsadlari);
- 2) o'quv-tarbiyaviy faoliyatni rivojlantirish maqsadlari;
- 3) jamoaning o'z-o'zini rivojlantirish maqsadlari.

Nisbatan rivojlangan pedagogik jamoa o'z oldiga barcha uch turdagi maqsadni qo'yadi. Bunday jamoa maktabning mavjud ta'lim imkoniyatlaridan samarali foydalanibgina qolmay, balki uni yangiliklarni joriy qilish hisobiga ham, pedagoglarning kasbiy darajasini oshirish, pedagogik texnologiyalar va ulardan foydalanish uchun to'liq sharoit

bilan ta'minlash, o'z tuzilmasini zamonaviylashtirish hisobiga ham samarali kengaytirishga qodir.

Yuksak darajada rivojlangan pedagogik jamoa o'z oldiga dastlabki ikki turdagi maqsadlarni qo'yadi, ya'ni u o'quv-tarbiyaviy faoliyatni yuritish maqsadi yoniga bu faoliyatni rivojlantirish maqsadini ham qo'yadi. Bu maqsadlardan har birining amalga oshirilishi uchun o'zlarining hatti-harakat tizimini yuzaga keltiradi.

Kamroq rivojlangan pedagogik jamoalar o'z oldiga faqat birinchi turdagi maqsadlarni qo'yadilar. Bunday jamoada alohida yangiliklar joriy qilinishi, pedagoglarning qandaydir qismi o'z professional darajasini oshirishi mumkin, biroq ikkinchi va uchinchi turdagi umumiy maqsadlar bo'lmaydi. Jamoaning o'z oldiga qanday maqsadlarni qo'yganligini uning maqsad sari yo'nalish yetukligiga qarab ham bilsa bo'ladi.

Pedagogik jamoaning maqsad sari yo'nalish yetukligi – bu uning a'zolarining o'quv-tarbiyaviy faoliyatda yuksak natijalarga erishish hamda uni rivojlantirish, jamoaning o'zini rivojlantirish uchun kuch-g'ayratini sarf qilishga tayyorgarligi darajasi aks etgan xususiyatdir.

Maqsad sari yo'nalish yetukligi darajasi jamoaning dastlabki uchta xususiyatining mazmuni bilan belgilanadi: joriy faoliyatda muvaffaqiyat sari yo'nalganlik, taraqqiyot sari yo'nalganlik hamda o'z-o'zini rivojlantirishga yo'nalganlik. Joriy faoliyatda muvaffaqiyat sari yo'nalganlik maktabning ta'lim imkoniyatidan to'liq foydalanish uchun o'qituvchilarning bor kuch-g'ayratini sarf qilishga tayyorligini ifodalaydi. Joriy faoliyatda muvaffaqiyat sari yuksak darajada yo'nalgan jamoalarda hamma bor kuchini sarf qilib ishlashga intiladi. Bunday jamoadagi pedagoglarni nafaqat o'z shaxsiy natijalari, balki maktabning hamma ishlari natijalari, uning obro'si ham qiziqtiradi. Joriy faoliyatda o'rta darajada maqsad sari yo'nalgan maktablarda pedagoglarni o'z shaxsiy natija va yutuqlari ko'proq qiziqtiradi. Past darajadagi bunday xususiyatga ega o'qituvchilarni ularning hamkasblari qay darajada fidoyilik bilan ishlayotgani va joriy faoliyatdan ko'zlangan umumiy natija qiziqtirmaydi. Ko'pgina o'qituvchilarni o'quvchilar qanday o'qiyotgani tashvishlantirmaydi, ular jon koyitib ishlashga intilmaydilar.

Jamoada muayyan darajada mavjud bo'lgan munosabatlar o'quv - tarbiyaviy faoliyatning uslublari, tashkil etilishi va mazmunini zamonaviylashtirishda jamoa a'zolarining faolligini rag'batlantirishni faoliyatni rivojlantirishga yo'nalganlik sifati ko'rsatib beradi.

Ko'p yillik kuzatishlarimiz, maktab jamoalarining faoliyatini tahlil qilish jarayonida jamoalarning maqsad sari turli darajada yo'nalganligi, uyushganligi, jipsligi, o'z-o'zini rivojlantirishga yo'nalganligi,

boshqaruvga jalb etilganligi kabi o'ziga xos xususiyatlar ajratildi. Bu xususiyatlar maktab jamoasining bugungi ahvoli hamda kelgusidagi rivojlanishiga baho berishda asos bo'lishi mumkin.

Yuksak darajadagi taraqqiyot ko'zlangan sharoitda o'qituvchilar o'z ishlarida qo'llash mumkin bo'lgan yangiliklardan xabardor bo'lishga intilishadi, pedagogik kengash va umumiy majlislarda maktabning rivojlanishi bilan bog'liq masalalarni (rivojlanishning maqsadi, strategiyasi va rejasi) qiziqish bilan muhokama qiladilar, ularni maktabning kelajagi tashvishlantiradi. Bunda hech kim o'z fikrini bildirishdan qo'rqmaydi, hech kim o'z tanqidiy chiqishi o'zi uchun salbiy oqibatlar keltirib chiqaradi deb xavotirlanmaydi. Buning ustiga o'qituvchilar ishonadiki, ularning fikri diqqat bilan tinglanadi, ularning takliflari o'quv-tarbiyaviy jarayonda nimanidir o'zgartiradi, taklif foydali bo'lsa, uni tatbiq etish ko'plab kuch g'ayrat talab qilib, ba'zi tavakkalchiliklardan xoli bo'lmasa ham qabul qilinadi. Jamoada foydali bo'lgan barcha yangiliklardan to'liq foydalanish muhiti amal qiladi. Bunday jamoalar uchun eng asosiysi Kadrlar tayyorlash milliy dasturida belgilanganidek - har tomonlama barkamol shaxsni shakllantirishdan iborat. Aynan shu maqsadni amalga oshirish uchun maktab jamoasi fuqaroning asosiy konstitutsiyaviy huquqlaridan biri – bilim olish, ijodiy qobiliyatini namoyon etish, intellektual jihatdan rivojlanish uchun hamma sharoitlarni yaratishga harakat qiladi. Yuksak darajada taraqqiyotni ko'zlangan jamoada boshqaruvning nafaqat ichki jihatlari, balki barkamol shaxsni shakllantirish uchun kuchli omil bo'ladigan tashqi muassasalar va jamoatchilik institutlari (mahalla, nodavlat tashkilotlar, xalqaro tashkilotlar va hakazo) bilan aloqalari alohida o'rin tutadi.

O'QUVCHILARDA TIL SATHI KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH

*Sevara RAUPOVA,
Hamid Olimjon va Zulfiya nomidagi
ixtisoslashtirilgan maktab-internati tarbiyachisi*

Annotatsiya:

Maqolada bugungi kunda ta'limning barcha bosqichlarida o'qitish jarayonini yaxshilash, sifat ko'rsatkichlarini oshirish, o'quvchilarni har jihatdan yetuk shaxs qilib tarbiyalash masalalari borasida jiddiy o'zgarishlar, yangilanishlar jadal sur'atlar bilan davom etmoqda. Ta'lim jarayoniga kompetensiyaviy yondashuvning joriy etilishi bu boradagi amaliy ishlar natijalaridan biridir.

Annotation:

The article is currently undergoing significant changes and updates on the issues of improving the teaching process at all levels of education, improving quality indicators, educating students to mature in all respects. The introduction of a competency-based approach to the educational process is one of the results of practical work in this area.

Kompetensiya – ma’lum bir sohada samarali ijodiy faoliyat uchun zarur bo’lgan o’quvchining avvaldan belgilangan ta’limiy tayyorgarligiga qo’yiladigan ijtimoiy talablar (me’yorlar)dan ham o’zib ketishidir.

Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta’lim – egallangan bilim, ko’nikma va malakalarni o’z shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarida amaliy qo’llay olish layoqatini shakllantirishga yo’naltirilgan ta’lim bo’lib, o’quvchilarda mustaqil fikrlash, tashabbuskorlik, sog’lom raqobat hamda umummadaniy ko’nikmalarni hosil qiladi. Ilmiy pedagogik, psixologik manbalarda berilishicha, kompetentsiya, kompetentlilik o’ta murakkab, ko’p qismli, ko’pgina fanlar uchun mushtarak bo’lgan tushunchalardir. Shu boisdan uning talqinlari ham hajman, ham tarkibiga ko’ra, ham ma’no, mantiq mundarijasi jihatidan turli-tumandir. Atamaning mohiyati shuningdek, “samaradorlik”, “moslashuvchanlik”, “yutuqlilik”, “muvaffaqiyatlilik”, “tushunuvchanlik”, “natijalilik”, “uquvlilik”, “xocca”, “xususiyat”, “sifat”, “miqdor” kabi tushunchalar asosida ham tavsiflanmoqda.

“Kompetentlilik”, “kompetentsiya” tushunchalari tavsiflarida quyidagi holatlarga alohida e’tibor qaratiladi:

- bilimlar majmuining amalda qo’llanilishi;
- shaxsning uquvi, xislatlari, fazilatlarini;
- amaliy faoliyatga tayyorgarlik o’lchovi;
- muammolarni hal etish, amalda zarur natijalarni qo’lga kiritish layoqati;
- shaxsning professional faoliyatini ta’minlovchi bilim, ko’nikma, malakalar yaxlitligi;
- faollashgan (amaliyotga tatbiq etilgan) o’quv, bilim, tajribalar majmui;
- shaxsning maqsadli yo’naltirilgan emotsional iroda kuchi.

Ona tili bo’yicha kompetentli shaxs deganda: mustaqil fikrlay oladigan, nutq va muloqot madaniyati rivojlangan, savodxon shaxs tushuniladi. Shuning uchun jamiyat ona tili ta’limi oldiga o’quvchi shaxsida fikrlash, o’z g’alalar fikrini anglash va fikr mahsulini og’zaki va yozma shaklda savodli bayon qila olish, ya’ni mustaqil va ijodiy tafakkurni hamda kommunikativ savodxonlikni rivojlantirish vazifasini qo’yadi.

Chunki yosh avlodni tarbiyalashda o'z ona tilida to'g'ri, aniq, tushunarli, ta'sirchan so'zlashga o'rgatish masalasi asosiy o'rinda turadi.

Maktablarda ona tili fanini o'qitishdan maqsad o'quvchilarning tayanch hamda fanga oid nutqiy (tinglab tushunish, so'zlash, o'qish, yozish) va lingvistik (fonetik, leksik, grammatik) kompetensiyalarini rivojlantirishdir. Taniqli tilshunos A. Nurmonovning aytishicha, o'quvchilarda nutqiy kompetensiyani shakllantirish va rivojlantirishda ikki tamoyilga asoslanib ish ko'riladi:

1. Lingvistik tamoyilga ko'ra, o'quvchilar tilning sathlari: fonetik, leksik, morfologik, sintaktik sathlar haqidagi bilim va ko'nikmalarni to'la o'zlashtirishlari, tilning yaxlit bir sistemadan iborat bir butunlik ekanligini anglab yetishlari va nutqiy kompetensiya orqali buni yuzaga chiqara olishlari shart bo'ladi.

2. Psixologik nuqtai nazardan har bir o'quvchi o'zining o'quvchilik faoliyati davomida boshqalar bilan bo'lgan aloqa-aralashuvlari jarayonida nutqiy tajriba ma'lumotlarini to'plab boradi va zarur hollarda undan unumli foydalaniladi.

Til qobiliyatini rivojlantirish shaxsning intellektual va ma'naviy o'sishi uchun katta ahamiyatga ega bo'lib, ona tilining so'z boyliklarini o'zlashtirish o'quvchilarning dunyoqarashini kengaytirish muhim rol o'ynaydi. Lingvistik kompetensiyalar fanning nazariy jihatlarini chuqur qamrab oladi. Lingvistik kompetensiyani shakllantirishning muhim sharti o'quvchilarning intellektual va shaxsiy rivojlanishini kuchaytirishga, o'quvchilarning kognitiv mustaqilligini shakllantirishga qaratilgan pedagogik texnologiyalardan foydalanish hisoblanadi.

Ona tili darslarida qo'llangan pedagogik texnologiya o'quvchilarda nutq vaziyatiga ko'ra fikrini to'g'ri ifodalay olish kabi kompetensiyalarni tarkib toptirish masalalarini qamrab oladi. Har qanday yangicha ta'lim usuli ham ona tilining o'qitish xususiyatiga to'g'ri kelmasligi mumkin. Ba'zan an'anaviy usul yangi usulga nisbatan samaraliroq bo'lishi ham tabiiy. Ilg'or pedagogik texnologiyalardan kelib chiqqan holda ta'lim usulini tanlash va bu o'qitish usuli o'zining samarasini berishi lozim. Masalan, "Bilganlarimdan bilmaganlarim tomon yo'l".

O'quvchilar o'z nutqlarida fe'llarning zamon shakllaridan foydalanadilar. Ammo u haqida kengroq nazariy ma'lumotga ega bo'lmasliklari mumkin. Ushbu usul o'quvchilarni amaliyotdan nazariya tomon qadam tashlashlariga yordam beradi, natijada o'quvchilarda mavzu bo'yicha lingvistik kompetensiya rivojlanadi.

O'quvchilar berilgan gaplarni davom ettiradilar va fe'l asoslariga qo'shilgan qo'shimchalarning qanday ma'no bildirayotganini topadilar.

Shundan soʻng oʻquvchilar oʻz nutqlarida avval ham feʼllarning zamon shakllaridan foydalanganliklarini, lekin uni qoida sifatida oʻrganmaganliklari aytiladi.

Tildan, undagi imkoniyatlardan foydalanishning maʼlum meʼyorlari, mezonlari, ilmiy jihatdan belgilangan qoidalari mavjud. Mana shu hodisalar tildan foydalanishning toʻgʻri, maqbul imkoniyatlari doirasini belgilaydi, uni maʼlum yoʻsinga solib turadi. Bu esa oʻz navbatida ona tili va adabiyot fani oʻqituvchilari zimmasiga ulkan masʼuliyat yuklaydi, oʻqitish jarayonining samaradorligini oshirishga asosiy eʼtiborni taʼlimga qaratishga va interfaol usullarni, innovatsion pedagogik texnologiyalarini kiritish hamda ulardan mohirona foydalanishga undaydi.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВА ИНТЕГРАЛ ҲИСОБНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

*Худойберди ЮЛДОШЕВ,
Жиззах давлат педагогика институти магистранти*

Аннотация:

Ушбу мақолада дифференциал ва интеграл ҳисобнинг дастлабки куртаклари, унга ҳисса кўшган олимларнинг бу борадаги ишлари, Ньютон ва Лейбницнинг дифференциал ва интеграл ҳисоби ҳақида ёзилган.

Annotation:

In this article, the first buds of differential and integral calculus, the work of scientists who contributed to it in this regard. It is written about the differential and integral calculus of Newton and Leibniz.

XVII аср ярмигача кўплаб геометрик шаклларнинг юзлари ва ҳажмларини топиш инфинитезимиал усуллар, яъни шаклни чексиз ингичка қатламларга бўлиб юз ёки ҳажмни топиш (лотинча инфинитум-чексиз маъносини англатади) ёки бўлинмас жисм тушунчасига асосланган усуллардан фойдаланиб топилган. Кўпгина шаклларнинг юзлари ва ҳажмлари, баъзи чизикларга ўтказилган уринмалар ва бу чизиклар узунликлари ана шундай усул билан топилди. Лекин айрим ҳолларда ҳажмларни ва узунликларни ҳисоблаш юзларни ҳисоблашга келтириши мумкинлиги аниқланди. Инглиз математики Исаак Барроу (1630-1677) эса юзларни ҳисоблаш ва уринмалар ўтказиш, кўшиш ва айириш, кўпайтириш ва бўлиш каби муносабатда эканлигини аниқлади. Ўша даврда жуда кўп тадқиқотлар

ўтказилишига карамасдан, ҳар хил масалалар турли усуллар билан ечилар эди. Бунда қуйидаги учта усул, айниқса, кўп қўлланиларди. Галилейнинг шогирди Бонавентура Кавальери (1598-1647) 1635 йилда нашр қилган «Узлуксизлик ёрдамида янги усулда баён этилган геометрия» китобида чексиз кичикларнинг кичрайтирилган кўринишини яратди. У бунда чизиқлар, нуқталар, сиртлар чизиқлар, жисмлар сиртлар ҳаракати билан вужудга келиши тасаввурига таянди. Бу китобда юз ва ҳажмларни ҳисоблашнинг янги усули бўлинмаслар усулини ишлаб чиқди. Бўлинмаслар деб, текис шаклнинг ўзаро параллел ватарлари ёки жисмнинг параллел текисликлари тушуниларди. Кавальери иккита ўхшаш шаклнинг юзлари мос бўлинмаслар квадратларининг, ҳажмлари эса кублари нисбати каби бўлишлиги ҳақидаги теоремани исботлади. Шунингдек, учбурчак билан бир хил асос ва баландликка эга бўлган параллелограмм учун учбурчак барча бўлинмаслари квадратлари йиғиндисининг параллелограмм барча бўлинмаслари квадратлари йиғиндисига нисбати 1:3 каби бўлишини аниқлади.

Кейинчалик, шунга ўхшаш муносабатларни бўлинмасларнинг кублари ва ҳ. к. тўққизинчи даражалари йиғиндиси учун ҳам топди. Ҳозирги математик тилда бу натижалар $\int_a^b x^n dx$ интегрални $n=2,3,\dots,9$ лар учун ҳисоблашга мос келади. Унинг юз ва ҳажмларни ҳисоблаш усули кўпинча Кавальери принципи деб ҳам аталади. Бу принципга кўра агар жисмларнинг бир хил баландликдаги текис кесимлари бир хил юзларга эга бўлса, баландлиги тенг иккита жисм бир хил ҳажмга эга бўлади. Бундай принципни Кавальери юзларни таққослаш учун ҳам баён этди, бунда фақат кесимлар сифатида текис (текисликдаги) шаклларни эмас, балки кесмаларни олди. Умуман, Кавальерининг ишлари чексиз кичиклар ҳисобининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, лекин интеграл ҳисоб усуллари бошқача йўл билан ривожлантирилди[1].

Швейцариялик математик Пауль Гульдин (Гюльден) (1577-1643) юз ва ҳажмларни ҳисоблашда оғирлик маркази хоссаларидан фойдаланди. Бунда у «айланма жисмнинг ҳажми айланаётган шаклнинг юзи билан унинг оғирлик марказининг айланишда босиб ўтган йўли узунлигига кўпайтмасига тенг, айланма жисм ҳажми эса айланаётган чизиқ узунлиги билан унинг оғирлик маркази чизиб ўтган айлана узунлиги кўпайтмасига тенг» деган хулосага келди. Мазкур соҳада у И. Кеплер ва Б. Кавальери ғояларини рад этар эди. Ўзининг «Оғирлик маркази ҳақида» (1635-43) номли асосий ишида айланма жисмлар сиртлари ва ҳажмларини аниқлашда қадимги юнон

математиги Папп (III асрнинг иккинчи ярми) ишларида исботсиз берилган теоремалардан фойдаланди. Бу теоремалар ҳозирда Гюльден теоремалари деб аталади. Чексиз кичиклар ҳисобининг шаклланишида немис астрономи ва математики Иоганн Кеплер (1572-1630) ишларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. У 1609 йилда ёзилган «Янги астрономия» асарида чексиз кичиклардан фойдаланади, лекин ўз ғояларининг изчил баёнини 1615 йилда чоп этилган «Вино бочкалари стереометрияси» номли асарида берди. Гарчанд бу асар ҳаддан ташқари амалий, лекин тасодифий сабаб билан ёзилган булса ҳам у квадратуралар ва кубатуралар масаласига ёндашишда ўз вақтида янгича ғояни илгари сурди, яъни ясси шакл сони чексиз бўлган чексиз кичик элементларга ёйилиб, шу элементларнинг ўзидан (зарур бўлганда деформация килиниб) юзи маълум бўлган шакл тузилади (жисмлар учун ҳам шу сингари иш кўрилади).

Бочкаларнинг ҳажмини аниқлашнинг жуда қизиқ усулини таклиф этди, уни айланма жисмлар ҳажмларини аниқлаш умумий масаласи учун қўлади. Архимеднинг ишларидан маълум бўлган бўлинмаслар усули ғоясидан фойдаланиб, китобнинг «Архимедга илова» бўлимида 92 та айланма жисм ҳажмларини ҳисоблаб чиқди. Кўриниб турибдики, XVII аср математиклари чексиз кичиклар таҳлилини яратишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Лекин бу ишларнинг дастлабки асосларини юнон математики Архимед (милод, авв. III аср) ишлаб чиққан эди. У ўзининг Эратосфен (тахминан милод. авв. 276-194 йиллар)га юборган «Мактуб»ида (у бизгача етиб келган, унинг русча таржимаси бор) қўлга киритган илмий натижаларни ўзига хос усул ёрдамида эришганини ёзади; ташқаридан караганда бу ерда ричагнинг мувозанатда бўлиш назарияси қўлланилгандек туюлади, лекин бунда шаклларнинг чизиқлардан, жисмларнинг эса текисликлардан барпо бўлиш ғояси илгари сурилган. «Мактуб» XVII аср математикларига маълум эмас эди, унинг матни асримиз бошида тасодифан топилиб қолди.

Архимеднинг илмий натижаларини унинг сақланиб қолган бошқа асарларига асосланибгина тушуниб олиш мумкин. Айрим илмий ишларида тескарисидан исботлаш вақтида Архимед ясси шаклни (ёки жисмни) элементларга ажратиш усулидан фойдаланган, лекин бу элементларнинг сони ва ҳар бирининг қалинлиги чекли бўлган. Бунда у ички чизилган ва ташқи чизилган поғонали шакллар (жисмлар)ни тадқиқ қилган эди[2]. Француз математики Пьер Ферма (1601-1665) хатларида Кавальери томонидан эришилган умумий натижани ундан бирмунча олдин топганлигини таъкидлаган. Француз

математиги, физиги ва файласуфи Блез Паскаль (1623-1662) ва инглиз олими Жон Валлислар ҳам арифметик мулоҳазаларга асосланиб, интегрални ҳисоблаш ишини кетма-кет натурал сонларнинг п-даражалари йиғиндисини текшириш билан боғланган ҳолда олиб борар эдилар. Аниқ интегралнинг, ҳозирги замон тушунчасига ҳаммадан кўра Паскаль яқин эди ва унинг куч-қудратини баён қилган эди. Бунга Паскалнинг циклоидага боғлиқ масалаларни, турли юзларни, ҳажмларни, ёйлар узунлигини ҳисоблаш масалаларини ҳал этганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар «А.Деттонвилнинг геометриядаги турли кашфиётлар» номли китобида келтирилган. Дифференциал ҳисоб бўйича ишларни бошлаб берган олимлардан бири Ферма бўлиб, у ушбу икки масала: энг катта ва энг кичик қийматларни топиш, уринмалар ўтказиш билан шуғулланган. Ферма бу масалаларни ечишда инфинитезимал характердаги усулларни ишлатган. Бу масалалар ечимлари 1679 йилда (унинг вафотидан кейин) чоп этилган «Энг катта ва энг кичик қийматларни топиш усули» номли ишида баён қилинган. Энг катта ва энг кичик қийматларни топишнинг «Ферма қоидаси» функционал белгилашларда қуйидагича кўринишни олади: $f(A)$ ифодани энг катта ёки энг кичик қийматга эриштирувчи A миқдорни топиш учун Ферма дастлаб қуйидаги тақрибий тенгликларни қарайди:

$f(A+E) = f(A)$ ёки $f(A + E) - f(A) = 0$. Буни E га бўлиб, $\frac{f(A+E)-f(A)}{E} = 0$ тенглик ҳосил қилади. Тенгликдан E ни ўз ичига олиб турган, ҳадларни йўқотади, яъни $E=0$ деб фараз қилади. У ҳолда $[\frac{f(A+E)-f(A)}{E}] = 0, E=0$ ҳосил бўлади, бу эса бизнинг белгилашларимизда $f'(A) = 0$, бундан излангаи A топилади. E миқдор бу мулоҳазаларда эркин ўзгарувчининг жуда ҳам кичик орттирмаси ролини ўйнайди. Эгри чизикларга уринмалар ўтказиш масаласини ҳам шу усул билан ечиш мумкинлигини кўрсатиб, у A орқали уринма остини ва E билан унинг орттирмасини белгилайди, эгри чизик тенгламасидан фойдаланиб, тақрибий тенглик тузади ва юқоридаги каби амалларни бажаради, натижада A ни аниқлаш тенглигини ҳосил қилади. Мазкур икки масалани ҳал этиш борасида олимлар Ферма қоидаларини такомиллаштирдилар ёки уларнинг қўлланиш соҳаларини кенгайтирдилар. Масалан, И. Барроу ўзининг «Оптика ва геометрия бўйича лекциялар» асарида уринмалар ўтказиш усулини такомиллаштириб, кичиклиги юқори тартибли бўлган, ҳадлардан воз кечиш принципини баён этади. Р.Декарт эса эгри чизикларга уринмалар ўтказишнинг умумий усулини яратди. У уринмани эгри

чизикда ўтказилган ва икки кесишиш нуқтаси бирлашиб кетган кесувчи сифатида қарайди. Декарт кесишиш нуқталарини топишни алгебраик тенгламаларни ечишга келтирганлиги туфайли, алгебраик тенгламанинг илдизлари қайси шартларда бирлашишини текшириш етарли эди. Шундай қилиб, ҳар қандай алгебраик чизикларга уринмалар ўтказиш мумкин, лекин трансцендент чизикларга алгебраик усулларни қўллаш мумкин эмас эди. Бундай ҳолларда уринма ва тезликларни топиш учун кинематик мулоҳазалардан фойдаланилган, яъни агар нуқта ҳаракати иккита ҳаракатга ажралса, у ҳолда бу тузилган ҳаракатлардаги унинг оний тезликларини топиш етарли. Сўнгра уларни параллелограмм қоидасига кўра қўшиш мумкин. Бунда ҳаракат илгариланма ва айланма ҳаракатларга ажралади. Бу ғояни ривожлантиришда француз математиги Жиль Персонн Роберваль (1602-1675) ва италян физиги ва математиги Эванжелиста Торри челли (1608-1647) илмий ишлар олиб бордилар. Барроунинг юқорида эслаб ўтилган китобининг ўнинчи ва ўн биринчи лекцияларида геометрик шаклда биринчи марта дифференциал ва интеграл ҳисобнинг иккита асосий масаласи эгри чизикқа уринма ўтказиш ва эгри чизик квадратураси бир-бирига бевосита қарама-қарши масала сифатида тўйилган. Буни ҳозирги белгилашларда куйидагича баён этиш мумкин: агар $y = \int_0^x z dx$ булса, у ҳолда $\frac{dy}{dx} = z$; агар $z = \frac{dy}{dx}$ бўлса, у ҳолда $\int_0^x z dx = y(x) = 0$ деб фараз қилиб, $y=0$ ни назарда тутилади[3].

XVII аср мобайнида «чексиз кичиклар анализи» соҳасида энг кўп натижалар интеграл ҳисоб бўйича эришилди, яъни квадратуралар, кубатуралар, ёйларни тўғрилаш, сиртларнинг юзларини ҳисоблаш ва оғирлик марказларини аниқлашга доир кўп аниқ натижалар ҳамда улар орасидаги боғланиш ҳам топилди. Қатор содда интеграллар, кўпинча, геометрик усулда, баъзан арифметик усулда (Ферма, Валлис, Паскаль) ҳисоблаб чиқилди; бир турдаги интегралларни бошқа турдаги интегралларга алмаштирувчи турли-туман муносабатлар топилди (Ферма, Паскаль, Барроу). Дифференциал ҳисоб бўйича эса юқоридаги иккита масала тадқиқ қилинган бўлса-да, масалаларнинг асосида ётувчи асосий тушунчаларни ажратиб олиш имконияти вужудга келмаган эди. Янги ҳисобга замин тайёрланган бўлса-да, унинг асосий тушунчаларини умумий кўринишда аниқлаш ва уларнинг бир-бирига алоқасини ўрнатиш зарур эди. Шундан сўнг символика киритиб, ҳисоблаш учун алгоритмни яратиш керак эди. Бу муаммоларни бир-биридан беҳабар равишда инглиз математиги ва

физиги Исаак Ньютон ҳамда немис математики ва файласуфи Вильгельм Готфрид Лейбниц (1646-1716) ҳар бири ўз йўли билан ҳал этдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *А.Норматов. Математика тарихи. Тошкент. 2007.*
2. *Ф. А. Медведев. Развитие понятия интеграла. –М.: Наука, 1974.*
3. *Х.Назаров, К.Остонов. Математика тарихи. Тошкент. 1996.*

**БОЛАЛАР НАШРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОД
ПСИХОЛОГИЯСИГА ТАЪСИРИ**

*Наргиза МИРЗАЕВА,
ЎзЖОКУ Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация:

Болалар журналистикаси журналистиканинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, катталар томонидан болалар ва ўсмирлар учун яратилган оммавий ахборот воситалари тўплами ва умумий медиа тизимида мустақил алоқа сифатида қаралади. У ёш авлодни жамиятнинг интеллектуал ва маънавий потенциали билан таништиради, катта авлоддан ёш авлодга ахборот узатишнинг муҳим каналидир. Мазкур мақолада болалар журналистикасининг маҳсулоти ижтимоий институт эканлиги, болалар психологияси, ОАВнинг ёш авлодга таъсири ва унда ота-оналарнинг ҳам роли ҳамда ўрни хусусида фикр юритилади.

Аннотация:

Детская журналистика является одним из основных направлений журналистики и рассматривается как совокупность средств массовой информации, созданных взрослыми для детей и подростков и независимых коммуникаций в общей системе средств массовой информации. Он знакомит подрастающее поколение с интеллектуальным и духовным потенциалом общества, является важным каналом передачи информации от старшего поколения к молодому. В статье обсуждается роль детской журналистики как особого социального института, детская психология, влияние СМИ на подрастающее поколение, а также роль и место в нем родителей.

Тобора ривожланиб бораётган юртимизда барча соҳалар сингари медиамаконда ҳам демократик жамият тамойилларига асосланган ҳолда такомиллашув юз бермоқда. Албатта, соҳанинг ривожланишига ОАВнинг қонунчилик базаси яратилгани, унинг фаолиятига доир бир нечта қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилингани сабаб бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгарлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги кафолатланган”. Бундан ташқари, республикамызда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Агар яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда 400 га яқин ОАВ турлари фаолият олиб борган. Бугунга келиб, уларнинг сони қарийб 1500 тага етган. Бу эса ушбу тармоқда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради. Айниқса, кейинги йилларда ОАВнинг бир қадар эркинлашганини кузатиш мумкин. “Газеталаримиз, телерадиоканалларимизда ошкоралик, таҳлил ва холис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз”, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ОАВ ходимлари ва журналистларга йўллаган табригида. Бундан кўринадики, демократик жамиятда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш аудиторияни ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда турли йўналишдаги ахборот узатиш воситаларининг пайдо бўлиши орқали ҳам ўз ифодасини топади. Бугунга келиб, мамлакатда мингга яқин газета ва журналлар фаолият олиб боради. Ахборот маконида бу нашрларнинг ўз аудиторияси ва ўрни бор. Шу маънода биз тадқиқ этишни мақсад қилган ёш аудиториянинг масалаларга эътибор қаратадиган, ижтимоий соҳага ихтисослашган газеталар ҳам эҳтиёж юзасидан дунёга келди. Бунга эса кейинги йилларда оила мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оилани жамиятнинг бир бўлаги, давлатнинг негизи эканини оммага англаштишга эҳтиёж туртки берди. Бу эса оила масалаларини ёритишга ихтисослашган газеталарнинг вужудга келишига олиб келди.

Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари энг самарали ахборот узатиш ва мулоқот воситаси, замонавий жамиятнинг муҳим ижтимоий институтларидан бирига айланди.

Айнан ОАВ тизимига ижтимоий онг шаклланиши ва тараққиётига оид энг муҳим вазифалар юклатиладики, уларни амалга оширишда муттасил такомиллашув жараёни алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат кураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. Бу мезонларнинг энг асосийси – холислик ва ҳаққонийликдир. Бинобарин, матбуот майдонига кирган инсон – у журналист бўладими, блогер бўладими, бундан қатъи назар – ана шу қоидаларга амал қилиши шарт”.

Оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз борганда ҳам барча соҳалар каби унинг бугунги ўрни, савияси ва сифати кўз ўнгимиздан ўтади. Аслида ҳам айни пайтда матбуотнинг моҳияти нималарда акс этмоқда. Ўз зиммасига юклатилган вазифасини қай даражада бажармоқда? Техниканинг шиддати, интернет тизимининг қудрати соясида қолиб кетмаяптими? Анъанавий оммавий ахборот воситалари, хусусан, классик журналистиканинг асоси бўлган матбуот кучи сезиляптими? Ана шундай муҳим масалалар ечими унинг тараққиётида яна бир поғона кўтарилиши мумкин. Хўш қандай қилиб?

Жамият ҳаётининг бирор-бир соҳасини чуқур ва атрофлича ўрганишда ихтисослашувнинг ўрни беқиёс. Агарда жамиятда бирон соҳада юксалиш юзага келса, бу ерда ихтисослашган журналистик маҳоратнинг роли борлигини ҳам унутмаслик керак. У нафақат журналистика соҳаси, балки ўзи ихтисослашган соҳанинг ҳам мутахассиси ҳисобланади, қолаверса, шу хусусиятдан келиб чиқиб, ихтисослашган журналистнинг ўз мутахассислиги бўйича ёзадиган мақоласи ёки тайёрлайдиган кўрсатуви оригинал ва юксак сифат даражасига эга бўлиши керак.

Бу борада болалар нашрларида фаолият кўрсатадиган журналистларимиз ҳам бир қатор талабларни бажара олишлари лозим. Зеро, болалар аудиторияси учун мўлжалланган ихтисослашган оммавий ахборот воситаларининг вазифаси жамият учун ғоят муҳимлигини, уларнинг асосий вазифаси шахсни бирламчи равишда амалга оширган ҳолда ижтимоий масъулиятли бўлишни тақазо этади.

Болалар журналистикаси журналистиканинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, катталар томонидан болалар ва ўсмирлар учун яратилган оммавий ахборот воситалари тўплами ва умумий медиа тизимида мустақил алоқа сифатида қаралади. У ёш авлодни жамиятнинг интеллектуал ва маънавий потенциали билан таништиради, катта авлоддан ёш авлодга ахборот узатишнинг муҳим

каналдир. Болалар журналистикаси, шу билан бирга, болаларнинг бир-бири билан мулоқот қилишига имкон беради. Унинг ёрдами билан ёш томошабинлар дунёни ўрганадилар. Болалар журналистикаси, умуман олганда, яхлит журналистика каби махсус ижтимоий институт ҳисобланади ва у жамият билан боғлиқ муайян вазифаларни бажаради. Асосий функциялари - ахборот, маърифий, ўқув, когнитив ва ижтимоийлашувдир. Шунингдек, ушбу гуруҳ махсус мулоқот функциясини ҳам ўз ичига олади. Унинг мақсади ёш аудитория вакиллари ўртасида фикр алмашиш учун махсус ахборот маконини яратишдир. Йил сайин реклама ва маълумот бериш функцияси тобора ошиб бормоқда. Бир қатор болалар нашрларида утилитар хусусиятга эга маълумотлар нашр этилмоқда: амалий тавсиялар, маълумотномалар. “Билимдон” журналининг 2019 йилги сонларида реклама ва маълумот бериш функциясини бажарган материаллар бериб борилган. Таҳририят томонидан “Ҳам хазина, ҳам совға”, “Обунада омадли обуначи” сарлавҳали рекламалар болажонларни нафақат обуна орқали журнал саҳифаларини мунтазам ўқишга, балки қимматбаҳо совғалар эгаси бўлишга ундайди. Шунингдек, “Dono word” журналининг 2019 йилги сонларида турли мавзулардаги маълумотномалар (справочник) берилган. Масалан: “Қайси логотипга “мухлис”сиз”.

“Билимдон” ва “Dono word” журналларининг аудиториясини деярли бир хил ёшдаги болалар ташкил қилади. Шунга қарамай, бу икки журнал мавзулар туради. “Билимдон” журнали 2004 йил 2 сентябрдан чиқа бошлаган. Бу нашр илмий-услубий, маънавий-маърифий, адабий-бадий нашр ҳисобланади. Журнал бир ойда икки маротаба чоп этилади. Журнал ўзининг ранг-баранг рукнларига эга. “Билимдон”нинг доимий рукнларидан “Тил билган – эл билади” рукни орқали болажонларимиз инглиз тили сабоқларидан баҳраманд бўлишади. “Русский – это интересно!” рукни орқали эса рус тилига оид машғулотлар бериб борилади. “Билимдон репетитор” рукнида кўпроқ она тили ва адабиёт фанига доир тестлар берилган. Шу тестларни ечиш орқали болалар ўз билимларини синаб кўрадилар. “Билимдон” журналидан махсус рукнлар ҳам ўрин олган. Масалан, “Мактаблардан мактублар”, “Юлдузчалар ёғдуси”, “Ҳайвонот оламида” рукнлари шундай рукнлар сирасига киради. Журналнинг энг қизиқарли ва ҳамма болажонлар учун сеvimли рукнларидан “Эртактлар – яхшиликка етаклар”дир. Айнан шу рукнда ўзбек халқ эртактларидан намуналар бериб борилади. Зеро, “Боғча ёшидаги болалар ҳаёлининг ўсишига фаол таъсир қилувчи омиллардан яна

бири - эртақлардир. Болалар ҳайвонлар ҳақидаги турли эртақларни эшитганларида шу эртақлардаги образларга нисбатан маълум муносабатлари юзага келади”[1].

Ана шундай журналлардан яна бири “Dono word” журналидир. Бу журнал 2007 йил 16 апрелдан чиқа бошлаган. Ушбу журнал илмий-услубий, маънавий-маърифий, адабий-бадий нашр ҳисобланиб, у ҳам ойда икки марта чоп этилади. “Dono word” журналидаги “Ташриф”, “Дурдона асарлар”, “Мутолаа”, “Жумбоқли ҳикоя”, “Зукколар синови”, “Мухлислар ижоди” каби доимий рукнлар болаларнинг билим даражасининг ошишига, дунёқарашининг кенгайишига хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Доимий рукнлар билан бир қаторда журналда махсус рукнлар ҳам жой олган. “Кун мавзуси” рукни остида берилган материалда кўчирмақашликнинг одат ёки иллат эканлиги хусусидаги фикрлар баён этилган.

Юқорида фикрларга таянган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, “Билимдон” журналида кўпроқ рангли суратларнинг берилиши, инфографиканинг турли кўринишларидан фойдаланганлиги унинг асосий дизайн хусусиятларидан биридир. “Dono word” журналида эса асосан табиий фотосуратлардан фойдаланилган. Шунингдек, бу журналда ўқувчининг ақл-идроқини чархлайдиган, фикрлашга чорлайдиган материалларнинг берилиши унинг ютуқли жиҳатидир.

Болалар журналистикаси қийин соҳа. Болалар учун ёзиш энг мураккаб жараён. Тўғри, “мана-ман” деган ижодкор қисқа муддат ичида мақола ёзиб ташлаши мумкин, аммо у ўқувчи қалбига етиб бормаса-чи? Бола руҳиятидан, дунёқарашидан келиб чиқиб ёзиш эса ўта қийин. Унинг бир оз бўлса-да, болалик дунёсига кириши керак. “Бола тилида ёзиш, ижод қилиш жуда қийин жараён. Муаллиф болалар руҳиятидан келиб чиқиб ёза оладиган, уларнинг нима хоҳлаётганини, нима қизиқтираётганини ҳис қилиши керак. Болалар учун ёзадиган ижодкорларнинг неча ёш бўлишидан қатъий назар қалбининг бир четда болаларча беғуборлик, қувноқлик, кези келганда, қайсарлик ва тантиқлик бўлар экан. Яна шуниси ҳам борки, муаллиф ёзаётган асарида боланинг қалби, дунёси, ҳис – туйғуларини нечоғлиқ англаши сезилиб туради”[2].

Болалар даврий нашрлари маънавий ва ахлоқий салоҳиятга эга. Улар болани тарбиялаш ва бола учун муҳим жамиятга маданий нормалар ва кадриятларни сингдириш жараёнида ёрдам бериши мумкин. Айнан, ўзбек болалар журналистикаси миллий булоқлардан сув ичсагина ўзига хос рангда жило таратади[3]. Болалар

журналистикаси медиамаданиятнинг ўзига хос қисми ҳисобланади. Бир томондан, бу аудитория ёши, унинг психологиясини ҳисобга олган ҳолда, оммавий ахборот воситаларининг таркибий қисми бўлган тўлиқ нашрлар, дастурлардир. Бошқа томондан, бу ўқув ва тарбиявий таркибий қисмларни ўз ичига олган педагогик ҳодиса. Умуман олганда, журналистика ва оммавий ахборот воситаларининг инсонлар онгига таъсири билан боғлиқ муаммолар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг болалар томошабинларига қаратилган ижтимоийлашуви функцияси билан бирга замонавий илмий мунозараларга киришди. Ушбу муаммолар чуқур ижтимоий ўзгаришлар босқичида бўлган замонавий ахборот жамияти шароитида жиддий илмий қизиқиш уйғотади. Ушбу жараёнлар Ю.А. Агафонов, З. Бауман, В. Бек, Ю. Г. Волков, А. Д. Эляков, Т.И. Заславская, Я.Н. Засурский, И. А. Малковская, М.Б. Маринов, М. Ю. Попов, Д. А. Силачев, Э. Тоффлер ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Бироқ, ушбу тадқиқотларда фақат замонавий жамиятнинг умумий муаммолари ва ундаги оммавий ахборот воситалари аҳамияти ўрганиб чиқилган.

Оммавий ахборот воситаларида олиб борилган тадқиқотлар тўғридан-тўғри болалар томошабинларига, уларнинг турли хил ролларига қаратилди. Россия жамияти тарихининг даврлари В.В. Грудинская, Х.Л. Кулакова, И.А. Руденко, М.И. Холмов каби рус олимлари томонидан ўрганилган. Бироқ, олимларнинг ишлари уларда кўтарилган муаммо ҳақида яхлит фикр билдирмайди. Шунингдек, болаларнинг онгини шакллантиришга оммавий ахборот воситаларининг таъсир қилиш муаммосини ўрганилмоқда. Мақсадли аудитория вакили сифатида болалар матбуоти болага жамият ва унда қабул қилинган аксиологик база ҳақида ахборот беради. Нафақат ахборот билан таъминлайди, балки уларнинг руҳияти, табиатига ўз таъсирини ўтказди. Болалар психологияси ўзига хос хусусиятлари, қоидалари билан ажралиб туради. Рус олими, психолог Елена Смирнованинг фикрича: “Болалар психологияси - бу боланинг ақлий ҳаётининг хусусиятлари ва болаликдаги ақлий ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фан”[4] дир. Айни пайтда, ёш ўқувчиларни болалар матбуоти бир ёки бир қисмига “киритиш” масаласида ёрдам беради, маълум бир ижтимоий муассасанинг яна бир гуруҳига (мактаб, дўстлар, оила) ишора беради, у ёки бу ерда маълум бир хатти-ҳаракат, вазиятларни (ҳикоядаги мисоллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг хатларига жавоблар ва бошқалар.) шакллантиради. “Албатта, болалар аудиторияси - бу ўзгача

аудитория. Унинг ўзига хос характери тез психофизик ўзгаришлари, турфа йўналишли қизиқишлари, табиатининг кўп қирралилиги, шунингдек, доимий равишда ўзгариб турадиган белгилари билан аниқланади”[5].

Ҳар бир бола ўзига хос феъл-атвори, табиати, у ёки бу воқеа-ҳодисага турлича муносабат билдириши билан ажралиб туради. Уларнинг маълум бир ахборотга бўлган муносабати ҳам, фикри ҳам турлича бўлади. Шундай экан, ОАВда эълон қилинаётган ахборот ҳам унинг феъл-атвorigа, руҳиятига таъсир этмай қўймайди. Ҳаттоки, унинг тарбиясига ё ижобий, ёки салбий таъсир (секин-аста) кўрсатиши мумкин. ОАВ, хусусан, босма ва Интернет нашрлари уларнинг дунёқарашининг кенгайишига, янги билимлар олишига, яхши тарбиявий воқеа-ҳодисалардан ибрат олишига хизмат қилиши лозим. Лекин худди шундай ижобий характердаги воқеа-ҳодисалар асносида тарбияланишида ота-оналарнинг медиасаводхонлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Албатта, улар ўз фарзандларига ОАВ орқали берилаётган кўрсатув ва эшиттиришларга қандай муносабат билдириш керак, уларни қай тартибда саралаб кўриш кераклигини таъкидлаб туришлари лозим. Болаларга ўзлари мустақил равишда Интернет ва бошқа медиамаконларга киришларига рухсат беришдан олдин, болангиз риоя қилиши керак бўлган бир қатор қоидалар мавжуд. Бу борада ота-оналарга қуйидаги эслатмаларни тавсия қиламиз:

1. Интернет ва телевидениега қарамликдан қочиш учун болангиз билан иложи борича кўп мулоқот қилинг. Бўш вақтини компьютер ўйинлари билан тўлдиришга интилмаслик учун болангизни маданият билан таништиринг, спортга қизиқтиринг.

2. Болаларга Интернетда ҳам, ҳақиқий ҳаётда ҳам, яхши ва ёмон, тўғри ва нотўғри ўртасидаги фарқ бир хил эканлигини тушунтиринг.

3. Замонавий дастурлар ёрдамида фарзандингизнинг Интернетдаги фаолиятини назорат қилинг. Бу дастурлар зарарли таркибни филтрлашга ёрдам беради ва шу орқали болангиз қайси сайтларга ташриф буюрганини ва уларда нима қилаётганини билиб оласиз.

4. Болангизга, агар Интернетда бирон бир нарса уларни безовта қилаётган бўлса, улар буни яширмасликлари кераклигини тушунтиринг ва ўз ташвишларини сиз билан баҳам кўришини айтинг.

5. Фарзандингизга Интернетда ўқиган ёки кўрганларининг ҳаммаси ҳам тўғри эмаслигини айтинг. Агар уларнинг ишончи комил бўлмаса, сиздан сўрашига ўргатинг.

6. Болалар билан суҳбатлашиш, турли хил нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкинлигини ва улардан қандай қутулиш кераклигини тушунтириш жуда муҳимдир.

Болаларнинг хавфсизлиги маданиятли жамиятнинг асосий вазибаларидан биридир, шунинг учун бу жамиятда иштирок этадиган ҳар бир киши Интернетда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаши керак. Шунингдек, бошқаларга қараганда, ота-оналарнинг ўзи фарзандларининг хавфсизлиги учун жавобгарликни тўла ҳис қилишлари керак. Ахир, фақат ота-оналар фарзандларини тўлиқ назорат қила оладилар.

Бизнинг фарзандларимиз ўз мамлакатининг тўлақонли фуқаролари - ахборот маҳсулотларини таҳлил қиладиган ва уларга танқидий муносабатда бўладиган фуқаролар бўлишларини истаймиз. ОАВ ҳамда уларда қандай хавф-хатар мавжудлигини ва уларни қандай қилиб олдини олиш кераклигини билишлари керак.

Ёшга оид ўзига хос хусусиятларни билиш болалар нашрлари таҳририяти ходимларига мақсадли аудитория манфаатларини ҳисобга олишга ва унинг эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Нашр қайси ёшга мўлжалланганлигига қараб, таҳририят ўз таркибини ишлаб чиқади, ушбу таркиб учун муайян тузилма ва ҳажмни яратади.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари ҳам дунёқараш ва онгни шакллантиришда оила институти, ўқув муассасалари, мактаблар, муассасалар ва бошқалар каби аниқ тарзда таъсир этувчи омил ҳисобланади. Замонавий инсон эрта болаликдан жуда катта ахборот оқимига дуч келади. Маълумотларни филтрлай олмаслик, далилларни фикрдан ва ахборотни тарғиботдан ажратиш имконияти йўқлиги сабабли, айниқса оммавий ахборот воситалари болага катта таъсир қиладди. Зеро, болалик - бу ўзига хос яхлит ижтимоий шахснинг ўсиши жараёнининг маълум бир вақтинчалик узайишига, муайян таркибига эга бўлган ҳодиса. Махсус ижтимоий ҳодиса сифатида болалик тарихийдир: жамият ривожланишининг тарихий жиҳатдан турли босқичларида, у бошқача эди сиғими ва "ташқил этиш" даражаси бўйича тузилишидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, “болалар журналистикаси катталар томонидан болалар ва ўсмирлар учун яратилган ҳамда болаларга таъсир қилиш тизимининг муҳим элементи”[6] ҳисобланади. Замонавий жамиятда болалар журналистикаси болаларга қаратилган оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қиладди. Болалар журналистикаси ва оммавий

ахборот воситалари бугунги кунда онгга таъсир қилиш учун юқори технологияларга эга бўлган кучли ижтимоий-психологик омил.

Сўнгги ўн йилларда давлатимиз болалар журналистикасига кўпроқ эътибор беришни бошлади. Ўзимизнинг маҳаллий маданий-маърифий нашрларимиздаги материаллар савияси ва сифати ошмоқда. Болаларга мўлжалланган, хусусан, энг ёш аудитория вакилига оид қизиқарли, уларнинг ақл-идрокини чархлайдиган, фикрлашга чорлайдиган, болаларни ижтимоийлашувини рағбатлантирувчи, уларни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайдиган материаллар ҳам бериб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акрамова Ф.А., Лутфуллаева Н.Х., Хайдарова Х.Р. «Педагогик психология» фани (маърузалар матни). - Т.: ТДИУ, 2005.
2. Отақулова Э. Болалар нашрларига эътибор // *Хуррият*, 2010 йил, 7 апрель.
3. Ҳайитов Т. Бу соҳага кириш қийин // *Ўзбекистон матбуоти*. 2000 йил, 1-2 сон.
4. Смирнова Е.О. *Детская психология. Учебник.* – Владивосток: Владос, 2008.
5. Хилько М. Е., Ткачева М. С. *Возрастная психология. Конспект лекций.* –М., 2012.
6. Жукова Д.А. *Влияние детской журналистики и СМИ на групповое и индивидуальное сознание детей. Автореф. дисс.канд. филос. наук.* –Краснодар, Краснодарский университет МВД России, 2012.

BOSHLANG‘ICH SINFLARDA DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

*G.Ro‘ziyeva,
L.Qorayeva,
Navoiy viloyati XTXQTMOHM o‘qituvchilari*

Annotatsiya:

Bu maqolada dars faoliyatini axborot texnologiyalari yordamida tashkil qilish masalalari yoritilgan. Ayniqsa, undan ona tili va adabiyot darslarining sifat samaradorligini oshirish ko‘zda tutilgan. Shuningdek, pedagogik texnologiyalar bilan o‘quvchilarni darslarga qiziqtirish va faollashtirish ham maqsad qilingan.

Annotation:

This article is devoted to organize lessons through information technology. Especially, we can use this method during mother tongue and literature lessons. Also, by using pedagogical technology we can encourage pupils and be active them at the learning process.

O‘zbekistonimizda mustaqillik sharofati bilan barcha sohalarda tub islohotlar amalga oshirildi, iqtisodiy rivojlantirishning o‘zbek modeli, kadrlar tayyorlashning milliy dasturi ishlab chiqildi va bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Mamlakatimizda ta’lim sohasiga alohida e’tibor qaratilib, kelajak avlodni tarbiyalash borasida zarur shart-sharoitlar, imkoniyatlar yaratilmoqda.

Bugungi kunda dunyo miqiyosida axborot kommunikatsiya tizimining yuksak darajada rivoj topib borayotganligi va bu boshqa sohalar qatorida ta’lim jarayoniga ham kirib kelib, uni yanada sifatli tashkil etishga o‘z ta’sirini ko‘rsatayotganligi barchamizga ma’lum. Bunday sharoitda inson faoliyatining nazariy va amaliy qirralari ham uzluksiz yangilanib turishi tabiiydir. Pedagogik faoliyat ham alohida va murakkab mehnat turi sifatida bundan mustasno emas. Pedagoglar o‘z faoliyatlarida kafolatlangan natijalarni qo‘lga kiritishga urinmoqdalar.

XXI asrni olimlarimiz tomonidan axborot texnologiyalari asri deb tan olinganligi pedagogik va axborot texnologiyalari kun sayin barcha sohalarda rivojlanayotgani, jumladan, ta’lim sohasida ham yangi axborot texnologiyalaridan keng foydalanish an’anaviy o‘qitish usullaridan ko‘ra samarali va yuqori natijalarga olib kelmoqda. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da ko‘zda tutilganidek, pedagogik va taxborot texnologiyalari, kompyuterlashtirish va kompyuter tarmoqlari negizida ta’lim jarayonini yangi axborotlar bilan ta’minlash rivojlanib bormoqda. Shuning uchun ham pedagogik texnologiyalarni ta’lim jarayoniga joriy etish, ta’lim samaradorligini oshirish uchun tinimsiz izlanish bugungi kunning ehtiyojiga aylandi.

O‘quv-tarbiya ishlari jarayonida o‘quvchilarni ijodiy fikrlashga, o‘zgaruvchan vaziyatlarga o‘rgatish, erkin raqobat asosida faoliyatni tashkil etish hamda ularning amaliy mashg‘ulotlarda pedagogik texnologiyalar, axborot texnologiyalari, elektrondarsliklar, versiyalar va multimedialardan foydalana olishi muhimdir. Bu esa o‘quvchilarda mutsqaillik, erkin fikrlashni tarbiyalash, o‘quv faoliyatini tahlil qilish, itsiqbolda kasbiy mahorat va kompyuter savodxonligini orttirish ularning ichki ehtiyojiga aylantirilishini talab etadi.

Pedagogik texnologiyalar ta'lim-tarbiya jarayonini ilg'or vositalari, metodlar, texnik vositalar, usullariga tayanib takomillashtirish tizimi hisoblanadi. Bu tizim o'qituvchi tomonidan yaratiladi, ta'lim-tarbiya bosqichlarini o'zaro bog'lashga xizmat qiladi. Uning mazmuni va vazifalarini, maqsadini oldindan belgilash, ta'lim-tarbiyaning shakllari va vositalarini tayyorlash, o'quvchida shakllantirish ko'zda tutilgan ma'naviy sifatlarni o'zlashtirishga yo'naltirilgan darslarni rejalashtirish kabilarni o'z ichiga oladi.

Ta'limning barcha bo'g'inlarini shunday tashkil etish kerakki, u yoshlarga chuqur va asosli bilim berish bilan birga keng qamrovli fikrlashga o'rgatsin. Pedagogik texnologiyaning asosiy mohiyati o'quvchilarni qiziqtirib o'qitish va bilimlarni to'liq o'zlashtirishga erishishdir. Ta'limda berilayotgan bilimlarni o'quvchilarning ko'pchilik qismi puxta o'zlashtirishi pedagogik texnologiya joriy etilishining asosiy maqsadi hisoblanadi.

Ta'lim tizimiga yangiliklarni olib kirish, zamonaviy pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanish bugungi kun ta'limi oldiga qo'yilgan muhim vazifalardandir.

Darhaqiqat, zamonaviy pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayonining unumdorligini oshiradi, o'quvchilarning mustaqil fikrlash jarayonini shakllantiradi, o'quvchilarda bilimga ishtiyoq va qiziqishni oshiradi, bilimlarni mustahkam o'zlashtirish, ulardan amaliyotda erkin foydalanish ko'nikma va malakalarini shakllantiradi.

Pedagogik texnologiya mohiyat jihatdan boshqa texnologiyalar bir safda turadi, chunki ular kabi boshqalari ham o'z xususiy sohasiga, metodlari va vositalariga ega, ma'lum "material" bilan ish ko'radi. Biroq pedagogik texnologiyalar inson ongi bilan bog'liq bilimlar sohasi sifatida murakkab va hammaga ham tushunarli bo'lmagan pedagogik jarayonni ifoda etishi bilan ishlab chiqarish, biologik hatto axborotli texnologiyalardan ajralib turadi. Uning o'ziga xos tomonlari –tarbiya komponentlarini mujassamlashtirganliklaridir. Pedagogik texnologiya boshqa sohalardagi texnologik jarayonlar bilan uzluksiz va an'anaviy o'quv jarayoniga, uning samarasini, oshirishga ta'sir ko'rsatishning yangi imkoniyatlarini egallab oladi. Pedagogik texnologiya asosida o'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish va boshqarish imkoniyati tug'iladi va u o'qituvchining yaqin ko'makdoshiga aylanadi yoki uning funksiyalarini to'liq bajarishi mumkin. Natijada, mantiqiy bog'langan qisqa yo'llardan shunday olib boriladiki, oqibatda o'quvchilar deyarli xato qilmaydilar va o'quvchi ularning natijasini ma'lum qilish bilan

mustahkamlash imkoniyatini yaratadi hamda ta'lim maqsadini to'la amalga oshirish sari yana yangi qadamlar qo'yiladi.

Yurtimizda ta'lim mazmuniga alohida e'tibor qaratilib, DTS o'quv dasturlarining yangi tahrirdagi variantlari tajriba sinovdan o'tkazilmoqda, pedagogik texnologiyalar asosida o'quv jarayonining samaradorligi oshirish maqsadida pedagogik texnologiyalardan, axborot kommunikatsiya vositalaridan foydalanilmoqda.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitishda o'quvchilarning dunyoqarashini kengaytirish, bilimlarni keng va oson o'zlashtirish maqsadida pedagogik texnologiyalarning usul, vosita va shakllarini to'g'ri tanlab, ulardan foydalanish muhim sanaladi. Boshlang'ich ta'lim davri ta'lim jarayonidagi eng mas'uliyatli davrdir. Bu paytda bolaning savodi chiqishi bilan birga, uning dunyoqarashi shakllanadi, tafakkur qilish malakasi rivojlanadi.

Bu davrda bolaning zehni o'stirishga qaratilgan har bir mashg'ulot bola aqlining tarkib topishi va rivojlanishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun ham bu davrda, avvalo, ta'lim jarayonini qiziqarli, ta'sirli qilib tashkil etishga, motiv hosil qilish va uni rivojlantirishga e'tibor qaratish lozim. Chunki bu muddat bolaning o'yin faoliyatidan aqliy faoliyatga, ya'ni o'quv faoliyatiga o'tganligi bilan xarakterlanadi.

Ayniqsa boshlang'ich ta'lim jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda qiziqarli olib borish natijasida o'quvchilarni darsga jalb etish samarali bo'ladi. Shunday darslarda bolalar diqqati to'liq jalb etiladi, xotirasi yaxshi ishlaydi. Motivlar o'quvchilarning bilimlarini chuqur egallashlariga yordam beradi. Shuning uchun ham o'qituvchilar ta'lim jarayonini qiziqarli motivlar asosida tashkil etishga e'tibor qaratishlari zarur. Boshlang'ich sinf o'quvchilari boshqarishga moyil, qiziquvchan, ta'sirchan bo'lganliklari uchun ham o'qituvchidan o'quvchilarning yosh xususiyatlariga mos bo'lgan, darsni oson o'zlashtirishlarini, bilimlarni mustahkam o'rganishni kafolatlaydigan metodlarni tanlashi va foydalanishi talab etiladi.

Pedagogik texnologiyalardan foydalanishda ta'limning mazmunini belgilash, ta'lim-tarbiyaning shakllari va vositalarini tayyorlash, o'quvchilarning bilimlarni keng egallashi va ma'naviy fazilatlarni o'zlashtirishga yo'naltirilgan topshiriqlar tizimini ishlab chiqish, ta'limning natijasi va o'zlashtirish darajasini aniqlash ularni ob'ektiv baholash uchun test vazifalarini tayyorlash kabilar tashkil qiladi. O'quvchilarining pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etilgan darslari jarayonida erkin va mustaqil fikrlash qobiliyati shakllanadi. Mustaqil

fikrlash qobiliyatining shakllanishi natijasida, o'quvchilar atrof olamdagi, jamiyatdagi qonunlarni, shuningdek, asardagi ijobiy va salbiy qahramonlar orqali insoniy fazilatlarni anglash, bilimlarni chuqur o'rganish, keng fikrlash, tegishli qarorlar qabul qilish ko'nikmalari shakllanadi.

Darslarni samarali va sifatli tashkil etish uchun pedagogning tashkiliy hamda uslubiy jihatdan tayyorgarligi va ta'lim olish jarayonini tashkil etishni ta'minlovchi o'quv-uslubiy ta'minotni ishlab chiqish talab etiladi. Taminot bazasida o'quv jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarini qo'llash imkoniyati bo'lishi muhim.

“МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ” ҲИКОЯСИ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА ЛЕКСИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

*Жаҳонгир МАДМУСАЕВ,
НамДУ, Адабиётшунослик
(Инглиз адабиёти) йўналиши магистранти*

Аннотация:

Ушбу мухтасар мақолада ёзувчиси Гафур Гулом қаламига мансуб “Менинг ўғригина болам” ҳикоясининг аслият ва инглизча таржималарини ўзаро солиштиришни ҳамда таржимада лексик ва грамматик трансформацияларнинг қўлланилиши тўғрисида сўз юритилади. Таржимадан турли мисоллар келтириш орқали таҳлил этилади.

Калит сўзлар:

Матн, гап, таржима, аслият, ибора, сўз бирикмаси, лексика, кўчма маъно, ўз маъно, моҳият, ҳикоя, таржимон, асар.

Annotation:

In this short article it is discussed about the comparison between the translation and origin, as well as, the use of lexical and grammatical transformations in the translation of the story “Mening o'g'rigina bolam” which is ascribed to the public writer Gafur Gulam. It is analyzed by giving examples of the translation fragments.

Keywords:

Text, sentence, translation, originality, idiom, phrase, vocabulary, figurative meaning, literary meaning, content, story, translator, work.

Маълумки, таржима мураккаб жараён бўлиб, таржимонлардан юксак маҳорат талаб этади. Чунки, бир халқ ижодиёт намунасини иккинчи бир тилга ўгириш ўзига яраша қийинчиликлар туғдиради ва таржима жараёнини мураккаблаштиради. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг, чет тилларни, айниқса, инглиз тилини ўрганиш давр талабига айланди. Шу муносабат билан, инглиз тилида бериладиган асарлар, дунё халқлари маданиятини ёритиб берадиган мақола ва лойиҳаларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда, ўзбек маданияти, хусусан, ўзбек ёзувчилари асарларининг чет тилларига, айниқса инглиз тилига таржима қилиниши ва уларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан чуқур ўрганилиши бу тилдаги таржималарни тадқиқ қилишни тақозо этади.

Мазкур мақоламизда етук ўзбек ёзувчиси Ғафур Ғулом қаламига мансуб “Менинг ўғригина болам” ҳикоясининг аслият ва инглизча таржималарини ўзаро солиштиришни ҳамда таржимада лексик ва грамматик трансформацияларнинг қўлланилишини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилдик.

Ўзбек таржимони Маҳмуда Сайдумарова ана шундай қийинчиликларни чуқур англаган ҳолда ўзининг “A Collection of Uzbek Short Stories” китобини нашр эттирган. Мазкур тўплам машҳур ўзбек ҳикояларининг инглизча таржимасини ўз ичига камраб олган. Ҳикоялардан бири Ғафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясидир. Ҳикоянинг инглизча таржимасида мутаржим турли лексик ва грамматик трансформациялардан унумли фойдаланган:

Аслиятда:

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, етти қароқчи юлдузи тик келганда ғўнғир-ғўнғир овоздан уйғониб кетдим. [1-76]

It was this night, after midnight when I woke up to disturbing sounds. [2-19]

Ўзбек халқига хос “уч хўроз ўтгандан кейин” сўз бирикмаси кенг китобхонлар оммасига тушунарли бўлмаслиги ҳамда изоҳ талаб этиши табиий. Қадимда халқимиз тунни уч қисмга ажратишган ва буни хўрознинг уч марта қичқириғи билан ўлчашган, хўрознинг учинчи қичқириғидан сўнг тонг отган. Ўзбек халқининг турмуш тарзидан, маданиятидан, лексикасидан хабардор мутаржим “Уч хўроз ўтгандан кейин” бирикмасини инглиз тилига тўғридан-тўғри таржима қилмай, уни “after midnight” деб ифодалашни афзал кўрган. Бу эса матннинг тушунарли бўлишига хизмат қилган.

Аслиятда:

Ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдами?”

Таржимада:

But your job isn't easy, couldn't you at least have waited until you got rid of that cold? [4-20]

Ўзбекча матндаги “нозик” сўзи кенг маъноли сўз бўлиб, уни турли хил маънода тушуниш ва қўллаш мумкин. Нозик касб дейилганда, одатда, дид билан ишлов бериш талаб этиладиган зардўзлик, заргарлик, каштадўзлик сингари касблар тушунилади. Бироқ таржимон сўзнинг матндаги маъносидан келиб чиқиб, уни “your job isn't easy”, яъни “ишинг осон” эмас тарзида антонимик таржима билан берган.

Аслиятда:

Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!” [5]

Таржимада:

Life is difficult, my thief boy, life is very difficult! [6-21]

Ўзбекча матндаги “замон қаттиқ” бирикмаси ҳикоя ёзилган даврдаги халқ турмушини, одамлар ўртасидаги келишмовчиликларни, замоннинг бор қийинчиликларини англатади. Бирикма таркибидаги “қаттиқ” сўзи кўчма маънода қўлланилган бўлиб, инглиз тилида унинг луғавий маъносини ифода этувчи “hard”, “solid”, “firm” каби эквивалентлари мавжуд. Шунга асосланиб, “Life is hard” дея таржима қилса ҳам бўларди, чунки “hard” сўзини кўчма маънода ҳам ишлатиш мумкин. Лекин охирги иккита сўзни бу маънода қўллаб бўлмайди. Бу эса таржимада синоним сўзларнинг ҳамма вақт ҳам бирини ўрнида иккинчисини ишлатиб бўлмаслигини намоён этади.

Таржимада аксарият ҳолларда умумлаштиришдан фойдаланилади.

Аслиятда:

Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан. [7]

Таржимада:

Is it possible to get into rich people's houses, whose walls are high and whose doors are made of iron?” [8-76]

Таржима матнида бўй, оғирлик, вазнга нисбатан ишлатиладиган турли рақамлар ортикча ҳисоблангани боис таржимон деворнинг баландлигига ишора қилувчи “пахсаси саккиз қават” гапини “walls are high” деб умумлаштириради.

Антонимик таржима таржима жараёнида кенг қўлланиладиган трансформациялардан бири ҳисобланади.

Аслиятда:

Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам сибир қилиб юборади. [9]

Таржимада:

I want to live! Even if I do not get killed, I might be sent to Siberie.

Ўзбек тилидаги “жонимдан кечибманми” гапи инглиз тилида унинг антоними “I want to live” яшашни хоҳлайман гапи билан алмаштирилган.

Асл матнда бўлишли гап таржима тилида инкор гапга айлантирилган:

Аслиятда:

Эҳ-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кета қол. [10]

Таржимада:

They are not going to cook anything in this big pot, so take it. [11-23]

Аслият матнида берилмаган сўзларни таржима жараёнида қўшиш матни тушунишга кўмаклашади. Ҳикоядаги ҳовлининг тўрттала томони иморатлар билан ўралганини билдирувчи “гир атрофи иморат” гапининг инглизча таржимасида “big tall” сўзларининг қўшилганига гувоҳ бўламиз.

Аслиятда:

Гир атрофи иморат, шимол томонда аммакивачаларимиз туришарди. [12]

It is surrounded by big tall houses from all four directions. Our cousins live to the north of us. [13-19]

Кейинги мисолда қўшишга қарама-қарши тушириб қолдириш усулидан фойдаланганлиги аниқлашади. Гапнинг инглизча таржимасида “Ҳали буларнинг кўлидан иш келмайди” гапи тушириб қолдирилган. Шунингдек, “анқога шапиғ” ибораси инглиз тилига “нон топиб ейиш жуда мушкул” деган маънода таржима қилинган. Таржимон бу ўринда тўғридан-тўғри таржима қилмай, иборанинг асл маъносини ёритиб беришга уринган.

Аслиятда:

Туянинг кўзидай нон анқога шапиғ. Ҳали буларнинг кўлидан иш келмайди. Сўққабошгина аравакаш тоғаларининг топгани ўзининг рўзғоридан ортиб, буларга қут-лоямут бўлиши қийин. [14]

Таржимада:

And it's even harder to earn a loaf of bread, even if it's the size of a camel's eye. It's very hard for these orphans' only uncle who is a wagon driver, to provide for them because he has to take care of his own family. [15-76]

Хулоса қилиб айтганда, Фафур Фуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси инглизча таржимасида алмаштирув, конкретлаштириш, умумлаштириш, антонимик таржима, кўшиш, қўшиш, тушириб қолдириш сингари лексик трансформациялардан унумли фойдаланилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 76-б.
2. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 19-б.
3. WWW.Ziyouz.com.
4. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 20-б.
5. WW.Ziyouz.com.
6. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 21-б.
7. WWW.Ziyouz.com.
8. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 76-б.
9. WWW.Ziyouz.com.
10. WWW.Ziyouz.com.
11. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 23-б.
12. WWW.Ziyouz.com.
13. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 19-б.
14. WWW.Ziyouz.com.
15. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом. 2013. 76-б.
16. Ғофуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Т. Тафаккур бўстони, 2012, 216-б.
17. Сайдумарова М.А. “A Collection of Uzbek Short Stories” – Тошкент. Фафур Фулом.
18. WWW.Ziyouz.com

TRANSLATION PROBLEMS OF PHRASEOLOGICAL UNITS

*Kumush OPPAKOVA,
Namangan muhandislik-qurilish instituti
akademik litseyi ingliz tili fani o‘qituvchisi*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada fraza, frazeologizm va frazeologik birliklar haqida tushunchalar beriladi. Shuningdek, frazalozizm birliklarini tarjima qilish muamolari va unga oid misollar ko‘rib chiqilgan. Ingliz tilidan o‘zbek tiliga tarjima qilingan frazeologik tarjimalar ham ko‘rsatib o‘tilgan.

Annotation:

This article provides insights into phrases, phraseology and phraseological units. Also the problems of translation of phraseological units and examples of that are discussed.

As well all know, translation is a very complicated process. A translator may face some difficulties during the process of translation. The translator should penetrate the reader’s heart in a positive and clear way in one word. Indeed, the main thing that can bring the richness of the Uzbek language to the world is translation. We come across a number of problems when we are translating phraseological units. To translate phraseological units from one language into another is one of the most difficult process. It is not enough to transfer complete meaning of the idioms in the translation. A translator should try to convey national spirit of the fixed phrase. The translator should know basic etymology of each fixed phrase speech culture of the people and then choose a proper equivalent . In other words to translate set expressions in an original language with phraseological units of a translation language or to interpret phraseological locution with phraseological units. We can find such appropriate words in both languages.

In English grammar, **a phrase** is a group of two or more words functioning as meaningful unit within a sentence or clause. A phrase is commonly characterized as grammatical unit at a level between word and a clause. **A phrase** is made up of a head – which determines the grammatical nature of the unit and one or more optional modifiers. Phrases may contain other phrases inside them .

Common types of phrases include noun phrases (such as a good friend), verb phrases (drives carefully), adjective phrases (very cold and dark), adverb phrases (quite slowly) and prepositional phrases (in first place).

A **phrase** is not a sentence because it is not a complete idea with a subject, verb and a predicate. In linguistics, **phraseology** is the study of set or fixed expressions such as idioms, phrasal verbs and other types of multi-word lexical units, the expression take on a meaning more specific than or otherwise, not predictable from the sum of their meanings when used independently [1;65]. For example: “**Dutch auction**”¹ is composed to the Netherlands and “auction” a public sale in which goods are sold to the highest bidders, but its meaning is not “**a sale Netherlands**” where goods are sold to the highest bidder. Instead, **the phrase** has a conventionalized meaning referring to any auction where, instead of rising, the prices fall.

Phraseological unit can be defined as non-motivated word-group that cannot be freely made up in speech, but is reproduced as a read-made unit. It is a group of words whose meaning cannot be deduced by examining lexemes. For example:

■ **A dark horse** – ovsar

If we translate this phrase directly into Uzbek, it means black horse. Because there is no such phrase into Uzbek, we translate it according to its meaning in context. This idiom is actually not a horse but a person about whom no one knows anything definite.

■ **A bull in a china shop** – qo‘pol.

When you translate that phrase into Uzbek, it means “bir xitoy do‘konidagi buqa”. You might wonder what a bull does in a Chinese store and you think this phrase is totally illogical. Since it is portrayed as a worklike animal, it probably portrays so many people. The idiom describes a clumsy person.

■ **A white elephant** – pulni behuda sarflamoq .

We can see that the phrase is translated “pulni behuda sarflash” into Uzbek. But if we translate the idiom directly, it means “oq fe’l”. It actually meant that it is a waste of money because it is completely useless.

■ **The green-eyed monster** – rashkchi .

The idiom is jealousy, the image being drawn from Othello.

Translating a phraseological unit is not an easy matter as it depend on several factors: different combinability of words, homonymy, polysemy, synonymy of phraseological units and presence of falsely identical units, which makes it necessary to get account of the context. Besides, a large number of phraseological units have a stylistic –

expressive component in meaning, which usually has a specific national feature. The afore-cited determines the necessary to get acquainted with the main principles of general theory of phraseology[2;113].

The following types of phraseological units may be observed: phrasemes and idioms. A unit of constant context consists of a dependent and a constant indicators may be called a phraseme. An idiom is a unit of constant context which is characterized by an integral meaning of the whole.

The main types of phraseological conformities are as follows:

1. Complete conformities
2. Partial conformities
3. Absence of conformities

COMPLETE CONFORMITIES.

Complete coincidence of form and context in phraseological units is rarely met with.

For examples:

- **to fight like cat and dog** – it mushuk bo‘lmoq
- **to be dog tired** – itdek charchamoq
- **to bring oil to fire** – olovga yog‘ sepmoq
- **to lose one’s head** – gangib qolmoq
- **to change one’s mind** – fikridan qaytarmoq
- **to come easy to** – oson kechmoq, xamirdan qil sug‘urgandek
- **Give and take** – murosa, o‘zaro bir-biriga yon berish
- **to go upstairs** – yuqoriga ko‘tarilmoq
- **let’s leave it at that** – buni qoldiramiz, bu masalaga to‘xtalmaymiz
- **ready-made** - tayyor (kiyim haqida)
- **on the tip one’s tangua** – tilini uchida turmoq

If translation and protection have been carried out a high level, it is in accordance with the rules and regulations of the language being translated. For example : " it mushuk bo‘lmoq " phrase is most commonly used and refers to the relationship between people who are in conflict. We can get the English idiom " fight like cat and dog " as an adequate translation to the phrase above. Whether we might see that the English phrase " to be dog tired " is fully compatible with the phrase " itdek charchamoq " in our language.

PARTIAL CONFORMITIES.

Partial conformities of phraseological units in two languages assume lexical-grammatical differences with identity of meaning and style.

1. Partial lexical conformities by lexical conformities by lexical parameters, lexical composition.

- **to catch cold** – shamollamoq
- **to lose one’s temper** – o‘zini yo‘qotmoq, esankirab qolmoq
- **to keep an eye on** – ko‘z quloq bo‘lmoq, qarab turmoq
- **to catch fire** – yonib ketmoq
- **to take somebody under one’s guidance** – qaramog‘iga olmoq

2. Partial conformities by grammatical parameters.

3. Differing as to morphological arrangement.

- **To kill time** – vaqtni o‘tqazmoq
- **To go from bad to worse** – butunlay yomonlashtirmoq
- **To take in hand** – qo‘lga olmoq
- **To take root** – palak yoymoq

4. Differing as to syntactical arrangement

- **strike while the iron is hot** – temirni qizig‘ida bosmoq
- **to keep a close watch** – xushyorlik bilan kuzatmoq
- **to put in a word for** – bir og‘iz gapirib qo‘ymoq
- **to take the law of somebody** – qonun yuzasidan ko‘rib chiqmoq
- **has the cat got your tongue** – og‘zingga talqon soldingmi

When we actually translate " to kill time " phrase into Uzbek, it means "vaqtni o‘ldirmoq". Therefore we should choose an idiom in the Uzbek language that gives a close meaning to that phrase. That is, the phrase is "vaqtni o‘tkazmoq" in Uzbek. If " has the cat got your tongue?" phrase is translated "tilingni mushuk oldimi" in word-for-word translation, in fact it means silence, not saying anything. The phrase is translated "og'zingga talqon soldingmi?" in Uzbek.

ABSENCE OF CONFORMITIES.

Many English phraseological units have no phraseological conformities in Uzbek and Russian. For examples:

– **To make both ends meet-** arang tirikchilik qilmoq, uchini uchiga arang yetqazmoq

– **By hook or by crook** - har qanday yo‘l bilan , qanday bo‘lsa ham

– **To get loaded** - to‘yib ichmoq

– **To lose one’s shirt** - butunlay moliyaviy inqirozga uchramoq, bir tiyinsiz qolmoq

– **the roof of the pudding is in the eating** - hammasi amaliyotda sinab ko‘riladi, bilolmaysiz

– **to be sandwiched** - qisilib qolmoq

– When we translate the above examples into word-for-word translation, they do not give the result we expect. So when we translate them into Uzbek, we face many difficulties. If we get this phrase, lose - yo‘qotmoq, one's - kimningdir, shirt - koko‘ylak . We cannot translate it like that and

give a very different and appropriate phrase in Uzbek. The next one is " to be sandwiched " which is translated into Uzbek as " sandwich ichida bo'lmoq" . Actually sandwich is a meal. Sandwich which including salad leaves, tomatoes, cucumbers is a fast food. Since these things are packed in two loaves, we get the same phrase in Uzbek.

As a conclusion that we may say that every thing from a simple combination to a great novel shows the specific features of a nation. Therefore we should deliver phraseological units to representatives of other languages as well. we need to do more research to further develop the translation industry and ensure more accurate translation. Definitely, the younger generation should research.

IJODIY MATN USTIDA ISHLASH ASOSIDA O`QUVCHILAR BILIMINI MUSTAHKAMLASH

*Gulnora MAHMUDOVA,
Namangan viloyati, Norin tumani 43-maktab o'qituvchisi*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada muallif matn yaratish ustida ishlashning didaktik prinsiplari hamda ona tili ta'limining yangilangan mazmuni va matn yaratish usullari va o'quvchi ijodiy tafakkurini rivojlantirish uslublari haqida fikr bildirib, o'z mulohazalarini misollar bilan izohlab berilgan.

Annotatsiya:

In this article, the author comments on the didactic principles of working on text creation and the updated content of mother tongue education and methods of text creation and methods of developing students' creative thinking, and explains his comments with examples.

Hozirgi kunda ona tili ta'limiga qo'yilgan asosiy vazifalardan yana biri o'quvchilarda ijodiy matn yaratish ko'nikmalarini shakllantirish orqali ularni mustaqil, ongli va erkin fikrlashga o'rgatish, og'zaki va yozma savodxonligini oshirishdan iborat. Shuningdek, mustaqil matn yaratish va matn ustida ishlash o'quvchilar ijodiy tafakkurini o'stiradi, ma'naviy dunyoqarashini shakllantiradi hamda estetik didini rivojlantiradi.

*Tengriki, insonni qilib ganji roz,
So'z bila hayvondin anga imtiyoz*

Alisher Navoiy

Hurmatli Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan beshta muhim tashabbusning mazmun–mohiyatlaridan yana biri yoshlarimiz ma’naviyatini shakllantirish, ularni mustaqil, erkin fikrlashga o’rgatish, ijodiy imkoniyatlarini kashf qilish va uni rivojlantirishdan iboratdir. Shu o’rinda mustaqil matn yaratish hodisasi ham inson tafakkuri mahsuli, uning o’zgaralar ongiga ta’sir etish vositalaridan biri hisoblanadi. Agar o’quvchining so’z boyligi nochor, lug’at xazinasini qashshoq bo’lsa, nasriy matn tuzish, ijodiy matn yaratish haqida gap ham bo’lishi mumkin emas. Bizning asosiy maqsadimiz o’quvchini nutqiy madaniyatga, muxtasar matn yaratishga o’rgatish ekan, qarshimizdagi eng dolzarb vazifa – ona tili mashg’ulotlarida fanlararo aloqani mustahkamlash, uyadosh so’zlar ustida ishlash orqali o’quvchi so’z boyligini oshirish, maqol, matal, hikmatli so’z, ibora va tasviriy vositalar yordamida nutqiy zaxiralarini boyitishdan hamda o’quvchiga og’zaki va yozma nutq jarayonida so’z va iboralarni to’g’ri tanlash, uni nutqiy vaziyat taqozosiga ko’ra o’rinli ishlatish ko’nikmalarini singdirish iborat.

XI asr sharqning buyuk allomasi Kaykovus o’zining “Qobusnoma” asarida shunday bir hikoyatni aytadi: Bir kecha halifa Xorun ar-Rashid tush ko’radi. Tushida uning barcha tishlari to’kilib ketgan emish. Xalifa muabbirdan tushining ta’birini so’raydi. Muabbir shunday deydi: – Ey amiralmo’minin, sening oldingda barcha yaqinlaring, qarindosh-urug’laring o’ladi. Sendan boshqa hech kim qolmaydi. Buni eshitgan Xorun ar-Rashid: “Mening yuzimga shunday qayg’uli gaplarni aytding”, – deb uni yuz tayoq urishni buyuradi. Keyin boshqa muabbirni chaqirib, undan tushining ma’nosini so’raydi. Muabbir bunday deydi: “Ey amiralmo’minin, sening umring barcha qarindoshlaring umridan uzoq bo’ladi.” Shunda xalifa Xorun ar-Rashid: “Barcha aqlning yo’li birdir va har ikki ta’birning negizi bir joyga borib taqaladi, ammo u ibora bilan bu iboraning orasidagi farq bag’oyat ko’pdir”,- deydi va uni o’z ulamolariga namuna qilib ko’rsatadi.

Bu ibratli hikoyatda o’zaro muloqot chog’ida tilning qanday ahamiyat kasb etishi, u inson qalbiga yo’l topishi sir – sinoatlarini ochib berguvchi sehrli kalit ekanligini bilib olamiz. Til – dil kaliti, degan maqol shundan qolgan bo’lsa ajab emas..

Mustaqil yaratilgan matn esa lisoniy imkoniyatlardan foydalanuvchi shaxsning so’z boyligi, nutqiy-uslubiy bilimi, ko’nikma va malakalari hosilasi, idrok, xotira va tafakkur integratsiyasi mahsuli, kamolot va ma’naviyat in’ikosidir. Chunki har qanday hashamatli, haybatli inshoat ham kichik g’ishtlardan bino bo’lganidek, matn ham til birliklari, tovush, so’z, so’z birikmasi, ibora va gaplardan yaratiladi.

Ona tili mashgʻulotlarida sheʼrni ifodali oʻqish, uning mazmunini sharhlash, matndagi qofiyadosh soʻzlarni topib guruhlash, soʻz birikmalari yordamida yangi soʻz birikmalari hosil qilish, mazkur soʻz birikmalaridan yangi matn hosil qilish, yoki matn yaratishda va uning ustida ishlashda muammoli taʼlim usullaridan foydalanish maqsadga muvofiq boʻladi. Muammoli taʼlimning oʻziga xos xususiyatlari shundan iboratki, u oʻquvchiga qoʻyilgan muammo yechimini topish uchun ilmiy ijodiy tafakkur yuritish, jadal va mantiqan fikrlash, soʻz va atamalar maʼnosini oʻzaro qiyoslash va oʻzi uchun eng toʻgʻri yechim tanlash imkoniyatlarini beradi.

Oʻquvchilarning matn bilan ishlashida diktant va bayonlardan foydalanish. Insho va bayon oʻquvchini mustaqil ijodiy fikrlash, toʻgʻri va ravon fikr ifodalash, matn tilini boyitish, ibora, tasviriy ifoda maqol va hikmatli soʻzlardan erkin va oʻrinli foydalanish mahoratini shakllantirish, yozma nutqni shaklan va mazmunan rivojlantirishga qaratilgan boʻlsa, diktant yozdirishdan asosiy maqsad imlo savodxonlikni, husnixat malakalarini mustahkamlash oʻquvchini imlo qoidalari yuzasidan egallagan bilim, koʻnikma, malakalar darajasini aniqlash, matn koʻrinishini toʻgʻri shakllantirish, soʻz va gaplarni toʻgʻri(yozma) yozish, tinish belgilarini toʻgʻri qoʻyish imkoniyatiga ega boʻladi. Oʻquvchilarni tengdoshlari yozgan insholarni, matnni, baholash ishlariga jalb qilish ham nihoyatda foydali. Oʻquvchilarni matn yaratish, matn bilan ishlashda soʻzshunoslik boʻlimiga oid, uyadosh, maʼnodosh, shakldosh, zid maʼnoli soʻzlar ustida ishlash koʻnikmalarini shakllantirish alohida oʻrin tutadi. Maʼnodosh soʻzlarni bilish – yaratilgan matn tilini boyitish, badiiy boʻyoqdor soʻzlarni tanlash ularni ibora va tasviriy soʻzlar bilan almashtirish, ularni oʻz matnida qoʻllashning eng ishonchli va mahsuldor usuli. Maʼnodosh soʻzlar ustida ishlashning shakl va usullari nihoyatda xilma-xil. Maʼnodosh, uyadosh soʻzlari mavzusiga oid nazorat testlari tuzish, ularni guruh oldida himoya qilish, oʻquvchilarni mustaqil matn yaratib, matn bilan ishlashga oʻta foydali oʻquv topshiriqlari hisoblanadi.

Mustaqil yaratilgan matn – oʻquvchining imlo savodxonligi, ijodiy tafakkuri, soʻz boyligini, nutqiy salohiyatini, qolaversa, oʻquvchi mahoratini namoyish etuvchi – koʻzgusi hisoblanadi. Mustaqil matn yaratish koʻnikmalarini egallash faoliyati asosan, boshlangʻich taʼlim davrida boshlanadi, oʻquvchilar lugʻat zaxirasini boyitish, mustaqil mushohada yuritish, oʻz fikrini toʻgʻri va ravon ifodalash, uni himoyalash va isbotlash saʼnatini egallab boradilar. Mazkur koʻnikma va malakalar oʻrta taʼlim, oʻrta maxsus va oliy taʼlim jarayonida ham rivojlantiriladi va takomillashtirib boriladi. Ona tili mashgʻulotlarida matn ustida ishlash va

matn yaratish amaliyoti ustuvorligini ta'minlash-yangi pedagogik texnologiya asosida ish olib borayotgan barcha ijodkor boshlang'ich ta'lim hamda ona tili o'qituvchisining asosiy vazifasi hisoblanadi.

Matn ustida ishlashga tayyorlashning asosiy maqsadi o'quvchida imloviy-uslubiy savodxonlikni ta'minlash, unda muayyan darajada shakllangan nutqiy ko'nikmalarni hosil qilish, mustaqil fikr mahsulini to'g'ri, ravon, o'rinli ifodalashga yo'naltirishdan iborat. Shuning uchun o'qituvchi tayyorlov jarayonida bolani matn va uning qurilishi, grammatik xususiyatlari bilan birma-bir tanishtiradi. Shu maqsadda berilgan matnlar ustida ishlanadi, matnning xatboshi, kirish va xulosa qismlari ajratiladi, matndagi imloviy-uslubiy nuqsonlar topilib, tahlil va tahrir qilinadi.

O'quvchilarni mustaqil matn yaratishga tayyorlashning birinchi bosqichida og'zaki matn yaratishni talab qiluvchi o'yin-topshiriqlardan foydalanish yaxshi samara beradi. Quyida o'quvchini mavzu asosida og'zaki matn yaratishga yo'naltiruvchi topshiriqlardan namunalar keltiramiz:

“Siz davom ettiring” usuli. O'quvchilar ikki guruhga bo'linadi. O'yin ikki bosqichda olib boriladi. Birinchi bosqichdagi o'yin sharti: Birinchi guruh1 daqiqada ot (sifat, son, olmosh, ravish, fe'l) so'z turkumiga oid so'zlar aytishi, ikkinchi guruh esa ular ishtirokidabelgilangan muddatda ko'proq so'z birikmalari hosil qilishi kerak. Guruh faoliyati navbat bilan almashinadi. Ko'proq va to'g'ri so'z birikmalari hosil qila olgan guruh g'olib hisoblanadi.

Ikkinchi bosqich sharti: Birinchi guruh so'z birikmalari hosil qilsa, ikkinchi guruh ulardan badiiy bo'yoqdor gaplar tuzadi. Har besh daqiqada vazifalar almashinadi. Har ikki bosqichda peshqadamlik qilgan guruh o'quvchilari g'olib bo'ladi. Mazkur topshiriqlar o'quvchilarni so'z birikmalari hosil qilish, gap tuzish malakalarini mustahkamlash, nutq sharoitiga mos ravishda, mustaqil va tezkor fikrlash, to'g'ri, o'rinli, og'zaki fikr ifodalashga yo'naltirishda samarali natija berishi mumkin.

“Matnni davom ettiring” usuli. Maqsad: o'quvchini tez, to'g'ri va ravon yozma ravishda fikr ifodalashga o'rgatish. Bunda berilgan gap mazmunan davom ettiriladi. O'quvchilar ikki yoki uch guruhga bo'linadi. Matnning nomi asosiy qismi va xulosasi noma'lum bo'ladi. Har bir guruhning yaratgan matnlari monitor ekraniga chiqariladi, ular imlo savodxonligi, uslubiy mahorat, badiiy bo'yoqdorlik nuqtayi-nazaridan qiyoslanadi va baholanadi. Topshiriqni birinchi o'rinda belgilangan vaqtda tugatgan, uslubiy ravon, mantiqiy mukammal matn yaratgan guruh rag'batlantiriladi.

Musobaqa sharti: Har bir guruh a'zolari berilgan gapni davom ettirib, kichkina matn yaratadi. Matnni tez, to'g'ri, badiiy bo'yoqdor, mantiqiy va uslubiy nuqsonsiz yaratgan guruh g'olib bo'ladi. Bulardan tashqari, o'quvchilar o'rtasida onalar, opa-singillarga bayramlar munosabati bilan eng chiroyli tabrik xatlari yozish musobaqasini o'tkazish mumkin.

Bundan tashqari, o'qituvchi o'quvchilardan o'tilgan mavzuga aloqador (masalan, tinish belgilarining qo'llanilishi bo'lsa, matnda qanday tinish belgilaridan foydalanganini va tinish belgilarining qo'llanish sabablarini so'raydi) nazariy masalalarni amaliyotga qanday qo'llaganini so'rashi mumkin.

Ona tili ta'limida o'quvchilarning kommunikativ savodxonligini ta'minlash so'z boyligini oshirish, nutqiy mahoratni shakllantirish, o'quvchini madaniy muloqot sa'natidan xabardor qilish, turli mazmun va shakldagi badiiy, ma'rifiy munshaot matnlari, badiiy-ramziy matnlar ustida ijodiy ishlashga o'rgatish, monolog va diologlar tuzish ko'nikmalarini shakllantirish va mustaqil matn yaratishga yo'naltirishdan iborat bo'lib, u ona tili ta'limi samaradorligini oshirishning eng muhim va zarur omillaridan sanaladi.

An'anaviy ta'limning kammahsul tahliliy usullaridan voz kechib, yangi, "o'quvchi ta'lim-o'qituvchi" tizimiga o'tish, ta'lim jarayonini ilg'or o'quv texnologiyasi yutqlariga asoslangan, zamonaviy didaktik materiallar, rangli sloytlar, muayyan o'quv dasturi kiritilgan disketlar; audio-vidio kosetalar bilan qurollantirish, o'quvchilarni jahon ta'lim standartlari talablariga mos keladigan yangi avlod darsliklari va dasturlari bilan taminlash- o'quvchilarda mustaqil matn yaratish jarayonini jadallashtirishda muhim didaktik omil hisoblanadi.

Ona tili mashg'ulotlarida ijodiy matn yaratish bo'yicha musobaqa darslarini o'tkazib turish ham ta'lim samaradorligini oshirishning muhim omillaridan hisoblanadi. Musobaqa darslari o'quvchining bog'lanishli nutqni shakllantiradi, rivojlantiradi. Mustaqil fikrlash va uni yozma ifodalash ehtiyoji paydo bo'lishi bolani izlanish, topish o'zligini namoyish qilish istagi, ijobiy o'quv motivlarining tug'ilishiga hamda ijodiy matn yaratishga qiziqishining kuchayishiga, o'quvchi shaxsining faollashuviga olib keladi.

Matn yaratish musobaqlarini tashkil qilishdan o'qituvchi ko'zlaydigan asosiy maqsad o'quvchilarning ona tili faniga, matn tuzishga bo'lgan qiziqishni orttirish bo'lsa, o'quvchi uchun bu imkoniyat ona tilidan egallagan nutqiy ko'nikma va malakalarni amaliyotda ko'rsatish, topqirlik, mustaqil tafakkur ko'lamini, ma'naviy dunyoqarashi, uslubiy savodxonlik darajasini o'zgalarganamoish qilish imkoniyatidir. Bunday

o`yin musobaqalarni o`tkazishda o`quvchilarni muayyan guruhlarga yoki komandalarga bo`lish, o`yinni izchillik va bosqichlilik prinsipiga asoslangan holda tashkil qilish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, ijodiy matn yaratish va matn ustida ishlashdan ko`zlanadigan asosiy maqsad o`quvchining ona tili ta`limi jarayonida egallagan bilim, ko`nikma va malakalarining amaliy tadbiriqini ta`minlash, individual tafakkur mexanizmini harakatga keltirish, o`quvchini mavzu yo`nalishida, izchil, mantiqli, faol mushohada yuritishga, fikr mahsulini yozma ravishda to`g`ri, ravon ifodalashga tayyorlashdir. Shuningdek mazkur faoliyat o`quvchilarni matn turlarini farqlash bilan o`zaro uyg`unlikda olib borilishi – o`quvchilarni mustaqil va ijodiy matn yaratishga tayyorlashning ishonchli kafolatidir.

BOSHLANG`ICH TA`LIMDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

*Dilnoza ALIBOYEVA,
Namangan viloyati Norin tumani
43-maktab o`qituvchisi*

Annotatsiya:

Yangilanayotgan O`zbekistonning kelajagi ko`p jihatdan barkamol, intellektual salohiyatli avlod va unga berilgan ta`lim va tarbiya sifatiga bog`liq. Hozirgi kunda ta`limda jahonning ilg`or tajribasidan foydalanish ehtiyoj va zaruratga aylanmoqda. Biroq xorijiy davlatlarda qo`l kelgan va samara bergan hamma uslublar ham bizda bir xilda natija ko`rsatadi deya olmaymiz. Muhimi, jahonning ilg`or va samarali ta`lim tizimlaridagi pedagogik texnologiyalar va innovatsiyalarni milliy mentalitetimiz va o`zligimizdan kelib chiqqan holda bizga mos va muqobil turlarini o`zlashtirish hamda ta`limga tadbiriq qilishdir.

Annotation:

The future of a renewed Uzbekistan depends in many ways on a harmoniously developed generation with intellectual potential and the quality of education and upbringing given to it. Today, the use of world best practices in education is becoming a necessity. However, we cannot say that all the methods available and effective in foreign countries give the same results. It is important to master and apply pedagogical technologies and innovations in the world's advanced and effective education systems to our education in accordance with our national mentality and identity.

Zamonaviy interfaol usullardagi mashgʻulotlar oʻquvchini ijodiy fikrlashga, olingan axborotlarni faollikda hal etishga, fikrni erkin bayon etishga, tashabbuskorlikka, guruhlarda masalalar echimini topishga, hamkorlikda ish yuritishga, fikrni yozma ravishda bayon etishga chorlaydi. Shu maqsadda muallif oʻz maqolasida boshlangʻich taʼlimda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati haqidagi ayrim

Taʼlim davlat siyosatining ustivor sohasiga aylangach, boshlangʻich taʼlim rivojiga ham alohida eʼtibor qaratildi. Chunki bola ilk maʼlumot, maʼrifat va tarbiyani boshlangʻich sinf oʻqituvchisidan oladi. Oʻqituvchi taʼlim beribgina qolmay, balki ularning duyoqarashini ham shakllantiradi, ularning doʻstlik, oʻrtoqlik, birodarlik va milliy tuygʻularini oʻstiradi.

Hozir axborot texnologiyalari davrida yashayotgan ekanmiz, shunga yarasha bilimga ega boʻlishimiz, oʻquvchilarning “oʻqituvchi-bilimdon shaxs” degan fikrlariga qatʼiylik kiritishimiz lozim. Hozirda boshlangʻich sinf darslarida qoʻllanayotgan pedagogik texnologiyalar oʻquvchilar shaxsiga har tomonlama taʼsir oʻtkazmoqda. Vaqtini toʻgʻri taqsimlagan holda darsda bir yoki bir necha innovatsion texnologiyalarni qoʻllash oʻquv jarayonida yaxshi natijalarga erishish imkonini beradi.

Zamonaviy taʼlimni tashkil etishga qoʻyiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni oʻquvchilarga yetkazib berish, ularda maʼlum faoliyat yuzasidan koʻnikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, oʻquvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, koʻnikma hamda malakalar darajasini baholash oʻqituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda taʼlim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi. Misol uchun oʻqish darslarini tashkillashda “Rolli oʻyinlar” usuli, “Videotopishmoq”, ona tili darslarida “Rasmlarni toʻgʻri joylashtir”, “Vizual diktantlar” usullarini qoʻllash muhim ahamiyatga ega. Bularning barchasi oʻquvchilar tafakkurini yanada rivojlantiradi, ularda ijodkorlikni oʻstiradi:

“Sirli raqamlar” usuli. Bu usul koʻproq oʻtilgan mavzuni mustahkamlash qismida tashkil qilinadi. Buning uchun oʻqituvchi alohida plakatga turli ikki xonali raqamlarni yozib chiqadi. Oʻquvchilar bu sonlardan muhim tarixiy sanalar, buyuk allomalarimizning tavalludiga oid sonlarni hosil qilib, uni izohlab beradi.

“Sirli raqamlar” usuli oʻquvchining diqqatini jamlaydi, ularni eʼtiborli boʻlishga chorlaydi hamda ijtimoiy hayotga faolligini oshiradi.


“Rasmlarni toʻgʻri joylashtir” usuli. Kichik guruhlarda ishlashda ushbu usuldan foydalanish ham ijobiy natijalarni kafolatlaydi. Bu usulni qoʻllashda quyidagi harakatlar amalga oshiriladi:

- o‘qituvchi tomonidan o‘rganilayotgan mavzuning mohiyatini mantiqiy ketma-ketlikda yoritishga xizmat qiluvchi tushunchalarni ifoda etgan maxsus kartochkalar majmui tayyorlanadi (har bir kartochkaning orqa tomoniga mavzu mohiyatini yorituvchi “o‘zak” tushunchaning bittadan harfi joylashtiriladi va maxsus qoplama bilan berkitiladi);

- har bir guruhga maxsus kartochkalarining alohida majmusi topshiriladi va kartochkalarni ulardagi tushunchalarga asosan mantiqiy ketma-ketlikda joylashtirish vazifasi yuklanadi; guruhlar tomonidan topshiriq bajarilib bo‘lingach, kartochkalarining orqa tomoni o‘g‘iriladi va maxsus qoplama ochilib, topshiriqning qay darajada to‘g‘ri bajarilganligi aniqlanadi. Agar topshiriq guruhlar tomonidan to‘g‘ri bajarilgan bo‘lsa, yakuniy jarayonda kartochkalar orqa tomonga o‘g‘irilganda mavzuning mohiyatini yorituvchi “o‘zak” tushuncha hosil bo‘ladi.

Masalan, O‘quvchilarga ot va sifat so‘z turkumiga oid tushunchalarni ifodalovchi kartochkalar aralashtirib beriladi. O‘quvchilar avval bir xil mavzuga oid tushunchalarni, masalan, sifat so‘z turkumiga oid hukmlarni ajratib olishadi. So‘ngra turli mevalar tasviri tushirilgan bu kartochkalarni tartib bilan joylashtiradilar. Shundan so‘ng “Sifat” so‘zi hosil bo‘ladi.

Alifbodagi 18- harf	Alifbodagi 8-harf	Alifbodagi 5- harf	Alifbodagi 1- harf	Alifbodagi 19- harf
------------------------	----------------------	-----------------------	-----------------------	------------------------



“Vizual diktant” usuli. “Vizual diktant” usulini barcha fanlar kesimida foydalanish mumkin. Bunda o‘qituvchi diktantni o‘qib beradi. O‘quvchilar esa har bir o‘qilgan gapni o‘zlari tasavvur qilgandek rasmlarini chizadi. Bu usul orqali o‘quvchilarda ulardagi iste‘dodni, iqtidorni yuzaga chiqarish imkoniyati yaratiladi.

“Jurnalist” usuli. Bu o‘yin musobaqa o‘quvchida intellektual muloqot ko‘nikmalarining jadal rivojlanishi, mavjud shart-sharoit va nutqiy vaziyatga, suhbatdoshning ruhiy holatiga, hayratiga qarab muloqot

uslubini tanlash, suhbat mavzusini eng dolzarb, zarur masalaga qarata olish, ixcham, aniq, keng qamrovli savollar berish malakasini shakllantirishga xizmat qiladi. “Notanish odam bilan tanishish”, “Kelajakni tasavvur qilish”, “Oydagi aks” kabi lingvopsixologik o‘yinlar ham shaxsning o‘z-o‘zini ruhiy tahlil qilish, intellektual nutqiy qobiliyati darajasini aniqlash, mustaqil anketa so‘rovnomalari, savollarning murakkablashib boruvchi, aytilgan fikrni aniqlashtiruchi turlaridan erkin foydalanishga odatlantiradi hamda o‘quvchining o‘zida mavjud kamchiliklarni o‘z vaqtida aniqlash, talaffuziy, imloviy, mantiqiy, nutqiy nuqsonlarni tuzatishlariga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

“Intervyu” usuli. Bu usulquyidagi tartibda olib boriladi. Ikki o‘quvchi o‘zaro intervyu usulida suhbat olib borishadi. Suhbatdoshning biri boshlovchi va yana biri so‘zlovchi tariqasida bo‘ladi. O‘yinni boshlovchi boshlab beradi. O‘zini qiziqtirgan savollari bilan murojaat qiladi. O‘yin sharti shundan iboratki, berilayotgan har bir savol bir- birini takrorlamasligi va mavzular rang-barangligida olib borilishi lozim. So‘zlovchi esa bu savollarga o‘z qarashlari orqali, ya’ni faqat o‘zining fikrini aytib o‘tishi zarur. Suhbatdan so‘ng boshlovchi va so‘zlovchi bo‘lib o‘tgan suhbat taassurotlari haqida matn tuzadilar. Boshlovchiga so‘zlovchi tomonidan berilgan javoblar mazmunini saqlab qolgan holda qisqartirilib, suhbatdoshga berilgan savollar esa keng qamrovda yoritilib berilishi zarur. Bu usulning afzalligi shundaki, o‘quvchida, birinchidan, fikrlar rang-barangligini yuzaga keltirsa, ikkinchidan, eshitgan fikriga munosabat bildirish hissini ham shakllantiradi.

“Videotopishmoq” usuli. So‘nggi yillarda pedagogik faoliyatda turli axborot vositalar (kompyuter, televidenie, radio, nusxa ko‘chiruvchi qurilma, slyd, video va audio magnitofonlar) yordamida tahlil jarayoni tashkil etilishiga alohida e’tibor qaratilmoqda. O‘qituvchilar oldida tahlil jarayonida turli axborot vositalaridan o‘rinli va maqsadga muvofiq foydalanish vazifasi turibdi. “Videotopishmoq“ metodidan foydalanishda quyidagi harakatlar amalga oshiriladi:

-o‘quvchilar e’tiboriga o‘rganilayotgan mavzu mohiyatini tasviriy yoritishga yordam beruvchi izohlarsiz bir nechta videolavha namoyish etiladi;

-o‘quvchilar har bir lavhada qanday jarayon aks ettirilganligini izohlaydilar;

-jarayonlarning mohiyatini daftarlariga qayd etadilar;

-o‘qituvchi tomonidan berilgan savollarga javob qaytaradi.

Bu usullardan foydalanishning afzalligi shundaki, bu jarayonda o‘quvchilarda mavzuni muayyan qismlarga bo‘lib o‘rganish va qismlar

oʻrtasidagi mantiqiy bogʻliqlik hamda aloqadorlikni analiz va sintez asosida aniqlash koʻnikmalari hosil qilinadi.

Demak, darslarda zamonaviy pedagogik usullarning qoʻllanishi oʻqituvchilarga taʼlim jarayonini yaxshi tashkil etishga qulay muhit yaratadi. Oʻquvchilarning oʻzaro fikr almashishlariga imkon beriladi. Oʻzaro axborot olish va berish uchun sharoit tugʻdiradi. Yechimini kutayotgan masalalarni hamjihatlikda muhokama etadilar, yechadilar. Vaziyatdan chiqishga hamkorlikda yechim topadilar. Olgan axborotlari asosida bilimlarini bir-birlariga namoyish etadilar. Bir-birlaridan ilhomlanib, ruhiy qoniqish hosil qiladilar. Bir-birlarini tushunib, oʻzaro qiziqish paydo boʻlib, vaqt oʻtganini bilmay qoladilar. Har bir ishtirokchi taʼlim mazmunini mualliflardek his etadilar. Taʼlim mazmunini toʻla oʻzlashtirishga erishadilar.

Xulosa qilib aytganda, oʻquvchi yoshlarimizni har tomonlama yetuk, barkamol shaxs boʻlib voyaga yetishini istasak, bolalardagi mantiqiy fikrlash qobiliyatiga alohida eʼtibor berishimiz kerak. Buning uchun esa zamonaviy pedagogik texnologiyalarni taʼlim jarayoniga joriy etish, taʼlim samaradorligini oshirish uchun tinimsiz izlanish bugungi kunning ehtiyojiga aylanmogʻi kerak.

UMUMTAʼLIM MAKTABLARIDA INGLIZ TILI GRAMMATIKASINI OʻRGANISHDAGI MUAMMO VA YECHIMLARI

*Madina AXMADJANOVA,
Namangan davlat universiteti
Lingvistik (ingliz tili) magistratura mutaxassisligi talabsi*

Annotatsiya:

Ushbu maqolada umumtaʼlim maktablarida tahsil olayotgan oʻquvchilarda uchraydigan, duch kelinishi mumkin boʻlgan muammo, qiyinchiliklar hamda uni bartaraf etish yoʻllari keltirilgan. Shuningdek yosh avlodga ingliz tilini oʻrgatishda keng tarqalgan hamda yangi usul metodlaridan foydalanish haqida takliflar keltirib oʻtilgan.

Kalit soʻzlar:

Til oilalari, grammatik muammolar, til grammatikasi, grammatik qoida, kelishiklar, soʻz tartibi, yechim, soʻz tarkibi, grammatik koʻnikma.

Annotation:

This article outlines the challenges, troubles and ways to deal with students in secondary schools. There are also suggestions for the use of

more common and interactive methods of teaching English to the younger generation.

Keywords:

Language families, grammar problems, language grammar, grammar rules, compromises, word order, solution, word composition, grammar skills.

Bizga ma'lumki, asrlar davomida ko'plab sinovlardan o'z qadr-qimmatini yo'qotmagan, ilm-ma'rifat yo'lida hech qachon tinmagan, doimo yaxshilik va yangilikka intiluvchi xalqlarga ega yurtidir. Diyorida daholar, olim-u fuzalolar yetishtirgan, ma'rifat va madaniyat yo'lida kerak bo'lsa boshqalarga namuna bo'la oladigan hamda yosh-avlodni bunga tayyorlay oladigan zamindir. Bizning xalqimiz har qanday ilm yo'lidagi yangilikni mamnuniyat bilan qarshilay oladigan, uning taraqqiyoti uchun hissa qo'sha oladigan ziyoli xalqdir.

Hozirgi kunda butun dunyo jumladan, yurtimizda ham ingliz tilini o'rganish va o'rgatish keng Davlat siyosati aylandi, chunki ingliz tili o'zining go'zal ifodaliligi hamda o'rganish uchun birmuncha yengilligi uchun u xalqaro tilga aylandi. Shunday ekan buyuk adabiyotshunos va yozuvchimiz Abdulla Avloniyning "Bir til emas, to'rt til kerak" risolasi bejizga emas. Unda har qanday zamonaviy inson ko'p til bilishi kerakligi, o'z davrida urf bo'ayotgan tilni o'rganmog'i kerakligi va bu orqali o'z millati, yurti ravnaqiga hissa qo'shmoq kerakligi aytib o'tilgan edi. Darhaqiqat, yoshlarimiz xorijiy tillarni ko'proq o'rganmog'i darkor. Buning ustiga yurtimizda yoshlarga bo'lgan e'tibor yuksak darajada bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning 2012-yil 10-dekabrda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari" to'g'risidagi qarorlariga muvofiq yurtimizda yosh avlodga xorijiy til o'rgatish yanada kuchaytirildi.

Biroq chet tili o'rgatish juda mas'uliyatli kasbdir. O'qituvchilar juda bilimli va shu bilan bir qatorda sabrli bo'lishlari lozim. Chunki bolalar til o'rganish davomida ko'plab qiyinchiliklarga duch kelishlari tabiiydir. Ma'lumki, ingliz va o'zbek tillari turli til oilalariga mansub. Bu esa til o'rganuvchilariga fonetik, leksik va grammatik qiyinchiliklarga sabab bo'lishi mumkin. O'rta maktablarda ingliz tili o'rgatishda uchraydigan grammatik qiyinchiliklar xususida gapirilganda, o'quvchilar ko'plab qiyinchiliklarga duch kelishlarini aytish joiz. Kishi tilidagi hamma so'zlarni bilsa-yu, gaplar, so'zlar o'rtasidagi bog'lanishlarni bilmasa, u nutqning mazmunini tushunishga qiynaladi. Shuning uchun o'rta maktablarda o'quvchilarga grammatikani o'rgatish judayam muhimdir. Agar o'quvchi grammatik ko'nikmalarni yaxshi egallamagan bo'lsa, u o'z

fikrini to'g'ri bayon eta olmaydi. Gapirishda, yozishda va tarjimada qiynaladi.

Til grammatikasi o'ziga xos murakkab sistemadir. Shuning uchun ham uni o'zlashtirish oson emas. Maktab o'quvchilari quyidagi qiyinchiliklarga odatda duch keladilar:

– **artikl muammosi** - buni grammatika o'rganishdagi eng katta muammo desa ham bo'ladi. Ko'pchilik ingliz tili o'rganuvchilar bilan suhbatlashib ko'rganimizda, deyarli hammalari ingliz tili grammatikasini o'zlashtirishlarida asosan artikl va zamonlar qiyinchilik tug'dirishini aytgan. Darhaqiqat, o'zbek tilida aynan artikl so'z turkumi bo'lmagani uchun uni qo'llashda va tarjima qilishda qiynaladilar.

– **artikl qoidalarini yod olish kerak.** Biroq qoidalaridagi talaygina istisno holatlari o'rganuvchilarga, ayniqsa maktab yoshdagilarga, uni o'zlashtirishni murakkablashtiradi. Tarjimasi aniqroq qilib o'rgatilsa, o'quvchilar artiklni qo'llashda ko'p qiyinchiliklarga uchramaydilar. Masalan: noaniq artikl bir, qandaydir bir deb, aniq artikl esa o'sha, haligi deb tarjima qilinadi deb o'rgatish mumkin.

Bir so'z bilan aytganda, artiklning ishlatilish holatlarini bolalarga misollar yordamida qayta-qayta tushuntirilsa, ingliz tilidagi bu yordamchi so'z turkumini o'zlashtirishdagi qiyinchiliklarni kamaytirib bartaraf etsa bo'ladi.

Ingliz tili grammatikasini o'zlashtirishdagi qiyinchiliklardan yana biri predloglardir. O'zbek tilida predloglar kelishik qo'shimchalari bilan ifodalanadi. Ingliz tilida esa kelishik qo'shimchalari predloglar orqali ifodalanadi. Jumladan, o'zbek tilidagi o'rin-payt kelishigi, ingliz tilida in, on, at predloglari bilan ifodalanishi mumkin. Masalan:

in — in January, in 2015, in a week

on — on Monday, on January 15, on birthday

at — at the weekend, at 10 o'clock

O'rin payt kelishigining qo'shimchasi, o'rin joyni bildirganda ham ingliz tilida yuqoridagi predloglardan foydalanamiz. Masalan:

in — in Uzbekistan, in Madrid, in our week

on — on the sofa, on the table

at — at the station, at school

ingliz va o'zbek tillarida so'z tartibining o'xshash emasligi. Ma'lumki, ingliz tilida so'z tartibi qat'iydir, aksariyat hollarda darak gap boshida doim ega turadi ketidan esa kesim keladi. O'zbek tilida esa gap bo'laklari o'rnini almashtirsak ham ma'nosi o'zgarmaydi. Tarjimada esa o'quvchilar qiyinchiliklarga uchraydilar.

Uslubchilar fikriga ko'ra, ingliz tili grammatikasini o'rgatishda, avvalambor, grammatika minimumini to'g'ri tanlash va ingliz tili grammatikasini o'ziga xos xususiyatlarini inobatga olish taqozo etiladi. Ingliz tili grammatikasini o'ziga xos qiyinchiliklari va xususiyatlari quyidagilar: ingliz tilidagi noto'g'ri fe'llar mavjudligi, ingliz tilidagi gap qurilishni qat'iyligi, ingliz tilidagi artikillar, predlog va zamonlarning ko'pligidir. Shu kabi xususiyatlar ingliz tili grammatikasini o'zbek tili grammatikasidan farqlaydi.

Taniqli tilshunos J.Jalolov fikriga ko'ra, grammatikani o'quvchilarga o'rgatishda asosan ikkita yo'ldan foydalanishimiz mumkin:

1. Induktiv. 2. Diduktiv.

Induktiv usulda o'quvchilarga avval qoida so'ngra esa misol beriladi. Diduktiv usulda esa avval misol so'ngra qoida beriladi. Maktab yoshidagi bolalarga ingliz tilini o'rgatishda avvalo bolalar uchun rang-baranglikka e'tibor berishimiz zarur. Rasmlar asosida yoki qo'shiq va she'rlar orqali ham ingliz tili grammatikasini o'rgatishimiz mumkin. Maktablarda kuzatilayotgan muammolar qatorida o'quvchida darsga nisbatan passivlik, zerikish, diqqatni jamlay olmaslik kabi jihatlar ham mavjud.

Shuningdek, ingliz tili grammatikasini o'rgatishda innovatsion usullardan foydalangan holda, keng zamonaviy texnologiyalar vositasida nafaqat maktab o'quvchilariga, balki litsey o'quvchilariga o'rgatish foydali deb o'ylayman. Chunki har qanday til grammatikasini o'rganish va o'rgatish birmuncha zerikarli hamda qiyinchiliklarga sabab bo'ladi, shu bois o'qituvchilardan buning uchun ko'p mehnat va sabr talab etiladi. Agarda o'qituvchi bunday grammatik qoidalarni zerikarli oddiy, an'anaviy usulda emas sinf xonasida katta rangli ekranlarda turli gaplar tuzish yoki namunlar berish orqali, turli video, roliklar, multfilm yoxud qisqa namoyishlar vositasida o'rgatish texnologiyasini qo'llasa maqsadga muvofiq bo'lur edi. Bu orqali o'quvchida keng va unutilmas tushuncha paydo bo'ladi hamda ongda singish kuchli bo'lar edi.

Xulosa qilib aytganda, chet tilini o'rganishda qiyinchiliklarga duch kelish tabiiy, o'qituvchilar o'quvchilarning qayerda qanday qiyinchiliklarga uchrayotganliklarini kuzatib borib uni bartaraf etish yo'llarini topib o'quvchilarga yengillik yaratib borishlari darkor. Zero, til materiallarini o'zlashtirishdagi qiyinchiliklar nutq faoliyatlarining barcha turlarida ko'nikma hosil qilishlariga to'sqinlik qiladi. Shunday ekan o'qituvchilar yuqori bilim malakasiga ega bo'lishi, pedagogik salohiyatga tayangan holda o'quvchilar bilan astoydil shug'ullanib, birga ishlab yuzaga kelgan muammo va qiyinchiliklarni yechib yordam bermog'imiz darkor.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БУЗГУНЧИ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ

Мухайё БОЛТАБОЕВА

Янгиқўрғон тумани 6-умумий ўрта таълим
мактаби ўқитувчиси

Anotatsiya:

Ushbu maqolada globallashuv jarayoni kuchayib borayotgan bugungi kunda yoshlarimiz ongiga kirib borayotgan buzg'unchi g'oyalarga va ularning amaliy ifodasi daliliy misollar asosida yoritib berilgan hamda yoshlarimizda buzg'unchi g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitet shakllantirish g'oyasi ilgari surilgan.

Annotation:

The article clarifies with the reasonable proof the subversive ideas and their practical impact on our today's youth in the process of increasing globalization and outlines to develop ideological immunity against the subversive ideas in young generation.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзбек халқининг ҳаётида юксак ўзгаришлар содир бўлди. Буни одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб она ватанда озод ва обод яшаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш мумкинлигига бўлган ишончи тобора ортиб бораётганлигида; ҳар хил мафкуравий хуруж ва найрангларнинг мақсад-муддаоларини тезликда англаш борасида хушёрлиги ўсиб бораётганлигида; мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашга астойдил бел боғлаётганлигида; ёшларнинг соғлом авлод бўлиб камол топиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигида; жамиятимиз миллий мафкураси ғояларининг кишилар ҳаётидан ўрин олиб, уларни буюк мақсад сари сафарбар этаётганликларида яққол кўришимиз мумкин.

Миллий мустақиллигимиз мустаҳкамланиб боргани сари жамиятимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилиб борди. Лекин бугунги турли ғоявий ва мафкуравий курашлар даврида юртимиз аҳолиси нуфусини катта қисмини ташкил этаётган ёшларимизда миллий маданият, миллий кадрият, миллий анъаналар асосида қурилган мафкуравий иммунитетни кучайтириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунга кўра Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “дунёдаги зўравон ва тажовускор кучлар қайси

бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”[1].

Бугунги кунда бузғунчи ғояларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилаётган глобаллашув жараёнининг турли давлатлар ва халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий тараққиётига салбий таъсирини илмий тадқиқ этишга эътибор кучайиб бормоқда.

Хўш глобаллашув ўзи нима? унга берилган таърифларнинг мазмуни қандай?

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида глобаллашув жараёнлари ҳақида янада теранроқ фикрлар билдирилган. Яъни шу хусусда И. Каримов шундай фикр билдирган: “Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда. Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, ратсионал мағиз бор. Чунки, уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда”[2].

И. Каримовнинг таъриф ва фикрларини янада теранроқ ўрганадиган бўлсак, Биринчи Президентимиз глобаллашувнинг ҳар икки жиҳатига тўхталиб ўтганлигини кўрамиз: “Глобаллашув — бу ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин.

Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларнинг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, сивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Глобаллашув атамаси дастлаб XX асрнинг 80-йиллари бошларида иқтисодий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди. Унда айтилишича, Глобаллашув – трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли – туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёни[3].

Уни ўрганиш жараёни эса Роланд Робертсон томонидан 1985 йили унинг жаҳонни ягона бир бутун қилиш мақсадига қаратилган обектив жараёнларнинг мажмуаси сифатида аниқланган даврдан бошланган[4].

Глобаллашув жараёни ҳозирги кунда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки глобаллашув жараёнининг салбий хусусияти бўлмиш мафкуравий-маънавий таҳдид энг аввало тили, дини, эътиқотидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион ҳуружлардан иборатдир. Мафкуравий таҳдидлар таъсирида четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “Оммавий маданият”нинг ёпирилиб кириши энг аянчли ҳолдир.

“Оммавий маданият” ниқоби остидаги ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ғояларини тарқатиш, керак бўлса шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик билан қараш, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидларни ёддан чиқармаслик керак. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек “маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охири-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”[5].

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи инсоният тарқакқиётининг барча босқичларида устувор ҳисобланган. XX асрнинг охири XXI аср бошларида жаҳонда юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар натижасида бир қатор чегара билмайдиган муаммолар юзага келди. Уруш, тинчлик, экологик

фалокатлар, одам савдоси, наркобизнес, терроризм, маънавий қашшоқлик, мафкуравий тахдидлар шулар жумласидандир.

Айниқса бугунги кунда глобаллашув шароитида баъзи давлатлар томонидан дунёда ҳукумронлик ўрнатиш мақсадига қаратилган жиддий ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Хусусан халқаро майдонда бу борада мафкуравий курашлар авж олмоқда. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборот курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда бу хуружлар аввало ёшлар маънавий дунёсига мафкуравий таъсир ўтказиш орқали уларнинг қалби ва онгини эгаллашдек ҳар хил ғаразли мақсадларга қаратилган.

Дунёни манфаат бошқаради деган гап бор. Шу нуқтаи назардан, глобаллашув жараёнларининг асос-моҳиятини фойда ва даромад ташкил этган капиталистик муносабатларнинг такомиллашувисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Маданият инсон онги ва қалбига таъсир ўтказишнинг энг таъсирчан воситасидир. Шунинг учун ҳам айни маданият, санъат орқали ёшларга таъсир ўтказишга асосий диққат эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ёшларда Америка маданиятига тақлид қилишга интилиш ҳоллари жуда кўп учрамоқда.

Мафкуравий курашлар авваламбор бу биз учун ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий қадрият, анъана, урф одат ва миллий қарашларга ёт бўлган ғояларни тарқалишини олдини олмоқда, лекин биз ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб бораётган шундай кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз ва афсуски бу ишлар ва ҳаракатлар орқали бундай хуружларнинг ўта хавфли эканини англашимиз лозим.

Ҳозирги даврда ғарб маданиятининг ёшлар онгига осонлик билан кириб келиши ва унинг жозибадорлиги аён бўлиб келмоқда. Бунда интернетнинг ўрни кучаймоқда, у ўз навбатида виртуал воқеликни шакллантириб, ундан фойдаланувчиларда маданиятнинг янги кўриниши – кибермаданиятни қарор топтирмоқда. Виртуал воқелик ва кибермаданият кишиларнинг феъл-атворини осонликча дастурлаштитиш имкониятини бераяпти, яъни ёшлар онги ва қалбини ёт ғоялар эгаллашда энг осон ҳаракатга айланди.

Америкалик сиёсатшунос олим З. Бжезинский бу борада шундай дейди: маданий устунлик Америка глобал куч кудратининг муҳим жиҳати саналади. Айримлар ўзининг эстетик қадриятлари ҳақида нималарни ўйламасин, Америка оммавий маданияти, айниқса, жаҳон ёшларини оҳанграбо каби ўзига тортади. Унинг жозибадорлиги, эҳтимол, шу маданият орқали тарғиб қиланаётган ҳаётни севиш

фалсафаси, ҳаёт сифати билан боғлиқдир, лекин Америка маданиятининг жазибадорлиги шак-шубҳасиздир[6].

Бутун дунёни қамраб олган ва жўшқинлик билан кечаётган бир пайтда маданий инқилиб сифатида талқин этиш мумкин бўлган бу жараёнлар тескари ҳаракатларни юзага келтиради, яъни дунёга демократик бошқарув тамойилларини ёйиш остида давлатларнинг дунёда ҳуқумронликни ўрнатиш мақсадида ғарблаштириш (Евросентизм) ва ғарб маданиятини инсонлар онгига сингдириш борасидаги мафкуравий курашлар авж олмоқда.

Мафкуравий таҳдид бу ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрқитув, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштиришдир. Мафкуравий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси[7]. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек “дунёнинг айрим худудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллий асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарси ишдан чиқаётгани, ахлоқ доб, оила ва жамият ҳаёти онгли яшаш тарси жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин”[8].

Биз мақола орқали “Оммавий маданият” кўринишдаги мафкуравий таҳдид ва бу таҳдиднинг одамларга, айниқса ёшларимизнинг онги ва маниятига, қолаверса, барқарорлик ва тараққиётга қайдаражада хавф солаётгани борасида тўхталишни лозим топдик.

“Оммавий маданият” маданий глобаллашувнинг, маданий экспансиянинг, қолаверса мафкуравий тазикнинг энг хавфли кўринишларидан биридир. энг аввало “Оммавий маданият”нинг мазмун моҳияти ва хавфли жиҳатлари тўғрисида тўхталиш лозим. “Оммавий маданият” олим ва мутахассислар томонидан ҳозирги кунда турлича талқин этилмоқда.

Уларни умумлашган ҳолда қуйидаича ифодалаш мумкин:

1. “Оммавий маданият” – халқ маданияти, урф одатлари, маросимлари, санъати ва шу каби тушунчаларни ифодаловчи тушунча;
2. “Оммавий маданият” ОАВ нинг ривожини билан бўғлиқ ҳодиса;
3. Оммавий ишлаб чиқариш “кўнгил очиш индустрияси” томонидан яратилган, омма истеъмоллига мўлжалланган, маданиятнинг сайқаллаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодиса;

Глобаллашув туфайли ёшларимиз онгига таъсир этаётган “Оммавий маданият” оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонга ҳам кириб келмоқда. У сиртдан терроризм ва экстремизм каби хавфли ҳодиса бўлиб кўринмайди. Аммо моҳияти миллий маданиятга, кишиларимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавиятига салбий таъсир ўтказмоқда.

У жараёнда америкача турмуш тарзини тикиштириш, дунё халқларини ўзига ҳос тарзда ғарблаштиришга интилиш кузатилмоқда. Табиийки америкалаштириш халқларнинг ўзига хослиги, миллий хусусиятлари, маданий анъаналарига путур етказмоқда.

Бундай кўринишдаги барча ёт ғояларни ёшлар онгига сингдириш орқали қилинаётган ҳаракатлар глобаллашув жараёнининг энг катта муаммоларидандир. Чунки бу қуйидаги оқибатларни келтириб чиқариши мумкин жумладан:

- ёшларни шакллантирувчи жамиятнинг маданий-маънавий соҳаларига таъсир ўтказиб, уларни муайян ўзгаришларга олиб келади, анъанавий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар тизимини издан чиқаради;
- ёшларни маънавий-ахлоқий, психологик қиёфасига жиддий таъсир ўтказади, ҳозирги замон жамиятини қиёфасини ўзгартиради;
- ёшларни ижтимоий ва индивидуал онгида деструктив ўзгаришлар рўй беради;
- ёшларнинг ватанга, ота-онага бўлган муҳаббат, оила муқаддаслиги ҳамда каттага бўлган ҳурмат ҳис-туйғуларини ўлишига олиб келиши мумкин;

Умуман бугунги кунда “Оммавий маданият” мафкуравий тазиқ ўтказишнинг энг хавфли қуролларида бирига айланган. Истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган “Оммавий маданият” асл кишилик маданиятига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охир оқибатда инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзот, ҳайвон даражасига туширадиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир.

Мустақилликга эришганимиздан сўнг ҳозирги давр глобаллашув шароитида мафкуравий тайзиқлар ва хавф хатарларнинг олдини олиш воситаси сифатида илм-фан ва маърифатга катта эътибор қаратилди. Республикамизда мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб тараққиётнинг ўзига ҳос миллий модели, яъни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг миллий тамойиллари белгиланди. Шу билан бирга жаҳонда мафкуравий, ғоявий курашлар кучайиб

бораётган бир вақтда, фуқароларни мафкуравий тайзиқлардан ҳимоя қилишнинг чора тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди, аҳолининг, айниқса ёшларимизнинг саводхонлик даражасини, ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга нисбатан уларда дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, таълим тарбияси, шунингдек, миллий қадриятларимиз ва анъаналариомизга асосланган мустаҳкам сиёсий, маънавий-марифий, мафкуравий иммунитетни ошириш ана шу миллий тизимнинг мазмун моҳиятини ташкил этади. Жумладан мустақилликга эришган илк кунларданок, ёш авлоднинг баркамол ривожланиши, унинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди ва таълим соҳасида миллий анъаналаримиз ва жаҳон талабларига жавоб берадиган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида” ги Президент фармони ва таълимга оидф кўплаб ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари ёшларимиз онгини ёт ғоялардан асрашда миллий мафкура ва ғояни уларда шакллантириш мақсадида маънавият ва маърифат масалалари давлат аҳамияти даражасига кўтарилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 8 июндаги 288 сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ижро этиш мақсадида Республикамиз Биринчи Президентининг 1999 йил 3 сентябрда “Республика маънавият кенгашини қўллаб қувватлаш тўғрисида” 2385 сонли фармони ва бу борадаги бир қатор ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди. 2006 йилда эса Республика Маънавият тарғибот маркази ва миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Уларнинг асосий вазифалари этиб, маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишлари олиб бориш, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида юртимизга қаратилган ғоявий ва ахборот хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахасислар иштирокида жойларда тарғибот ишларини йўлга қўйишдир.

Бундан ташқари таъкидлаб ўтилган ҳукумат қарорларига асосланган Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб авайлаш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш ва бу борадаги ишлар самарасини ошириш ва кучайтириш мақсадида бир қатор асосий вазаифалар белгилаб қўйилди:

- Ўзбекистон халқининг маънавий-маданий меъроси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳига мос ғояларни шакллантириш ва ҳаётга тадбиқ этиш, республикада маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;
- Аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналар ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти уни ҳар томонлама очиқ бериш;
- Ота-она, устозлар, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод онгига таъсирчан усул-услугалар орқали сингдириш;
- Ёшларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига ва бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат эҳтиром ҳамда бағрикенглик руҳида тарбиялаш;
- Юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истикболи сари йўналтириш;
- Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳамда миллатлар тотувлигини, минтақа халқларининг муштарак маънавий-маърифий, маданий илдизларини тадқиқ ва таҳлил асосида тарғиб этиш;
- Дунё ва мамлакатдаги хилма-хил мафкуралар, эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқараш ҳамда сиёсий маданиятни шакллантиришда иштирок этиш;
- Жамоат бирлашмалари, илмий-ижодий муассаса ва ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- Маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар юрутиш, анжуман ва суҳбатлар ўтказиш;

2017 йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференцияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев форум қатнашчилари ҳамда дунё

жамоатчилигини хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш, бу соҳадаги амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлаган эди. Зотан, минтақа давлатлари бундай таҳдидларга бирдек дуч келмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва экстремизм асосида, бошқа омиллар билан бир қаторда, жоҳиллик ҳамда тоқатсизлик ҳам ётганини БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг юксак минбаридан туриб алоҳида айтиб ўтди. Шу боис инсонлар онги учун кураш асосий вазифадир. Биринчи навбатда, ёшлар тафаккурини эгаллаб олиш талаб қилинади. Чунки экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ ва муҳимдир.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Шу каби оддий талабдан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни ва ушбу масалани биринчи ўринга қўйишни талаб этади.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан, ажратиб бўлмайди— бу шарқона қараш ва шарқона ҳаёт фалсафасидир. Бу ҳақда фикр юритганда биз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт—ё мамот, ё нажот—ё ҳалоккат, ё саодат—ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларини эслашимиз лозим. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида халқимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б. 8.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.:

- Маънавият, 2008, –Б. 110.*
3. *О‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.–T.: Davlat ilmiy nashriyoti. 2002, –Б. 703.*
 4. *Erkayev.A: Globallashuv: axborot xuruji va ommaviy madaniyat// Tafakur – №4. Тошкент, 2008. –Б. 11-12.*
 5. *Karimov I.A. Mintaqada xavfsizlik va barqarorlik yo‘lida. (Shanxay hamkorlik tashkilotida so‘zlagan nutqi). – T.: Ma‘naviyat, 2008. – B. 12*
 6. *Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и геостратегические императивы. –М.: 1998, –Б. 38.*
 7. *Ma‘naviyat:asosiy tushunchalar izohli lug‘ati. –T.: G‘.G‘ulom, 2010. –Б. 297*
 8. *Saidov U. Globallashuv va madaniyatlararo muloqot. – T.: 2008. –Б. 75*

TOTUVLIK VA BAG‘RIKENGLIK – TINCHLIK POYDEVORI

*Xurshida USMANOVA,
Namangan viloyat tarixi va madaniyati
davlat muzeyi ilmiy xodimi*

Ma‘lumki O‘rta Osiyo, xususan O‘zbekiston hududi qadim asrlardan turli madaniyat, til, urf-odat, turmush tarziga ega bo‘lgan, xilma-xil dinlarga e‘tiqod qiluvchi, bir-biriga o‘xshash bo‘lmagan bir necha xalqlar yashagan o‘lkadir. O‘zbekistonning geografik nuqtai nazaridan muhim savdo yo‘llari chorrahasida joylashgani, ko‘plab davlatlar bilan iqtisodiy aloqalar qilgani, turli xalqlarning diniy va ma‘naviy hayotiga, shuningdek, Movarounnahrda urf-odatlar ham o‘zga yurtlar madaniyati rivojiga salmoqli ta‘sir ko‘rsatgan. Bu esa o‘ziga xos millatlararo ham jihatlik va diniy bag‘rikenglikni shakllantirishdagi asosiy omillardan biri bo‘lib xizmat qilgan. Xalqimizning etnik, madaniy va diniy sabr-bardoshi ma‘naviy uyg‘onishning yana bir bitmas-tuganmas manbaidir. Ming yillar mobaynida Markaziy Osiyo g‘oyat xilma-xil dinlar, madaniyatlar va turmush tarzlari tutashgan, tinch-totuv yashagan markaz bo‘lib keldi. Etnik sabr-toqat, bag‘rikenglik, hayot bo‘ronlaridan omon qolish va rivojlanish uchun zarur tabiiy me‘yorlarga aylandi. Hatto bu hududlarni bosib olganlar ham Markaziy Osiyo xalqlarining madaniyati oldida bosh egibgina qolmay, uning eng qimmatbaho an‘analarini, shu hududda mavjud bo‘lgan davlatchilik an‘analarini avaylab qabul qilganlar. Ayni shu zaminda ko‘p asrlar mobaynida jahon madaniyatlari dunyo miqyosida bir-birini boyitgan.

Bu yerda ko'chmanchi xalqlar o'troq xalqlar bilan, eronlik qabilalar bilan, musulmonlar, nasroniylar va yahudiylar bilan ko'p asrlar birga yashab kelganlar. So'nggi ikki asr davomida ham o'zlarini "madaniyatli" va "ma'rifatli" hisoblab kelgan davlatlar ommaviy qirg'inlar va diniy ta'qiblar bilan o'zlariga dog' tushirgan bir paytda, O'zbekiston zamini xalqlar va madaniyatlar tinch joylashgan bir joygina bo'lib qolmay, balki quvg'in qilingan xalqlarga boshpana ham berdi.

Hech kimga sir emaski, bugungi kunda turli dinlar va madaniyatlarga mansub davlatlar o'zaro yaqinlashmoqda. Bu hol ular orasidagi ijtimoiy, madaniy va diniy sohalaridagi doimiy muloqotlarni taqozo etmoqda. Shu maqsaddan kelib chiqib 1945-yilda BMT ustavi "sabr-toqatli bo'lish, jahonda yaxshi qo'shnilar sifatida birgalikda yashash, hamda xalqaro tinchlik va xavfsizlikni qo'llab-quvvatlash uchun sa'y harakatlarimizni birlashtirish"ni o'z maqsadlaridan biri deb e'lon qildi. 1981-yil 25-noyabrda BMT Bosh Assambleyasining 361.55-rezolyutsiyasi din yoki e'tiqodga asoslangan sabr-toqatsizlik va kamsitishning barcha shakllarini tugatish to'g'risidagi deklaratsiyani e'lon qildi. Bosh Assambleya a'zo davlatlarni din yoki e'tiqod erkinligiga rioya qilish va uni kafolatlashga, din yoki e'tiqod erkinligi masalalarida bir-birini tushunish, sabr-toqatli va o'zaro hurmat qilishga ko'maklashishga, hamda din yoki e'tiqoddan BMT ustaviga va BMTning boshqa tegishli hujjatlariga xilof bo'lgan maqsadlarda foydalanilishiga yo'l qo'ymaslikka da'vat etadi.

Bugungi kunda jamiyatimizda turli dinlarga mansub fuqarolarning o'z diniy arkonlari va amallarini emin-erkin ado etishi uchun barcha sharoit yaratilgan. Ta'kidlanganidek, din, shu jumladan, muqaddas islom dinining odamlarni ezgulik va halollik, poklikka undash, tinchlik va osoyishtalikni saqlashga da'vat etishdagi o'rni va ahamiyati beqiyosdir. Biroq bugungi murakkab va tahlikali, tezkor globallashuv davrida dunyoning turli mintaqalarida ro'y berayotgan mojarolarda ba'zan din yoki milliy masala niqob qilib olinayotgani sir emas. Bu barchani yanada hushyorlik va ogohlikka, tinchlik va osoyishtalikni saqlashga, uning qadriga yetishga, jamiyatdagi barqaror muhitni asrab-avaylashga, yoshlar tarbiyasi uchun mas'uliyatni his etishga da'vat etadi. Bu kabi mudhish va vayronakor kuchga qarshi kurashda dunyo hamjamiyati birdek harakat qilishi lozim. Shu ma'noda, yurtimizdagi millatlararo va diniy konfessiyalararo totuvlikni, o'zaro hamjihatlikni ta'minlashga qaratilgan siyosat jahon hamjamiyatiga ibrat bo'la olishi nufuzli xalqaro tashkilotlar, xorijlik olimlar, yetuk mutaxassislar tomonidan e'tirof etilmoqda.

Yurtimizda millatlararo va fuqarolararo totuvlikni yanada mustahkamlashga qaratilgan yangi g'oya va tashabbuslar paydo

bo'layotgani tom ma'nodagi do'stlik qo'rg'onining yanada mustahkam bo'lishiga xizmat qiladi. Yurtimizda ta'lim yetti tilda olib borilayotgani, 138 ta milliy madaniy markazlarning faoliyat ko'rsatayotgani bag'rikenglik siyosatiga nechog'li amal qilinayotganligiga misol bo'la oladi. Qolaversa, 130 dan ortiq millat va elat vakillari o'rtasida diniy bag'rikenglik va millatlararo do'stlik tobora mustahkamlanib bormoqda. Yurtimizda millatlararo va fuqarolararo totuvlikni yanada mustahkamlashga qaratilgan yangi g'oya va tashabbuslar paydo bo'layotgani tom ma'nodagi do'stlik qo'rg'onining yanada mustahkam bo'lishiga xizmat qiladi. Respublikamizda istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlari va an'analari hurmat qilinishini ta'minlanmoqda, va ularning rivojlanishi uchun sharoitlar yaratilmoqda. O'zbekistonning bu borada olib borayotgan oqilona siyosati Vatan ravnaqi, yurt tinchligi, xalq farovonligi kabi umummilliy g'oyalarni barcha yurtdoshlarimiz bilan hamkor va hamjihat bo'lib amalga oshirishimizda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Zero, necha ming yillik tariximiz shundan guvohlik beradiki, olijanoblik va insonparvarlik, millatlararo totuvlikka intilish xalqimizning eng yuksak fazilatlaridandir. Istiqolol bizga ana shu ezgu an'analarni izchil davom ettirish va avloddan avlodga yanada mukammal bo'lib o'tishini ta'minlash imkonini berdi. Zero, O'zbekistonning boyliklari ko'p, lekin bizning eng katta boyligimiz, eng yuksak qadriyatimiz – jamiyatimizda hukm surayotgan tinchlik, millatlararo do'stlik va hamjihatlikdir.

MUNDARIJA

	<i>Soʻz boshi</i>	3
<i>I BOʻLIM. TARIX VA ARXEOLOGIYA</i>		
1	<i>Rasulov A. Tarixiy atamalar tarixiga oid.....</i>	5
2	<i>Shayxitdinova D. Rossiya imperiyasi harbiy bosqiniga qadar boʻlgan davrda Turkistonda hunarmandchilik.....</i>	13
3	<i>Uralov A. Shimoliy Baktriyaning soʻpolli madaniyati urugʻ jamoalarining daʼfn marosimlarida uʻzgarishlar</i>	17
4	<i>Xʻujamov S. Shaʻhrisabz kumuʻsh dirʻxam hazinasini.....</i>	22
5	<i>Nabiyev B. Mulla Niyoz Muhammad Xoʻqandiy va uning “Ibratul xavoqin” (Tarixi Shohruxiy) asari haqida.....</i>	24
6	<i>Pozilova X. Mustaqillik yillarida Xorazm vohasida amalga oshirilgan arxeologik tadqiqotlar. (mudofaa inshootlari misolida).....</i>	27
7	<i>Navruzov S., Matchanova S., Olimova Yu., Zaripbaeva Z. Patriarxalʻnaya semʻya uzbekov yuzhogo Xorezma.....</i>	30
8	<i>Jumaev J. Zamonaviy badiiy fotoqompozitsiyaning asosiy tushunchasi.....</i>	34
9	<i>Ochilov A. XIX asrdagi chet el sayoʻxlari asarlarida Buxoro voʻxasi madaniyatining eʻritilishi.....</i>	37
10	<i>Ortiqov E. Ijtimoiy fanlar tizimida “Diaspora” tushunchasi va uning moʻxiyati.....</i>	44
11	<i>Aliyeva N. Abu Bakr Kosoniy – mashhur fiqhshunos.....</i>	48
12	<i>Mallabaev B. Maʻdumi Aʻzam – tasavvuf-tariqatlarining iurik vakil.....</i>	52
13	<i>Madraʻhimov Z. Kʻuqon xonligida savdo munosabatlari tarixidan.....</i>	58
14	<i>Maxmudov M. Ahtarxoniyalar davrida Buxoro xonligida meʻmorchilik taraqqiyoʻti.....</i>	66
15	<i>Hasanov A. Mustamlakachilik sharoitida Fargʻona viloyatida paxta yakkaohimligining kuchayishi.....</i>	71
16	<i>Zaripov J. Promyshlennaya migratsiya v Uzbekskoy SSSR: razvitiya tendentsii i etapov (1946-1979 gg.).....</i>	76
17	<i>Olimjonov D. Oʻzbekistonga deportatsiya qilinganlarning mehnat faoliyati.....</i>	81

18	<i>Дадамухамедов Б. XIX-XX аср бошларида Ўзбекистон заргарлик санъати.....</i>	87
19	<i>Исмоналиев Ш. Исҳоқхон Тўра Ибрат илм-маърифат фидойиси.....</i>	91
20	<i>Мурадова М. Бегуноҳ – “гуноҳкорлар”.....</i>	94
21	<i>Matasidiqov F. Usmon Nosir – vatanparvar shoir.....</i>	98
22	<i>Джурраев Ш. Научные сотрудники музея – собиратели ценных артефактов.....</i>	103
23	<i>Акрамов М. Қадимий косонсой ҳақида ўйлар.....</i>	108
24	<i>Шайхитдинова Д. Улуг юртдошимизга эҳтиром.....</i>	111
25	<i>Валиева Г. Поп тумани зиёратгоҳлари.....</i>	114
26	<i>Алохонов А. Ноёб фикҳий асар.....</i>	116
27	<i>Комилова З. Заргарлик санъати.....</i>	119
28	<i>Пўлатова Р. Хўжа Аҳмад Валий қадамжоси.....</i>	121
29	<i>Караев Ҳ. Буюк алломалар юрти.....</i>	123
30	<i>Шайхитдинова Д. Бобур ва шарқ тамаддуни.....</i>	125
31	<i>Тўхтабоева Д. Темурийлар даврида санъат ва маданият</i>	129
32	<i>Валиева Ҳ. Пиллачилик тарихи.....</i>	132
33	<i>Muradova M. Chortoq tumani tarixiga bir nazar.....</i>	135
34	<i>Каримов И. “Балиқли кўл” зиёртгоҳи.....</i>	138
35	<i>Джўраева Н. Хориждаги ноёб маънавий меросимиз.....</i>	141
36	<i>Атабаева М. Қадимий сағаналар сирлари.....</i>	145
37	<i>Юсупов И. Музейларда инновацион технологияларнинг жорий этилиши.....</i>	149
38	<i>Каримов М. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи 100 ёшида.....</i>	155
39	<i>Каримов И. Музейлар фаолиятидаги янги давр.....</i>	160
40	<i>Болтаев Б. Бухоро давлат университети музей-лабораториясининг ташкил топиши ва фаолияти (тарихий-илмий таҳлил).....</i>	163
41	<i>Рузибоев Ф. Музейларда аудиогидлардан фойдаланишнинг аҳамияти.....</i>	170
42	<i>Isoqjanov F. O‘zbekistonda arxeologik turizmni rivojlantirishning istiqbollari.....</i>	174
43	<i>Irisboyev Sh. Turizmni SMM marketing orqali rivojlantirish yo‘llarining muhim jihatlari</i>	179

44	<i>Собирова Г. Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш масаласига доир.....</i>	182
45	<i>Маҳмудова Д. БМТ бош котиблари: сиёсий ва ижтимоий фаолиятига чизгилар (Курт Вальдхейм ва Перес де Куэляр мисолида).....</i>	185
46	<i>Мурадова М. Маданият ва илм-фаннинг жонкуяр тарғиботчиси.....</i>	191
47	<i>Давронова М. Кулолчилик тарихидан.....</i>	194
48	<i>Рузиев Н. Андижон кулоллар сулоласининг ўн тўртинчи авлоди.....</i>	197
49	<i>Norinov M. Saylovlarning huquqiy demokratik davlat barpo etishdagi roli.....</i>	201
50	<i>Холбоева М. Тил – миллат фахри.....</i>	206
51	<i>Nurjonova A, Raximova I, Shamshadinova Z. O‘zbek tilim, noming bo‘lsin dillarda doston.....</i>	208
52	<i>Najmiddinova X. Olimlarni sehlagan son.....</i>	211
53	<i>Ismanova O, Azimova Sh, Rustamova K, Abdujabbarova M. Vaziyatning o‘zgarishi maqsadga ta’sir etmaydi.....</i>	220
54	<i>Abdayeva B. XX asr boshlarida o‘zbek adabiy tilining shakllanish omillari (“Kecha va kunduz”romani asosida).....</i>	224
55	<i>Qosimova F. O‘qituvchilar jamoasiga rahbarlik qilishning pedagogik jihatlari.....</i>	226
56	<i>Raupova S. O‘quvchilarda til sathi kompetensiyalarni shakllantirish.....</i>	230
57	<i>Юлдошев Х. Дифференциал ва интеграл ҳисобнинг яратилиш тарихи.....</i>	233
58	<i>Мирзаева Н. Болалар наирларининг ёш авлод психологиясига таъсири.....</i>	238
59	<i>Ro‘ziyeva G, Qorayeva L. Boshlang‘ich sinflarda dars samaradorligini oshirishda pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati.....</i>	246
60	<i>Мадмусаев Ж. “Менинг ўзригина болам” ҳикояси инглизча таржимасида лексик трансформациялар.....</i>	250
61	<i>Oppakova K. Translation problems of phraseological units...</i>	255
62	<i>Маҳмудова Г. Ijodiy matn ustida ishlash asosida o‘quvchilar bilimini mustahkamlash.....</i>	259

63	<i>Aliboyeva D. Boshlang'ich ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati.....</i>	264
64	<i>Axmadjanova M. Umumta'lim maktablarida ingliz tili grammatikasini o'rganishdagi muammo va yechimlari.....</i>	268
65	<i>Болтабоева М. Ўзбекистон ёшлари бузгунчи гояларга қарши.....</i>	272
66	<i>Usmanova X. Totuvlik va bag'rikenglik – tinchlik poydevori</i>	281

Илмий-оммабоп нашр

ТАМАДДУН СИЛСИЛАСИ

(Мақолалар тўплами)

*Даврий тўплам
№ 1*

Муҳаррир: Иброҳим Маҳкамов

Техник муҳаррир: Қодир Мамадалиев

Дизайнер: Миркомил Усмонов

«Истеъдод зиё пресс» нашриёти,
Наманган шаҳри, 3-кичик туман, 2-уй.

Теришга 2020 йил 28 сентябрда берилди. Босишга 2020 йил 9 октябрда рухсат этилди. Бичими: 60x84 ^{1/16}. «Cambria» гарнитурасида офсет босма усулида оқ қоғозга босилди. Ҳажми 18 босма табоқ. Адади 150 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

«Яшин саноат» хусусий корхонаси
босмахонасида чоп этилди.
Наманган шаҳри, Ҳамроҳ кўчаси, 71а-уй.

32,1,30,3,28,5,26,7,24,9,22,11,20,13,18,15
16,17,14,19,12,21,10,23,8,25,6,27,4,29,2,31

64,33,62,35,60,37,58,39,56,41,54,43,52,45,50,47
48,49,46,51,44,53,42,55,40,57,38,59,36,61,34,63

96,65,94,67,92,69,90,71,88,73,86,75,84,77,82,79
80,81,78,83,76,85,74,87,72,89,70,91,68,93,66,95

128,97,126,99,124,101,122,103,120,105,118,107,116,109,114,111
112,113,110,115,108,117,106,119,104,121,102,123,100,125,98,127

160,129,158,131,156,133,154,135,152,137,150,139,148,141,146,143
144,145,142,147,140,149,138,151,136,153,134,155,132,157,130,159

192,161,190,163,188,165,186,167,184,169,182,171,180,173,178,175
176,177,174,179,172,181,170,183,168,185,166,187,164,189,162,191

224,193,222,195,220,197,218,199,216,201,214,203,212,205,210,207
208,209,206,211,204,213,202,215,200,217,198,219,196,221,194,223

256,225,254,227,252,229,250,231,248,233,246,235,244,237,242,239
240,241,238,243,236,245,234,247,232,249,230,251,228,253,226,255

288,257,286,259,284,261,282,263,280,265,278,267,276,269,274,271
272,273,270,275,268,277,266,279,264,281,262,283,260,285,258,287